

Ияхом Ганиев

# ФИТРАТШУНОСЛИК

ФИТРАТШУНОСЛИК

Ҳуз  
 Бодула ака!  
 Сизни Фитратшунослик  
 халқига  
 Чин. Ҳақикат  
 шў-муром  
 16.05.95

Бухоро - 1995.

36264

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
 ToshDO'LATI  
 AXBOROT-RESURS MARKAZI

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЛҲОМ ФАНИЕВ**

**ФИТРАТ ВА ФИТРАТШУНОСЛИК**

**Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
«ФАН» нашриёти  
2005**

Ушбу китобда Фитрат ҳаётлик чоғидаёқ бошланган фитратшуносликнинг кўп йиллик тараққиёт тамойиллари, адиб драмаларининг ғоявий-бадний таҳлили, образлар олами, фаласафий концепцияси, жади́дчилик ва миллий бирлик ғоясининг бадний адабиётдаги инъикоси муаммолари атрофлича илмий тадқиқ этилган. Шунингдек, муаллиф «Абулфайзхон» трагедиясининг жанр хусусиятлари, унинг Шекспир асарлари билан қиёси, тарихий ва бадний ҳақиқат уйғунлиги масалаларини ҳам назарий жиҳатдан таҳлил этади.

Китоб адабиётшунослар, аспирант ва магистрантлар, олий ўқув юртининг филология факультетлари талабалари учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

**Филология фанлари доктори, профессор Б. САРИМСОҚОВ**

**Тақризчилар:**

**Филология фанлари доктори, профессор О. САФАРОВ,  
Филология фанлари номзоди, доцент Ғ.МУРОДОВ**

**I SB № 5 – 648-03213-7**

**© Ўзбекистон Республикаси  
ФЛ “Фан” нашриёти.  
2005 йил**



*Илмга муҳаббат уйғотган онам  
Фотима Муҳсин қизи ҳамда отам  
Музаффар Фани ўғлининг ўлмас  
хотирасига бағишлайман*

## К И Р И Ш

XX аср миллий тафаккуримиз тарихини Абдурауф Абдурахмон ўғли Фитратсиз (1886-1938) тасаввур қилиш мумкин эмас. Унинг ҳаёти ва ижоди тарих чорраҳасининг энг мураккаб, ўта қалтис даврида кечмишдир. Фитратнинг болалиги топталган ўлка - Туркистоннинг фарёди авж пардага чиққан йилларда ўтди: Чор истилосидан эл зада, юрт вайрон, масжиду мадрасалар топталган, гузару мазорлар хароб, ботирлари осилгану отилган Туркистон ва унинг гавҳар гўнаси Бухоро ўз бошидан қиёмат-қойим кунлар кечирмакда эди. Ҳали арабу мўғул босқинининг жароҳатлари битмай туриб, руҳидан «аждоғлар охи», қонидан «Қилич занги» (Абдулла Ориф), Чор Русиёсининг ёвузликлари кетмаган туркистонлиларнинг фиғонини фалакка еткурди. Буларнинг барча-барчаси ёш Фитратнинг хотирасида муҳрланмаслиги мумкинми?! Йўқ! Ҳақиқатан, муҳрланиб қолди! Агар Фитратнинг оддий публицистик мақоласидан тортиб адабий-танқидий тадқиқотларигача (бадий меросини қўйиб турайлик!) дил кўзимизни тиксак, бир ҳақиқатга имон келтирамиз: Фитрат меросининг бутун ботинида Туркистон тақдири учун қайғуришдек маҳзун бир руҳ устивор: «Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Санга не бўлди? Ҳолинг қалайдур?! Нечук кунларга қолдинг? Эй чингизларнинг, темурларнинг, ўғузларнинг оилаларининг жонли болалари! Қани улуғлигинг, юксак ўриларинг? Қуллик чуқурларига недан тушдинг!»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Фитрат. Юрт қайғуси. «Хуррият», 1917 йил 28 июль.

Биз Фитратнинг ҳаёти, ижодига назар солиб, таҳлилу тадқиқу талқин этишга киришар эканмиз, энг аввало, ана шу МАҲЗУН РУҲ инъикосини ҳис этмоғимиз шарт. Ва яна бир ҳақиқат хотирамиз пешгоҳида бўлиши керакки, Шарқ улуғлари меросининг ботини муқаддас Куръондан нурланиб тургани исбот талаб қилмайдургон бир чин - аксиома бўлганидек, бу қоида бевосита Фитратга ҳам тегишлидир.

Ҳўш, шундай экан, фитратшунослар бу азизу улуғ шахс ҳаёти ва ижодини ўрганиш жараёнида ҳамма вақт ҳам ана шу мезон асосида ёндашдиларми? Фитрат меросининг қайси бир томони ҳаққоний баҳо олдию, қай бир жиҳати мутлақо ўрганилмади? Гоҳ тўғри, гоҳ хато, ғалату тескари талқину тадқиқлардан мақсад нима эди? Оқибати қандоқ бўлди? Бугунги фитратшуносларнинг умумий аҳвол-руҳияси қандоқ? Бу каби ўнлаб саволлар алоҳида текширишни талаб қилгани боис, биз фитратшуносликнинг мухтасар тарихини (имкон қадар!) ёритишга ниятландик.

Фитрат серқирра истеъдод соҳиби бўлгани боис, унинг қўл урмаган фан соҳаси кам. У - шоир, ёзувчи, драматург, муסיқашунос, файласуф, публицист, муаррих, географ, таржимон, математик, тупроқшунос, ислохотчи-педагог, илми нужум ва манозиру мараё (оптик), муқобала ва шарри аскол (механика), табобат, тавсир илмининг зариф олими, беназир шарқшунос, адабиётшуносу тилшунос. Фитрат ҳаёти ва ижодига қизиқиш тириклик чоғидаёқ бошланган эди. Аср боши, айниқса, 1920-30 йилларда яратилган турли тарих таъкира, баёз, мақола, рисола ва тадқиқотларда адибнинг номи, ижодидан намуналар, ё ёзганларига муносабат у ёки бу сабаб билан учраб туради.

Фитрат ҳаёти ва ижодиининг ўрганилиш босқичини шартли тўртга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Фитратнинг ўзи тириклигида ҳаёти ва ижодини ўрганиш.

2. 1938 йил 4 октябрдан - сталинча қатағон сиёсатининг оқибатида ноҳақ қатл этилишидан бошлаб токим 1956 йил (собиқ КПССнинг XX съезидан сўнг шахсга сиғинишнинг расман тугатилиши)гача бўлган давр.

3. 1956 йилдан 1985 йил (собиқ Иттифоқнинг апрель пленуми ва ошкоралик, демократиянинг тантанаси)гача бўлган давр.

4. 1985 йилдан тоқим шу қунларгача бўлган 20 йиллик (бу фитратшуносликда алоҳида босқичдир) давр.

Фитрат ҳаёти ва ижодини ёритган манбаларни мақсад, характериға қараб эса шартли 3 қисмға ажратиш мумкин:

а) адиб асарларининг нашри, саҳналаштирилиши муносабати билан ёзилган таҳлилий таништирув, таниш ва тақриз руҳидаги ишлар;

б) адабиёт ва санъатнинг умумий муаммолари хусусида ёзилиб, Фитрат асарлари мисолға олинган ишлар;

в) Фитрат асарлари бевосита тадқиқот объекти қилиб олинган ишлар.

Фитрат ҳақида ёзганларнинг умумий рўйхати 150 дан ортиқ бўлгани боис, биз ҳар бир қисмға оид фамилияларни қаторлаштиришдан сақландик.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йигирма йилликда фитратшуносликда жиддий ишлар қилинди. Адибнинг 50 дан ортиқ асарлари нашрга тайёрланиб, сўзбоши ва изоҳлар билан турли матбуотда чоп этилди<sup>1</sup>. Қисқа бир муддат

---

<sup>1</sup> Қараиғ: «Фитрат. «Шарқ» достонидан нарча, шеърлар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1988 (Бундан кейин бу газетни қисқартириб ЎзАС деб кўрсатамиз - И.Ғ.); Фитрат. «Адабиёт қондалари». «Фан ва турмуш», 1989, 50-сон (нашрга тайёрлаб, сўзбоши ёзган Ш.Турдиев); Фитрат. Ҳинд сайёҳининг қиссаси (нарча). ЎзАС, 1989, 4 август (форсийдан Ҳ.Қудратулласев таржимаси); Фитрат. Абулфайзхон. «Шарқ юлдузи», 1989, 1-сон (Сўзбоши муаллифи Э.Каримов, нашрга тайёрловчи С.Зуфаров); Фитрат. Ҳинд ихтилолчилари. «Шарқ юлдузи», 1990, 4-сон (ношир ва сўзбоши муаллифи Ш.Турдиев). Фитрат. Шарқда шахмат. «Шарқ юлдузи», 1990, 2-сон (ношир ва сўзбоши муаллифи М.Ҳасанов); Фитрат. Тилимиз. ЎзАС, 1990, 4 май (ношир ва сўзбоши муаллифи Ҳ.Болтабоев); Яна қараиғ: Фитрат. Тилимиз. Ёпишмаган гажаклар (Ж.Бойбулатовға очиқ хат). Ношир Ҳ.Болтабоев, кириш сўз муаллифи О.Шарафиддинов. «Ёшлик», 1990, 5-сон; Фитрат. 99 феъл талқини. «Ёшлик», 1990, 4-сон; Фитрат. Юрт қайуси. «Фан ва турмуш», 1990, 9-сон. Ношир Саид Акбар Аъям Хужа; Фитрат. Мухторият. «Фан ва турмуш», 1990, 10-сон (ношир Ш.Турдиев); Фитрат. Амир Олимхон тарихи (нарча). Форсийдан Ҳ.Қудратулласев таржимаси. ЎзАС, 1990, 31 август; Фитрат. Шеърлар. Ношир ва кириш сўз муаллифи Ҳ.Болтабоев. «Шарқ юлдузи», 1991, 6-сон; Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи (нарча). Ношир ва сўзбоши муаллифи Ҳ.Болтабоев. ЎзАС, 1991, 22 март; Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. -Тошкент:«Минҳож» нашриёти, 1992; Фитрат. Шарқ сийсати. -Бухоро, 1992. Сўзбоши муаллифи И.Ғаниев, ноширлар Б.Эрганиев, И.Ғаниев; Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ҳамда унинг тарихи. -Тошкент, 1994; Фитрат. Бир икки сўз. «Сарф»дан

иҳида Фитрат асарларининг библиографияси тартиб берилди<sup>1</sup>.

1992 йил 21-23 май кунлари Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти раҳбариятининг ташаббуси билан «Абдурауф Фитрат миллий феномени, адабий, илмий-назарий мероси, ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган биринчи жумҳурият илмий-амалий анжумани» ўтказилиб, ўқилган маърузаларнинг мухтасари (тезиси) алоҳида китоб ҳолида нағр. ўтилди<sup>2</sup>.

Фитрат номини абадийлаштиришга ҳам жиддий эътибор қаратилиб, мактаблар унинг номига қўйилди ва адиб яшаган, 1921 йили Биринчи Шарқ мусиқа мактабига ўз ихтиёри билан берган уйида (собик Дзержинский кўчаси, 7,13 уй. Ҳозир Равғангарон гузари) хотира лавҳаси ўрнатилди. Бухоро университетида Фитрат номида стипендия таъсис этилди. 1991 йил 15 декабрда Бухоронинг ўтмиши, фалсафаси, ижтимоий ҳаёти, ахлоқий таълимоти, диши, адабиёти, санъати, этнографиясини ўрганувчи «Навқирон Бухоро» - «ижтимоий текширишлар маркази»нинг иш бошлаши ҳам фитратшунослик тарихида алоҳида саҳифалар очди.

Аmmo, афсуски, тарих бизга қанча катта имкониятлар бермасин, ҳали Фитратнинг ўлмас руҳи, мероси олдидан қониқарли ишлар қила олдик дея олмаймиз. Тўғри. Илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётир. Лекин, энг асосийси, Фитратнинг 135 номдаги асаридан атиги 50 тасининг

---

парча) «Навқирон Бухоро», 1992, 2-сон (ношир Б.Эргашев); Фитрат. Саржухан (ба асарн Садриддин Айни «Одина»). «Навқирон Бухоро», 1992, 6-сон (ношир Б.Эргашев) ва бошқа.

<sup>1</sup> Қаранг: Болтабоев Ҳ. Номиълум Фитрат. «Енлик» ойномаси, 1990, 4-сон. Фитрат асарларининг 87 та кўраткичи илюв қилинган; Эргашев Б., ғаниев И. Указатель основных опубликованных произведений Абдурауфа Фитрата (1909-1936). «Навқирон Бухоро», 1992, 7-сон, 18-29-бетлар; ғаниев И. Фитратнинг трагедия яратгани маҳорати. -Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992, 135-145-бетлар (жами 135 асар кўраткичи берилган).

<sup>2</sup> Абдурауф Фитрат миллий феномени, адабий, илмий-назарий мероси, ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган биринчи жумҳурият илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро. 21-23-май. 1992. (Бундан сўнг маъмур тўғрнм қисқартрилиб «Анжуман материаллари» дейилди).

букунгача ўз эгалари - халққа етказилгани ҳали фажрга имкон бермас.

Фитратшунослик тарихини ёритишга қаратилган биринчи бўлимда биз, асосан, хронологик принципга таяндик. Аммо, қайд этиш зарурки, айрим муаллифларнинг турли йилларда ёзган тадқиқотлари хусусида сўзлаганда бу тартибдан бир қадар чекинилди. Мақсад: бир шахснинг хизматларини турли жойда, тарқоқ ҳолда кўрсатгандан кўра, бир нуқтада жамландир.

Тарихчадан мақсад келгусида яратилажак тадқиқотлар учун кўмакланмак, ҳозиргача эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиб, камчиликлардан сабоқ чиқармакдир. Зеро, Абдулла Қодирий айтганларидек, «ҳар бир ишнинг ҳам янги - ибтидоий даврида талай камчиликлар билан майдога чиқиши, аҳилларнинг етишмаклари ила аста-секин тузалиб, такомилга юз тутиши табиий бир ҳолдир».

Ушбу китобнинг иккинчи бўлимида Фитратнинг «Арслон», «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари» драмалари ҳамда «Ўзбек классик мусиқаси ҳамда унинг тарихи» асари таҳлил этилган. Драмаларнинг яратилиш, саҳналаштирилиши, нашр этилиши тарихи; уларнинг ғоявий-бадний қирралари, образлар дунёси, миллий маданиятимиз тарихидаги мавқеи каби муаммолар атрофида баҳс юритилади.

Учинчи бўлим биринчи ўзбек миллий трагедияси - «Абулфайзхон» тадқиқига бағишланган. Унда трагедиянинг яратилиш сабаб ва боислари, тарихий ҳақиқатнинг бадний ҳақиқатга айлантирилишида намоён бўлган драматург маҳорати, образлар олами, Фитратнинг фалсафий концепцияси тадқиқ этилиб, мазкур асарнинг Шекспир драмалари билан қиёсий таҳлили берилган.

Бир сўз билан ифодалаганда, Фитрат асарлари -- бу миллат ўтмиши, маданият ва санъати, ғоя ва мафкураси тарихи ҳамдир. Бу ноёб маънавий дурдоналарни қайта ўқиган шахснинг қалбида Ватан ва миллат, эрк ва озодлик, истиқдол ва келажак туйғуси янада чуқурроқ илдиз отади.

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ФИТРАТШУНОСЛИК

XX аср инсоният тарихида ўзининг инқилобий талотўплари, техникавий тараққиёти, кимёвий янгиликлари, жаҳон урушларию маънавий-руҳий таназзуллари билан ҳам алоҳида юз йилликдир. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, ахлоқий қийинчилик, маънавий-руҳий ўпирилишлар қанчалик кўп бўлмасин, барибир қоннию руҳида улуг хислат, фазилат, истезод бўлган эл дунёга ўз буюкларини ҳаёда этишдан тўхтамайди. Шу маънода XIX аср охири XX аср боншида яшаб ижод этган муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдурауф Фитратлар елкасидаги Ватан, миллат юки, ғамю дарди, истиқболнинг изтироби қанчалар залворли бўлганини ҳис этамиз.

Шунинг учун ҳам миллатпарвар Фитрат ўзининг дастлабки ижодини маърифатпарварлик, ислохотчилик ғоялари билан бошлади. Жаҳон мамлакатлари умумий тараққиётдан маълум маънода ортда қолган Бухоро (унинг тимсолида Туркистон) манғитлардан (1747-1920) «мерос» қолган қоқоқликдан қутилолмай, иккинчи томондан Чор Русиёсининг тазйиқидан жони ҳалак эди. «Ҳар нарса узокдин кўринур аён» (С.Есенин) деганларидек, Фитрат ҳам ўзи ва Файзулла Хўжанинг ташаббуси билан тузилган «Хайрия жамияти»нинг кўмагида Туркиянинг Истамбул университетига ўқишга бораркан, она юртга олишдан назар солди (1909-1914). Фитрат ўз қарашлари, эътиқодию жадидчилик таълимот-ҳаракатининг инъикоси бўлмиш шеърый, насрий-публицистик, фалсафий асарлари билан Туркистоннинг хур истиқболни орзу қилди, нажот излади. «Сайҳа»<sup>1</sup>, «Мунозара»<sup>2</sup>нинг яратилиш тарихи бевосита бир

<sup>1</sup> «Сайҳа». Шеърхон форен. -Стамбул, 1909 (Ўзбекчаси «Чорлов»).

<sup>2</sup> Қараг: «Мунозара». -Стамбул, 1909-1910 (форс тилида); Спор бухарского мударриса с европейцем в Индии о новометодных школах. -Ташкент, 1913;

вақллар «маданият осмониининг порлоқ юлдузи, инсоният китобиининг нузли саҳифаси бўлган Туркистон» тақдири билан боғлиқдир.

Фитратнинг жадидчилик-ислоҳотчилик ғояларининг қомуси бўлмиш «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» (1911)<sup>1</sup> ҳам юрт қайғусида кучли дард-ла ёзилмишдир.

Фитрат ҳаёти ва ижодига муносабат ҳам Туркистон матбуотида худди ана шу асарларининг кучли таъсири, физиклар тилида аниқроқ ифодалалганда, резонанси билан пайдо бўла бошлади.

Фитратнинг «Мунозара»си ҳақида рус олими В.Б.Андреев ўзининг «Бухородаги янги оқимлар» мақоласини ёзди ва Бухорода вужудга келаяётган маърифатчилик-жадидчилик ғояларини янги йўл-оқим сифатида баҳолади<sup>2</sup>.

А.Самойлович «Турк халқлари адабиёти» (1919) деб номланган тадқиқотида асосан, Туркистоннинг 1914 йилда бошланган Биринчи жаҳон уруши давридаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволи, адабий ва маданий ҳаёти, «чиғатой» адабиётининг келиб чиқиши ва маҳаллий театрулар хусусида сўзлаб Фитратнинг номини ҳам қайд этади<sup>3</sup>. Рус олими 1922 йилда ёзган «Ёш бухороликлар»нинг биринчи яширин тапшиқоти» мақоласида «Бухорода маърифат тарқатиш» жамияти ҳақида сўзлаб, Абдурауф Фитрат фаолиятига ҳам баҳо беради<sup>4</sup>. А.Самойлович айниқса, «Бухороий шариф», «Турон» газеталарининг маърифатчилик тарғиботига чуқур тўхталди.

---

Фитрат. Ҳиндистонда бир фаранги или бухороли бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадиди хусусида қилган мунозараси. -Тошкент,1913 (Шу кунда ЎзР ФА Шарқшунослик институтига сақланган).

<sup>1</sup> Фитрат. Баёниети сайёҳи ҳинди. -Стамбул,1911(форс тилида); Рассказы индийского путешественника. -Самарканд,1913; Яна Қаринг: «Звезда Востока». -Ташкент,1990, №7; Ҳинд сайёҳининг қиссаси. «Шарқ юлдузи»,1991,8-сон (форсийдан Х.Қудратуллаев таржимасида ЎзФА мухбир аъзоси Б.Назаров сўзбошиси билан нашр этилган).

<sup>2</sup> Андреев В.Б. Новые течения в Бухаре (О книге Фитрата «Мунозара»). Туркестанские ведомости. 1910 г. 13,15,20 октября.

<sup>3</sup> Самойлович А. Литература турецких народов. «Литература Востока». 1919 г. № 1.

<sup>4</sup> Самойлович А. «Первое тайное общество млядобухарцев». Восток,1922, №1, стр.97.

Фитратнинг фикрдош ва қисматдоши бўлиши Абдулхамид Сулаймон ўгли Чўлпон «Чин севиш»<sup>1</sup>нинг сахналаштирилиши муносабати билан ёзган тақризини шундай бошлайди: «Яқинда ўзбек сахнаси улуғ ва улуғлиги қадар юксак ва гўзал бир томоша кўрди»<sup>2</sup>. Чўлпон драмадаги Зулайҳо, Нуриддин, Раҳматуллоҳон, Каримбахшхон образларининг талқинига чуқур тўхталиб, асарни, асосан, бадий адабиёт намунаси сифатида эмас, сахनावийлик нуқтаи назаридаи таҳлил этади. Бинобарин, «Боя айтганимдай Нуриддин «чин севиш»га еткан бир ошиқдир, - дейди Чўлпон, - ва шунинг учун у хаёллидир. Машрабдир, Девонадир... Бу рўлни атоқли ўхшатувчимиз Уйгур муни яхши ўйнади. Айниқса, учинчи пардада кўрсатқан қилиғлари тўғри ва жойли эдилар. Тўғрисиини айтмоғ керак бўлса, 4 ичи пардада Нуриддин рўли етарли чиқмади: аллақандай кўзга ярашмаган ва оддий қилиғлар кўрилди...»<sup>3</sup>. Бу Чўлпоннинг нафақат фитратшуносликдаги илк тақриси, балки ўзбек театри танқидчилигининг ривождаги муҳим ҳиссаси ҳамдир. Чўлпон «Чин севиш»ни бошдан-оёқ таҳлил этмайди, балки қисқа, лўнда, сермаъно ва руҳли жумлаларда «Карл Маркс» тўдаси томонидан сахналаштирилган Фитрат асарини гўзал баҳолайди. Қаранг: «Сўнг пардада руҳли бўлишка тегиш экан, руҳсиз чиқди... Халқ, томошачи халқимиз буюк армонли, соф адабий нарсаларга ҳам тушуниб келади». Нақадар қисқаю пурмаъно жумлалар!

Фитратнинг «Чин севиш»и ўз даврида томошабинлар томонидан жуда яхши кутиб олингани, «Карл Маркс» тўдаси уни яхши ижро этгани боис 20-йиллар матбуотида бу асар ҳақида илиқ фикрлар айтилган<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Фитрат. Чин севиш. Ҳинд ихтилолчилари тўғрисида ёзилган беш пардали драма. -Тошкент,1920 (Китоб нусхаси Бухоро вилоят Абу Али ибн Сино номли кутубхонада сақлалади); Яна Қаранг: «Салғат» ойномаси», 1991, 4-сон.

<sup>2</sup> Чўлпон. Чин севиш. Интироқнома. 1920 йил 25 ноябр. Яна Қаранг: Чўлпон. Адабиёт надири? -Тошкент: «Чўлпон» нашриёти, 1994. 73-76-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша ерда.

<sup>4</sup> Қаранг: «Чин севиш» ностановкаси ҳақида. «Қизил байроқ», 1921, 17.22 сентябрь.



Чўлпон Фитратнинг 1921 йил 13 декабрда «Турон» кишлоқ биносига қўйилган «Або Муслим Хуросоний» драмасининг ижросида ҳам иштирок этган ва «Туркистон» газетининг ўша йил 21 декабр сонига «Або Муслим» номли мақола-такриз ёзган<sup>1</sup>. Фитрат ижодига чин бир ихлос, театрлар ҳаётига куюнчаклик руҳида ёзилган мазкур иш бутунгача бизнинг қўлимизда йўқ (Йўқолган дейишга тил бормайди, ноумид шайтон, топилишига тангри инояти ила умидвормиз). «Або Муслим Хуросоний»нинг умумий ғояси, нафосидан бизни огоҳ этиши билан ҳам азиздир.

«Томоша - аралашкучу қахрамонларнинг қўблиги ҳам, - деб ёзади Чўлпон, - тарихнинг энг чувалапқои давридап олиниб ёзилғони учун томошанинг сўнгига унинг натижасини тўла кўрсататурғон бир кўриниш ортдирилғон. Бу кўриниш хийла муваффақиятлик тузилган... Умуман, томошада Фитратга хос сўз усталиги хийла кучлик. Бу жиҳатдан томоша катта бир адабий аҳамиятга моликдир»<sup>2</sup>.

Чўлпон спектаклда Абу Муслим Хуросоний тимсолида сахнада пайдо бўлган Аброр Ҳидоятлов, аббосийларнинг биринчи халифаси ролини ижро этган Сайфиқори (Олимов), Заҳҳок образини яратган Маннон Мажидов, Гулнор тимсолида ўйнаган Маъсума Қориева, Амир Али ролида ўйнаган Шокир Нажмиддиновлар ижроси ҳақида батафсил тўхтайдилар<sup>3</sup>.

«Энди ўйнағувчиларга келсак, - дейди Чўлпон, - Або Муслим рўлида Аброр томошанинг бондан-оёғигача бир текис олиб бора олмади. Очиброқ айтқанда, биз исломият тарихида жуда улғ давруқларга сабаб бўлғон темир вужудлик, пўлат иродалик, мудҳиш Або Муслимни кўра олмадик». Чўлпон актёрлар ижросининг суёт ёки жонли жиҳатларига эътиборни қаратиб, гоҳо танқид қиларкан, сахнадаги ижодий жараённи яхши ҳис этиб, актёрларнинг келгусидаги ижро-роллар учун кўнглини кўтариб, қобилиятини тан олиб, руҳлантиришни ҳам бурч деб билган:

<sup>1</sup> Қаламдар (Чўлпон). Або Муслим. Туркистон, 1921 йил 21 декабр. Яна Қарағ: Чўлпон. Адабиёт надуру? Тошкент, 1994, 76-78-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша ерда.

<sup>3</sup> Қаламдар. Або Муслим. Туркистон, 1921, 21 декабрь.

«Аброр эпчил артистимиздир, шу тилагимизни бу сафар бўлмаса, бошқа бир сафар бера олишига ишонамиз»

Шу билан бир қаторда Чўлпон ўша даврда (ҳозир ҳам!) театрлар учун муаммо бўлиб турган, томошаларга халқнинг кам ё кўп бориш-бормаслигининг сабаби бу янги санъатнинг эл ичига ҳали «сингиб улгурмаганлиги» эмас, балки жонли, ёниқ руҳли томошаларнинг озлигида, деб билади: «Халқ театрга юрмайди» деган гап тўғри эмас, халқ юрадир. Лекин, театр-томоша исмида бўлатурғон қурчоқ (қуруқ, руҳсиз) ўюнлариға, ўз руҳига ёт бўлғон, унга англашилмайтурғон таржималик «ғарбий»ға юрмаса ҳам ҳаққи бордир. Йўқ эса ўзини қизиқтирғон замонларда ёзилғон (кўпроқ тарихий мавзуда - И. Ғ.) ва яхши ўйналатурғон томошаларға халқ юрадир»<sup>1</sup>.

1921 йилнинг 31 ноябрида «Або Муслим» номли мақола чоп этилган<sup>2</sup>. Муаллифи – Турғунбой. Аниқлашимизча, Фитратнинг замондоши, тилшунос олим Қаюм Рамазонов ўз даври матбуотида шу таҳаллус ила чиқишлар қилган экан<sup>3</sup>.

Маълумки, Фитрат 1921 йилда «Қон» номли беш пардадан иборат трагедия ёзган<sup>4</sup>. Аммо бу драма ҳам бизгача етиб келмади. Театр тапқидчиси Б.А.Пестовский ва жамоат арбоби Назир Тўрақуловларнинг ёзишича, бу пьеса Бухоро инқилоби ҳақида бўлса керак<sup>5</sup>.

1922 йилда Фитратнинг «Ким деяй сени?» номли шеърлар туркуми «Ўзбек ёш шоирлари» тўшламида чоп этилиб, бу ҳақда икки йилдан сўнг ўз даврининг таниқли адабиётшуноси Абдурахмон Саъдийнинг «Ўзбек шоирлари»

<sup>1</sup> Ўша ерда.

<sup>2</sup> Турғунбой. Або Муслим. Туркистон, 1921, 31 ноябрь.

<sup>3</sup> Қарағ: Олтой (Бонс Қорраев). 20-йиллар ўзбек совет адабиётининг асосий хусусиятлари. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1967.

<sup>4</sup> Фитрат. Қон. Беш пардали фожиа. Тошкент, 1931.

<sup>5</sup> Қарағ: Пестовский Б.А. Ўзбек театри. «Санъат ва ҳаёт». Москва, 1922, 1-сон; Тўрақулов Н. Бухоро совет халқ республикаси «Миллий ҳаёт». М., 1928, 1-сон, 195-200-бетлар; Эргинев Б., ганже» И. Указатель основных опубликованных произведений А.Фитрата. «Навқирон Бухоро». 1922. 7-сон, 24-бет.

деган тақризи матбуотда босилган<sup>1</sup>. Тўпламга «Ўзбек билим хайъати» томонидан «Ўз боши» ёзилган бўлиб, жумладан, шундай дейилади: «Адабиёт. Бир элнинг юксалишини кўрсататурган бир қуролдир. Дунёда япаган бир элнинг юксалганин ва юксалмаганин шул адабиёти билан ўлчаб билса бўлур. Адабиёти юксалган бир элнинг билим-хунарда юксалгусидир»<sup>2</sup>.

Фитратнинг «Қиёмат» хаёлий ҳикояси 1923 йил Москвада нашр этилди. Шу муносабат билан китобга «Ўз боши» ёзган Файзулла Хўжаевнинг сафдоши Назир Тўрақулов (Дарвеш) Фитратнинг фалсафий тахайюлотини хис этади ва ҳикояни уйғониш даврининг буюк шоири Данте Алигьериининг «Илохий комедия»сига қиёслайди<sup>3</sup>. Таъкидлаш жоизки, фитратшунос Ҳамидулла Болтабосов тўғри қайд этганидек<sup>4</sup>, Фитратнинг «атеизм» байроғи остида энг кўп нашр этилган асари ҳам «Қиёмат»дир. Атеистлар «Қиёмат»нинг фақатгина ташқи томони, бош қаҳрамон Рўзиқулнинг «у дунёдаги» саргузаштлари, «ужмоҳ», «тамуғ» ҳақидаги даҳрий сўзларигагина эътибор бериб (алданиб!), ҳақиқий ботиний маънога диққат қилмаганлар. Тўғрироғи, диққат қилган бўлсалар-да, тушулмаганлар. Ҳолбуки, Фитрат ҳикоя ботинига зўрликка асосланган жамиятнинг инсонга бахт-саодат ваъда қилиб, оқибатда қуруқ шиорни, очарчилик, теиғсизлик, тартибсизликларни раво кўрганлигини чуқур қайғу билан сингдиради. Воқеалар баъзан кишида кулги уйғотса-да, асар трагик пафос билан йўғрилгандир.

1923 йилда Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» драмаси Олмонияда таҳсил олаётган зиёлилар томонидан Берлинда нашр эттирилди<sup>5</sup>. Тез орада таниқли адабиётшунос Вадуд Махмуд «Ҳинд ихтилолчилари». Театр китоби. Фитрат асари» номли мақола-тақриз ёзиб

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбек ёш шоирлари (Шеърлар тўплами). -Тошкент: Туркистон давлат нашриёти, 1922; Саъдий А. Ўзбек шоирлари (шу номли шеърлар тўплами ҳақида). «Туркистон», 1924, 12 январь.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 3-бет.

<sup>3</sup> Фитрат. Қиёмат. - М., 1923; Яна Қаранг: Қиёмат. - Тошкент, 1967.

<sup>4</sup> Болтабосов Ҳ. Абдурауф Фитрат. - Тошкент, 1922, 27-бет.

<sup>5</sup> Фитрат. Ҳинд ихтилолчилари. - Берлин, 1923. Яна Қаранг: «Шарҳ юлдузи», 1990, 4-сон.

«Туркистон» газетида чоп этди<sup>1</sup>. Муаллиф драманинг мундарижаси-воқеаларини мухтасар шарҳлаб, асардари «тасвирлар, ҳаяжонлар анча тузук ва мукамал» эканини қайд этади. Раҳимбахш ва Дилнавознинг таъсирчан, драматик руҳдаги ёниқ нутқларини, томолабинни тўлқинлантирувчи, афоризмга тенг Фитрат сўзларини такрорлашни лозим топади: «Ишпоғонлар ишпоғонларни енга олмаслар» каби энг чуқур маъноли насихатлар, ҳақиқатлар, англайтурғон кишиларга катта бир дарс, ибрат бўларликлар. «Тирик экансиз - тебранурсиз, тебранмас экансиз - ўликсиз» каби бизнинг ҳозирги турмушимиз ва тирикчилигимизга мувофиқ калтақлар асарнинг энг фойдалиқ жумлаларидандир»<sup>2</sup>. Вадуд Маҳмуд Фитрат назарда тутган энг нозик, тағдор маъноларни ҳам теран ҳис этади. Чунки Фитрат ҳамиша ўз драмалари орқали зўрликка асосланган тузумнинг манфур башарасини очишга ҳаракат қилар, сўзлар, ишоралар, мажоз, киноя, истиоралар воситасида ўз эзгу мақсадини яна бир карра халққа англашмакчи бўлурди. Мунаққид жамиятнинг нозик томонларига тегадурғон бул нуқталарни инжа ҳис этаркан, «тирикчилигимизга мувофиқ калтақлар» дейиш ила Фитратни қўллайди. Шунинг билан бир қаторда Вадуд Маҳмуд «Ҳинд ихтилолчилари»нинг камчиликларини ҳам ҳолис кўрсатади: «Эр билан хотуннинг кўпрак гапиргани, мачитда йиғилиш, бир-икки кишининг бирга суҳбат қилини» каби турли иборалар билан келтирилган бир мазмун, яъни англизнинг йиғинни ман қилғони асарнинг 4-5 жойида зикр этилган. Бу эса буюк камчиликдир»<sup>3</sup>. Мунаққид драманинг тили хусусида ҳам тўхталиб, Фитратнинг ўзбек адабий тилини тиргизмак, ривожлантирмакдаги хизматларини алоҳида таъкидлайди. «Мукамал тасвирларга истиораларга, муболағаларга бой бир асардир», деб «Ҳинд ихтилолчилари»ни баҳоларкан, ўз

<sup>1</sup> Вадуд Маҳмуд. «Ҳинд ихтилолчилари». Театр китоби. Фитрат асари. «Туркистон», 1923, 17 октябр. Яна қаранг: Вадуд Маҳмуд. «Ҳинд ихтилолчилари» (нашрга тайёрловчи Баҳодир Каримов). Санъат ойнаси. 1997, 57-59-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша ерда.

<sup>3</sup> Ўша ерда. Яна қаранг: Фитрат афандининг янги асарлари, «Туркистон», 1923, 14 ноябр.

даври адабиёти учун бу драмага фақат биринчи ўринни раво кўради»<sup>1</sup>.

Вадул Маҳмуд нафақат «Ҳинд ихтилолчилари» ҳақида, балки сая олдинроқ, 1921 йил 17 сентябрда «Турон» театрида сахналаштирилган Фитратнинг «Чин севиш»и хусусида ҳам махсус мақола ёзганди<sup>2</sup>.

«Ҳинд ихтилолчилари» ҳақида ўз даврида ёзганлардан бири ғози Юнусдир. У «Ишчи» имзоси билан драманинг Берлин нашри, драматургиямиздаги ўрни хусусида мухтасар тўхталади<sup>3</sup>.

Фитратнинг шекспирона руҳда ёзилган, ўзбек адабиётида трагедия жанридаги биринчи асар ҳисобланган «Абулфайзхон» 1924 йил Москвада чоп этилади<sup>4</sup>. Орадан икки йил ўтгач Ж. Ғанизода трагедия ҳақида «Абулфайзхон» номли таништирув характеридаги мақоласини эълон қилган<sup>5</sup>. Элбек ўзининг «Ўзгал ёзгичлар» дарслигига Фитратнинг «Қор» ҳамда «Ўғит» шеърларини киритади<sup>6</sup>.

Фитратнинг ҳаёт ва сарқирра ижоди ҳақида қимматли фикрлар ёзганлардан бири Садриддин Айнийдир. Адиб ўзининг «Тожиқ адабиёти намуналари» (1926)<sup>7</sup>, «Бухоро инқилоби тарихи» китобларида Фитрат асарларининг ғоявий мазмуни, адабий муҳитдаги ўрни, маҳорат масалалари хусусида сўзлайди. Аммо шунинг таъкидлаш зарурки, 1920-21 йилларда ёзилган «Бухоро инқилоби тарихи»да Фитратга бағишланган алоҳида фасл С.Айний «Танланган асарлари»нинг 1967-68 йилги нашридан «замона зайли» билан тушириб қолдирилган<sup>8</sup>. Тожиқ адиби Раҳим Ҳошим «Бухоро инқилоби тарихи»ни ўзбек тилидан тожиқчага таржима қилиб, Тожикистоннинг «Адиб» нашриётида чоп

<sup>1</sup> Ўша ерда.

<sup>2</sup> Вадул Маҳмуд. Чин севиш. «Қизил байроқ», 1921 йил.

<sup>3</sup> Ишчи (ғози Юнус). «Ҳинд ихтилолчилари». «Туркистон», 1923, 12 май.

<sup>4</sup> Фитрат. Абулфайзхон. Беш пардали фожиа. Москва, 1924. Яна Қаранг: «Шарқ юлдузи», 1989, 1-сон («Абулфайзхон»ни нашрига тайёрловчи филология фанлари номзода С.Зуфаров, сўзбоши муаллифи профессор Э.Каримов).

<sup>5</sup> Қаранг: Ғанизода Н. Абулфайзхон. «Қизил Ўзбекистон». - 1926, 14 декабрь.

<sup>6</sup> Элбек. Ўзгал ёзгичлар. (Дарслик). - Тошкент, 1924, 1925.

<sup>7</sup> Айний. Намунаи адабиёти тожиқ. - М., 1923.

<sup>8</sup> Айний С. Танланган асарлар. 8 жилдлик. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967, 1968.

эттирди (1987) ва «тушиб» қолган тарихий фактларни киритди.

Садриддин Айний Фитратнинг 1910-15 йиллар оралигидаги фаолияти, «Мунозара», «Сайёҳи ҳинди», «Сайҳа», «Раҳбари нажот», «Оила», «Мусулмонони дорурроҳат» (Исмоилбей Гаспирали асарининг таржимаси) асарларининг мундарижаси, Фитратнинг «Мижмар» таҳаллуси билан ҳам дастлаб ижод этгани ҳақида қимматли маълумот беради. Қадрли устоз Ботурхон Валихўжаев «Айний талқинида Фитрат» номли махсус мақола ёзганлари боис, биз бу ҳақда мухтасар тўхталмадик<sup>1</sup>.

Фитратни ўзига устоз санаган Файзулла Хўжаев «Сайёҳи ҳинди», «Сайҳа», «Оила», «Бегижон» ҳақида ёзиб, бу асарлар «мавжуд тузумни қаттиқ танқид қилган, унинг барча камчиликларини аёвсиз очиб танилаган»<sup>2</sup> дейди. У «Ёш бухороликлар» партияси (1908 йилдан расман иш бошлаган) унинг маслағи ва дастури ҳақида сўзларкан, Фитратнинг бу ҳаракат бошида турганини қайта-қайта таъкидлайди<sup>3</sup>. Файзулла Хўжаевнинг Фитратга аҳтиромидан ҳам кўринадики, адибнинг ўткир «фош этгани хислатига бой, ўз жамиятининг «айбномаси»дек яралган, бадий баркамол асарлари нафақат адабий давраларда, балки сиёсий-ижтимоий фикрнинг уйғонишида ҳам алоҳида қимматга эга бўлган.

Шу ўринда икки миллатпарвару шўр пенсона Фитрат ва Файзулла Хўжаев ҳақидаги 101 ёшли самарқандлик Камолхон Жалолхоновнинг хотираларини келтиришни истардим. У киши Фитратни устоз деб билиш баробарида, Файзулла Хўжаев билан улуғ адиб ўртасидаги яқин муносабатдан, турли мулоқотлардан бохабар шахсдирлар. Айтишларича, Фитрат Файзулла Хўжаевни «Эпюнон» деб аҳтиром-ла чақираркан. Тузумнинг мураккаблигини ҳис этган бу икки шахс кўпинча ёлғиз суҳбатлашар, негадир доимо маҳзун кайфиятда юрарканлар. Бир гал Файзулла

<sup>1</sup> Валихўжаев Б. Айний талқинида Фитрат. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги, 1988, 4 ноябрь.

<sup>2</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 4-жилдлик. 1-жилд. -Тошкент: «Фан» нашриёти, 1976, 98-99-бетлар.

<sup>3</sup> Қўранг: Хаджаев Ф. О младобухарцах. «Историк марксист», 1926, стр.123-141; К истории революции в Бухаре. -Ташкент, 1926.

Хўжаев Фитратнинг елкасига бошини қўйиб, нимадир деб шивирлаганда, адиб «энди бу томони аниқ, эҳтиёт бўлинг, эшонжон!» деган эканлар<sup>1</sup>. Фитрат балки муҳаққақ қисматта шнора қилгандир?!

1916 йил Фитрат «жумхуриятимиз томонидан муваффақият ҳам адолат билан ижро этилмоқда бўлган ер ислоҳотига» бағишлаб Бухоро деҳқонлари ҳаётидан олинган «Арслон» драмасини ёзди<sup>2</sup>. Бу социал-психологик драма ҳақида ҳам даврий матбуотда Комил Алиев, Тўлқин, В.Хўжасвларнинг тақризлари босилди<sup>3</sup>.

1927 йил Ўрта Осиё давлат унiversитети (ҳозирги ТошДУ) нашр этган китобда рус олими И. И. Умняковнинг «Бухоронинг янги услубдаги мактаблари тарихидан» мақоласи нашр этилган бўлиб, у Фитратнинг «усули жадида» мактабларидаги маърифатчилик фаолияти, исломий таълим билан уйғун дунёвий фанларни ҳам ўқитиш ҳақидаги фикрларини «Ҳинд сайёҳининг қиссаси», «Мунозара»га таяниб қайд этади. Айтиш керакки, И. И. Умняков Фитрат ҳақида ёзганда кўпроқ Садриддин Айнийнинг фикрларига таянади<sup>4</sup>. Шу йил драматург ҳам олим Зиё Саидовнинг «Ўзбек вақтли матбуоти» китоби ҳам чоп этилиб, муаллиф 1870-1926 йилгача бўлган маҳаллий матбуотнинг обзорини бераркан, ўрни-ўрни билан Фитратнинг номини ҳам зикр этади<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> Камолхон Жалолхоновнинг Фитрат ҳақидаги хотиралари менинг шахсий архивимда сақланади. (1989 йилда ёзиб олинган).

<sup>2</sup> Фитрат. Арслон. Самарқанд-Тошкент: Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1926. (Китоб шу қўллар ЎзФАнинг архивида сақланади); «Арслон» ҳақида Қаранг: Фашиев И. Фитрат. Ўзгичқон, ижод. Тошкент: «Камалок» нашриёти, 1994, 9-30-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Алиев К. «Арслон» // «Қизил Ўзбекистон», 1927 йил, 28 феврал; Тўлқин. «Арслон» шахасининг қўйилиши // «Қизил Ўзбекистон», 1929 йил 22 ноябр; Хўжаев В. Темур қафасдан ажи-ажни кўринишлар. «Янги Фарғона», 1930 йил, 2 август.

<sup>4</sup> Умняков И.И. «К истории новометодной школы в Бухаре». Бюллетень 1-го Среднеазиатского государственного университета. Книга 16. Ташкент, 1927, стр.87-88.

<sup>5</sup> Саидов З. Ўзбек вақтли матбуоти. Самарқанд-Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1927.

1928 йил Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари»<sup>1</sup> нингир этилгач, «Қизил Ўзбекистон» саҳифаларида Ж.Бойбўлатовнинг нигилистик руҳдаги, ғайриилмий, фақатгина куруқ даъво - инкор этишдангина иборат бўлган туркум мақолалари босилди. У «Намуналар»нигина эмас, Фитрат шахсини ва, қолаверса, бутун ижодини «танқид» қилди. Фитратни мутасаввуфлик, исломпарастлик, туркпарастликда айблади. Фитрат Ж.Бойбўлатовнинг бу ноҳақ, алахсиранга монаид ғалат фикрларига жавобан «Ёпишмаган гажаклар (Ўртоқ Бойбўлатовга очиқ хат)» мақоласини ёзди. Бизнинг Ж.Бойбўлатов фикрларини ҳар қандай усулда текширувими Фитратнинг ўта илмий, апиқ ва пухта, айни замонда тагдор (чунки Ж.Бойбўлатовнинг асл мақсади - Фитратни бадном қилиш эди-да!)<sup>2</sup> жавобларига ортиқ янгилик қўша олмаслигини назарда тутиб мазкур мулоҳазалар билан чекландик.

«Ўзбек адабиёти намуналари»га «Сўз боши» ёзган Отажон Ҳошимов китобнинг умумий руҳи, даврлаштириш қатъиятлари, мумтоз адабиётнинг пролетар адабиётига асос солишдаги ҳиссасини қўллаб-қувватлайди. Аммо чигатой адабиётининг умумий руҳини фақат «декоратив» (зебзийнатдангина иборат) дейиши ҳеч қандай ҳаётий асосга эга эмас<sup>3</sup>.

Ж.Бойбўлатов фақатгина Фитрат шахси ва ижодини «танқид» қилиш билангина чекланмай, ўзининг ўтмиш меросга нисбатан инкорчилик фаолиятини давом эттирди, «адабий мерос байроғи остидаги пантуркизм» мафкурасини «излади», «топди»<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Фитрат. Ўзбек адабиётини намуналари. Биринчи жилд. Самарқанд-Тошкент, 1928.

<sup>2</sup> Фитрат. Ёпишмаган гажаклар (Ўртоқ Бойбўлатовга очиқ хат). «Қизил Ўзбекистон». 1929, 15-16 сентябрь. Яна Қараи: «Ешлик». 1990, 5-сон, 67-70-бетлар. (Изоҳлар билан нашрига тайёриловчи филология фанлари номзоиди Х.Болтабоев).

<sup>3</sup> Ҳошимов О. Фитратнинг «Ўзбек адабиётини намуналари» китобини «Сўз боши». Самарқанд, 1928..

<sup>4</sup> Қараи: Бойбўлатов Ж. Чигатаиизм-пантуркизм в узбекской литературе. Москва-Ташкент, 1932; Бойбўлатов Ж. «Ўзбек адабий мероси байроғи остидаги пантуркизм». «Шарқ ҳақиқати». 1930, сентябр. 180-183-бетлар.



1930-йилларнинг бошида ўзбек адабиётининг умумий муаммолари, адабий тил хусусиятлари ҳақидаги айрим тадқиқотларда ҳам Фитрат ижодига муносабат кўзга ташланади<sup>1</sup>.

Айтиш мумкинки, Фитрат ҳаётлик чоғида унинг ижоди хусусида ёзилган ишларнинг энг йириги Ҳамид Олимжонга тегишлидир. Ҳ.Олимжон «Совет адабиёти» журналининг 1936 йил 4-5-сонларида «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида» номли мақоласини эълон қилди<sup>2</sup>. Бу мақола ўша йилнинг ўзида рус тилида «Литературный Узбекистан» тўпламида ҳам нашр этилган<sup>3</sup>. Сўнгра айрим қисқартиришлар билан Ҳамид Олимжоннинг «Мукамал асарлар тўплами»га (1982, 6-жилд) ҳам киритилди<sup>4</sup>.

Биз Ҳамид Олимжоннинг мазкур мақоласидаги фикрларга олдинги ишларимизда муносабат билдирганимиз билан, бу ерда тадқиқотнинг умумий руҳи ҳақидаги мулоҳазалар билан чекланамиз<sup>5</sup>.

Ҳамид Олимжон Фитрат ижоди ҳақидаги тадқиқотни Туркистонда жаҳидчиликнинг вужудга келиш сабабларидан бошлаб, 1905 йил инқилоби даврида авж олгани, Исмоил Гаспириинскийнинг жаҳидларга таъсири, «Садоий Туркистон», «Тараққий», «Оина», «Турон», «Бухоройи шариф», «Шухрат», «Хуршид» каби газет ва ойномаларнинг вужудга келиши, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётдаги ўрни хусусида мухтасар тўхталади. Таъкидлаш жоизки, 1920-30-

<sup>1</sup> Қаранг: Аршаруни А. Заметки о художественной литературе Средней Азии. «Новый Восток», 1929 г. №26-27, стр.368-369; Исмаилов У. «Выступление». Пролетарская литература СССР на новом этапе. Сокращенный стенографический отчет 2-го пленума совета ВОАИШ. М.-Л.: Гос.изд.худ.лит., 1931 г.; Борюков А.К. Узбекский литературный язык. Язык и мышление, 1934 г., стр. 84-87; Мажидий Р. «Литература Узбекистана». М.: Гос.изд.худ.лит., 1935.

<sup>2</sup> Олимжон Ҳ. Фитратнинг адабий ижоди ҳақида. «Совет адабиёти». 1936 йил, 4-сон, 66-77-бетлар; 5-сон, 63-71-бетлар.

<sup>3</sup> Олимжон Ҳ. О литературном творчестве Фитрата. «Литературный Узбекистан», сбор. №5, 1936 г.

<sup>4</sup> Олимжон Ҳ. Мукамал асарлар тўплами. 10 жилдлик. 6-жилд. -Тошкент: Фан нашриёти, 1982, 205-242-бетлар.

<sup>5</sup> Қаранг: Фаниев И. Фитратнинг трагедия яратини маҳорати. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994; Фаниев И. Фитрат, эътиқод, ижод. «Қамалак» нашриёти, 1994.

йиллар адабиёти, адабий жараён ва жадидчилик татлимоти, ҳаракати билан қизиқувчилар учун Ҳ.Олимжоннинг «Фитрат адабий ижоди ҳақида»ги текширишлари анча бой материал беради.

Ҳ.Олимжон жадид адабиётининг юзага келиши ва Фитратнинг бу давр адабий ҳаётидаги ўрнини дастлаб холис кўрсатади: «Жадидизм ҳаракатининг программасини тайин қиладиган асарлар бошда Бехбудий ва Фитрат томонидан ёзилди. Бехбудийнинг «Надаркуш» номидаги пьесаси, Фитратнинг бутун публицистик асарлари, бадий асарлари шундай эди»<sup>1</sup>.

«Фитрат жадидчилик ҳаракатига тўғридан-тўғри келиб кўшилган эмас. У эски усулдаги диний мактаб ва мадраса таҳсилани кўрган ва маълум фурсат давомида - ўзининг ёзганига кўра<sup>2</sup> - жадидчилик ҳаракатига нисбатан иккиланиш кайфиятларида ҳам бўлган»<sup>3</sup>.

Ҳ.Олимжон Фитратнинг Туркиядаги таҳсили ҳақида гапириб, бу давр адиб дунёқарашининг ўсишида, шаклланишида муҳим босқич эканини тўғри ёзади: «Фитратнинг дунёга қарашини Туркистон жадидлари, Бухоро жадидлари, Туркия ишқилоби ва Туркия миллатчиларининг бевосита таъсири остида расмийлашди ва унинг адабий ижтимоий фаолият даври бошланади»<sup>4</sup>.

Ҳамид Олимжон Фитратнинг 1916 йилгача ёзилган насрий асарларини «жадидларнинг иш ва ҳаракати билан боғланган» ҳолда таҳсил этаркан, «Мунозара» асари ҳақида «жамиятни жадидизм байроғи тагига, ислоҳчиликка чақиради», деб таънаомуз оҳангда ёзади. Ваҳоланки, Фитрат асарларининг асл қиммати ҳам худди шу ҳаракат - жадидчилик-ислоҳотчилик ғояларининг бадий инъикоси эканлигида-ку, ахир.

Ҳ.Олимжон Фитратнинг «Мунозара», «Сайёҳи ҳинди» каби насрий-фалсафий асарларини фақатгина ғоявий томондангина талқин этади. «Юрт қайғуси», «Шарқ сиёсати»

<sup>1</sup> Олимжон Ҳ. Юқорида кўрсатилган асар, 207-бет.

<sup>2</sup> Ҳ.Олимжон Фитратнинг Ж.Бойбўлатовга ёзган «Ёшимаган гажжаклар» мақоласидаги шахсий ҳаётинга оид қайдларини кўзда тутмоқда. Қаранг: «Қизил Ўзбекистон», 1929, 15-16 сентябрь.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 207-бет.

<sup>4</sup> Ўша ерда, 208-бет.

ва «Чигатой гурунги» ташилотининг фаолиятдан «ватанчилик», «миллатчилик», «пантуркистлик» қарашларни «юшишга» ҳаракат қилади<sup>1</sup>.

Замона зайли биланми, ва ё шох қайрилмаган тузумнинг бизга номаълум қандайдир тазйиқи биланми Фитрат шахси ва ижодини бутунлай бир миллатчи, исломпараст, туркшарастликда айблайди: «Фитрат романтик эди. Бу, табиий, реакцион романтизмдир. Фитрат суянган ва ўсиб чиққан социал замин инқилоб натижасида ҳалокатга учради, енгилди. Унга ҳеч қандай истиқбол кўринмас эди. Унинг келажаги тўла ҳалокат, фақат ўтмиши ва уни қайтариш кайфияти уни юпатар эди»<sup>2</sup>.

Ҳақиқатан, Фитратнинг кўзига социализм дея аталган, халқларга эрк ва озодлик ваъда қилган, аслан эса пойдевори зўравонлик-ла тикланган жамиятнинг «истиқболи кўринмас эди». Фитрат XX аср бошида дунёнинг кўп мамлакатларида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузатаркан, уларни Туркистондаги сиёсий-иқтисодий, маънавий, маданий ҳаёт билан ҳаёлан қиёслади. Унинг дунёвий фикрлашини «Шарқ сиёсати» (1919) асарининг қамровидан ҳам билса бўлади<sup>3</sup>.

Ҳ.Олимжон Фитратнинг «Чин севини», «Ҳинд ихтилолчилари», «Темур сағанаси», «Абулфайзхон», «Арслон», «Шайтоннинг тангрига исёни» драмалари, «Қиёмат» ҳаёлий-фалсафий ҳикояси, «Бедил» фалсафий-илмий бадиаси, «Менинг кечам» шеърларини ўз мақсадига мувофиқ таҳлилу талқин этади. Афсуски, «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида»ги ғалат талқинлар ҳолис баҳоларни ҳам ўз соясида қолдирган.

Ҳамид Олимжон бу махсус тадқиқотлардан ташқари бир неча мақолаларида ҳам Фитрат ижодига, серқирра фаолиятига мурожаат этади. 1930 йилда «Миллатчилик ва аксилинқилобчилик билан кураш ва ўзбек пролетар адабиёти» мақоласида<sup>4</sup> муаллифлар (Миртемир билан

<sup>1</sup> Олимжон Ҳ. Уша асвр, 214-217-бетлар.

<sup>2</sup> Уша ерда, 217-бет.

<sup>3</sup> Фитрат. Шарқ сиёсати. Тошкент, 1919. Яна Қаранг: Фитрат. Шарқ сиёсати. Бухоро, 1992.

<sup>4</sup> Қаранг: «Мақола Миртемир билан ҳамкорликда ёзилган бўлиб, дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1930 йил 24 август)да эълон қилинган, кейинчалик шоирнинг уч томлик «Тапланган асарлари» (Т., 1960, III том,

ҳамкорликда ёзилган) «партиянинг миллий сиёсати тўғри амалга оширилиб борилаётгани» муносабати билан адабий жабҳадаги «Қора доғлар»ни «Фош» этишга тиришадилар. Дастлаб «Қизил қалам» жамиятига аъзо бўлмиш хур фикрли ижодкорларни кинояли тарзда «миллий истиқдолчилар» деб атайдилар; сўнгра Фитрат ва Чўлпон ҳақида қуйидагича ёзадилар: «Юқоридаги мавзулардан эса («Қизил қалам» чиқарган «Альманах»даги шеърларнинг сарлавҳаси тушкун, яъни «Ёлғизликда», «Қора кунлар», «Хижрон», «Алданиш», «Қоронғу тунлар» деб аталгани учун - И.Ф.) янги иқтисодий сиёсат денгизини кечиб, тикланиш даврига кирган ва қайтадан қурилиш арафасида турган ишчи ва деҳқон шуури (!) ва сезгисини социализм қурилиши йўлига ташкил этувчи қўшиқлар эмас, балки Фитрат ва Чўлпонлар томонидан жоп ва дил билан ёзулувчи ҳам Чўлпоннинг «Кўнгул, сен бунчалар нега кишаплар била дўстлашдинг»ини ўқиб, шўро мактабларининг дархоналарида аччиқ кўз ёши тўкувчи Шаҳид Эсон, Мунавварқориларнинг руҳини эркаловчи тароналар вужудга келар эди»<sup>1</sup>.

Ҳ.Олимжоннинг «Жаҳид адабиётининг синфий моҳияти масаласига» деб номланган ғалмий мақоласи 1935 йил «Социалистик фан ва техника» ойномасида босилган<sup>2</sup>. У жаҳид адабиётининг Туркистонда пайдо бўлиш сабаблари, Россия капиталининг кириб келиши, Англия, Франция, Туркия давлатларидаги турли инқилобий тўнтаришларнинг таъсири, 1905 ва 1917 йилги инқилоб ўртасидаги давр жаҳидлар учун алоҳида мустаҳкамланиш йиллари бўлгани ҳақида атрофлича ёзди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Сидқий-Хондайлиқий, Хислат, Тавфиқ Фикрат (1867-1915), Тавалло, Чўлпонлар билан бир қаторда яна Фитрат ижоди ҳақида тўхталиб, қуйидагича ёзди: «Февраль инқилобининг

---

166-171-бетлар), беш томлик «Асарлар мажмуаси» (Т., 1972, У том, 44-49-бетлар)да чоп этилган» - маъқур изох Ҳ.Олимжон. Мукаммал асарлар тўплами. 10 жилдликнинг 6-жилдидаги ноширлар шарҳидан олинди. Тошкент, 1982, 317-бет.

<sup>1</sup> Олимжон Ҳ. Мукаммал асарлар тўплами. 10 жилдлик. 6-жилд. -Тошкент: «Фан» нашриёти, 1982, 47-бет.

<sup>2</sup> Олимжон Ҳ. Жаҳид адабиётининг синфий моҳияти масаласига. «Социалистик фан ва техника», 1935, 1-2-сонлар, 7-22-бетлар; 3-сон, 1-6-бетлар.

ўлимига Фитратнинг «Юрт қайғуси» деган аксилинқилобий насер-шеърни майдонга чиқди. Фитрат Февраль инқилобининг ўлимини бутун буржуазиянинг, Туроннинг, пантуркизмнинг ва ўзининг ҳам ўлими тарзида тасвирлайди<sup>1</sup>.

«Харбий коммунизм даврида ўзбек буржуазия поэзияси»<sup>2</sup>да эса, Ҳ.Олимжон Фитрат ва Ҷўлпонни «сўнгги буржуа поэзиясининг асосий кучлари» деб билади. У Фитратнинг «Аччиқданма деган эдинг», «Яна ёндим», «Миррих юлдузига» шеърларининг умумий руҳини «ватапчилик-миллатчилик» деб белгилайди<sup>3</sup>. Ҳ.Олимжон, бундан ташқари яна бир неча мақоласида Фитрат ижодига қисқа бўлса-да, тўхталади<sup>4</sup>.

1938 йил 4 октябр тунда Фитратнинг қатлидан сўнг, мамлакатда террорнинг янада авж олиши, шубҳа ва қўрқув салтанати, сиёсатн ҳукм сургач, ҳеч ким Фитрат ижодини тадқиқ қилишга уринмади ва бу мумкин ҳам эмасди. Чунки Сталин сиёсатининг қиличи ҳур фикрли шахсларнинг бошида қилга осифлиқ турарди-да! Фақатгина хорижда Вали Қаюмхон, А.Завқий, И.Тўлқин, Б.Ҳайит, Ҳайит Эртурк, А.З.Валидий каби олимларгина, «халқлар турмаси»дан олисада бўлганлари боис Фитрат ҳаёти ва ижодиининг айрим қирралари ҳақида ёздилар. Фитрат ижодини хорижда ўрганилиш тарихи алоҳида фасл бўлгани учун бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

1956 йил собиқ КПСС нинг XX съезидан сўнг «таркибида жиноят состави йўқлиги ва тонилган янги материалларга (?) биноан» Фитрат, Қодирий, Ҷўлпон оқланди. Аммо бу расман «оқланганлик», узоқ муддат қон ва руҳларга кўрқинч синганиданми ва ёким бизга номатълум қандайдир сабаблар биланми, қатағон қилинганлар меросини ўрганиш соҳасида ҳеч қандай ўзгариш ясамади. 80-йилларнинг охиригача ўзбек зиёлилари сукут сақладилар. Ахён-ахёнда «уларнинг номи оқланди, ижодлари эмас» деган гаплар ҳам оғиздан-оғизга кўчиб, 20-30-йиллар ҳақида

<sup>1</sup> Олимжон Ҳ. Мукамал насарлар тўплами. 10 жилдлик, 6-жилд. Тошкент: «Фан» нашриёти, 1982, 181-бет.

<sup>2</sup> Уша ерда, 189-204-бетлар.

<sup>3</sup> Уша ерда, 189-201-бетлар.

<sup>4</sup> Қўранг: Олимжон Ҳ. «Адабиётимизнинг тикка кўтарилиш даврида». Уша китоб, 129-бет; «Фон қилиш эмас, ҳасиўилан», Уша китоб, 138-139-бетлар.

илмий текшириш бопламоқчи бўлганларнинг, табиийки, юракларига ғаш солиб турди.

Тўғри, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и айрим «тузатиш»лар билан нашр этилди, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг айрим шеърлари яна қайта ўз севгувчиларини тонди. Аммо... Аммо Фитратнинг миллий тафаккуримиз тарихидаги бебаҳо дурдоналаридан бебахра қолавердик. Ниҳоят, «Ўзбекистон» нашриёти 1967 йил «атеизм байроғи остида» Фитратнинг «Қиёмат» ва «Шайтоннинг тангрига исёни» асарларини «Ўта эҳтиёткорлик» билан чоп этди. Китобда на ношир кўрсатилди, на бир шахс «Сўз боши» ёзди. Фақатгина «Нашриётдан» деган ёзув остида куйидаги жумлалар раво кўрилди: «Фитратнинг 1923 йилда нашр этилган «Қиёмат» ҳикояси ва 1924 йилда нашр этилган «Шайтоннинг тангрига исёни» пьесаси хурофотга қарши кураш руҳида ёзилгандир. Дин таъсирига берилиб худони, «Қиёмат қойим», «жаннат», «Тамуғ»ни бор деб билувчи на худога ибодат қилувчиларни(?) автор ушбу асарларида мазах қилади, улардан истеҳзо билан кулади»<sup>1</sup>.

Китобнинг сўнгида қисқагина «изоҳли сўзлар» лугати ҳам илова қилинган. Олтинчи минг нусхада чиққан бу асар тез орада эл ичра тарқаб кетади. Демак, халқ ўзининг асл дардларини, фиғон, армонию изтиробларини куйлаган ижодкорни ёдидан чиқармаган экан!

1967 йил Боис Қориев (Олтой) «20-йиллар ўзбек совет адабиётининг асосий хусусиятлари» мавзусида номзодлик иши ёзиб, ҳимоя қилади<sup>2</sup>. 207 саҳифадан иборат, Фитрат даври миллий адабиётимизнинг фардий хусусиятларига бағишланган мазкур ишнинг атиги 2-3 жойида адибнинг номи тилга олинади. Бу иш фактик жиҳатдан жуда бой бўлиб, 20-30-йилларда нашр этилган 45 дан ортиқ газет-журналлар хусусида, адибларимизнинг ўша йиллардаги тахаллуслари (масалан, биргина Қодирийнинг 16та, Садриддин Айнийнинг 17та номда ижод этганлари) ҳақида

<sup>1</sup> Фитрат. Қиёмат. -Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 1967.

<sup>2</sup> Қориев Б. (Олтой). 20-йиллар ўзбек совет адабиётининг асосий хусусиятлари. Филология фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1967, 207-бет.

диққатга молик маълумотлар беради. Фитратнинг «Менинг кечам» исърига Ботунинг «Менинг кундузим» дея «жавоб-ёзганини таъкидлайди. Адабиёт тарихига оид кузатишлари тақозоси билан Фитратнинг Аҳмад Яссавий, Навоий, Турди ҳақидаги тадқиқотларини эслайди.

1968 йилда таниқли драмашунос Б.Ҳ.Имомов «Ўзбек драматургиясида маҳорат масалалари» (характер ва конфликт) мавзудаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилади ва муаммо тақозоси билан Фитрат драмалари хусусида ҳам анча кенг тўхталади<sup>1</sup>.

Бердиали Имомов Фитратнинг «Ўқимат», «Шайтоннинг тангрига исёни», «Арслон», «Рўзалар»нинг ғоявий йўналиши, сюжет қурилиши, характер ва конфликтнинг турлари хусусида анча илиқ гаплар айтади<sup>2</sup>. Аммо давр мураккабликлариданми ва ёким ҳали Фитрат меросига муносабат, ҳадиксирашлар ўзгармаганлигиданми «Темур сағанаси», «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари» ҳақида Ҳ.Олимжоннинг ноҳолис таҳлилу талқинлари йўлидан боради.

«Реакцион романтизм методи Фитрат ижодида, унинг драматургиясида бутун борлиги билан яққол кўринади. У бир қатор сахна асарларида тарихан орқага, ўрта аср воқеаларига ўгирилиб, очиқдан-очиқ реакцион йўл тутлади. Або Муслим, Ўғизхон, Чингизхон (?) ва Темур каби тарихий шахслар ҳақида асар ёзди. Бундай асарларида у ўтмиш ҳукмдорларга сиғинади, уларни кўкка кўтаришга социал янгиликларни тан олмасликка ҳаракат қилади»<sup>3</sup>.

Мунаққиднинг бу баҳоси ҳақиқатан тўғри: Фитрат мавжуд тузумнинг асл мақсади, зўравонлиги, эркисизликка асосланганидан ўта қайғуларди. Ўзининг ўгли дардлари, миллатини озод ва хур кўриш истакларини бадийят пардасига ўраб халқига англашмакка тиришар эди. Аммо бу Фитратнинг фожияси эмас, «социал янгиликларни тан олмаслиги» ҳам эмас, аксинча, кучга асосланган жамиятни

<sup>1</sup> Имомов Б.Ҳ. Ўзбек драматургиясида маҳорат масалалари (характер ва конфликт). Филология фанлари доктори илмий даражасини олинган учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1968, 568-бет.

<sup>2</sup> Ўша маъна, 33-51-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 28-бет.

тутиб турган барча тарғиб-қоидаларни уларнинг фожиали оқибатларигача кўра олганлигининг натижасидир.

Қисмати Фитратдек мураккаб кечган рус ёзувчилари М.Булгаковнинг «Усто ва Маргарита», «Ит юрак», М.Платоновнинг «Чевенгур»ларини эслайдик. Бу асарлар ҳам худди Фитратнинг кўнгина публицистик мақолаю драмаларидек ўз жамиятининг авра-астарини титишга, ёвуз башарасини фош этишга қаратилган эди.

Бугун мустақиллик кушларида Фитрату Чўлпон, Қодирийу Мунавварқори ҳақида сўзлаш, ёзиш, тадқиқот олиб бориш ворисларнинг бурчи-масъулияти. Аммо бир ҳақиқат доимо кўз олдимизда туриши керакки, турғунлик йилларида бул улуглар ҳақида қандай ёзишдан қатъий назар, уларнинг номини тилга олиш ҳам бир жасорат саналган.

Талабалик йилларимда (80-йиллар) Чўлпоннинг қўлдан-қўлга ўтиб юрувчи ўнларча шеърларини, Фитратнинг «Темур сағанаси» (1918)дан бир парчани ўқиб юргангани эшитган ёши улуг бир профессор «ўғлим, эҳтиёт бўлинг...» дегани ҳали-ҳали хотирам пештоқида. Кейин англадимки, бу бир жумла «эҳтиёт»нинг остида қанчадан-қанча шахсларнинг тақдири, қисмати бор экан. Шунинг учун фитратшуносликнинг ёзилаётган бу қисқа тарихчаси талаби билан айрим муаллифларнинг «турғунлик давридаги» бир томонлама, гоҳо ғалат талқинларига тўхтарканмиз, бу асло таъна эмас, ишнинг эҳтиёжидир.

Профессор Б.Имомов ҳам ўзбек драматургиясининг маҳорат муаммоларини тадқиқ этаркан, Фитратнинг бошига кўп кулфатлар солган 30-йиллардаги хато талқинларни инкор этолмади. У ёзади: «Социалистик революция Шарққа, бир вақтлар Амир Темур ҳукмронлигига қараган Туронга қашшоқлик олиб келганлиги, асар қаҳрамонининг жаҳонгир сағанасига қарата қилган илтижолари орқали берилади: эндиликда боғларда сайровчи булбуллар овози сўнганлиги, гуллар сўлганлиги, Турон Кавказлиги ёниб, Озарбайжон йўқ қилинганлиги, туркман алданганлиги, татар таланганлиги тўғрисида асоссиз ва бўҳтондан иборат жар солинади, шаҳаншоҳ бош кўтаришга, бу билан советларга қарши курашга чақиради. Шу тариқа Фитрат ижодий методининг реакцион романтик характери реал воқеликни бузиб



ифодалашга, ҳақиқий воқеликни нотўғри англатишга хизмат қилади»<sup>1</sup>.

Ватанимиз собиқ Иттифоқ исканжасидан озод бўлиб, мустақилликка эришгач, ўтмиш 70 йил мобайнида «катта қазон»да қайнаган, миллатларнинг кўзидан сунъий яшириб келинган кўпгина ҳақиқатлар, архив ҳужжатлари дил кўзимизни оча борди. Англадикки, ота-боболарининг кимлигини айтган миллат ҳеч вақт зулм, истибдодга қўл қовунтириб туролмайди. Шунинг учун собиқ Иттифоқнинг «доно сиёсий психологлари» мозийда ўтган улуғларимиз Ўғузхон, Амир Темур, Бобур шахсияти, фаолиятини имкон қадар қора рангларга бўяб, уларни ўз халқига олабўжи қилиб кўрсатиш усулини қўллаган. Ва бу амалда миллёт нусхаларда чиққан мактаб дарсликларию олий ўқув юр்தларининг китобларигача «синдирилган». Шу маънода мунаққидни тушуниш мумкин.

Афсуски, мунаққид фақат тарихий мавзуда ёзилган «Темур сағанаси»гагина эмас, замонавий мавзудаги «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари» (1920-23) драмаси ҳақида ҳам нотўғри хулосага келади: «Фитрат «Чин севиш» номли сахна асарида ўз реакцион(?) ғоясини ифодалашда бошқача йўл тутади. Уни нашр эттиришда автор китобнинг титул листига «Ҳинд ихтилолчилари турмушидан олинган ишій-ҳиссий (яъни сентименталь) драма» деб ёзса-да, аслида унда реалистик элементлардан холи бўлмаган, ижтимоий-социал моҳиятдан узилиб қолган сентиментализм эмас, балки Европага қарши қаратилган, нафрат-ғазаб билан суғорилган реакцион романтизм ҳал қилувчи хусусиятга эгадир»<sup>2</sup>.

Б.Имомов «Ҳинд ихтилолчилари» хусусида ҳам шу руҳдаги танқидий фикрлар билдирадики, уларга қўшилиб бўлмайди. Зеро, Фитрат Ҳиндистон ҳаёти, маҳаллий халқнинг инглиз босқинчиларига қарши кураши фонида Туркистондаги фожеий ҳаётни кўрсатишга эришган экан, бу ҳақиқий сағъат асарининг фазилати, муаллифнинг маҳоратидир.

1968 йилда тожик олими Мирзозоданинг «Жадид демократик адабиёти» номли йирик мақоласи «Садои

---

<sup>1</sup> Ушн ерда, 28-бет.

<sup>2</sup> Ушн ерда, 29-бет.

Шарқ»да эълон этилиб, унда муаллиф Фитрат ҳаёти ва ижодига ҳам катта ўрин ажратади<sup>1</sup>.

Яна шу йили Туреун Собировнинг «Ўзбек совет драматургиясининг тараққиёт босқичлари» мавзuidaги докторлик иши ҳимоя этилди»<sup>2</sup>. Т.Собиров диссертациясининг асосий матни 1973 йилда китоб ҳолида ҳам нашр бўлган<sup>3</sup>. Аммо бу мунаққид ҳам Фитрат драмаларининг бирор-бир янги қиррасини очмади ва ўзидан олдинги даъволарни такрорлади, ҳолос: «Або Муслим», «Абулфайзхон», «Темур сағанаси» каби асарларда ўзбек халқи тарихининг ёрқин саҳифалари эмас (?), балки ёзувчи дунёқарашининг чекланганлигини ифодаловчи воқеалар тасвирланган»<sup>4</sup>.

Инсоф билан айтмоқ бурчдирким, Т.Собиров жилла бўлса-да, Фитрат драмалари ҳақида ижобийроқ фикр айтишга ҳаракат қилган: «Гарчи «Або Муслим» драмасида араб истилочиларига қарши кураш темаси қаламга олинган бўлса ҳам, аммо асосий нарса - меҳнаткашлар оммасининг бу курашдаги ролини бадиий умумлаштириш етишмас эди»<sup>5</sup>.

У Фитратнинг «Асрлон»ини «Қишлоқ ҳаётини реалистик руҳда акс эттирган» асар сифатида баҳолаб, «Чип севиш», «Ҳинд ихтилолчилари»ни «ғояси ва образлари эътибори билан жуда мураккаб ва мунозаралар талаб асарлардир», дейди<sup>6</sup>.

Т.Собиров Фитратнинг драмалари тўғрисида янги бир гап айтмаса-да, ўзигача бўлган фикрларни юмшатади ва драматургнинг 1920-30-йиллар ўзбек адабиётидаги алоҳида ўрнига шак келтирмайди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Мирзоода. Адабиёти демократик жаҳид. Журнал «Садон Шарқ», 1968, 10-сон.

<sup>2</sup> Қаранг: Собиров Т. Пути развития узбекской советской драматургии. Диссертация на соиск.уч.степ.д-ра филол.наук. -Ташкент,1968.

<sup>3</sup> Собиров Т. Ўзбек совет драматургияси. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 80-бет.

<sup>5</sup> Ўша китоб, 80-бет.

<sup>6</sup> Ўша ерда, 80-бет.

Шу йили адабиётшунос Шерали Турдиевнинг ҳам Фитратнинг «Қиёмат»ига бағишланган мақоласи «Тошкент оқшоми»да босилган<sup>1</sup>.

1970 йилда Фитратнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган икки босма табоқ қажмдаги иш Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида муҳокама этилган. Унда академиянинг етакчи адабиётшуносларидан И. Султонов, Ҳ. Ёқубов, М. К. Нурмухамедов, Ш. Шоабдурахмонов, М. Қ. Қўшиқонов, Ҳ. Ш. Абдусаматов, Т. Мирзаев, Э. Б. Бегматовлар қатнашганлар.

1973 йилнинг 23 февралда Саиджон Алиев «Ўзбек драматургияси ва адабий алоқалар» мавзуида докторлик иши ҳимоя қилади<sup>2</sup>. Орадан икки йил ўтгач, С. Алиевнинг мазкур тадқиқоти айрим бир қисқартиришлар билан китоб ҳолида нашр этилган<sup>3</sup>. С. Алиев тадқиқотининг қимматли томони шундаки, у ўзбек драматургиясининг илк шаклланиш босқичидан тортиб, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, Бехбудий, Ҳожи Муин, Шукрулла, Абдулла Бадрий, Абдурауф Самадов асарларининг саҳналаштирилиш тарихи, тақдиригача муносабат билдиради, ўзбек-рус, татар, озарбайжон адабий алоқаларига оид 200 дан ортиқ манбаларни таҳлил этади. Аммо Саиджон Алиевнинг тадқиқоти фактик маълумотларга бой бўлса-да, Фитрат драмаларини ўрганишда ижобий силжиш эмас. Мунаққид, жумладан шундай ёзади: «Фитрат ўтмишни тасвирлашда субъективликка йўл қўяди, пьесанинг («Абулфайзхон» - И.Ф.) ғояси ҳам аниқ эмас(?). Биринчи планда Абулфайзхон ва унинг яқинлари, меҳнаткаш халқ ҳаёти эса сояда қолиб кетган»<sup>4</sup>. Муаллиф 1911-17 йиллар орасида ўзбек драматургиясида икки оқим «шаклланганлиги»ни кўрсатаркан (демократ-маърифатчилар ва буржуа маърифатчилар), Фитратни Бехбудий, Ҳожи

<sup>1</sup> Қаранг: Турдиев Ш. «Қиёмат». «Тошкент оқшоми» газетаси, 1968 йил, 9 июль.

<sup>2</sup> Қаранг: Алиев С. Литературные связи и узбекская драматургия. Диссертация. Ташкент, 1973.

<sup>3</sup> Алиев С. Литературные связи и узбекская драматургия. -Ташкент: Фан, 1975.

<sup>4</sup> Ўша ерда, 108-бет.

Муин Шукрулло, Насрулло Қудратиллаев, Абдулла Бадрий қаторида буржуа-матрифатчиси сифатида баҳолайди<sup>1</sup>.

С.Алиев Фитратнинг «Менинг кечам» шеъри, «Чин севиш», «Бегижон», «Абулфайзхон» драмаларининг ўз давридаги мавқеи ҳақида мухтасар сўзлаб, 1924 йил 29 октябрда «Ҳинд ихтилолчилари» Боқуда намойиш этилгани, уни А.Хусайнзода таржима қилгани ҳақида маълумот беради<sup>2</sup>.

Адабиётшунос Эрик Каримов «Ўзбек адабиётида реализм тараққиёти» номли монографиясида Фитратнинг матрифатчилик, жадидчилик соҳасидаги уринишлари ҳақида анча чуқур тўхталади<sup>3</sup>. У Фитратнинг матрифатчилик фаолиятига махсус бир боб ажратиб («Матрифатчилик голялари ва давр қахрамони»), кузатишларини адибнинг шахсий ҳаёти, аср бошидаги сиёсий-ижтимоий, маданий мураккаб давр тафсилотидан бошлайди. Э.Каримов Т.Гофманнинг аксиомага айланган «ижодкорнинг ҳаёти унинг ижодига энг зўр шарҳдир» деган ибратомуз сўзларига таяниб иш кўради. Фитратнинг аср бошидаги Бухорода кечган ҳаёти, Туркия даври (1909-14), Файзулла Хўжаев, Назир Тўрақулов, Садриддин Айпий билан муносабатлари, «Мунозара», «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» ҳақида охори фикрлар айтади. Мунаққид «Мунозара»нинг жанри ҳақида тўхталиб, уни «фалсафий-сиёсий диалог», дейди<sup>4</sup>. «Мударрис - Шарқ тимсоли, Овруполи - ғарб, - деб ёзади адабиётшунос, - ... У (Овруполи кўзда тутилган - И.Ф.) ақли, ўқимишли, Шарқни билади ва севади. Унинг мутахассислиги шарқшунослик. Дунёқарашига кўра у юксак маънавий бой (маданиятли) инсон»<sup>5</sup>.

Э.Каримов «Ҳинд сайёҳининг қиссаси», «Мунозара»да Фитратнинг реалистик характерлар яратолганини таҳлилий

<sup>1</sup> Ўша ерда, 50-51-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 106-бет. Бундан ташқари С.Ашевнинг «Ўзбек комедиялари» номли китобида Фитрат драматургияси ҳақида айрим қайдлар учрайди. Бу китоб ҳали нашр этилмаган. Мен қўлёзма нусхаси билан танишман. Шу муаллифнинг «Фитратнинг «Аруз ҳақида» рисоласи» номли мақоласи ҳам бор. Қаранг: Муосир Бухоро, 2-жуз, 1995.

<sup>3</sup> Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе. Изд. «Фан», 1976.

<sup>4</sup> Ўша ерда, 94-бет.

<sup>5</sup> Ўша ерда, 95-бет.

уеудда татқидларкан, ҳамиша ҳам асар қаҳрамонларининг прототипи муаллифнинг ўзи, деб ҳисоблаш тўғри эмас, деган фикрни айтади<sup>1</sup>. Бу билан мунаққид, биринчидан, Фитратнинг адабий мероси ҳақидаги 70-йилларнинг ўрталаригача давом этаётган бир-бирига қарама-қарши фикрларни юмшатмоқчи бўлади. Иккинчидан, муаллиф ва қаҳрамон, ҳақиқатан ҳам ҳамиша бир нарса эмас. Қаҳрамон мураккаб ижодий жараённинг маҳсули бўлиб, қоғозга тушгандан сўнг ўзига хос мустақиллик ҳам касб этади. Бу билан биз Фитратнинг Ҳинд сайёҳи образи муаллифнинг прототипи (Х.Мирзозода) деган фикрни инкор этмаймиз ва лекин уни бутунлай муаллифнинг ёлғиз ўзи, деган фикрдан ҳам йироқмиз. Чунки Фитрат Ҳинд сайёҳи образида бутун Туркистон зиёлилари, аниқроғи, жадицларининг умумий характер-хусусиятлари ғояларини мужассамлантирган.

Э.Каримов ўз китобида Фитратнинг маърифатчилик саъй-ҳаракати, насрдаги ислоҳотчилик ғояларини таҳлил этиш баробарида, шоирнинг «Менинг Ватаним» шеърининг тожикча матнини (С.Айнийнинг «Тожик адабиёти намуналари»дан олинган) М.Раҳимова таржимасида келтириб, ундаги ватанпарварлик, миллатпарварлик фикр-туйғуларини анча кенг шарҳлайди<sup>2</sup>. «Сайҳа» ва «Раҳбари нажот» хусусида ҳам тўхталади. Э.А.Каримов кейинги ёзган тадқиқотларида ҳам Фитратнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қимматли маълумотлар беради<sup>3</sup>.

Адабиётшунос Аҳмад Алиев «Адабий мерос ва замонавийлик»<sup>4</sup> китобида 20-йиллардаги адабий жараён ҳақида сўзлаб, Фитратнинг ҳаёти ва ижоди хусусида ҳам анча кенг тўхтайдди. У Фитрат ижодига «ғоят мураккаб ва зиддиятлар билан тўла» деган нуқтан назардан ёндашиб, адибнинг «Қиёмат», «Абулфайзхон», «Шайтонинг тангрига исёни», «Ҳинд ихтилолчилари», «Рўзалар», «Бедил» асарларини таҳлил этади. «Фитрат драматургиясига билдирилган муносабатни, - деб ёзади у, - ҳозирги давр

<sup>1</sup> Ўша ерда, 110-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 117-120-бетлар.

<sup>3</sup> Қараг: Каримов Э. Фитратнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналі, 1990 йил, 3-сон.

<sup>4</sup> Алиев А. Адабий мерос ва замонавийлик. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашрети, 1983.

танқидчилиги нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва объектив баҳо берилишини таъминлаш эҳтисожи туғиланти»<sup>1</sup>. Шундай деса-да, мунаққид яна ўзидан олдинги Ҳ.Олимжон, Т.Собировларнинг фикрига яқин гапни такрорлайди: «Бизнингча, Фитрат драматургиясида тарихий мавзуларга икки хил ёндашиш кўзга ташланади. Баъзи асарларида Фитрат ўтмишни идеаллаштиради. Реакцион-романтик драматург сифатида (?) ўтмишни кўмсайди, Ҳамид Олимжон таъкидлаганидек, «тарихий ўтмишни хаёлида тиклаб, уларнинг руҳидан маънафад сўрайди». Бошқа асарларида эса ўтмишни қаттиқ қоралайди, хонлик тузуми даври нуқул тож-тахт учун қонли курашлар билан тўлиб тошган, амалдоргина эмас, тож-тахт учун ҳатто ота-бола, энг яқин қариндош-уруғлар ўртасида ҳам фақат бир-бирини қириш бутун одат тусига кириб қолганлигини саҳнада гавдалантиради...»<sup>2</sup>.

А.Алиевдан олинган иқтибоснинг иккинчи бўлаги Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясига тааллуқли. Ўз фикрининг исботи сифатида муаллиф «Абулфайзхон»ни анча чуқур - ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан таҳлил этади. Аҳмад Алиев 80-йилларда бу асар ҳақида энг илиқ гаплар айтган шахсдир. У «Бедил» (Бир мажлисда) илмий-фалсафий очеркини ҳам Фитрат дунёқараши ва унинг даври нуқтаи назаридан талқин этади. «Шу тариқа Фитрат, - деб фикрига хулоса ясайди А.Алиев, - 20-йилларнинг ўрталари ва иккинчи ярмига келиб, тарихий мавзуда ёзган бадиий ва илмий асарларида, баъзи зиддиятлар билан бўлса-да, ўтмишга замонавий позициядан туриб ёндашишга, тарихнинг янги замон маданий тараққиёти учун муҳим бўлган нуқталарини излаб топишга ҳаракат қилади»<sup>3</sup>.

Филология фахлари номзоди Аҳмад Алиевнинг кейинги йилларда Фитрат ҳаёти ва мероси ҳақида ёзган тадқиқотлари ҳам қимматлидир<sup>4</sup>. Айниқса, олимнинг

<sup>1</sup> Ўша ерда, 77-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 78-79-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 103-бет.

<sup>4</sup> Қараг: Алиев А. Фитрат ва унинг «Арслон» драмаси. «Гулистон» журнали, 1988, 12-сон; Мустамлакачиликка ўт очган асар. «Гулистон», 1989, 4-сон; Фитрат драматурги. «Санъат», 1989, 10-сон; «Сенинг нузли кўзингди бахт ўқидим» (Бехбудий ва Фитрат ҳақида). «Ўзбекистон овози» газетаси.

Бехбудий ва Фитрат ҳаётига бағишланган «Сенинг нузли кўзингда бахт ўқидим» мақоласи<sup>1</sup> фитратона ватанпарварлик руҳида ёзилган. Муаллиф мазкур мақолани Туркистоннинг 1900 йилдан токим 1930 йилгача бўлган умумий аҳволидан бошлаб, маърифатчилик ва жаҳидчиликнинг ўзаро муштарак ва фарқли қирралари, Бехбудийнинг «Қатл олдидаги василти», Фитрат маърифатининг ўзак муаммоларигача батафсил ёритишга ҳаракат қилади. Фитрат ватанпарварлиги, миллатпарварлигининг ёрқин ифодаси бўлмиш «Ўғит» шеърини фикр исботи учун келтираркан, авлодларни мустақил Ватани камиди Фитратдек севишга, эъзозлашга чақиради.

Филология фанлари доктори Умнат Тўйчиев «Ўзбек поэзиясида аруз системаси» номли китобида Фитратнинг Шарқда шеър тузилиши ҳақидаги назарий фикрларини чуқур ўрганади<sup>2</sup>. Фитратнинг «Аруз ҳақида»<sup>3</sup>, «Адабиёт қондалари»<sup>4</sup> китобида илгари сурилган кўпгина фикрларни қўллаган ҳолда, унинг айрим қараплари билан баҳслашади. «Фитрат аруз ва ритм масаласида, - дейди олим, - сўз очган, аммо арузда ритмни ташкил қилишда қатнашадиган элементлар ҳақида тўхталмаган. Арузни лотин графикаси асосидаги ўзбек ёзувида тушунтиргани ҳолда, сар, дар каби форсча сўзларни икки товушли дейди ва мисолларни араб ёзувида ёзилганидек ҳис этади: «Аруз вазнларини ҳеч бир ташкидсиз ва фоиз қабул қилайлик десак ҳам тўғри бўлмайди», - дейди. У бармоқни ҳимоя қилар экан, уни арузга қарши қўяди, аммо «арузнинг баъзи вазнларида бўлган жонлилик, ҳаяжон, ўйноқилик ва оҳанг ҳижо вазн системасида йўқ» деб бармоқ системасини асоссиз

---

1992, 9 январь; қайта қуриш ва маданий мерос (Фитрат драмалари ҳақида). «Нафосат» ойномаси, 1992, 5-сон; Фитрат ва Умар Ҳайём. «Нафосат» ойномаси, 1992, 3-4-сонлар.

<sup>1</sup> Алиев А. «Сенинг нузли кўзингда бахт ўқидим». «Ўзбекистон овози» газетаси, 1992 йил, 9 январь.

<sup>2</sup> Қарағ: Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. -Тошкент: Фан, 1985.

<sup>3</sup> Қарағ: Фитрат. Аруз ҳақида. Тошкент, 1936.

<sup>4</sup> Қарағ: Фитрат. Адабиёт қондалари. (Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун қўллашга). Самарқанд-Тошкент, 1926.

камситади, ҳаётнинг ўзи унинг «аруз форсизми талаб этади» деган тезиси нотўғрилигини исботлади»<sup>1</sup>.

У.Тўйчиев ўз тадқиқотида Фитратни йирик арузшунос сифатида таъкидларкан, унинг объектив фикрлари бугунги аруз назариясини ўрганишда муҳим аҳамият касб этишини қайд этади<sup>2</sup>.

1987 йилда Чўлпон ва Фитрат адабий меросини ўрганиш бўйича махсус комиссия тузилди<sup>3</sup>. Бу гуруҳнинг хулосалари тез орада эълон этилиб<sup>4</sup>, унда дастлаб бул икки улўғ сиймонинг асарлари напирини йўлга қўйиш, илмий тадқиқотларни жадаллаштириш, вақтли матбуотда Фитрат ва Чўлпон ижодини кенг тарғиб қилиш масалалари ёритилган.

Шу йили «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи»нинг икки жилдлиги Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И.О.Султонов таҳрири остида напир этилди<sup>5</sup>. Муаллифлар Фитрат яшаган давр мураккаблиги ҳақида мухтасар тўхталиб шундай ёзади: «Осиёнинг уйғониши Туркистонда илғор кишиларнинг маърифатга дадил юз ўгириши ва ҳаммани маърифатга даъват этишидан бошланади... Фитратнинг илмий ва бадний ижод соҳасидаги дастлабки қадамлари ҳам маърифат излаш, маърифатни тарғиб этишдан бошланди»<sup>6</sup>.

Улар Фитратнинг ижоди миллий маҳдудликлардан ҳам холи эмаслиги ва бу камчиликлар адибнинг адабиётимиз тарихидаги ўрнини заррача ҳам камситолмаслиги ҳақида сўзлаб, унинг адабий тилимиз тараққиётидаги хизматларини қайд этадилар. Айниқса, Фитратнинг шеърояти ҳақидаги фикрлар эътиборли: «Шоир ўзбек адиблари ичида

<sup>1</sup> Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. -Тошкент: Фан, 1985. 21-бет.

<sup>2</sup> Уша ерда, 21-22-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Отаев Р. «1920-30-йиллар адабий меросини, жумладан Чўлпон ва Фитрат ижодини ўрганиш гуруҳи мажлисидан ахборот». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги, 1987, 13 март; Янв Қаранг: «Қайта қуриш ва маданий мерос». ЎзАС, 1987, 4 декабрь.

<sup>4</sup> Қаранг: Чўлпон ва Фитрат адабий меросини ўрганиш бўйича тузилган комиссия хулосалари. «Ўзбек тили ва адабиёти». -1988, 2-сон.

<sup>5</sup> Қаранг: Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. -Тошкент: Фан, 1987. (1 жилд).

<sup>6</sup> Уша ерда.



дастлабкилардан бири бўлиб, фольклор шаклларида шеър ёзди. Бу минг йилча давр ичида аруздан бопқа шакли билмаган ёзма шеъриятимиз соҳасида новаторлик эди<sup>1</sup>.

С.Мамажонов «Эпик драматургия» номли мақоласида ҳам Фитрат драмаларининг бу жанр ривожидати ўрни, театр тараққиётидаги сезиларли таъсирини алоҳида таъкидлайди<sup>2</sup>.

1920-30-йилларнинг адабиёти, адабий сиёсати, Бехбудий, Қодирий, Чўлпон, Мунавварқориларнинг ҳаёти ва ижодига оид кўнгина архив ҳужжатларини вақтли матбуотда эълон қилган Сирожиддин Аҳмедов Фитрат ижоди ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар беради. У Чўлпон ва театр мавзусига бағишланган бир мақоласида ўзбек актрисаси Турсуной Собированинг «Арслон»даги Зайпаб образини ижро этганидан бизни огоҳ этади<sup>3</sup>.

Таниқли адабиётшунос Паим Каримов «Мавлоно Фитрат» мақоласида адибнинг ўзбек миллий мафкураси тарихидаги бетакрор ўрни, серқирра салоҳияти, букилмас иродаси ва маърифатчиликдаги беқиёс фаолияти ҳақида фикр юритади<sup>4</sup>. Н.Каримов «Ўзбек адабиётининг жаллодлари» деб номланган туркум мақолаларида 20-30-йилларнинг қатағони ҳақида кўпгина муҳим фактлар, рақамлар, мажлисларнинг айрим баённомаларини келтираркан, улар орасида Фитрат ҳаётига доир айрим қайдлар ҳам учрайди<sup>5</sup>.

Умуман, 1988 йилда Фитрат ҳаёти ва ижодига қизиқиш демократия муносабати билан кучайгани боис, вақтли матбуотда қатор мақолалар эълон қилинди<sup>6</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўша ерда.

<sup>2</sup> Мамажонов С. Эпик драматургия». Ўзбек тили ва адабиёти». 1989 йил, 6-сон.

<sup>3</sup> Қаранг: Аҳмедов С. Саҳида дунё дарди. ЎзАС, 1988, 16 септябрь.

<sup>4</sup> Қаранг: Каримов Н. Мавлоно Фитрат. «Фан ва турмуш» ойнамаси, 1988, 7-сон, 8-9-бетлар; Каримов Н. Мавлоно Фитрат. «Фидойилар» тўпламида. Тошкент: Фан, 1990.

<sup>5</sup> Қаранг: Каримов Н. Ўзбек адабиётининг жаллодлари «Фан ва турмуш» ойнамаси. 1991, 1,2,3-сонлар.

<sup>6</sup> Қаранг: Юсунов Э., Каримов Э. Объектин баҳо бериш вақти келди «Ўзбекистон коммунисти», 1988, 12-сон, 70-78-бетлар; Дўстқориев Б. Фитрат (ижоди ҳақида) «муитум», 1988, 18-сон, 8-9-бетлар; Орифжонов Ф. Айбсиз айбдорнинг оқлангани «Қишлоқ ҳақиқати» гажетаси, 1988, 17 феврал;

1989 йилда Фитрат ижодиёти 1988 йилдагига қараганда турли китоб ва матбуот саҳифаларида янада кенг ўрганилиб, тарғиб этила бошланди. Бу йилнинг фитратшуносликдаги ўзига хос томонларидан бири шундаки, энди тадқиқотлар билан бир қаторда Фитрат асарларидан намуналар ҳам ўқувчиларга тақдим қилинди<sup>1</sup>.

Филология фанлари номзоди Сафо Зуфаров «Абулфайзхон» трагедиясини нашрга тайёрлаб «Шарқ юлдузи»да чоп эттирди<sup>2</sup>. Ўша жойда трагедия матнини нашрга тайёрлаш қатъиятлари хусусида «Нашрга тайёрловчидан» сарлавҳаси остида ихчам мақола-илова ҳам бор<sup>3</sup>.

«Абулфайзхон»га кириш мақола ёзган Э.А.Каримов трагедияда ифодаланган воқеа, давр, ғояни улуғ Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» тарихий романининг қамрови билан қиёслайди: «Агар Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романида тарихимизнинг энг оғир, қора кунлари - сўнгги Қўқон хонлари ҳукмронлиги даврини тасвирласа, Абдурауф Фитрат пьесасида аштархонийлар сулоласининг (XVIII аср) сўнгги вакили Абулфайзхон вақтида Бухоро ўлкасидаги ғожиавий аҳвол акс эттирилади»<sup>4</sup>. Олим трагедияни таҳлил этаркан, уни жаҳон адабиётининг дурдоналари бўлмиш Шекспирнинг «Макбет», Пушкиннинг «Борис Годунов»и билан тенг ўринга муносиб кўради ва бу учала асар орасида руҳият тасвирида яқинликлар бор, деган ғояни илгари суради. «Макбет» ва «Борис Годунов» билан «Абулфайзхон» ўртасида нафақат руҳият тасвирида, балки ғоя, тарих ва

---

Турдиев Ш. Танқид «душман» излаганда... Ўтмиш ҳужжатлари ЎзАС, 1988, 29 июл.

<sup>1</sup> Қаранг: Фитрат. Адабиёт қондалари(парча). Нашрга тайёрловчи Ш.Турдиев «Фан ва турмуш», 1989, 5-сон, 8-10-бетлар; Фитрат. Ҳинд сайёҳи ЎзАС, 1989, 4 август (Таржимон ва нашрга тайёрловчи Ҳ.Қудратилев). Фитрат. Бехбудийнинг сағанасини изладим. «Фан ва турмуш», 1989, 1-сон, 20-бет. Фитрат. Миррих юлдузига(шеър). «Аруз ҳақида»(парча). «Айрим қайдлар» («Тилимиз»ни парча). Нашрга тайёрловчи Б.Қосимов «Слодат», 1989, 7-сон, 15-бет ва 6.

<sup>2</sup> Фитрат. Абулфайзхон «Шарқ юлдузи», 1989, 1-сон, 81-104-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 103-бет.

<sup>4</sup> Каримов Э. «Абулфайзхон» тарихий драмаси ҳақида. «Шарқ юлдузи», 1989, 1-сон, 81-бет.

шахс муносабатларининг ифодасида ҳам ижобий маънодаги муштаракликлар бор. Бу ҳақда махсус ишлар ёзилган<sup>1</sup>.

Фитратнинг «Абулфайзхон»и нашр этилгач, филология фанлари номзоди, шоир Жамол Камол махсус мақола ёзди. У асарнинг ёзилиш тарихи, сабаблари, фалсафий мақсадларини тўғри англайди ва таҳлил этади. «Абулфайзхон», - дейди у, - мураккаб шароитда, лекин чуқур ўйланиб, моҳирона битилган драма»<sup>2</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, «Абулфайзхон» ўта пухта ўйланиб, фалсафий-гимнозий тафаккур асосида яратилган трагедиядирким, давр ўтиши билан уни такрор ўқиган ҳар бир ўқувчи, сахнада кўрган томошабин янги маъно қирраларини инкишоф этаверади.

«Ўзбек совет бобуршунослиги тарихидан» номли мақола ёзган Мирзааҳмад Олимов, улуғ шоиру шахзода ижоди ҳақидаги унинг ўзи тириклик чоғидан бошлаб то 1989 йилгача бўлган тадқиқотлар кўламини ёритаркан, Фитрат ижодига ҳам эҳтиром билан қарайди. «1928 йилда, - деб ёзади М.Олимов, - Фитратнинг ўзбек адабиёти намуналари» хрестоматияси тузилиб, унга Бобурнинг 31 ғазали, 2 маснавийси, 28 рубойиси ва «Бобурнома»дан иарчалар киритилди. Хрестоматиядаги Отажон Ҳошим сўзбошисида ва тузувчи томонидан ёзилган қисқача киришда Бобур ҳақида ҳам маълумот берилади. Шунингдек, Фитратнинг Алишер Навоий ва Муҳаммад Солиҳга бағишланган мақолаларида ҳам Бобурга (тўғрироғи, унинг мазкур шоирлар ҳақидаги фикрларига) муносабат билдирилади»<sup>3</sup>.

1920-30-йиллар адабиётининг йирик мутахассиси Беғали Қосимов «Абдурауф Фитрат - халқ фарзанди» мақоласида адибнинг бутун фаолиятига мухтасар назар солади. «Фитратнинг адабий-бадиий асарлари, - дейди мунаққид, - жуда кўп жиҳатлари (хатто зиддиятлари) билан адабиётимизнинг бетакрор ҳодисаларидан»<sup>4</sup>. У жуда кўп

<sup>1</sup> Қаранг: Ғаниев И. Фитратнинг трагедия яратилиш маҳорати. Тошкент: «Сулум» номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1994, 46-57-бетлар.

<sup>2</sup> Камол Ж. «Абулфайзхон» - тўғри драма ЎЗАС, 1989, 14 апрель.

<sup>3</sup> Олимов М. Ўзбек совет бобуршунослиги тарихидан. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1989, 3-сон, 4-бет.

<sup>4</sup> Қосимов Б. Абдурауф Фитрат - халқ фарзанди «Саодат» журнали, 1989, 7-сон, 14-бет.

архив ҳужжатлари асосида Фитратнинг ижтимоий-сиёсий, ташкилотчилик фаолиятини ёритади, 30-йиллардан сўнг Фитрат ижодига муносабат кескин ўзгариб, тоқим 1956 йилга қадар адабиётшуносликда сукут сақлангани, ҳатто 60-йилларнинг ўрталарида яна бу ҳаракат тўхтаб қолганлигидан афсусланади. Авлодлар жуда улкан маънавий меросдан бебахра қолганлигини таъкидлайди.

Б.Қосимов «Саодат» ойномаси ихлосмандларини Фитрат асарлари билан таништирув ниятида «Миррих юлдузига» (шеър), «Тилимиз» ва «Арз ҳақида» асарларидан олинган парчаларни ўз мақоласига илова қилган. Таҳририят Фитрат асарларини «Ёнмаган ҳақиқатлар» рукни остида чоп этаркан, албатта, унда Фитратга муаббат ва чин санъат асарига ҳар қандай тазйиқ остида ҳам ўлим йўқлигига рамзий ишора қилинган<sup>1</sup>.

Б.Қосимов Фитрат ижодига бағишланган яна бир қатор мақолаларида адиб асарларининг янги маъно қатламларини очишга ҳаракат қилган<sup>2</sup>.

Хуллас, фитратшуносликда 1989 йил анча ишлар қилинди<sup>3</sup>. Аммо Фитрат ҳаёти ва ижодини махсус муаммолар атрофида ўрганиш бир қадар оқсамокда эди.

1990 йилга келиб, айтиш мумкинки, фитратшуносликда янги бир тўлиқ пайдо бўлди. Фитрат ижодини махсус муаммолар бўйича тадқиқ этиш бир қадар жонлади.

Филология фаилари номзоди Ҳамидулла Болтабосев «Фитрат ва 20-30-йиллар адабий танқидий тафаккури тараққиёти» деб номланган докторлик тадқиқоти устида жиддий ишлаш бошлади. У 90-йилдан буён шу кунларгача

<sup>1</sup> Уша ерда, 15-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Қосимов В. Инсон фожиялари. «Санъат» журнали. Шу муаллиф. Инсон фожиялари. ЎзАС, 1990, 6 апрел. Шу муаллиф. «Фитрат» «Санъат» журнали, 1991, 12-сон, № 19-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Адабий замонашларимиз (давра суҳбати) Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1989, 26 май; Алиев А. Фитрат драмалари. «Санъат» журнали, 1989, 10-сон; Мамажонов С. Эпик драматургия «Ўзбек тили ва адабиёти». 1989, 6-сон; Жабборов Д. Фитратхонлик кунлари. ЎзАС, 1989, 13 октябрь. Сафаров О., Муродов Р. Фитрат. «Бухоро ҳақиқати» газетаси, 1989, 30 сентябрь ва бошқалар.

Фитратга бағишланган ўндан ортиқ илмий мақола<sup>1</sup> ва бир рисола<sup>2</sup> эълон этди.

Ҳ.Болтабоев «Ёшлик» ойномасида эълон қилинган «Номатълум Фитрат» мақоласида ёниқ бир муҳаббат, ўта куйинчаклик билан адиб ижодининг кам ўрганилган қирраларини ойдинлаштириш, унинг миллий адабиётимиз тарихида тутган муносиб ўринини белгилашга интилади. Янги фактлар топиб, оҳорли фикрлар айтади. «Амир Бухоросини «аслидай» беришга, унинг муаммоларини енгилатишга интилиш, - деб ёзади у, - Фитрат публицистик асарларига ҳам хос кайфиятдир. Бу йўналишдаги асарларнинг кўпчилиги Фитрат ижодининг дастлабки даври - 10 йилларга тўғри келади»<sup>3</sup>.

«1921 йил «Қизил байроқ» газетасида ёзилинича, - дейди у, - Чимкент шаҳрида тузулган театр труппасининг мажлиси бўлиб ўтади. Мажлисни бошқарган труппа режиссёри Абдуқодир Умаров труппани ўзбек театри ривожига салмоқли ҳисса қўшган драматург номи билан аташни таклиф қилади. Труппа мажлиси ўзини «Фитрат театр труппаси» деб аташга қарор қилади»<sup>4</sup>. Бу каби тарихий ва янги қайдлар, албатта, қувончлидир.

Ҳ.Болтабоев Фитратнинг Шарқ мумтоз адабиёти тарихи ва назариясига бағишлаб ёзган тадқиқотларини нафақат рус, балки жаҳон шарқшунослигида ўз мавқеёига эга бўлмиш Е.Э.Бертельс, В.Жирмунский, И.Крачковский, Л.Климовичнинг асарлари билан ёнма-ён кўяди. 1956 йилдан сўнг ҳам (Фитрат расман оқланган бўлса-да!) адиб асарларини нашр этиш пайсалга солинаётганидан ўқинган мунаққид ўз фикрини шундай яқунлайди: «Эҳтимол у асарлар (Фитрат мероси - И.Ф.) эълон этилиши билан ўзбек

<sup>1</sup> Қаранг: Болтабоев Ҳ. Номатълум Фитрат. «Ёшлик», 1990, 4-сон, 34-37-бетлар; Шу муаллиф. Усули жаҳид мактаблари ҳақида. «Ҳалқ сўзи» газетаси, 1991, 13 декабр; Сайёҳа қисматида лавҳалар ёки шоир Фитрат ҳақида «Шарқ юлдузи», 1991, 6-сон, 19-20-бетлар; Юрт қайғуси «Шарқ юлдузи» журнали, 1992, 4-сон, 181-182-бетлар; Хорижда фитратшунослик. ЎзАС, 1992, 27 март; Бобурноҳ Фитрат талқинида. ЎзАС, 1993, 12 март ва бошқа.

<sup>2</sup> Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат (Олий ва ўрта ўқув юртлири учун қўлланма. Мисъл муҳаррир У.Норматов). Тошкент, 1992.

<sup>3</sup> Болтабоев Ҳ. Номатълум Фитрат. «Ёшлик», 1990, 4-сон, 36-бет.

<sup>4</sup> Уша ерда, 36-бет.

совет адабиётининг «олтин фонди»га кирган айрим бадиий ва илмий асарларнинг нурсизланиб қолишидан чўчиётгандирмиз. Эҳтимол, бунинг бизга номатлум «чун ва чар»лари (Фитратнинг ўзи айтмоқчи) бордир. Лекин Фитрат шундай улкан мерос қолдирганки, уни ўрганиш учун асарларини сақлаётганларнинг нафақат журъату жасоратлари, балки умрлари ҳам етмайди»!!!

Ҳ.Болтабоев мазкур мақолага илова сифатида «Абдурауф Фитратнинг эълон қилинган ва нашрга тайёрланган асарлари рўйхати»ни ҳам тузганки, бу жуда катга меҳнатнинг маҳсулидир. Унда Фитрат асарларидан 95 тасининг номи, нашр йили кўрсатилган<sup>1</sup>. Аммо бу рўйхат тўлиқ эмас. Биз Баҳодир Эргашев билан ҳамкорликда тузган «Фитрат асарларининг библиографияси»да мазкур рўйхатдан ҳам фойдаланганмиз<sup>2</sup>.

Ҳ.Болтабоев Фитратнинг «Туркистонда руслар» (1917) мақоласига ёзган сўзбошида унинг ёзилиш сабаби, тарихига чуқур тўхталади. У Туркистон босқинининг 200 йиллик тарихига мухтасар назар солиб, Фитрат англаган ҳақиқатларни ҳис этишга, истибдод психологиясининг моҳиятини ойдинлаштиришга ҳаракат қилади. Пётр томонидан Хиванинг илк забот этилишию 1899 йилда Туркистон генерал-губернатори Духовскийнинг император Николайга ёзган мактубигача хотирлайди<sup>3</sup>.

«Бобуршоҳ Фитрат талқинида» деб номланган тадқиқотида у олимнинг «Бедил», «Ўзбек классик мусиқаси ҳамда унинг тарихи», «Адабиёт қондалари», «Форс шоири Умар Хайём», «Ўзбек адабиёти намуналари» каби асарларига таянади. Мунаққид Фитратнинг Бобурга эҳтироми, адабиёт тарихидаги ўрнига муносабати масалаларига чуқур тўхталиб, ўз олдига «Фитрат Бобур шеърларини қайси манбадан олиб хрестоматияга (1928) киритган?» деган савол қўяди. Бобур шеърлятининг А.Самойлович, Ҳ.Ёқубов, В.Зоҳидов, С.Азимжонов, А.Қаюмов ва Порсоҳон Шамсиев нашрларини бир-бирига синчиклаб қийёслаш оқибатида,

<sup>1</sup> Ўша ерда, 36-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 38-39-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Эргашев Б., Ганиев И. Указатель основных опубликованных произведений Абдурауфа Фитрата (1909-1936) «Навқирон Бухоро», 1992, 7-сон, 18-29-бетлар.

Фитратнинг «Намуналари»га асос бўлган манбани аниқлайди<sup>1</sup>.

Ҳ.Болтабоев «Абдурауф Фитрат» китобида адибнинг ҳаёти ва фаолиятига оид қайдлар, унинг илмий ва бадиий асарлари, бадиий олами ҳақида анча бой маълумотлар бериб, давр ва ижодкор ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштиради. Бу китоб олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқувчилари учун ихчамгина қўлланма вазифасини ўтайди<sup>2</sup>.

Ҳ.Болтабоев нафақат Фитрат ижодиётининг тадқиқотчисию тарғиботчиси, балки адаб асарларининг ноширларидан бири сифатида ҳам арзирли хизматлар қилаётир.

Таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов Фитратнинг «Тилимиз» ва «Ёпишмаган гажжақлар» мақолаларининг «Ёшлик»да наир эгилиши муносабати билан ёзган кириш мақоласида адибнинг дунёқараши ва эътиқодининг ўзак моҳиятини ёритаркан, «Фитрат ўзбек адабиётшунослигининг отаси бўлган», деган хулосага келади. Олим 20-30-йиллардаги носоғлом адабий муҳитнинг Фитрат ва Чўлпон тақдиридаги доғлари ҳақида шундай дейди: «Умуман, ўша кезларда, шунингдек, 30-йилларда Чўлпону Фитратларни бир тегиб ўтиш, ўринли-ўринсиз бўлса-да, бир-икки жумла билан ҳақоратлаб, камситиб кетиш, «яхши тарбия кўрган» одамлар учун ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади»<sup>3</sup>.

О.Шарафиддинов ҳақ. У «яхши тарбия кўрган» одамлар деб, албатта, мустабид ҳокимиятнинг асл қиёфасини англамаганлар, ёхуд ҳис этган бўлса-да, манфаат, шон-шухрат, тирикчилик важдан унга чин «садоқат» билан хизмат қилиб, истеъдодли, эътиқодли шахсларни ҳар қандай йўл билан бадном қилишдан тан тортмайдиганларни назарда тутаетир. 1920-30-йилларнинг адабиёти, адабий муҳити, мафкуравий кураш жараёни билан таниш бўлганлар шу давр ҳужжатларида муҳрланган

<sup>1</sup> Болтабоев Ҳ. Юрт қайғуси «Шарқ исдузи», 1992, 181-182-бетлар.

<sup>2</sup> Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат. Тошкент, 1992.

<sup>3</sup> Шарафиддинов О. Абдурауф Фитрат. «Ёшлик». 1990, 5-сон, 62-бет.

жуда кўп «яхши тарбия кўрган» одамларнинг «хизматлари»га гувоҳдирлар<sup>1</sup>.

Адабиётшунос, педагог олим, журналист ва таржимон Мажид Ҳасанов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг махсус муҳбири Камол Матқубов билан қилган суҳбатида Фитрат ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ, Туркистондаги жадиҳчилик ҳаракатларини оидинлаштирувчи кўпгина фактларни келтиради. Фитратнинг С.Айний, А.Ҳомидий, А.Бурҳонов, Й.Пўлатов билан муносабатлари, Туркияда Ҳамза ва Сўфизода билан кўришгани, Бехбулий билан ёзишмалари тарихига бир назар солади<sup>2</sup>.

М.Ҳасанов «Тирикларни кечиринг, шаҳид бўлганлар» мақоласида ҳам Фитрат ҳақида, тарихнинг ўрганилмаган саҳифалари - жадиҳчилик ва «Ёш бухороликлар» партиясининг фаолияти, ислоҳотчилик ғоялари, турли оқимлар хусусида анча бой маълумотлар беради. Аммо муаллиф Фитратнинг туғилган йилини 1888, қатл этиш санасини 1944 деб кўрсатадики<sup>3</sup>, бу хато. Адибнинг ўз қўли билан тўлдирган анкеталари ва архив ҳужжатларидан аёнки, асл сана - 1888-1938.

М.Ҳасанов 30 йилдан ортиқроқки, халқимизнинг дилбанд фарзанди, муътабар сиймо Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида изланишлар олиб боради. Машаққатли меҳнатнинг маҳсули бўлмиш «Файзулла Хўжаев» номли китобида М.Ҳасанов Фитратнинг 1920-23-йиллардаги сиёсий-ижтимоий фаолиятини мухтасар ёритиш баробарида, улуғ адиб ҳақида диққатга сазовор хотираларни ҳам келтиради. У Файзулла Хўжаевнинг ёлғиз қизи - Вилоят Хўжаева билан унинг отаси ҳақида қилган суҳбат-дарлашувида шундай ёзади: «Китобча («Садриддин Айний ва Файзулла Хўжаев» номли М.Ҳасановнинг рисоласи - И.Ғ.) анча меҳр ва завқ билан ёзилган, - дедилар оша. Аммо сиз «Фитрат ва Файзулла Хўжаев» номи билан китоб

<sup>1</sup> Мисол учун Қаранг: Каримов Н. Ўзбек адабиётининг жаллодлари «Фан ва турмуш», 1991, 1,2,3-сонлар; Боқий Н. Қятнома (ҳужжатин қисса). - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991 ва бошқа.

<sup>2</sup> Қаранг: Ҳасанов М. «Ватан менинг саждагоҳимдир». ЎзАС, 1990, 28 сентябрь.

<sup>3</sup> Ҳасанов М. Тирикларни кечиринг, шаҳид бўлганлар «Ўқитувчилар газетаси», 1990, 29 август.



ёзганингизда яна ҳам яхшироқ бўларди. Бироқ, сиз ҳам, бошқалар ҳам бундай китобни ёзишга журъат этолмайсизлар»<sup>1</sup>.

Вилоят Хўжаева суҳбатда давом этиб яна шундай дейди: «Айниқса, отамнинг маърифат ва ижтимоий-сиёсий фаолиятларининг қаноатланишида шоир, драматург, адабиётшунос олим Абдурауф Фитратнинг роли бебаҳо бўлган. Отамлар ҳаммадан кўпроқ Фитратни хурмат қилар ва қадрлар эдилар»<sup>2</sup>.

Лутфийшунос Содирхон Эркинов ҳам «Фитрат - навоийшунос» номли мақола ёзиб, олимнинг Навоий ҳаёти ва меросини чуқур ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб қилишдаги улкан хизматларини, унинг асарлари таҳлилида ёритиладиган ҳамда ҳозирги навоийшунослик мезонлари билан ўлчаганда ҳам Фитратнинг тадқиқотлари ўз қадрини туришини алоҳида таъкидлайди<sup>3</sup>.

Ўзбек матбуотида 20-30-йиллар адабий ҳаётига оид жуда кўп архив ҳужжатлари, ноёб қўлёзмаларни тўплаб нашр этгани билан хурмат қозongan Шерали Турдиевнинг ҳам фитратшуносликдаги хизмати беқиёс. У Фитрат ҳаёти ва ижодининг турли муаммоларига оид ўнлаб мақолалар ёзди<sup>4</sup>. «Ҳинд ихтилолчилари» драмаси, «Адабиёт қондалари» (парча), «Шарқ сиёсати» (парча)ни турли матбуот саҳифаларида нашр эттирди.

Адабиётшунос «Ҳинд ихтилолчилари»га ёзган кириш сўзида асарнинг яратилиш тарихи, тақдири ҳақида батафсил тўхталиб, жумладан, шундай дейди: «Фитрат Фурқат, Аҳмад

---

<sup>1</sup> Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. Тошкент: Ўзбекистон, 1990, 180-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 180-бет.

<sup>3</sup> Қаринг: Эркинов С. Фитрат-навоийшунос. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1990, 3-сон.

<sup>4</sup> Қаринг: Турдиев Ш. Қиёмат «Тошкент оқиноми», 1968, 9 июл; Танқид «душман» назмига...Ўтмиш ҳужжатлари (Фитрат ва Қодирий ҳақида) ЎзАС, 1988, 29 июль; Фитрат жаҳон кезади «Фан ва турмуш», 1991, 12-сон; Маърифатнарвар ва мураббий «Ўзбекистон овози», 1992, 23 май; Ҳасно Кимаду: «Фитрат букюк шаҳс»(япониялик фитратшуносининг фаолияти ҳақида) «Туркистон» гизети, 1992, 25 апрель; Фитратнинг маърифатнарварлик ва педагогик фаолияти. Фитрат конференцияси материаллари. Бухоро, 1992, 47-51-бетлар; Байналмиллатчилик анъаналари «Совет Ўзбекистони». 1991, 2 февраль; Фитрат-порлоқ дегани. «Санъат» журвали, 1988, 11 сон ва бошқа.

Дониш ижодида мавжуд бўлган илғор ағъаналарни янги - ижтимоий-инқилобий ва миллий уйғониш даври тарихий шароитида янада кенгайтирди ва ривожлантирди. Фитрат ижодида кўринган мустамлакачиликка қарши кураш ғояси Октябрь инқилобидан сўнг янада кучайди»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан, Ш.Турдиев тўғри таъкидлаганидек, Фитрат Октябрь тўнтаришидан кейин Туркистоннинг бутун жабҳадаги аҳволи янада оғирлашганини кўргач (чунки большевизм чор Россияси сиёсатининг мураккаб давоми эди-да!), ададсиз қайғуга чўмди. Бу қайу, чексиз алам, дард, сўзсизки, адиб сийратининг сурати бўлмиш бадний, илмий ишларида кўринмаслиги мумкин эмас эди. Фитрат асарларининг ботинига назар солганлар бу ҳақиқатни англамай қолмаслар.

Ш.Турдиев Фитрат ҳақида ёзган барча мақолаларида адиб ҳаёти ёки ижодига оид янги фактларни топишга ҳаракат қилади. Чунки факт ва рақамлар энг одил ҳакамдир.

Фитрат ижодиётини тадқиқ этишда аёл олималаримизнинг ҳам ҳиссалари катта бўлаётир. Гулшан Раимованинг «Мунозара» - уйғониш даракчиси<sup>2</sup>; «Фитрат исёни»<sup>3</sup>, «Фитратнинг диний мавзудаги асарлари»<sup>4</sup>, «Фитрат - мутафаккир»<sup>5</sup> каби мақолалари фикримизнинг далилидир.

Г.Раҳимова Фитратнинг диний мавзудаги асарларини таҳлил этаркан («Мунозара», «Қиёмат», «Меърож», «Шайтоннинг тангрига исёни») адибнинг динга эмас, хурофотга қарши курашгани, халқни жаҳолат ботқоғидан олиб чиқишнинг йўлларини ўз бадний асарлари орқали маҳорат-ла тасвирлай олганини таъкидлайди. «Шайтоннинг тангрига исёни» каби фалсафий-рамзий пьесанинг ички маъноларини тушунишга ҳаракат қилади. «Пьеса -

<sup>1</sup> Турдиев Ш. «Ҳинд ихтилолчилари» фожияси ҳақида «Шарқ юлдузи» журналин, 1990, 4-сон, 32-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Раҳимова Г. «Мунозара» - уйғониш даракчиси. ЎзАС, 1989, 29 декабр.

<sup>3</sup> Раҳимова Г. Фитрат исёни. ЎзАС, 1991, 25 октябр.

<sup>4</sup> Раҳимова Г. Фитратнинг диний мавзудаги асарлари. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналин, 1990, 1-сон.

<sup>5</sup> Раҳимова Г. Фитрат - мутафаккир. Фитрат конференцияси материаллари. Бухоро, 1992, 38-39-бетлар.

реалистик асар, - дейди у «Шайтоннинг тангрига исёни» ҳақида, - унга давр руҳи сингдирилган» ва бу замон руҳини диний афсоналарнинг бадий талқинидан излайди. Аммо, «Қиёмат»нинг талқинида муаллиф фақат ташқи аломатларга диққат қилгани боис, асл-рамзий маънони чуқур англамайди. «Ёзувчининг мақсади, - деб ёзади у, - нарини дунёни тасвирлаш эмас, балки у тўғридаги уйдирмаларнинг бемаъни, асоссиз, тутуруқсизлигини кўрсатишдир. Фитратнинг буларни хаёл эпизоди орқали жонлантириши бежиз эмас. Бу билан ёзувчи қиёмат тўғрисидаги ақидаларнинг ҳаммаси ёлғон хаёллар эканини кўрсатади<sup>1</sup>. Афруски, ҳикоянинг сирти «Қиёмат тўғрисидаги ақидаларнинг ҳаммаси ёлғон хаёл» эканига асосланилса-да, туб маъно худди Дантенинг «Илоҳий комедия»си, Гётенинг «Фауст»и, М.Булгаковнинг «Усто ва Маргарита»сида бўлгани каби ривоятларга пардапечдир. Чунки Фитратнинг асл мақсади, мавжуд тузумнинг тартибсизликларини, зўравонликлари, бошбошдоқлигию қиёматга яқинлигини кўрсатиш эди. Чунки бадий асарнинг санъат даражасига кўтарилиши учун энг зарурий шартларидан бири маънонинг серқатламлигидир.

1990 йилда ҳимоя қилинган Р.Мустафақуловнинг «Ўзбек адабиётида трагедия жанрининг тараққиёти» номли номзодлик тадқиқотида ҳам Фитрат драмаларига муносабат билдирилади<sup>2</sup>. У муаммо тақозоси билан «Абулфайзхон»ни тадқиқ этаркан, жумладан, шундай дейди: «Бизнингча, бу асарда муаллифнинг драматург сифатидаги маҳорати сўнги нуктагача намоён бўлмаган: хусусан, характерларни грушалай билмаслик(?), сюжет занжирининг йўқлиги(?) ва коллизиянинг силлиқ, аста-секин ривожланиши асарнинг трагедия намунаси бўлишига халақит берган»<sup>3</sup>.

Р.Мустафақуловнинг бу даъвоси Фитрат «Абулфайзхон»ининг умумий трагик нафюсига ётдир. Чунки биринчидан, «Абулфайзхон» воқеалари кечган даврнинг ўзи трагик, коллизия «силлиқ» эмас, аксинча, зиддиятлар

<sup>1</sup> Ушш ерда, 57-бет.

<sup>2</sup> Қўрағи: Мустафиқулов Р. Развитие жанра трагедии в узбекской драматургии. Дисс.канд.филол.наук. -Ташкент,1990.

<sup>3</sup> Ушш ерда, 54-55-бетлар.

кескин, келиштириб бўлмас даражада фожиали. Бир тахт эгаси эмас, бутун бошли жамият таназулга маҳкум. Иккинчидан, сюжет занжири «йўқ» эмас, бор. Бор бўлгандайм шунчалик мустаҳкамки, воқеа(лар)лар бири-бирининг мантиқий давоми, марказ тўғри тайинланган. Р.Мустафақулов бошқа бир жойда таъкидлагандек «тарихий фактлардан ҳаддан ортиқ кўчирма» олинмаган, балки реал тарихий ҳужжатлар бадий-фалсафийлаштирилиб, тарихий шахслар бадий характер даражасига кўтарилган. Биз бу ҳақда махсус диссертацион ишимизда батафсил тўхталганмиз<sup>1</sup>.

Р.Мустафақулов яна бир мақоласида «Абулфайзхон» ҳақида шундай ёзади: «Бу пьесада характернинг яхлит эмаслиги (?), сюжетнинг тарқоқлигидан (?) унинг асосини ташкил этувчи коллизия етарли ривожлантирилмаган. Шу сабабли Фитрат яратган фожиалар жанр спецификасини амалга оширишдаги тажрибалардан (?) бўлиб қолди»<sup>2</sup>. Бу фикр ҳам аниқ илмий исбот талаб қилади. Юқоридаги хусусиятлар эса Фитрат трагедияси учун хос эмас. Муаллифни бундай фикрга олиб келган сабаб эса, «Абулфайзхон»нинг услубан мураккаб, фалсафий-психологик трагедия эканлигидир. Ундаги характерлар, воқеа-фожиалар, коллизия, конфликтларнинг тадрижи ҳам трагедия жанрининг талабларига тўла жавоб беради.

Таниқли театршунос М.Раҳмонов ҳам «Абулфайзхон»га юқори баҳо беради ва Фитрат пьесалари ҳақидаги мақоласида драматург асарларининг сахнадаги ҳаётини анча кенг, батафсил, таҳлилий усулда ёритади<sup>3</sup>.

Бахтиёр Каримов ва Шоаҳмад Муталовлар «Паптуркизм» - машғум тамга мақолаларида туркистонликларнинг бу «ёрлиқ» остида кўп жафо

<sup>1</sup> Қаранг: Рашиев И.М. Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясини яратишдаги маҳорати. Филол.фаилари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1992.

<sup>2</sup> Мустафақулов Р. Фитрат пьесаларининг жанри ҳақида. (тезис). Фитрат конференцияси материаллари. Бухоро, 1992, 31-32-бетлар; Шу муаллиф. «Абулфайзхон» пьесасининг жанри ҳақида. Фитрат конференцияси материаллари. Бухоро, 1992, 33-34-бетлар.

<sup>3</sup> Раҳмонов М. Фитрат драматургияси ва унинг сахна тарихи. «Санъат» журнали, 1991, 3-сон, 17-21-бетлар.

чекканлигини ёзарканлар, Фитрат драмалари, қолаверса, бутун ижодига мурожаат қиладилар. Чунки муаллифлар тўғри таъкидлаганидек, «пантуркизм» тамғаси остида энг кўп, қақшатқич азоб-укубат чекканлардан бири ҳам Фитрат эди. Улар М.И.Исаевнинг «СССРда тил тизими»<sup>1</sup> китобидаги Фитратга «пантуркизм»чилик ёрлиғи ёништирилган фикрларни инкор этадилар ва адибнинг ғоялари туркпарастликка эмас, «тарихий негизга эга бўлган» Туркистоннинг яхлитлигига қаратылганлигини илмий ҳолис исботлайдилар<sup>2</sup>.

Шоир ва таржимон Ҳамид Аҳмад Исмоил мазкур 1990 йилда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да Чўлпон ва Фитратнинг машғум қамоқхонада тушган иккитадан суратларини «Мангу сақлансин» руқни остида эълон қилди. «53 йиллик ҳибсдан чиққан ушбу суратларга боқар эканман, - дейди Ҳ.Исмоил, - недандир: йўқ, булар буюк бўлсалар-да, айрим зотлар эмас, балки Ўзбекистоннинг бугунги тимсоли, деган ҳаёл мени қийнайди. Чўлпоннинг маънос ва муноси, дунёнинг тагига етиш нигоҳию, Фитратнинг шўру улуғ пешонаси гўёки бизнинг сўқир ва жоҳил, етим ҳаёлимизга мана бу унутилган сўзларни («Абулфайзхон»даги ноҳақ қатл этилган Сиёвуш руҳи - Ҳаёлнинг «Эй қора куч, эй қуриб кетгур тахт... деб бошланувчи монологи назарда тутиляётир - И.Ғ.) айта узатаётгандек туюлади менга».

Дарҳақиқат, Фитратнинг сорғарған, ёнида «С д 4269» рақами муҳрланган маҳзун суратига, Чўлпоннинг, Ҳ.Комил айтмоқчи, маънос чехрасига тикилган киши беихтиёр улуғу шафқатсиз замон (истеъдод қушандалари!) ноҳақ қатл этган бу икки шахс (!)нинг бутун дарду армонини туйгандек бўлади.

1990 йилда Фитрат ҳаёти ва ижодининг кам ўрганилган қирраларини ёритган яна бир талай мақолалар пайдо бўлдиким<sup>3</sup>, шу тариқа фитратшунослик мазкур йилда

<sup>1</sup> Қаранг: Исаев М.И Языковое строительство в СССР. -М.: Наука, 1979.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов Б., Муталов Ш. «Пантуркизм» - машғум тамғи «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги, 1990, 6 июл.

<sup>3</sup> Қаранг: Қаршибоев М. Муҳит эркидаги тутқинлик. «Шарқ юлдузи», 1990, 10-сон; Раҳимов Т. Олмосдек серқирра (Чўлпон ва театр ҳақида. Фитрат ҳақида ҳам қайдлар бор). ЎзАС, 1990, 27 июль; Шарафиддинов О. Чўлпон драмалари (Фитрат ҳақида қайдлар бор) «Санъат», 1990, 4-сон;

янги босқични бошлади. Шубҳасиз, бу ишлар келгусида яратилажак йирик тадқиқотлар учун замин вазифасини ўтайди.

1991 йил 1 сентябрда муқаддас Ватанимиз аждодлар орзу қилган мустақилликка эришгач, 25 сентябрда Абдурауф Фитратга ўзбек драматургиясининг ривожлантиришдаги, реалистик адабий танқидчилик ва адабиётшунослик мактабига асос солишдаги улкан хизматлари учун Алишер Навоий номидаги Республика Давлат мукофоти берилди. Бу муътабар мукофотнинг ўша табаррук кунларда уч буюк, уч ватанпарвару миллатпарвар - Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдурауф Фитратга берилишининг икки рамзий маъноси бор: улар шундай кунлар деб бутун ижодларини, ҳаттоки ҳаётларини ҳам бағишлаган эдилар («Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшармай, сенинг учун ўлурман, ВАТАН!» - Фитрат, 1917 йил); иккинчидан, бу мукофотга сўнг сазовор бўлгучилар елкасига юкланадиган масъулият: худди Қодирий, Чўлпон, Фитратдек Ватан ва миллат, адабиёт ва санъат учун ҳақиқий фидоийлик зарурияти.

1991 йилдаги фитратшуносликнинг энг характерли жиҳати - адиб асарлари нашрининг яхши йўлга қўйилишидир. «Ҳинд сайёҳининг қиссаси»<sup>1</sup>, «Машраб»<sup>2</sup>, «Шеърлар»<sup>3</sup>, «Жоҳил мутаассибликка мисол»<sup>4</sup>, «Ўзбек

---

Қосимов С. Беҳбудий ва жадидчилик (Фитрат ҳақида ҳам қайд бор). ЎзАС, 1990, 26 январь; Қосимхўжаев С. Муסיқа танқидчилиги илдилари «Санъат», 1990, 4-сон; Раҳимова Г. Фитратнинг «Шайтоннинг тапшига ибни». «Адабий мерос», 1990, 3-сон; Эргашев Б. О раннем философском творчестве Фитрата // Общественные науки в Узбекистане.-1990, №10; Истоки новой культуры «Правда Востока», 1990, 20 ноября; Каримов Д., Ғаниев И. Фитрат «туғми истеъдод» дегани. «Бухоро ҳақиқати», 1990, 24 феврал; Ғаниев И. Фитрат ва муסיқа. ЎзАС, 1990, 15 июнь; Қутлимуродов. Ўзбек тилишунослиги тарихидан. Ўзбек тили ва адабиёти», 1990, 3-сон.

<sup>1</sup> Фитрат. Ҳинд сайёҳининг қиссаси (нашрга тайёрловчи Ҳ.Қудратиллаев) «Шарк юлдузи», 1991, 7-39-бетлар.

<sup>2</sup> Фитрат. Машраб (нашрга тайёрловчи Б.Дўстқориев) «Ёш ленинчи», 1991, 29 июн, 2,3 июл.

<sup>3</sup> Фитрат. Шеърлар (ношир Ҳ.Болтабоев). «Шарк юлдузи», 1991, 6-сон, 20-22-бетлар.

<sup>4</sup> Фитрат. Жоҳил мутаассибликка қарши (ношир Ҳ.Болтабоев). «Халқ сўзи», 1991, 13 декабр.

классик мусиқаси ҳамда унинг тарихи»<sup>1</sup> (парча), «Бирлашмоқ учун» («Шарқ сиёсати»дан парча)<sup>2</sup> каби Фитрат асарларининг ўқувчиларга тақдим этилиши маданий ҳаётимизда воқеадир.

«Ҳинд сайёҳининг қиссаси» Ҳасан Қудратиллаев таржимасида «Шарқ юлдузи»да нашр этилиши муносабати билан академик Б.А.Назаровнинг «Фитрат маърифатининг гултожи» кириш мақоласи чоп этилди. «Қисса Бухорога келган ҳиндистонлик мусулмон сайёҳ тилидан ҳикоя қилинади, - дейди олим, - Аслида ҳинд сайёҳи - ёзувчининг ўзи. Бу ерда Фитратнинг асар қурилмаси борасидаги маҳоратига, фикрни баён этиш услубига тап бермасдан илож йўқ. «Ҳинд сайёҳи» ёзилган пайтда Россияда Столинин ислохоти авжга чиққан, биринчи рус инқилобининг «аччиқ сабоқлари» ҳукмрон синфни ларзага солган, ана шулар таъсирида эса Россияга қарам бўлган Бухорода маърифатпарвар жаидлар ҳаракати анча кучайган эди. Шунингдек, бу даврда Туркия ва Эрондаги маърифий-инқилобий ҳаракатлар жонланган, Афғонистонда мустабид амир Ҳабибуллаҳон зулмига қарши Омоғуллаҳон, Маҳмуд Тарзийлар ҳаракати юзага келган эди. Фитрат яқин Шарқдаги ҳаётбахш ўзгариш ва янгиликлардан қаттиқ таъсирлангани асарда яққол сезилаб туради»<sup>3</sup>.

Б.Назаров асарнинг ёзилиш тарихи, қисмати ҳақида сўзларкан, Фитратнинг Қуръон суралари, Муҳаммад найғамбарнинг ҳадисларидан фойдаланиш усуллари хусусида тўхталиб, унинг услубини замондоши ҳамда ҳамфиكري муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий услуби билан қиёслайди<sup>4</sup>.

Филология фанлари доктори, 20-30-йиллар драматургияси билан шуғулланган Қудрат Жўраев Фитратнинг «Арслон» пьесасини талил этаркан, аввало,

---

<sup>1</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ҳамда унинг тарихи (ношир Ҳ.Болтабоев). ЎзАС, 1991, 22 март.

<sup>2</sup> Фитрат. «Бирлашмоқ учун». «Шарқ сиёсати»дан парча (ношир Шерали Турдиев). «Совет Ўзбекистони», 1991, 2 феврал.

<sup>3</sup> Назаров Б. Фитрат маърифатининг гултожи. «Шарқ юлдузи», 1991, 8-бет.

<sup>4</sup> Уша ерда, 9-бет.

унинг ўз давридаги сахна тарихига назар солади ва ғоявий йўналиши, қисман бадий хусусиятлари ҳақида тўхталди<sup>1</sup>.

Адабиётшунос «Матрифатли исёнкор» мақоласида ҳам Фитратнинг «Чин севиш», «Темур сағанаси», «Абулфайзхон», «Восё кўзғолони», «Шайтоннинг тангрига исёни» ҳақида сўзлаб, уларда исёнкорлик руҳи, эрк ва озодлик ғоялари ёрқин тажассум топганлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимов «Адабий замондошлар» мақоласида Алишер Навоий ва Фитрат ижодотининг авлодлар учун ўлмас маънавий-руҳий мерос эканини таъкидлаб, бу икки улуғ сиймонинг бизга ҳаминша мададкор, замондошлигини эҳтирос-ла эътироф этади<sup>3</sup>.

Наим Каримов Фитратнинг шоғирд-котиби бухоролик Изомийнинг ҳаёти, устози ҳақидаги хотираларидан ҳикоя қилувчи янги маълумотларга бой мақола ёзди<sup>4</sup>.

Шаҳон адабиётининг зукко билимдони, зариф олим (раҳматли) Талъат Солиҳов ёзувчи Олим Отахонов билан замонавий адабиётнинг умумахвол-руҳияси ҳақида қилган суҳбатида, Фитрат ва Чўлпон ижодини дунёда воқеа саналган асарлар мезони билан ўлчаб, шундай ёзади: «Бизда, ўзбек адабиётида ўша пайтда ҳам (20-30-йиллар назарда тутиляётир - И.Ф.) бунақа асарлар (мураккаб услубли, «Усто ва Маргарита», «Чевенгур» каби - И.Ф.) ёзилган эмас. Фақат Чўлпоннинг шеърлари ва «Кеча ва кундуз» романи. Фитратнинг драмалари ва илмий мақоалари бундан мустасно. Булар бармоқ билан санарли даражада, Бахтга қарши шуларни ҳам ҳозир китоб ҳолида чиқараётганимиз йўқ»<sup>5</sup>. Бухоролик олим Абдуғаффор Мурод Хон «Абдурауф Фитрат даҳоси»<sup>6</sup> китобида, асосан, шоирнинг шеърларидаги

<sup>1</sup> Жўраев Қ. «Арслон» шеъасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1991, 1-сон, 14-18-бетлар.

<sup>2</sup> Жўраев Қ. Матрифатли исёнкор. Фитрат анжумнини материаллари. Бухоро, 1992, 21-22-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Иброҳимов А. Адабий замондошлар. «Совет Ўзбекистони», 1991, 30 апрель.

<sup>4</sup> Қаранг: Каримов Н. Изомий эмас Низомий ёки кўп йиллар Абдурауф Фитратга котиблик қилган инсон. «Ўзбекистон овози», 1991, 7 декабрь.

<sup>5</sup> Солиҳов Т., Отахонов О. Ўқинч ва умид. ЎзАС, 1991, 1 февраль.

<sup>6</sup> Ўн босма табоқ ҳажмидаги мазкур китобнинг қўлёзмаси билан мен шахсан танишдим.



эрк фалсафаси, Ватан ва миллат муҳаббатининг мисралардаги ёрқин ифодаси, давр билан боғлиқ муңгли-маҳзун оҳанглардаги ботний маъноларни таҳдиду талқин этади. У Фитратни «истиқлолнинг ёниқ куйчиси» сифатида таърифлаб, «Менинг Ватаним», «Миррих юлдузига» шеърларини таҳлил этаркан, бевосита 1920-30-йиллардаги мураккаб ижтимоий-сиёсий жараён билан қиёсан талқин этади. «Ишқимнинг таърифи», «Ўзалим, бевафо гулистоним» каби лирик шеърларни эса Фитрат тақдири билан боғлиқ ҳолда, тарихий фактларга қиёслаб, ички маъно - шоирнинг ёниқ дарду хасрат, армонларини инкишоф этишга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, А.М.Хон Фитрат ҳаёти ва ижодига оид яна бешта мақола ҳам эълон этган<sup>1</sup>.

Айтиш мумкинки, 1991 йил Фитрат ва унинг ижоди ҳақида ёзилган бир қатор мақолалар<sup>2</sup> фитратшуносликдаги республика адабий-илмий жамоатчилик фикри, савий-ҳаракатларининг жонланишидан хайрли дарак эди.

1992 йилнинг баҳорида (21-23 май) Бухоро озиқ-овқат ва снгий саноат технологияси институти профессор-ўқитувчиларининг ташаббуси билан «Абдурауф Фитрат миллий феномени, адабий, илмий-назарий мероси, ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган биринчи жумхурият илмий-амалий анжумани» ўтказилди ва иштирокчилар маърузасининг мухтасари (тезиси) алоҳида китоб ҳолида нашр этилди<sup>3</sup>.

«Анжуман материаллари»да 52 та бевосита Фитрат ҳаёти, ижоди билан боғлиқ муаммоли тезис ва 34 та турли

<sup>1</sup> Қаранг: Хон М.А. Эрк фалсафаси. «Муаллим» (Бухоро университети газетаси), 1991, 9 октябрь; Истиқлолнинг иккилик ораулари. «Дўстлик бийроғи», 1991, 1,5,7 ноябрь; Кенг қамроғи зукко олим. «Жондор овози» газетаси, 1991, 1 ноябрь; Гуллар тўшалган ишқ йўли. «Ленин йўли» газетаси, 1991, 30 ноябрь; Истиқлолнинг ёниқ куйчиси «Бухоро ҳақиқати» газетаси, 1991, 6 декабрь. (Фитратта Навоий мукофоти берилиши муносабати билан ёзилган).

<sup>2</sup> Қаранг: Бозоров А. Фитратнинг «Араб алифбоси тарихи» хусусида «Ўқитувчилар газетаси», 1991, 4 апрель; Аҳмедов С. Фитрат ва Йсавий. «Салғат» журнали, 1991, 8-сон, 19-20-бетлар. Сафаров О., Аҳмад Т., Муродов Ғ. Фидойи. «Совет Ўзбекистони», 1991, 6 июль. Жўраев А. Барҳаётлик ЎзАС, 1991, 1 февраль ва бошқалар.

<sup>3</sup> Қаранг: Фитрат анжумани материаллари. Бухоро, 1992. (Жами 122-бет).

фанларнинг долзарб масалаларига бағинланган мақолачалар чоп этилган.

Тилишунос-профессор А.Б.Абдуллаев «Фитратнинг бухоролик замондонлари» маърузасининг матида Мулло Мир Аҳмад маҳдум Бухорий (1834-1909) ҳақида ҳали кўпчилик билмаган маълумотларни келтиради<sup>1</sup>.

С.Азимов Садриддин Айний ва Фитратнинг муносабатлари, ижодий ҳамкорлик хусусида сўзлаб, тожик тилида нашр этилган «Одина»га Фитрат «ўз боши ёзганлиги (1927, 2-нашри, 1931)<sup>2</sup>, бу икки зуллисонайн ижодкор меросини қиёсий ўрганиш зарурлиги, уларнинг ижоди икки тиллилик анъанасининг XIX аср охири XX аср бошларигача давом этганига намуна эканлини таъкидлайди. С.Азимов Арабистоннинг Жидда шаҳрида истиқомат қилувчи Абдуқодир Саббоқ Бухорийнинг «Армуғони Саббоқ» китобида (1969, Мадинаи Мунаввара) ҳам Фитрат ҳақида анча маълумотлар борлигини қайд этган<sup>3</sup>.

Ш.Аҳмедова Фитратнинг «Қиёмат», «Рўзалар», «Захронинг имони», «Оқ мазор» асарларидаги ҳажв элементларини таҳлил этса<sup>4</sup>, О.Х.Вафъев адиб асарлари мисолида миллий ўзликни англаш муаммоларини эҳтирос-ла ёритишга ҳаракат қилади<sup>5</sup>.

Фитратшунос олим Ҳамидулла Болтабоев «Тасаввуф шоирлари Фитрат талқинида» деб номланган маъруза матида адибнинг суфийлик фалсафаси ҳақидаги қарашларини турк олимларининг тадқиқотлари билан қиёслайди. Фитратнинг Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Умар Хайём, Бедил, Машраб ҳақидаги тадқиқотларидан фикрига далиллар топади. Фитратнинг тасаввуф олими эканлигини нафақат замондошлари М.Бехбудий, В.Маҳмуд, Л.Азиззода, А.Саъдий, балки хорижий олимлар ҳам эътироф этганларини алоҳида таъкидлайди<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Ўша ерда, 10-11-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Фитрат. Сарсухан Айни С. Саргузашти як тоҷики камбағал, ёки Одина. - Самарқанд-Душанбе, 1927, 1931.

<sup>3</sup> Азимов С. Фитрат анжумани материаллари. Бухоро, 1992, 13-бет.

<sup>4</sup> Ўша ерда, 14-15-бетлар.

<sup>5</sup> Ўша ерда 17-18-бетлар.

<sup>6</sup> Ўша ерда, 15-16-бетлар.

Гулистонлик А.Дониёров «Фитрат ва сўз тартиби»да олимнинг миллий тилшунослигимиздаги мавқейини таъкидлаб, «Адабиёт қондалари»дан қуйидаги иқтибосни келтиради: «Услубда софлик - сўз тузишда, гап тузишда ётчилик кўрсатмаслик, асарда ёт сўзлар, ё аски англашилмас сўзларни киргизмаслик, ёт тилларнинг наҳви қондаларига қараб гап тузмасликдир». Фитратнинг ушбу фикрини мезон қилиб олиб А.Дониёров бугунги тилимизнинг умумаҳволига илмий назар солади, ўзбек тилида сўзларнинг эркин қўлланиш тартибини, қисман тадқиқ этади<sup>1</sup>. Аммо А.Дониёров Фитратнинг тилшуносликдаги хизматларини ўрганишга жазм этаркан, олимнинг тил соҳасида яратган махсус тадқиқотларига мурожаат этмайди.

Ж.Жалолов, А.М.Мамадалиев, Қ.Шодмонов, Г.Раҳмоновлар ҳамкорликда ёзган мақолада ҳам Фитратнинг «Ўзбек тили қондалари тўғрисида бир тажриба» асари ҳозирги давр тилшунослиги нуқтаи назаридан ўрганилиб, олимнинг тилиш белгилари хусусидаги фикри бугун ҳам ўз кучида турганлиги, ҳаттоки замонавий тилшунослик ўзбекча истилоҳларни қўллашда Фитратдан намуна олиши кераклиги ҳам таъкидланади<sup>2</sup>.

Р.Жумаева ва М.Болтасвалар Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедияси таҳлили мисолида Фитратнинг демократик фалсафасини, ахлоқий концепциясини ёритишга ҳаракат қилганлар<sup>3</sup>. Аммо сарлавҳанинг қамрови жуда кенг («Фитратнинг демократик фалсафаси») бўлгани боис, ҳақли эътироз туғилади: бу мавзу махсус тадқиқотга асос бўлса арзигулик бўлганидан, Фитратнинг «Мунозара», «Ҳинд сайёҳининг қиссаси», «Шарқ сиёсати» каби асарларини ҳам чуқурроқ ўрганишини тақозо қилади.

Л.Жўраева ва Г.Мусақулова Фитрат ижодидаги ижтимоий фалсафа муаммоларини ўрганар эканлар, биргина «Ҳинд ихтилочилари» драмасига асосланганликларини таъкидлайдилар. Аммо муаллифлар ишида муаммонинг таҳлилий ёритилиши эмас, сюжетнинг

<sup>1</sup> Ўша ерда, 18-20-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 20-22-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 20-23-бетлар.

баёни устиворлик қилган<sup>1</sup>. Ҳолбуки, Фитрат «Ҳинд ихтилолчилари»да жуда катта, ўта муҳим ижтимоий фалсафа - зулм ва зўрлик асосида ҳеч қачон ҳокимиятни бошқара олмаслик, инсон эрки ва озодлигининг қушандаси бўлган босқинчиликнинг ёвуз оқибатлари, ва инқирозга маҳкумлиги, манфаатшарастлик, иккиюзламачилик каби иллатларнинг умумтараққиёт учун зарарини бадиий образлар орқали ифодалаган.

С.Жумаев ва Х.Қодировлар Фитратнинг яратган дурдона асарлари кўп тилларга таржима бўлиб, «олам кезганлиги» ҳақида тўхталсалар<sup>2</sup>, жиззахлик Ж.Лапасов Фитрат томонидан «Юсуф ва Зулайҳо» дoston тарихининг ўрганилишига назар солади<sup>3</sup>. Файласуф Г.Наврўзова «Фитрат XII аср Бухоро тасаввуфи тўғрисида» номли ишида олимнинг «Аҳмад Яссавий» тадқиқотига таяниб Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотларини чуқур билганлиги ва Фитрат учун Ф.Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс», Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат», Кошифийнинг «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» каби муътабар манбалар асос бўлганини таъкидлайди<sup>4</sup>.

Яхши ният билан ўз ишига «Фитрат ислом динида аёл қадрияти тўғрисида» деб сарлавҳа қўйган Д.Ортиқова, адибнинг «Мухтасар ислом тарихи»дан биргина иқтибос олади-да, ўз фикрини тасдиқлаш учун бошқа манбалардан кўпгина кўчирмалар келтиради<sup>5</sup>. Ҳолбуки, муаллиф томонидан Фитрат асаридан олинган парча исломиятдан олдинги жоҳилият даврларига тегишли. Яъни, оилада қиз туғилса жоҳил одамлар (исломгача) беғуноҳ гўдакни олиб бориб тириклайин кўмганлар. Фитратнинг бошқа жуда кўп асарларида ислом динида аёلнинг қадри нечоғли эканлигини далилловчи мисоллар бор.

Ш.Раупов ва Г.Ғапиеваларнинг «Нурли сиймолар»ни ўқиб» деган маъруза матнлари ўта умумий, унинг ярми

<sup>1</sup> Ўша ерда, 25-26-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 26-28-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 24-30-бетлар.

<sup>4</sup> Ўша ерда, 34-35-бетлар.

<sup>5</sup> Ўша ерда, 36-37-бетлар.

Мутаваккил Бурҳоновнинг Фитратнинг мусиқага муҳаббати ҳақидаги хотирасидан олинган иқтибосдан иборат<sup>1</sup>.

Шоир ва олим Садриддин Салимов ва Н.Бақосевларнинг «Фитрат - муаррих» деб номланган мақолалари адибнинг «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» китоби тадқиқига бағишланган. Фитратнинг манғит амирлари ҳақида ёзганларини муаллифлар Мирзо Азим Сомий, Аҳмад Дониш, Садриддин Айнийларнинг Бухоро тарихи хусусидаги ишлари билан солиштирадилар ва аниқ хулосага келадилар: «Фитрат тарихий шахсларга ўз шахсий (субъектив) фикри асосида эмас, балки объектив баҳо берган. Амир саройидаги қарама-қаршиликлар, мансабдорлар орасидаги низо, Бухорода бўлиб ўтган шиа ва суннийлар орасидаги жанжал ҳам объектив баён қилинган... Амир билан ўртадаги сиёсий мухолифийат ушбу асар ёзилиши учун муаллифни аччиқ тил ва қора рангни меъёридан ортиқроқ ишлатишга мажбур этган»<sup>2</sup>.

С.Ризасевнинг «Фитрат - серкирра ижодкор олим» номли мақоласи ҳам адиб асарларининг номларини санашдангина иборат бўлиб қолган, аниқ бир муаммо кўйилмай, оҳорли бирор ғоя, қараш илғари сурилмаган<sup>3</sup>.

Ҳ.Саломова, Қ.Шодмонова, Х.Эргашевалар Фитрат ижодида инсон муаммосини ўрганишга ниятланиб, адибнинг насерий, публицистик, ҳатто илмий меросини кўздан кечирадилар ва унинг асарларида устивор фалсафа «инсонни ўз-ўзини англаш»га қаратилганини таҳлилий асослайдилар<sup>4</sup>.

Ҳақиқатан, Альбер Камю айтганидек, «ўзликни англаш - исён!» Фитратнинг бутун меросида бу ўлмас, эрк ва озодлик учун энг зарур ғоя ҳаминша устивордир.

Олмон тили мутахассиси С.Саидов ва С.Х.Саидоваларнинг мақолалари эса Фитрат драматургиясига ғарб адабиётининг таъсири масаласига бағишланган. Муаллифлар Фитрат драмаларини европача номда ёзилган, бадийий лишиқ, тўлақонли асарлар

<sup>1</sup> Ўша ерда, 37-38-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 42-бет.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 39-40-бетлар.

<sup>4</sup> Қаранг: Ўша ерда, 43-46-бетлар.

эканлигини таъкидласалар-да, бу тўғри фикрни умумий тарзда, яъни бирор аниқ асар таҳлилисиз ифодалайдилар<sup>1</sup>.

Муסיқашунослар Ф.Тўраев, Б.Мустафоев Фитратни етук «шашмақомшунос» сифатида ўрганиб, унинг мумтоз музикамиз учун қилган хизматларини «Ўзбек классик муסיқаси ҳамда унинг тарихи» асарининг таҳлили мисолида кўрсатадилар. Муаллифлар Фитратнинг мумтоз муסיқа меросимизга бўлган муҳаббатини замонамиз билан қиёслаб, шундай ҳақли афсус чекадилар: «30-40-йилдан кейин Оврупо муסיқасининг сиқиғига қолиб, миллий муסיқамизнинг ривожланиши таназулга учрашини оқ кўнгил олим (Фитрат - И.Ф.) сезганмикин...»<sup>2</sup>.

Э.Тўракулов ўз мақоласида Фитратнинг педагогик фаолиятини ёритмоқчи бўлади. Аммо Фитратнинг педагогик фаолиятидан бирор аниқ мисол келтирилмайди-да, фақат айрим асарларидаги илм-ахлоқ ҳақидаги сўзларига муносабат билдиради<sup>3</sup>. Холбуки, Фитрат Бухоро Шарқ муסיқа мактабида (1921), Самарқанд хореография билим юртида (1923-24), сўнграқ университетда дарс берган. Бухорода янги усулдаги жаид мактабларининг очилиши ва уларда илоҳий билимлар билан бирга дунёвий фанларнинг ўқитилишини таъминлаш учун жуда кўп саъй-ҳаракатлар қилган. Ибтидоий мактабларнинг сўнг синфлари учун «Ўқув» деган (1917, Баку), шунишгдек, «Адабиёт қоидалари», «Ўзбек адабиёти намуналари», каби дарсликлари бор. «Эски мактабларни нима қилиш керак?» («Қизил Ўзбекистон», 1927, 6 март) каби муаммоли мақолаларнинг муаллифи ҳам олиму педагог Фитратдир.

Гулистонлик Босим Тўйчибоев Фитратнинг тилшуносликка оид қарашларини ҳозирги адабий тил қонуниятлари билан қиёсан тадқиқ этади. У олимнинг ўзбек тилининг софлиги учун кураши, атамашуносликдаги фаолияти, тили ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан терап билиши ҳақида тўхталиб, ҳозирги адабий тилимизнинг луғат

---

<sup>1</sup> Қаранг: Саидов С., Саидова Х.С. Фарб драматургиясининг Фитрат ижодига ижобий таъсири. Фитрат анжумани материаллари, 46-47-бетлар.

<sup>2</sup> Уша ерда, 52-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Тўракулов Э. Абдурауф Фитрат - етук педагог. Фитрат анжумани материаллари. Бухоро, 1992, 53-54-бетлар.

бойлиги нақадар ғариб аҳволда эканига ачинади. Фикрининг исботи учун «Ўзбек тилининг луғати»га мурожаат этади<sup>1</sup>.

Ҳ.Қодиров ва О.Облоев эса «Қон билан йўғрилган қасосқорлик» мақолаларида эҳтирос билан Фитратнинг ватаншарварлик, миллатпарварлик руяларини, букилмас иродасию, қатъияти ва эътиқодини ворисларга сабоқ бўлса арзигулик, деб таърифлайдилар. Фикрларига «Юрт қайғуси»дан иқтибос келтирадилар<sup>2</sup>. Бироқ бироз ўз-ўзини қайтариқ ҳам бор.

«Фитрат томонидан мутасаввуфларни гуруҳлаш» мақоласининг муаллифлари З.Қосимова, М.Мухитдиновлар олимнинг «Мухтасар ислом тарихи» ва «Аҳмад Яссавий» асарларига таянадилар. Уларнинг фикрича, Фитрат мутасаввуфларни учга бўлган: а) мулло-мутасаввуф (Юсуф Ҳамадоний); б) теран мутасаввуф (Мирзо Абдулқодир Бедил); в) зоҳидлар<sup>3</sup>. Аммо шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, Фитрат мутасаввуфларни махсус гуруҳларга ажратмаган. Бирор суфий ёки тасаввуф ҳақида ёзганида юқоридаги истилоҳларни қўллаган. Фитратнинг тасаввуфга муносабати махсус, жиддий текширишни талаб этади. Фитрат Ж.Бойбўлатовга ёзган очиқ хати - «Ёлишмаган гажжаклар» мақоласида («Қизил Ўзбекистон», 1929, 15-16.1X) «Хатто, шу кунларда Ўрта Осиёда тасаввуф тарихи номли бир китоб вужудга келтирмак учун тиришмакдаман» деса-да, бугунга қадар бу китоб яратилганими ё йўқ, бизда маълум эмас. Аммо бир ҳақиқат аён-аксиомаки, Фитратнинг бутун мумтоз меросимиз ҳақидаги текширишларида унинг тасаввуф фалсафасидан теран хабардорлиги ойдек равшан.

Филология фанлари номзоди Ғайрат Муродов «Фитрат ва Амир Олимхон» мақоласида адибнинг «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» рисоласини Бухоронинг XX аср бошидаги мураккаб сиёсий-ижтимоий аҳволи ва Олимхоннинг «Бухоро халқининг ҳасратли кечмиши» китоби билан қиёслаб ўрганади. Муаллиф Олимхон ва Фитрат ўртасидаги муносабатларнинг «чуқур ижтимоий-сиёсий

<sup>1</sup> Қаранг: Тўйчибоев Ь. Фитрат ва ҳозирги ўзбек адабий тили Фитрат ашқумани материаллари. Бухоро, 1992, 54-56-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша ерда, 56-58-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўша ерда, 58-59-бетлар.

илдиэларига» назар солади. Бухоро жадидларининг сўл қаноти - «ёш бухороликлар» билан амир ўртасидаги ихтилофлар тарихини мухтасар ёритади<sup>1</sup>.

Тилшунослар Н.Хусанов, Н.Эркаев «Абулфайзхон» асаридаги атоқли отлар хусусида баъзи қайдлар» деб номланган маърузаларининг мухтасар матнида трагедиядаги атоқли отларни, асосан, уч гуруҳга бўладилар: 1. Антропонимлар - шахс номлари: а) содда ёки туб номлар (Охун, Улфат); б) исм-унвон (Раҳим тўқсабо каби); в) исм-унвон-нисба (Ҳаким бий иноқ); г) унвон-исм (Амир Темур).

2. Топонимлар - жой номлари: а) мамлакат, шаҳар номлари (Туркистон, Хива каби); б) турли жойларни ифодаловчи сўзлар (Чилдухтарон, Обхона).

3. Этнонимлар - уруғ ва элат номлари: ўзбек, манғит, хитой, қипчоқ.

Муаллифларнинг жажжи тадқиқотлари қўйилган муаммонинг тўғри, илмий, аниқ ва ихчам ёритилганлиги билан бонқа иилардан ажралиб туради<sup>2</sup>.

М.Хўжабоев ҳам Фитратнинг тилшунос сифатидаги хизматларини ёритишга ишятланиб, ўз ишига «А.Фитрат - сгук тилшунос олим» деб сарлавҳа қўйса-да, биргина «Тилимиз» мақоласининг умумий таҳлили билан чекланади<sup>3</sup>.

Театршунос (раҳматли) Саид Хўжаевнинг «Фитрат асарлари саҳнада» деб номланган мақоласи фактларга бойлиги билан эътиборга молик. Муаллиф Фитратнинг ҳар бир драмасининг саҳнага қўйилиш санаси, ролларни ижро этган артистлар, ёзилган тақризлар ҳақида хабар беради<sup>4</sup>.

Тарихчи олим Нарзулла Йўлдошев Фитратнинг «Раҳбари нажот» асарининг ёзилиш, нашр этилиш тарихи, мундарижаси ва қисмати ҳақида сўзлаб, ундаги миллатиарварлик ғояларига диққатни қаратади<sup>5</sup>. Таъкидлаш жоизки, Фитратнинг мазкур асари (форс тилида, 224-бет) Н.Йўлдошевнинг шахсий кутубхонасида сақланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўша ерда, 59-61-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша ерда, 61-62-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўша ерда, 62-63-бетлар.

<sup>4</sup> Қаранг: 63-66-бетлар.

<sup>5</sup> Йўлдошев Н.А. Фитрат ватанпарварлигининг «Раҳбари нажот» асаридаги инъикоси. Фитрат анжумани материаллари. Бухоро, 1992, 66-68-бетлар.



Тожикистон Фанлар академиясининг академиги Муҳаммаджон Шукуров «Фитрат ва тожик адабиёти» номли мақоласида адибнинг аср боши ижодида «тожик адабиётининг янги ижтимоий мазмуни, ватанпарварлик ва маърифат оҳанги, публицистик йўналиши ўзининг муносиб ўрнини топган»лиги таъкидланган. «Ҳақиқатан, - дейди М.Шукуров, - мазкур повесть («Мунозара», «Сайёҳи хиёти», «Раҳбари нажот» - И.Ф.), шуниингдек, Мирзо Сирож Ҳакимнинг «Бухоро аҳлига тухфа» асари (1911, Бухоро)дан бошлаб тожик прозасида чинакам янгилашни бошланди»<sup>1</sup>.

М.Шукуров Фитратнинг тожик адабиётидаги хизматлари тўғрисида ёзаркан, кўпроқ С.Айнийнинг «Тожик адабиёти камуналари» (1928, Москва) асарига таянади. Олим Фитратнинг давр қалтислиги муносабати билан Ж.Бойбўлатовга ёзган очиқ хатидаги («Ёнишмаган гажжаклар», 1929, 15-16 сентябрь, «Қизил Ўзбекистон» газетаси) бир оз «пантуркизм ҳаёлига берилдим» жумласини «туғиб» олади-да, «миллатчилик - унинг дунёқарашида реакцион тус берди» деб ҳукм чиқаради<sup>2</sup>. Биз ҳар қандай воқеа-ҳодисага баҳо берарканмиз, аввало, тарихийлик нуқтаи назаридан, мавжуд тузум тартиб-қоидаларидан келиб чиқиб ёндашмоғимиз лозим. Қанчадан-қанча улуғ одамларимиз Сталин қатағонининг тиғи, тазйиқ, қийноқ остида ўз эътиқодларига қарши ҳужжатларга «имзо» чекишга, неча-неча «ёрлиқлар» ёпиштирилганда сукут қилишга мажбур этилганларини тарихдан биламиз-ку!

Академик М.Шукуров Фитратни туркпарастликда айбларкан, асосан, аввал ижодини тожик тилида бошлаган адиб 1915-16 йилдан кейин ўз асарларини ўзбек тилида оммавий ёза бошлаганида деб билади: «1920 йилнинг охирига келиб Фитрат пантуркизм таъсирида йўл қўйган хатосини тушунди ва тожик адабиётига қайтди. «Восеъ қўзғолони» (Душанбе, 1927) пьесасини ёзди, «Қиёмат» (ўзбекча варианты, Москва, 1923) ҳикоясининг тожикча вариантини чоп эттирди. У логиялаштирилган тожик ёзувини ва тожик тилининг янги орфографиясини яратди»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўша ерда, 68-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 69-бет.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 69-бет.

(Муаллиф 1930 йил, 1 сентябрь, «Тожикистони сурх» газетасида босилган бир «хабар»ни ҳам келтирадигани, бу ҳам қайсидир мухбирнинг ахтирос-ла ёзган, ўта маҳдуд фикридир)<sup>1</sup>.

М.Шукуров менинг номимга йўллаган бир мактубларида ҳам худди шу фикрларни баёни этадиларким, мухтарам академикимизнинг Фитрат ҳақидаги айрим қарашларига қўпилиш жуда-жуда қийин.

Қ.Шодмонов, Л.Латишовлар «Устознинг ҳаётбахш ўғитлари»<sup>2</sup>, М.Қурбонова «Фитрат этнографиясининг илмий қиймати»<sup>3</sup>, С.Юсупов «Фитратнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти тарихидан»<sup>4</sup>, М.Аҳмеджонова «Таҳлил - хулоса чиқаришнинг пойдевори»<sup>5</sup> каби маърузаларининг мухтасар матнида адиб ҳаёти, ижодининг ўзига хос томонлари ҳақида фикр юритганлар.

Филология фанлари доктори Нарзулла Шодиев «Фитрат поэтикасида бадий замон (вақт) фалсафаси» номли мақоласида «Фитрат ижоди поэтикаси унинг мумтоз шахси феноменидек ўта ноёб, миллий сўз санъатимиз, маънавий камолотимизда санъаткорнинг серқирра фаолияти ўз такрорланмас илмий-назарий, бадий-эстетик ҳофизаси билан фавқулодда ҳодиса», - деб қарайди. Н.Шодиев Фитрат драмаларини фалсафа ва эстетиканинг қўшалок муаммоси бўлмиш бадий макон ва бадий замон нуқтаи назаридан таҳлил этиб, драматург асарларида, асосан, ўтмиш замон, тарихий-драматик вақт устиворлик қилишини таъкидлайди. «Санъаткор поэтикасида бадий вақт гоҳ замондан ташқари бўлган илоҳий вақтга («Қиёмат»), кўпроқ эса фожей-тарихий вақтга айланади, - дейди у, - Илоҳий вақт «Қиёмат»да Худо вақтига, дўзах вақтига, демак, аксилвақтга айланиб, замирида теран инсоний моҳият ётмиш соф шартлилик, соф рамзийлик, теран ижтимоийлик касб этса, «Туркистон мухторияти»да, тарихий драма ҳамда

<sup>1</sup> Қаранг: Ўша ерда, 69-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 74-75-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўша ерда, 75-76-бетлар.

<sup>4</sup> Қаранг: Ўша ерда, 76-78-бетлар.

<sup>5</sup> Қаранг: Ўша ерда, 79-бет.

фожиаларида тарихий реаллик касб этади. Фитрат ижодий меросининг замонавий моҳияти ҳам, зотан, ана шунда»<sup>1</sup>.

Хуллас, Фитратнинг адабий, илмий-назарий мероси, ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишлаб ўтказилган Биринчи Республика анжумани (Бухоро, 21-23 май) илк тажриба бўлишидан қатъий назар, адабнинг ўзи айтмоқчи, қадршунослик нуқтаи назаридан қатта аҳамиятга моликдир.

Дарҳақиқат, 1992 йил ҳам фитратшунослик учун анча самарали келди. Шу йил Фитратнинг бир печа асар, мақолалари нашр этилди<sup>2</sup>, адиб асарларининг бир қадар мукамалроқ библиографик кўрсаткичи эълон бўлди<sup>3</sup>. Олий ва ўрта махсус ўқув юрлари учун бир қўлланма<sup>4</sup> чоп эттирилиб, драматургияси ҳақида бир номзодлик диссертация ҳам ҳимоя қилинди<sup>5</sup>.

Ёзувчи Набижон Боқийнинг «Абдулла Қодирийни кимлар, қандай йўсида, қаерда, қачон ва нима учун қатл этган»лари ҳақидаги ҳужжатли қиссаси — «Қатлнома»да ҳам Фитратнинг ачиқ қисмати ҳақида маълумотлар бор.

Китобда Фитратнинг қатли ҳақидаги 181 рақами остида сақланаётган «Приговор»нинг нусхаси илова қилинган<sup>6</sup>. Унда ҳарбий юрист Алексеев, Зайцев ва Болдирев, ҳарбий котиб Батцериинг ёпиқ суд жараёнида Фитратни 1938 йилнинг 5 октябрида ўлимга ҳукм қилганлари ҳақидаги ҳужжатнинг фотонусхаси акс топган. «Қатлнома» муаллифи томонидан келтирилган, Фитратнинг қисмати учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир «англатма»ни шу ўринда тўлиқ келтиришни лозим топдик:

<sup>1</sup> Ўша ерда, 116-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Фитрат. Шарҳ сиёсати. Бухоро, 1992; Фитрат «Тазманан таъдиб» (1914, шър). «Навқирон Бухоро», 1992, 28-29-бетлар; Фитрат. Сарсухан (Ба асари Садриддин Айни «Одина», 1927). «Навқирон Бухоро», 1992, 6-сон, 26-27-бетлар; Фитрат. XVI асрдан сўнгги ўзбек адабиётига бир қараш. «Навқирон Бухоро», 1992, 6-сон, 18-25-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: «Навқирон Бухоро». жаридаси, 1992, 18-29-бетлар.

<sup>4</sup> Қаранг: Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат. Тошкент, 1992.

<sup>5</sup> Қаранг: Ғаниев И. Фитратнинг «Абулфайзахон» трагедиясини яратиндаги маҳорати. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1992.

<sup>6</sup> Қаранг: Боқий Н. Қатлнома. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992, 104-бет.

## АНГЛАТМА

Абдурауф Фитратнинг хужжатгоҳда сақланаётган  
976524 рақамли жинойтномаси асосида тузилган

«1886 йили Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек, фирқасиз, Ўзбек Тил ва адабиёт институтининг профессори Абдурауф Фитрат 1937 йилнинг 22 июль куни ЎзСШЖ ИИХК маҳкамаси томонидан миллатчиларнинг «Миллати иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси сифатида ҳибсга олинди.

Фитрат қамоққа олингандан сўнг, бирипчи марта фақат 1937 йилнинг 25 октябрь куни сўроқ қилинади.

Сўроқ тасдиқномаси машинкада ёзилган (24 саҳифа) бўлиб, уни ЎзСШЖ ИИХК ДХБ IY бўлими бошлиғининг ёрдамчиси, ДХБ лейтенанти ТРИГУЛОВ билан ЎзСШЖ ИИХК ДХБ IY бўлимида шошилнич вазифаларни бажарувчи ходим, ДХБ кичик лейтенанти Шарипов имзолашган.

1937 йил 30 ноябрь куни Фитратга ЎзСШЖ ЖМнинг 57-моддасининг 1-банди бўйича айб тақилади. Айблов ёзилган расмий оғозга Фитрат ўз кўли билан: «Ўқидим, қисман рози эмасман», деб ёзиб қўйган.

1937 йил 16 декабрь куни Абдурауф Фитратнинг жинойи иш юзасидан тузилган айбнома тасдиқланади.

Тергов расман тамом бўлгандан кейин ҳам, 1938 йилнинг 4 апрелидан то 2 октябрга қадар бу иш бўйича тергов жараёни давом этаверади. Фитратнинг ўзи сўроқ қилинади, бошқа айбланувчилар билан юзлаштирилади. 1938 йилнинг 20-23 май кушлари яна-тағин Фитрат сўроқ қилинган. Тергов тасдиқномаси машинкада ёзилган (20 саҳифа) ягона нуسخада расмийлаштирилган, холос.

1938 йил 23 сентябрь кунги тергов найтида Фитрат 1921 йилдан бери миллатчиларнинг аксилинқилобий ташкилотига аъзо экани тўғрисида кўргазма беради (жиноятноманинг 173-саҳифаси).

Фитрат судда айбига иқроф бўлади.

Суд мажлиси фақат ўн беш дақиқа давом этади.

СШЖИ Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг сайёр  
мажлиси томоидан Фитрат миллатчиларнинг

аксингўравий, кўзғолончилик, одамқушлик, бузғувчилик, зарарқунандачилик ташкилотининг фаол аъзоси сифатида 1938 йил 5 октябрь куни олий жазога - отувга ҳукм қилинади.

СПШЖИ Ички Ишлар Қозирлигининг 1-махсус бўлими томонидан тайёрланган аңлатмада кўрсатилишича, Абдурауф Фитратни отиш ҳақидаги ҳукм 1938 йилнинг тўртинчи октябрь куни Тошкент шаҳрида ижро этилади».

(А.Қодирийнинг жиноятномаси, «Гафтиш ашёлари» бўлими, 39-40-саҳифалар).

Надоматлар бўлсинким, истибдод замонининг қақшатқич зарбаси ҳали миллий тафаккуримиз, тараққиётимиз учун улкан хизматлар қилиши мумкин бўлган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир билан бирга Абдурауф Фитратни ҳам, авлодлар қалбида машғу армон қилиб, халқ кўксидан юлиб кетди. Н.Боқийнинг китобини ўқиган киши бу фожиялар олдида, сўзсиз, яна бир бор узоқ кайғуга чўмади.

1992 йил ҳам фитратшуносликда муҳим бир босқич бўлиб, Б.Қосимов, Э.Каримов, Ш.Каримов, А.Алиев, Ш.Турдиев, Ҳ.Болтабоев, Г.Раҳимова, Ш.Ғойинова ва бошқа<sup>1</sup> олимларнинг Фитрат сиймоси билан боғлиқ мақолалари турли матбуот саҳифаларида чоп этилди.

Сўнги даврга келиб (1993-2005) Фитрат ҳаёти, ижодиётини муаммоли ўрганиш бўйича фитратшуносликда тармоқланиш содир бўлганлиги бу соҳадаги олимлар сафининг кенгайганлигига далилдир.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Эргашев Б. Абдурауф Фитратнинг 1920-23 йилларда ёзган асарларида «тақлид» муаммоси. Фитрат анжумани материаллари. Бухоро, 1992, 69-70-бетлар; Ҳасанов Б. Туркистон босқини. Тошкент: «Нур» нашриёти, 1992, 19-бет; Раҳимов Н. Аграр муносабатлар тарихчиси «Навқирон Бухоро» жаридаси, 1992, 7-сон, 15-17-бетлар; Ғаниев И. «Ҳинд ихтилолчиларининг бадийяти (мажоз). Фитрат анжумани материаллари. Бухоро, 1992, 70-72-бетлар; «Абулфайзхон»нинг фалсафий концепцияси. Ушарда, 73-74-бетлар; Ғаниев И. Рамзий образларнинг фалсафий моҳияти Биринчи Бухоро фалсафахонлиги, 1992, 98-99-бетлар; Боқий асар. ЎзАС, 1992, 10 январь; Абдуллаев О. Шоирнинг муносиб фарзанди ЎзАС, 1992, 26 май; Йўлдошев Н. А. Фитратнинг «Раҳбари нажот» асарида оила маданияти Биринчи Бухоро фалсафахонлиги (материаллар). Бухоро, 1992, 32-33-бетлар.

Баҳодир Эргашев фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган ишида, асосан, Фитрат ҳаёт ва ижодини жаҳидчилик таълимоти, ҳаракатининг юзага келиш, тараққий этиш жараёни билан боғлиқ ҳолда текширади. «Ёш бухороликлар» партияси ғояларининг дунёга келиши ва ривожланишида Фитратнинг хизматлари беқийёслигини адибнинг асарлари таҳлили мисолида илмий асослайди<sup>1</sup>.

Б.Эргашев Фитратнинг «Ҳинд сайёҳининг қиссаси»даги ислохотчилик ғояларини ўрганган, бу асарни озар сайёҳи Зайнобиддин Мароғонийнинг «Иброҳимбекнинг саёҳатномаси» (Уч жилд: 1. Истамбул, 1888, 2-Калькутта, 1906, 3 жилд 1909)даги маърифатчилик ғоялари билан қийёслади<sup>2</sup>. Фитратнинг илмининг тармоқланиши, идеали, Аллоҳ ва борлиққа муносабатини «Мулозара», «Ҳинд сайёҳининг қиссаси», «Раҳбари нажот», «Мухтасар ислом тарихи» каби асарларининг таҳлили орқали талқин этади<sup>3</sup>.

Шу ўринда, қадришунослик нуқтаи назаридан ҳам. Б.Эргашевнинг фитратшуносликдаги хизматларини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. У 1991 йил 15 декабрда «Навқирон Бухоро» - ижтимоий текширишлар маркази»ни ташкил этиб, Бухоронинг тарихи, фалсафа, ижтимоий ҳаёти, ахлоқий таълимоти, дини, адабиёт, санъат, этнографиясини ўрганиб тарғиб этувчи, илмий ва адабий-бадиий жарида чиқаришни йўлга қўйди. Унга бу ишда «Навқирон Бухоро» жаридасининг муҳаррири Каромат Мастонов ва Гулчеҳра Наврўзовалар ҳамкорлик қилдилар. «Навқирон Бухоро»нинг 1992 йилдаги махсус 6-сони Фитратга бағишланди ва жариданинг бошқа номерларида ҳам адибнинг сирқирра

---

<sup>1</sup> Қаранг: Эргашев Б.А. Из истории становления и развития охественно-политических идей джадидизма. Идеология младобухарцев. Дисс. на соиск.уч.степ.д-ра филос.наук. Ташкент,1993, общ.стр.316; Муаллифнинг Фитрат ҳақида яна бир мақоласига қаранг: Возвращение имя поэта «Коммунист Таджикистана». -1990.-№10, С.45-58.

<sup>2</sup> Уша ерда, 49-51-бетлар.

<sup>3</sup> Уша ерда, 100-102-бетлар.

ижоди ҳақида мақолалар, асарларидан парчалар<sup>1</sup> муғтазам бериб борилди<sup>2</sup>.

Файласуф Ш.Ғойипова ўзининг «Абдурауф Фитратнинг ижтимоий-фалсафий қараплари» номли номзодлик тадқиқотида ҳам Фитрат асарларини жиддий таҳлил ва талқин этади.

Ўзбек насрининг йирик тадқиқотчиси, филология фанлари доктори Нинель Владимированинг Фитратнинг «Қиёмат»ни ҳақидаги талқинлари ҳам ўзининг оҳорлилиги билан ажралиб туради<sup>3</sup>.

«Жаннатга саёҳат», - деб ёзади олима, - Шарқ учун ҳам, ғарб учун ҳам аниқвий сюжет. Ижодкорлар мазкур мавзуга асарлар давомида хилма-хил бадиий ва ғоявий мақсадни кўлаб мурожаат этиб келганлар. Бу тахлит сюжетга, айниқса ижтимоий ихтилофлар, фожиалар кучайган даврларда мурожаат қилганлиги маълум. Масалан, Октябрь тўнтариши юз берган кезлар рус шоирларининг Инжил манбаларига мурожаат этганлари бежиз эмас: улар дунё тарихи ва маданиятидан мисли кўрилмаган бурилиш ясаган ҳодисага қиёс излаганлар»<sup>4</sup>. Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги мисли кўрилмаган талотўшлар жуда кўп буюк, фалсафий-рамзий бадиият дурдоналарининг юзага келишига зарурият туғдирган. Дантенинг «Илоҳий комедия», Гётсенинг «Фауст», М.Булгаковнинг «Усто ва Маргарита», Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат», ҳатто ҳазрат Алишер Навоийнинг темурийлар салтанатининг таназулидан куйиниб, темурзодаларга панд-насиҳат маъносидан, ўз дostonларида турли сюжетлар, фожиалар орқали сабоқ бермакчи бўлганлиги ҳам юқоридаги мунаққиднинг юқоридаги фикрини қувватлайди.

Н.Владимирова «Қиёмат»даги образлар силсиласи, сюжетнинг ботиний мақсади, адибнинг ўз замонасига кинояларини чуқур англайди: «...Ўзи (Фитрат - И.Ғ.) гуноҳ бўлган ижтимоий ва сиёсий фалокатлар ҳақидаги фикрларини диний рамалар билан ниқоблаган. Ҳаётий

<sup>1</sup> Қаранг: Фитрат. Бир-икки сўз («Сирф»дан парча). «Навқирон Бухоро», 1992, 2-сон, 4-7-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: «Навқирон Бухоро», 1992, 2-6-сонлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Владимирова Н. «Қиёмат»ни янгича ўқиш тажрибаси. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнади, 1993, 2-сон, 15-21-бетлар.

<sup>4</sup> Уша ерда, 15-бет.

жараёиларни фалсафий мушоҳада этиш билан мангул бўлган Фитрат образлилик ва бадииятни теран фалсафий масалалар билан чатиштириб юборган»<sup>1</sup>.

Худди шу фикрни Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедияси ҳақида ҳам айтиш мумкин: драматург ўзи зулм ва ситамларини тортаётган истибод жамиятига тарихдан қиёс излайди. Ниҳоят, 1711-1747 йилларда Бухоро хонлигида кечган қонли фожиалар муаллифга ўз гоёларини ифодалаш ва фалсафий мушоҳада қилиш учун улкан имкон беради. Абулфайзхоннинг шубҳага, тахт васвасасига берилиб, ҳатто қариндош-уруғларгача қириши, ўлканинг таназулга юз тутиши, алаалоқибат, қон тўкиши, куч билан аштархонийлар сулоласи тугатилиб, ўрнига иккинчи зўрлик ҳокимияти - мангитларнинг келиш воқеалари қиёсан 1917 йил талотўшларига мосдир. Трагедиянинг финалида ноҳақ қатл этилган Сиёвуш - Ҳаёл рамзий образининг монологи, маъниллар отаси Мирзо Абдулқодир Бедилдан келтирилган 6 мисра шеър ҳам бевосита XX аср бошидаги инқилобий талотўшларнинг моҳиятига қаратилган, аччиқ ишора, сабоқдир.

Фитратнинг кўпгина асарларини нашрга тайёрлаган<sup>2</sup>, у ҳақда кўплаб мақола ёзган олимлардан бири Бойбўта Дўсқораевдир. Олимнинг Фитрат ҳақидаги ишларида адибнинг дин ва ушга бўлган муносабати масаласи асосий ўрин тутади.

«Фитратнинг диний мавзудаги асарлари» мақоласида Б.Дўсқораев, адиб яшаган даврдаги диний эътиқодлар ва ижтимоий тузум ҳақида батафсил тўхталаркан, «Қиёмат», «Оқ мазор», «Қийшиқ эшон», «Рўзалар», «Меърож» асарларини, «исломнинг туб асосларини, диний таълимни ислоҳ этишга қаратилган» деб таҳлилу талқин этади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўша ерда, 15-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Фитрат. «Аҳмад Йесавий», «Йесавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар «Йесавий ким эди?» китобида. Тошкент: А.Қодирий номидаги Мерос нашриёти, 1994, 18-38-бетлар. (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б.Дўсқораев).

<sup>3</sup> Қаранг: Дўсқораев Б. Фитратнинг диний мавзудаги асарлари. «Миллий уйғонини» тўпламида (Ўзбек филологияси масалалари. Тош(У), Тошкент: «Университет» нашриёти, 1993, 55-64-бетлар.



«Қисмат»ни инглиз философ-математиғи Бертран Расселнинг «Илоҳиёт ходимининг даҳшат» асари билан қиёслайди<sup>1</sup>.

Б.Дўсқораев Фитратнинг диний мавзудаги асарларининг кўпроқ ғоявий сюжет йўналиши ва бу асарларнинг ўз давридаги мавқеёига кўпроқ диққат қилган бўлса, М.Бақоев 1988 йилда ёзган бир мақоласида Фитрат асарларига кўпроқ атеистик либос кийдиришга уринадик, бу аквариумдан озод қилинган балиқнинг чексиз уммонда ҳам ҳамон эски янаш макони ҳажмидаги жойда сузиб юрганига ўхшайди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиёва Гулчехра Сулаймонийнинг Тожикистондаги «Адабиёт ва санъат» газетасида (1989,28.ХП) босилган Фират ҳақидаги хотираларини ўзбек тилига таржима қилди<sup>3</sup>.

«Гулнинг боғбони ким?» деб номланган ушбу хотирада Г.Сулаймоний (Фитратнинг шогирд-дўсти Отахон Пайрав Сулаймонийнинг (1899-1933) «етди ёнимдин ёри нозанин» деб бошлангувчи шеърнинг яратилиш тарихи, адабнинг энг оғир — ёр жудолиғи кунларидаги изтироб ва бу мисраларни ёзувчи-таржимон Раҳим Ҳошим оққа кўчириб олганлиғи ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. «Отамнинг бир тўнламида, - деб ёзади Гулчехра Сулаймоний, - бир хил назил икки шеър муҳаррирининг эҳтиёткорлиғими (бу ерда Фитратнинг мероси ҳақида гаширини мумкин бўлмаган йиллар назарда тутилаётир - И.Ғ.), хатоси босми, («Гулнинг боғбони») бир асар тарзида чоң этилган. Аён бўлишича, бу шеърнинг бири Фитрат қаламига мансуб экан»<sup>4</sup>.

О.Ҳожиёва Фитратнинг мазкур шеърини форсийдан ўзбекчага таржима қилган. Шеър «Кетди ёнимдин Ёри нозанин, Тушди қаҳридан манглайга ажин» деб бошланади<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўша ерда, 58-59-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Бақоев М. Фитратнинг ижодида атеистик мавзу Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. (жамоя тўнлами). Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.

<sup>3</sup> Қаранг: Сулаймоний Г. Гулнинг боғбони ким? ЎзАС, 1993, 8 январь.

<sup>4</sup> Ўша ерда.

<sup>5</sup> Қаранг: Фитрат. Нозанин ёр (шеър). Форсийдан О.Ҳожиёва таржимаси ЎзАС, 1993, 8 январь.

Профессор Собир Мирвалиев ҳам «Ўзбек адиблари» китобида Фитратнинг бутун сиймоси ҳақида маълумот берувчи мақола ёзган<sup>1</sup>.

Баҳодир Каримов эса «Вадуднинг назари» мақоласида Фитрат драмаларига Вадуд Маҳмуднинг муносабати масаласини батафсил ёритади. Унинг кузатишича, «В.Маҳмуднинг мунаққидлик фаолияти ҳам Фитрат асарларига тақриз ва танқид ёзишдан бошланган»<sup>2</sup>.

Термизлик Қудрат Жўраев «20-йиллар ўзбек драматургияси» номли докторлик диссертациясида миллий драматургиямизнинг вужудга келиш тарихи, тараққийси у давр драмаларида жадидчилик ғояларининг илғикос топиши каби масалаларни атрофлича ўрганиб, Фитрат асарлари ҳақида ҳам фикр юритади. «Темур сағанаси», «Абулфайзхон», «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари»ни кўпроқ ғоявийлик, давр ва қахрамон нуқтаи назаридан таҳлилу тақин этади<sup>3</sup>.

Шу тариқа, сўнгги йилларда Фитрат ҳаёти, ижоди, турли жанрдаги асарларини умумий тарзда ўрганишдан, аста-секин муайян муаммолар бўйича тадқиқ қилишга ўтилди. Аммо адиб ҳақида ёзилган барча ишларни фитратшунослик учун муҳим аҳамиятга эга, деб айта олмаймиз. Шунчаки «публикация» аҳтиёжи билан йўл-йўлакай ёзилган «илмий» мақоалалар ҳам талайгина.

Мавриди келганда зикр этиш лозимки, кейинги йиллар Фитрат сиймоси, ниҳоятда бойу мураккаб руҳий олами, замонга сифмаган мунгли овозини бадиий образларда жонлантириш даври бошланди.

Шоир Хуршид Даврон бир шеърда истибдод замони фожиялари, миллатнинг поҳақ қатл этилган буюкларининг аччиқ қисматидан ўксиниб «Ватан деса суйди, эрк деса отди, жоним, оғриқлардан чинқирган жоним...» дея муножот этаркан, давр Қодирий, Чўлпон, Бехбудий, Усмон Носир, Файзулла Хўжаев, Фитратлар учун кишан, «кўкрагида тиг» бўлди дейди, надомат ила:

<sup>1</sup> Қаранг: Мирвалиев С. Ўзбек адиблари (ихчам адабий портретлар). Тошкент: Фан, 1993, 18-21-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов Б. Вадуднинг назари. ЎзАС, 1993, 24 март.

<sup>3</sup> Қаранг: Жўраев Қ. 20-йиллар ўзбек драматургияси. Филология фанлари док-ри илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1995.

*Қодирий отилди, Чўлпон отилди,  
Файзулла Хўжаев қилинди бадном.  
Сени жондан ортиқ, жонидан ортиқ  
Кўрганларнинг дили оғриққа тўлди.  
Фитрату Бехбудий кўкрагида тиг,  
Усмон Носир совуқ Сибирда ўлди.*

Исроил Субҳоний «Абдурауф Фитрат муножоти» шеърисида ул буюк шахсининг «Хақ Турдай улуғвор, ҳам гулдай нозик, Тунроқдай хокисор» руҳи «исқирт, ярамас, алдамчи»лардан бир умр ҳазар этгани, оғир ҳамда худудсиз изтиробларида ёрқин ифодалади:

*Ҳой, исқирт, ярамас, алдамчи руҳлар,  
Азбаройи худо тинч қўйинг мани!  
Бағримни пахтадай мулойим ўқлар  
Етмасмиди шунча қиймалагани!*

Шу тўртгина мисрада Фитрат қисматининг моҳияти тажассум топган. Чунки Фитратнинг атрофида биқиб-писиб юрган одам шаклидаги шайтони алайҳилаъна қилиғлик зотлар унинг ноҳақ қатлига сабабчи бўлдилар. Тўғри, истибдод эди, оммавий қатли ом эди, аммо тонмайликким, бир чимдим ўз эҳмоли бадимиз, худбинлигу ҳасад, манфаату сохта шон-шухратта ўчликлар ҳам истибдодга замин эди, улуғларга тиг эди. Шунинг учун шоир ёзади:

*Ҳазовот оиндир, алдамчи руҳлар  
Қаро панжасидан қутилмоқ они.  
Ҳайҳот, томиримда табакай ухлар  
Ота-боболарнинг муқаддас қони!*

Ҳақиқатан, томирида Жалолиддину Маҳмуд Торобий, Амир Темуру Мирзо Бобур, Навоий қони оқиб турган авлод «алдамчи руҳларнинг қаро шарпаси» - зулм ва зўрликка қарши курашмаслиги, Ватан ва миллат деб ёнмаслиги мумкинми? Албатта, йўқ! Аммо бир армон борким, ота-

---

<sup>1</sup> Субҳоний И. Бухоронинг етти килдузи. Самарқанд: Адабиёт ва санъат навириёти. Самарқанд филиали, 1991. 49-бет.

боболарининг кимлигини унутган, тўғрироғи, унутишга маҳкум этилганлар ҳам Фитрат билан ёнма-ён яшаркан, энди у тинч туриши, сукут қилиши, оломонга қўшилиб томошабин бўлиши мумкин эмас!

Нодира Афоқова «Фитрат» номли сонетида:

*Эй Бухоро! Зулматлардан эй дилхун,  
Эй ёзиғи улуғлиғи бўлган юрт,  
Ҳасратмиди, толемид: ғамми, қут -  
Ўғлон эмас, юлдуз туғдинг ўша кун! -*

дейди. Тарих талотўнлари, ситаму зулму зўрликлардан зада бўлган, қадим Бухоронинг осмонида бир норлоқ юлдуз - Фитрат туғилди. Бу ерда Фитрат туғилган давр - 1886 йиллардаги Туркистоннинг умум ахволига, унинг кўз қорачиғи бўлмиш Бухоронинг кечмишига ишора бор. Шунинг учун муқаддас Ватан - Бухоронинг ўзи ҳам кўкдаги юлдуз - туғилган боланинг ҳали «ҳасратми, толейми, ғамми, қут-барака, бахтми» эканин билмайди. Чунки она Ватаннинг юрағи зада - Чор Русиёси томонидан истило этилган.

*Яратгандинг уни ненинг қўридан?  
Сўз бўлдики, достонингга сиғмади,  
Пешонаингга - осмонингга сиғмади,  
Ёниб кетди ўз шуъласин зўридан!*

Ҳақиқатан, Фитрат «ўз шуъласининг зўри» - туғма истеъдоди, эътиқоду адолатга содиқлиги, Ватан ва миллатга муҳаббатининг чексизлиги учун истибдод замони томонидан қатл этилди. Элимизча айтсак, «пешонамизга сиғмади». Аммо:

*О, ой қолмас этак билан тўсилиб  
Йиғламагини, бир юлдузим йитди деб.  
У кетганимиш ҳу қуёшга қўшилиб.*

Қуёш-мангулик, адолат ва ҳақиқат тимсоли. Фитрат ҳам жисмонан қатл этилган бўлса-да, маънан-руҳан ҳамон тирик, худди қақнусдек ўз кулидан ўзи қайта яралиб, мажозан қуёшга қўшилиб, янада ёруғроқ нур таратаётир. Ҳали бу нурдан авлодлар кўп йил, асрларгина эмас, абадий баҳраманд бўлгусидир.

## ХОРИЖИЙ ФИТРАТШУНОСЛИККА БИР НАЗАР

Фитрат мероси ва серқирра фаолиятини ўрганиш, асосан, асримизнинг 40-йилларидан бошланди. Туркистон тарихи, этнографияси, адабиёти, санъати билан махсус шуғулланувчи олимлар билан бир қаторда, Сталин қатағони йилида хорижга кетишга мажбур бўлган ўзбек зиёлилари Фитрат ҳаёти ва ижодиётини тадқиқу тарғиб қилишда улкан хизмат қилдилар. Фитратшунос Ҳамидулла Болтабоев айтмоқчи, «Фитрат сингари улуғ адиб ва олимлар фаолияти совет даврида ҳар қанча «бекитиқ»ларга қарамай, ўз давридаёқ хорижий олимларнинг эътиборини тортиб улуғрган эди»<sup>1</sup>.

Дастлаб, «Хорижда фитратшунослик» номли махсус мақола ёзган Ҳ.Болтабоев чет эл олимларидан ўн учтасининг Фитрат ҳақидаги асар, мақолалари, уларнинг қамрови, адиб меросини қай жиҳатдан тадқиқ этганликларини ўрганиб, йўналишларини тасниф этади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Болтабоев Ҳ. Хорижда фитратшунослик. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992. 27 март.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўйна ерда. Куйидаги муаллифлар ва уларнинг асарлари ҳақида: Фуод Қўирули. Турк сөз шoirшри. Истамбул, 1949; Турк адабиёти тарихи. 2-жилд. Истамбул, 1928; Аҳмад Заки Валиди Тўгон. Бугунги турк эли: Туркистон ва яқин тарихи. Истамбул, 1947, 1981; Шу муаллиф. 1929-1940 йиллар орасида Туркистоннинг вазияти. Истамбул, 1940; Маҳмуд Сарой. Турк дунёсида тарбия ислоҳоти ва Фаспирали Исмоилбей 1851-1914. Анқара, 1987; Шу муаллиф. «Рус импери даврида усмонли давлати ва Туркистон халқлари орасидаги сиёсий муносабатлар. 1775-1871. Истамбул, 1988; Отатурк ва турк дунёси. Истамбул, 1988; Боймиран Ҳайит. Советлар бирлигида туркликнинг ва исломнинг баъзи масалалари. Истамбул, 1987; Шу муаллиф. Абдурауф Фитрат. Миллий Туркистон, 1952; Темур Ҳўжа ўғли. Ҳазирги турк адабиёти. Изамир, 1988; Туркистонли олим Абдурауф Фитратнинг туркология соҳасидаги унутилган асарлари. (Турк тили арантирмалари йиллиги). Бюллетень. 1982—1983. Анқара, 1988; Хосю Камацу. Фитратнинг «Мунозараси ҳақида қайдилар. Анқара, 1981; 1911-1928 йилларда Бухоро зиёлилари ўртасида миллий фарқланишнинг тадқиқи. Токио, 1989; Эдвард Ослворг. Ўзбек адабий сиёсати. Гаага, 1964; Ўрта Осиёда «миллат» ноиси. Нью Йорк, 1968; Совет Ўрта Осиёсида миллий мас.ш. Нью Йорк, 1973; Туркистон ва Бухорода ёш бухороликлар тарихининг қоронғи сажифалари. (Б.Ҳайитнинг 70 йиллигига бағишланган мақола.

Ҳ.Болтабоев хорижий олимлардан Фуод Кўпрули, Аҳмад Заки Валиди Тўғон, Камол Эраслон, Маҳмуд Сарой, Темур Хўжа ўғли, Хосао Камацу, Ингеборг Балдауф, Марса Бутино каби Фитрат ижоди тадқиқотчилари ҳақида мухтасар маълумотлар бергани боис, кўпроқ бошқа манбалар хусусида тўхталишни лозим топдик.

Доктор Боймирза Ҳайит 1921 йил Анқарада нашр этилган «Туркистонда ўлдирилган турк шоирлари» китобида зўравонлик тузумининг ноҳақ қурбонлари бўлган Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдулла Қодирий, Машриқ Юнус, Элбек, Боту, Мир Ёқуб Дулат (1885-1937), Моғжон Жумабой (1884-1937), Қосим Танистон (1905-1936)лар ҳақида қимматли маълумотлар бериб, миллий туйғуси ёниқ ифодаланган асарларидан парчалар келтиради<sup>1</sup>. (Бу ижодкорларнинг суратлари ҳам берилган).

«Туркистонда ўлдирилган миллий шоирларнинг фожиаси, - дейди олим, - фақат Русиё ҳокимиятидан ташқарида бўлган мамлакатларда эмас, балки турк дунёсида ҳам очилмаган қўриқ ва бугунга қадар тадқиқот қилинмаган ҳодисалар орасидадир»<sup>2</sup>.

Муаллиф Туркистонда ноҳақ қатл этилганлар қисмати ҳақида ёзишдан олдин, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги миллий уйғониш - жадидчилик ҳаракатларининг тарихи ва тақдирига қисман тўхталади<sup>3</sup>.

Айниқса, Б.Ҳайитнинг совет режимининг психологияси ҳақидаги кузатишлари аҳамиятта молик: «Турклар поэтик

---

Кельн, 1988; Бухоролик Абдурауф Фитрат далиллари Марказий ва Яқин Осиёга доир ёзишмалар, 5-жилд, 1991, 1-21-бетлар; Элен Каррер, д-Энко. Ислом ва рус империяси: Ўрта Осиёда ислоҳот ва инқилоб. Лондон, 1988; Инборг Балдауф. «Рус совет халқларига доир ёзишмалар», «Ўзбек миллатининг шаклланишига доир айрим мулоҳазалар», XXXII(1) жилд, 1991, январь-март, 89-96-бетлар; Марса Бутино. Туркистон, 1917. Рус инқилоби. XXXII(1) жилд, 1991, январь-март; Аюбеннигсен, Лемаргве-Келкеже. 1920-йилларда Россия мусулмонлари миллий ҳаракати ва матбуот. Париж-Гаага, 1964; Т.Раковска-Хейстон. Россия ва Ўрта Осиёда миллатчилик. Лондон, 1970.

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳайит Б. Туркистонда ўлдирилган турк шоирлари (Турк тилида). Қондош матбаси. Анқара, 1971.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 5-бет.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 5-15-бетлар.

табиатлари билан шеърни жуда севадиган инсонлар эканликлари бир ҳақиқатдир. Туркистонда инсонларнинг кўнгли шеър билан овланади. Бу ерда шеърсиз ҳаёт бўлмагандир. Туркларнинг бу хусусиятларини руслар ҳам яхши биларди. Туркистоннинг миллатларвар адиби ва олими Абдурауф Фитратнинг фикрига кўра, «Шарқ адабиёти - душ адабиётининг боғи, Туркистон эса, бу боғдаги боғча» бўлгандир. Совет иедологлари халқ орасида шеърлар воситаси билан коммунистик мафқурасини танитиш фикрида эдилар»<sup>1</sup>.

Шу тариқа Б.Ҳайит, С.Айний, Ҳамза, Қодирий, Чўлпон ижоди билан Фитрат мероси ва фаолиятини қиёсан ёритиб, «миллий жабҳада ва миллий руҳда бўлган шоирлар Абдурауф Фитрат бошчилигида» «Чигатой гурунги» номли Тил ва адабиёт уюшмасини қурдилар» дейди<sup>2</sup>.

«Чигатой гурунги» (1919-20) фаолиятини батафсил ёритган олим, унинг миллий руҳдаги асарлар ёзишга қорлаганини, шу тариқа миллатга босқинчиликнинг моҳияти теранроқ англашилиши мумкинлиги ҳақидаги саъй-ҳаракатларини ҳам алоҳида таъкидлайди<sup>3</sup>. Фитрат ва Чўлпоннинг «халққа ҳаяжон бахш этган асарлари»ни номма-ном қайд этади.

Б.Ҳайитнинг китобида «ўлдирилган турк миллий шоирларидан ўрнаклар» берилган бўлиб, бу фасл Фитрат ҳаёти, ижоди, қисмати билан бошланади. Олим фаслга кириш сўз сифатида шундай ёзган: «Режим учун таҳликали кўринган, миллий ҳисларидан умрларининг охиригача воз кечолмаган ва ўлдирилган эрксевар шоирлар орасида қуйидагилар (Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Элбек, Боту - И.Ғ.) Туркистон адабий ҳаётида муҳим ўрин тутади»<sup>4</sup>.

Б.Ҳайит Фитратнинг Шарқ адабиётининг билимдони, ҳикоянавис, тилшунос ва адабиётшунос, драматург сифатида, аввал, таърифлаб, сўнг жадидчилик ҳаракати ҳақида батафсил ёзади. Фитрат» сиёсий ҳаётда, - деб ёзади у, - биргаликда ҳаракат қилган дўстлари билан Бухоро

<sup>1</sup> Уша ерда, 6-бет.

<sup>2</sup> Уша ерда, 7-бет.

<sup>3</sup> Уша ерда, 7-8-бетлар.

<sup>4</sup> Уша ерда, 16-бет.

амирлиги ҳудудида янги давлат системаси тузиш йўлида курашган. Бухоро амирлигини ислохот йўли билан ўзгартириш имкони бу давлатда мавжуд эмаслигини тушунгандан сўнгра, Фитрат ва ҳамфикрлари 1917 йилдан эътиборан Бухоро амирини инқилоб йўли билан тахтдан қулатиш фикрини илгари сурган. Бу ишни ўз кучлари билан амалга ошириш мумкин эмаслигини ҳис қилган Бухоро жадиidlари Совет ҳукуматидав ёрдам сўраганлар. Жадиidlар 1918 йил мартда Тошкентдаги Совет комиссарлигининг армияси билан Бухоро амирлигига ҳужум бошладилар. Совет армияси ва «Ёш бухороликлар» мағлубиятга учрадилар. Фитрат Бухородан қочиб Самарқандга бошпана қурди ва у ерда «Хуррият» газетасини чиқара бошлади»<sup>1</sup>.

Фитратнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини кенг ёритган олим, уни «Бухоро» халқ жумхуриятининг «роявий отаси», дейди. Фитрат шеърларини эса «миллий қайғуларнинг манбаи» деб баҳолайди. Энг тўғри баҳо ҳам шудир.

Б.Ҳайит Фитратнинг «Ким деяй сени» (1920) шеърини давр билан қиёсан таҳлил этаркан, ундаги ҳар бир образнинг ботинида яширин ғояларни инкишоф этишга ҳаракат қилади.

Айниқса, «Миррих юлдузига» шеърининг таҳлили эътиборга молик: «Фитратнинг бу шеърда унинг чет элликлар хизматига кириб ўз ватанини, шахсий манфаатларидан воз кечолмай сотган инсонларга бўлган нафрати ва «бутун дунёнинг тузугини» қулатмоқ истаган босқинчи-русларга қарши танқидлари кўринади»<sup>2</sup>

Олим Фитратнинг драматик асарларини ҳам чуқур ўрганган.

«Фитрат асарларининг кучи, - деб таъкидлайди олим, унинг шеърларидан кўра кўпроқ драматик асарларидадир». Фитрат драмаларини ўқиган шахс бу ҳақиқатга, шаксиз, гувоҳ бўлади. У «Темур сағанаси»дан парчалар келтириб фикрига қувват топади. «Ҳинд ихтилолчилари» драмасини

---

<sup>1</sup> Ўша ерда, 17-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 10-бет.



жуда чуқур таҳлил этиб, Фитратнинг мустамлакачиликка қарши фикрларига диққатни қаратади<sup>1</sup>.

Фитрат драмаларининг бутун моҳияти, фалсафий-ғоявий аҳамиятини тираш ҳис этган. Б.Ҳайит шундай хулосага келади: «Фитрат миллий ҳаётда ҳамма нарсадан олдин қувватларига (мамлакатнинг кучга эга бўлиши) ва ўз миллатига ишонипши илгари суради. Миллатпарварларни Туркистонни қутқариш учун бирликка чақиради»<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, Б.Ҳайит «Туркистон XX асрда» номли китобида ҳам жаҳидчиликнинг найдо бўлиши, маданий ҳаёт, маориф учун кураш жараёнлари ҳақида чуқур тўхталиб, муаммонинг тақозоси ила Фитратнинг бу соҳадаги хизматларини ҳам қайд этган<sup>3</sup>.

1920-30-йиллар Туркистон адабиётининг тадқиқот ва тарғиботчиларидан бири туркиялик олим Иброҳим Ёрқиндир. У Чўлпон ва Фитрат меросини ўрганиш, жаҳид адабиётининг ўзига хослиги текшириш борасида катта хизматлар қилди.

Иброҳим Ёрқин «Туркистоннинг жаҳидчи олими, ёзувчи ва шоири Абдурауф Фитрат» (1975) номли мақоласида адибнинг бутун фаолиятига назар солишга ҳаракат қилган<sup>4</sup>. Фитрат «мумтоз ўзбек адабий тилини, - деб ёзади олим, - чет тиллардан ўзлашган сўз ва бирикмалардан имкон қадар тозалаб соддалаштириш, мавзу жиҳатидан ҳам янгилаш мақсадида қурилган ва «Чигатой гурунги» номи билан танилган тилшунос ва адабиётшунослар гуруҳининг асосчиси, кўзга кўринган раҳбарларидан эди»<sup>5</sup>.

И.Ёрқин ўз мақоласида кўпроқ адибнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти билан боғлиқ фактлар устида тўхтаган. Фитратнинг аср бошидаги маърифатпарварлик, жаҳидчиликдаги фаол иштироки, Аҳмад Дониш ғояларининг давомчиси эканлиги, ислохотчилиги, Туркиядаги ўқиш ва

<sup>1</sup> Қаранг: Ўша ерда, 19-21-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 22-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Ҳайит Б. Туркистон XX асрда. Драматгадт, 1956 (немис тилида).

<sup>4</sup> Қаранг: Ёрқин И. Туркистоннинг олими, ёзувчи ва шоири. Абдурауф Фитрат. «Турк маданияти» журнали, 1975, 1-3-қўшма сонлар, 183-188-бетлар.

<sup>5</sup> Ўша ерда, 183-бет.

ижод жараёни каби ўшлаб масалаларни турк олими мухтасар ёритишга муваффақ бўлган.

Шу тариқа Иброҳим Ёркин Фитратнинг бадиий ижодига ҳам назар соларкан, унинг драмаларидаги ижтимоий-сиёсий ғояларга кўпроқ эътибор қаратади: «Фитрат бир қанча драматик асарларида Туркистоннинг юксак тарихий қадриятларини жонлантиришга, филологик фаолияти билан миллий шуурни уйғотишга ва туркчани хорижий сўз ва қоидалардан таллашнинг аҳамиятини тушунтиришга ҳаракат қилди. «Ҳинд ихтилолчилари» драмасида асосий мақсад Совет режими остида очиқ ифода этиш имкони тополмагач, Туркистоннинг рус истило ва мустамлакачиликка қарши курашини бошқа бир ўрнак билан (рамз, мажоз) билан кўрсатишга ҳаракат қилган»<sup>1</sup>.

Хуллас, Иброҳим Ёркин Фитратга Туркистоннинг улуғ олими, ёзувчи, шоир ва йирик жамоат арбоби деб баҳо беради. Алоҳида таъкидлайдиким, «Фитрат совет режимиининг диктатураси остида ишлашга қарамай воқеъликни акс эттиришда янглишмагандир»<sup>2</sup>.

Фаранг олими Элен Қаррер д'Энкас «Яширин жамиятлар даври (1910-14-йиллар)» номли тадқиқотида Бухородаги жаҳид мактаблари, жаҳидларнинг махфий таълим ишларини жорий этишлари, матбуот ва жаҳид тўғараклари ҳақида жуда бой маълумотлар беради<sup>3</sup>.

Шу мақоланинг 1908-10-йиллар Туркистонда театр труппаларининг пайдо бўлиши ҳақидаги фаслида Фитрат «Мунозара»сининг саҳна учун мўлжаллашган нусхасининг зўр муваффақият қозонганини таъкидлайди. Бу асар, - деб ёзади фаранг олими, - «Қадимчи»ларнинг қаршилигига қарамай, биринчи жаҳон урушигача саҳнадан тушмади. «Қадимчи»лар театрининг рақиблари кўлидаги муҳим қурол эканига ишонч ҳосил қилгач, қаттиқ қаршилик қилдилар... «Қадимчи»ларни ташвишга солаётган нарса фақат театрининг ўзигина эмас, балки театр орқали жаҳидлар ғоясининг

<sup>1</sup> Ўша ерда, 186-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 186-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Д'Энкас Э.К. Яширин жамиятлар даври (1910-14 йиллар) Муаллифининг «Ислои ва рус империяси: Урта Осиёда ислоҳот ва инқилоб» (Лондон, 1938, инглиз тилида) китобидан парча. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. 60-65-бетлар.

тарғиб қилиниши ва, айниқса, биринчи жаҳон уруши арафасида бу ишларнинг Абдурауф Фитрат номи билан болганини эди»<sup>1</sup>.

Элеи Қаррер д'Энкаус Туркистоннинг XIX аср сўнги ва XX аср бошидаги ижтимоий, маърифий, маданий, адабий ҳаёти ҳақида ҳам ўз китобларида қимматли маълумотлар берган<sup>2</sup>.

Хорижий олимлардан фитратшуносликда энг кўп хизмат қилганлардан бири Американинг Колумбия университети профессори Эдвард Оллвортдир. Унинг «Ўзбек адабий сиёсати» (1964), «Чор Ўрта Осиёсида миллат ғояси» (1968), «Совет Ўрта Осиёсида миллий масала» (1973), «Замонавий ўзбеклар» (1990) каби тадқиқотлари Туркистон тарихи, умуммаданиятини ўзига хос жиҳатларини ёритиш билан бир қаторда Фитрат ҳаёти ва ижодига оид жуда кўп қимматли материалларни қамраб олган.

Э.Оллворт «Ўзбек адабий сиёсати»<sup>3</sup> китобини яратишда, асосан Туркистонда, қисман Москва, Истамбулда ёзилган 1920-30-йиллар адабиёти, ижтимоий, маданий ҳаёт ҳақидаги китоблардан манба сифатида фойдаланган. Айниқса у А.Самойлович, И.Умияков, В.Пестовский, А.Боровков, Закий Валидий Тўғон, Субутой, Хўжаев, С.Айний, Ж.Бойбўлатов, И.Султон каби олимларининг ишларидан, 1930-60-йиллардан чоп этилган кўпгина «Қомус»лардан самарали фойдаланган.

Китобнинг «Жадид маърифатчилари ва ёзувчилари» номли 4-бобида Э.Оллворт Мунавварқори Абдурашидхонов, М.Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, С.Айний, Ҳамзадан тортиб токим Ғ.Ғулом, Ғайратий, Шокир Сулаймону Уйғунларнинг адабий, ижтимоий фаолиятларигача назар танияйди. Аср бошида Туркистонда авж олган миллий уйғонини, жадидчилик ҳаракатини батафсил ёритаркан, тез-тез Фитрат ижодига мурожаат қилади. Олим «Ҳинд сайёҳининг қиссаси», «Сайҳа», «Мунозара» асарларидаги Фитратнинг

<sup>1</sup> Уша ерда, 65-бет.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаринг: Болтабаев Ҳ. Хорижда фитратшунослик. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1992, 27 март.

<sup>3</sup> Оллворт Э. Ўзбек адабий сиёсати. Гаитя, 1964 (инглиз тилида).

ғояларидан келиб чиқиб Туркистондаги вазиятга баҳо беради.

«Фитратнинг «Рахбари нажот» ва «Оила» асарлари, - деб ёзади олим, - бошқа кўплаб жаҳид адабиётларига ўхшаб кўнгил очиш эмас, таълим берини, ишонтиришга қаратилган эди».

«Ўзбек адабий сиёсати»нинг 6-боби «Адабий қарама-қаршилиқлар: пролетар танқидчиларининг етишиб чиқиши»га бағишланган. Муаллиф 1927 йилдан сўнг кўшига ўзбек танқидчилари ақиданарастлик йўлига ўтганлиги, миллий адабиётнинг «синфий моҳиятини» ёритиш учун қулоч-қулоч «рус большевикларидан кўчириб олинган марксистик методлардан фойдаланиш»га ўзларини урганлари, Фитрат, Миён Бузрук Солихов, Вадуд Маҳмуд каби олимлар эса «адабиётнинг синфий моҳиятини чалкаштирувчилар» деб аталганини ўз матбуотимиздан олинган далиллар билан асослайди.

Э.Оллворт 1928-30-йиллар Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари (1928 аңталогиеси) устида бўлган можаролар, уларнинг туб сабаблари ва оқибатлари. Ж.Бойбўлатовнинг нигилистик қарашларигача батафсил ёритган.

Айниқса, Фитратнинг Э.Оллворт таъкидлаган «Чигатой гурунги»даги фаолияти диққатга молик: Фитрат гурунгдаги ёш шоирлар ва ёзувчиларни оддий одамларни эшитиш ва саводсиз сўзловчиларнинг шаҳарликларга ҳос бўлмаган нутқидаги ибораларни ўрганиш учун қишлоқларга юборди. Бундан мақсад: жуда қотиб қолган замонавий ёзма адабий тилни жонлантириш учун фаол ва фойдали материал излаб топиш, шунингдек, адабий тилга кириб келган «евронача» ёки русча сўзларга моҳ лексик иборалар ахтаришдан иборат эди».

Мана, Фитратнинг америкалик олим эҳтиром-ла қайд этган, ўзбек адабий тилининг такомил учун қилган улуғу хайрли хизмати. Ҳақиқатан, Фитрат ўзининг ана шу неқ ниятини, назарий фикрларини амалий ижоди билан ҳам оқлади. Бугун Фитратнинг хоҳ адабий, хоҳ сиёсий-ижтимоий, илмий-назарий мақолаларига назар солган киши, албатта, унинг миллий тил лугат бойлиги, софлиги учун улкан хизматлар қилганига имон келтиради. Фитратнинг

маданиятимиз тарихидаги бу каби ўнлаб соҳалардаги бетакрор хизматларини ҳис этмоқ учун, хотирамиздан аср бошидаги талотўилару тузумнинг 1920-30-йиллардаги қалтисликларини ҳеч бўлмаса бир бор ўтказмоғимиз лозим.

Э.Оллворт китобининг «Драма ва театр» бобида, айниқса, жадидларнинг сахна асарларига алоҳида эътибор билан қараб, ўз гоёларини халққа етказишнинг энг қулай йўли деб билганликлари ҳақида ёзади. Ҳатто, Карл Маркс трипаси Чулпон ва Фитратнинг ватанпарварлик, миллатсеварлик, Туркистон тарихидан ёзган драмаларини сахналаштиргани учун «махсус назорат» томонидан жуда қаттиқ «танқид» қилинганини ҳам таъкидлайди. Мана, 1923 йил Берлинда босилган Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» драмаси устидаги можаролардан бири: «Рус большевиклари пьесанинг ушбу чет эл нашри устида тўпалон кўтардилар ва миллатчилар курашиниш ниҳоясида ундан (драмадан) Фитратта қарши фойдаландилар».

Э.Оллворт келтирган қимматли маълумотларадан яна бири, 1927 йилгача ўзбек тилида 80 та оригинал ва таржима қилинган пьеса мавжуд экан. Бу рақам яна бир бор энг оғир, қалтис, мураккаб даврларда сахна асарларига алоҳида эҳтиёж туғилажаги табиий эканини исботлайди. Менинг шахсий кузатувимча, 1915 йилдан 1940 йилгача яратилган сахна асарларининг тенг ярмидан кўпроғи тарихий мавзудадир. Чунки ватанпарвар драматургларимиз тузумнинг энг қалтис чорраҳаларида мозийдан бир ўртак, сабоқ излаганлар ва тошганлар. Фитратнинг «Ўғизхон», «Темур саанаси», «Або Муслим Хуросоний», «Абулфайзхон» каби тарихий, «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари» каби замонавий драмалари худди ўша - халққа ўзлигини аниқлаштириш, қониди ухлаб ётган ота-боболарининг исёнкор туйғуларини жунбушга келтириш мақсадида ёзилгандир. Мақсад, Фитратнинг ўзи айтмоқчи, «Ҳар бир миллат ҳаёт кечирини хоҳласа, йўқолмай деса, албатта, ўз тарихини, шунингдек бошқа мамлакатларнинг тарихини билиши шарт (!!!). Зеро тарих кўзгудир».

Хуллас, биз мазкур иш билан хориждаги фитратшуносликка баҳо бердик, деган даъводдан жуда-жуда олисмиз. Фитрат ҳақида хорижда яратилган кўпгина манбаларнинг қўлимизда йўқлиги, борларини баҳоли қудрат

ўрганишга ҳаракатланганимиз бу йўлда қилиниши керак бўлган ишдан, денгиздан томчи мисол, бир парчадир.

Мазкур китобнинг ёзилиб тугаши арафасида Туркияда таҳсил олиб қайтган Бухоро университетининг толиблари Хусниддин Эшонкулов ҳамда Асрор Афоқовлар менга Ҳоқон номли бир шоирнинг Фитрат ҳақида ёзилган шеърини тақдим эттиди (шеър ҳам хорижда ёзилган-да!).

Салжуқ(Кунё) университетининг толиби Ҳоқоннинг Фитрат ҳақидаги шеърда кўп образли ўхшатиш, ташбиҳлар йўқ. Фақат ёниқ муҳаббат, самимият, эҳтирос бор. (Асл ижод учун ҳам илк зарурият шул эмасми?!). Мана, хориждан келган ўша шеърдан бир парча. Ушбуни яқиний сўзимиз ўрнида кўргайсиз:

Фитрат!

Сен -

Сўнмиган қуёш!

Фикрингда миллат,

Қонингда миллат!

Кўзларингда Ватан,

Кўз ёнингда Ватан!

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### «АРСЛОН»

#### ТАРИХ БАҒРИДАГИ МУСИБАТ

##### синфий васвасалар фасли

«Қачонким «синфий туйғу» энг олдинги ўринга ўтадиган бўлса, - деб ёзганди Чингиз Айтматов, санъаткор ўз шахсий қарашини эмас, расмий тасдиқланган ғояни ифодалашга мажбур этилса, унга риоя этмаганлар «бизга қарши» деб эълон қилинса - бу энди маънавиятни кишанлаш демакдир...»<sup>1</sup> 20-30-йиллардаги аксилдемократик, маъмурий буйруқбозликка асосланган сиёсат адабиётда ҳам ўзининг ўчмас изларини қолдирди. Жамиятдаги мавжуд зиддиятларни яшириш, ниқоблаш кучайди. Ўтмишни ёшасига қоралаш ва социализмнинг илк даври зиддият, қарама-қаршилиқларга бой бўлса-да, оммавий мақташ, безаб кўрсатиш мафкураининг ўзак масаласи бўлиб қолди. Мозийда ялт этган ахлоқий, маърифий, маънавий фазилатларни кўра олган адиблар «зараркунандалар» деб ном олдилар. Жамият тараққиётининг нотабиий, подемократик йўлдан кетаётганини ўз вақтида сезган «зиёлиларми-зиёнчилар» тамғасини олдилар. Темвр қонунга асосланган шундай бир сунъий муҳит яратилдики, у одамларни «буюк ғоя»га эргashiшга нафақат чорлади, балки маҳкум этди. Тонганлар - унсур, ёт, душман, хуллас, қатагон! Бутун жамият бўйлаб бир томонлама синфий ёндашув оқими кучайди. «Давр шунини кўрсатдики, ҳар қандай синфий ёндашишдаги ҳар қанақа бир» ёқламалик нотўқис ва ноҳаётийдир. Синфий ёндашув сўзсиз зўравонликни тақозо этади. Тарихимиз сабоғи ҳам ана шунда... Зўравонлик-ла эришиладиган ҳар қандай натижа чин натижа бўлолмайди, чунки бундай йўл асос-этибори билан ахлоққа хилофдир»<sup>2</sup>. Бу зўравонликни тақозо этадиган синфий ёндашувлар бугунги кунга қадар ҳам ўз

<sup>1</sup> Айтматов Ч. Литературная газета. 1989 г., 20 декабрь.

<sup>2</sup> Уша жойда.

кишанларини тамоман йўқотгани йўқ. Умуман олганда, сталинча зўравонликка асосланган даврни синфий васвасалар фасли десак хато бўлмас. Бу синфий васвасалар гирдобидан, табиийки, қизил империянинг ажралмас бўлаги бўлган ўзбек адабиёти ҳам қутила олмасди. Ёлғизгина Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаёи», Абдулҳамид Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Абдурауф Фитратнинг «Абулфайзхон». «Чин севини» каби асарларигина синфий васвасалар гирдобига тушмади, холос.

1920-30-йилларда, ҳатто айтиш мумкинки, 50-йилларга қадар ўзбек совет адабиётида оқ ва қора рангларда тасвирлаш усули шаклланди ва ҳукмрон формага айланди. Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасида (албатта, К. Яшин қайта ишлаган матнда) ўтмиш қоп-қора, нурсиз, Солихбой шундай тасвирлаганки, гўё у бутун ўтмиш жамият иллатларининг кўзгуси. Ойбекнинг «Қутлуғ қон»да Мирзакаримбой ва б. Фитратнинг «Арслон» драмаси ҳам шу сиёсий васвасалар гирдобидан қочиб қутила олмаган: Мансурбой - тубан, разил; дунёда нимаики тубанлик бўлса, бойлар, феодал жамият вакиллари устида. Ундан ташқари бу учала асар воқеалари эгизакдек: «Бой ила хизматчи»да Солихбой - Ғофир - Жамила; «Қутлуғ қон»да Мирзакаримбой - Йўлчи - Гулшор; «Арслон»да Мансурбой - Арслон - Тўлғун. Айтиш мумкинки, ўзбек адабиётида камбағалнинг хотини ёки севгилисининг бойлар томонидан зўрлаб торғиб олинини воқеасига асосланган асарлар галереяси яратилди. Аммо бу учала асардаги воқеаларнинг ўхшашлиги, ғоявий ният ва бадиий талқиннинг ўзига хослигига монс бўлолмайди. Фитратнинг «Арслон»и Ҳамза ва Комил Яшин, Ойбекларнинг асарларига қараганда олдинроқ (1926) ёзилган. Бу асарларнинг бир-бирига яқин ва ўзига хослигини қиёсий ўрганиш алоҳида тадқиқот мавзуи.

Абдурауф Фитрат Бухоро хонлари тарихидан иккита саҳна асари яратди: бири аштархонийлар сулоласининг инқирозга юз тутиши - Абулфайзхон замони (1711-1747). маңитлар ҳукмронлигининг фожияларини кўрсатувчи «Абулфайзхон» (1921) трагедияси бўлса, иккинчиси Бухоро хонлигида яшаган деҳқонлар ҳаётидан олинган беш пардали «Арслон» драмасидир.



«Арслон» драмаси 1926 йилда Ўзбекистон Давлат шаъриёти томонидан Самарқандда чоп этилган. Драматург мазкур асарини «жумхуриятимиз томонидан муваффақият ҳам адолат билан ижро этилмоқда бўлган ер ислохотига» бағишлаган. Фитрат драманинг биринчи саҳифасида (эҳтимол давр тақозоси билан бўлса керак) Карл Маркснинг «Бутун дунё йўқсуллаари, бирлашингиз!» деган машхур шioriини келтиришни ҳам эсдан чиқармаган.

«Арслон»нинг сюжетини Бухоро хонлигидаги бир қишлоқ деҳқонларининг аянчли аҳволи, уларнинг бой, имом, сўфи, оқсоқоллар томонидан таланиб, хонавайрон этилиш воқеалари ташкил этади. Драмада йигирмадан ортиқ персонаж қатнашса, шундан ўнтаси ўртаҳол деҳқон вакиллари дир. Бош қаҳрамон - 25 ёшдаги деҳқон йигит Арслон. Унинг бисотида уйи, тўрт таноб ери ва қариб қолган онаси бор. Улар қозонни сувга ташлаб зўрға кун кечирадилар. Отаси қафо қилган, муштипар она - Турсунбинининг ёлғиз орзуси - Арслонни уйлантириш. Арслон Тўлғун исмли қишлоқдош қизни севади: иккалаларининг аҳди-паймони бор: ўлсалар-да бир-биридан ажралмаслик. Аммо турмуш оғир. Уйланиш у ёқда турсин, янаш учун маблағ етар-етмас. Бунинг устига феодал жамият вакиллари - бой, имом, сўфи, оқсоқол кунда ўлганининг устига тепгандек халқни талайдилар. Улар, судхўр, иккиюзламачи, ор-номуссиз... Хуллас асар сюжетининг ўзаги - конфликт 50 яшар Мансурбойнинг Арслоннинг севгилиси, эрта-индин никоҳ қилиб олиш ниятидаги Тўлғунни хотин устига хотин қилиб олиш ҳаракатидан бошланади. Арслоннинг ўртоғи Ботурнинг аҳволи ҳам дўстиникидан оғир: Ботурни ёлғиз онаси Порхола қариб қолган. Бойдан қарз кўтариб, тўлай олмай уйдан ҳам Мосуво бўлган. У шундай кунга тушганидан қаттиқ ўкинади, йигит боши билан бу азобларни кўришдан хўрсинади. Охир ўзининг шу куйга тушишига сабаб деб билгани Мансурбойни ўлдиришга қасд қилиб, пайт пойлайди.

Қишлоқ деҳқонларидан Тўрақул ва Турсун Арслоннинг кўз олдида дарға, бой ва имом томонидан юзсизларча шилинади. Қирқ ёшлардаги деҳқон кўр Ҳасан ҳам қарзини тўлай олмагач, унинг 12 яшар норасида қизини Мансурбойга

«Қарз» ўрнида хизматкорликка бермоқчи бўладилар. Зулм устига зулм, зўрлик, зуғум...

## АЙНИ ЙИГИТ ЁШИДА ХАЗОН

Драманинг бош қахрамонлари Арслон, Ботир 25 ёшда. Йигитнинг билаги иликка тўлган вақт. Аммо уларнинг елкаларини даврнинг оғир турмуши тоғдек босиб туради. Улар ақлини ташибдики, меҳнат қилади. Ва оналари билан ўлганнинг кунидан баттар кун кечирадилар. Арслон қишлоқдоши Тўлғунга уйланмоқчи, бир оз ақча ҳам тўплаган... У ҳам инсон, унинг ҳам орзу-умиди бор: «Менинг Тўлғуним. У ҳар кун тонг отмасдан бурун сув олгали чиқади. Шу ердан ўтади. Мен уни шунда кутаман... Оҳ, Тўлғун! Туну кун сени кўра олмадим, сенга айтмадим, Мен пул топдим. Эртага нулим бўлади. Ундан кейин тўйимизни қиламиз. Сени уйимга келтираман. Онам қизсизликдан, онанг ўғилсизликдан қутилади. Икки уй биришга, кучимиз ортади, яшашимиз энгилланади...» Бу сўзлар Арслон турмушининг аҳволини англатади, қиз ва йигит, оналарнинг ҳам тўй дардида йўқчиликдан қисиниб юрганлари ойдинлашади. Арслон Тўлғун, онаси билан бирга «ариқнинг сувига ўхшаб соф, тиниқ, тоза, кирсиз» ҳаёт кечирмоқчи. Лекин ҳаёт ўз оқимида оқадир. Арслон шу ҳақида ўйлаганда юраги изииробга тўлади: «...Мансур бойлар каби одамларни алдаб сўймаймиз. Имом оқсоқолларга ўхшаб алдаб сўйгувчиларнинг оёқларини ўнмаймиз, бошқага юк бўлиб тушмаймиз. Тер тўкамиз, ишлаймиз-да яшаймиз. Кимсага ҳасад қилмаймиз, ўз кучимизни ўз ишимизга берамиз, кимсага топинмаймиз, кимсадан тиланмаймиз, кимсага ялинмаймиз, тер тўкамиз, ишлаймиз-да яшаймиз». Бу Арслоннинг ҳаёт маромномаси. Зеро, ҳар ким ўз юмуши, ўз касб-корини қилганда бировни биров томонидан талаш ё туваш, босқинчилик пайдо бўлурмиди!? Арслоннинг мазкур сўзлари ёлғиз унинг эътиқоди, ҳаёт аъмолигина эмас, балки ўз даврига нисбатан айбномадир.

Фитрат Арслоннинг тилидан драма воқеалари содир бўлаётган муҳитда фисқу фужур, алдов, кимсани талаш, хонавайрон қилиш, ҳасад урчиб кетганлигини айтишаркан,

қахрамоннинг кейинги ҳаёти бевосита шулар билан кечяжаги нуктадон ўқувчи ёки томошабинга аён бўлади. Умуман, Фитратнинг драматурглик услубига хос хусусиятлардан бири сўзлар остидаги ботиний маънолар билан жамиятнинг назик томонларига ишора қилиб, тегиб ўтишдир. Шу билан бирга Арслон сўз - ҳаракатлари билан ўз қиёфасини чиза боради. Унинг иккиқозламачилик, Мансурбой ва имом, оқсоқолларнинг судхўрликларидан нафратланиш, уларга қарши курашиш йўлларини, виждонли, соф кўнгилли бир деҳқон экампигидан даракдир. У ёлғиз ўз дарди билан чекланмайди. У қишлоқдошларини ҳам бу қайғули, ситамкор ҳаётдан қутқармоқчи; лекин қандай қилиб, қайси йўл билан? Бу жавобсиз савол Арслонни қийнайди. Арслон бойлар, феодалларга қарши курашиб охир-оқибат уларни енгиб инқилоб қилувчи социалист образи эмас. У қандай қилса жамият ариқ сувидек тоза, кирсиз, покиза бўлар деб ўйлайди. У инқилоб қилиб эмас, қандайдир (ҳали ўзи билмайди) йўллар билан одамлар ўртасидаги тенгсизликка барҳам берини истайди. Фитрат Арслон орқали инқилобчи образини эмас, истибод остида эзилаётган, эрки, йигитлар ор-номуси топталаётган инсоннинг ички кечинмалари, руҳий ҳолатини кўрсатмоқчи. Ҳолбуки, 30-йилларда Арслондан «социалистлик»ни талаб қилиб, уни инқилобчи даражасига кўтарила олмаган хаёлнараст дегувчилар ҳам топилди. Чунки ўша йиллардаги адабиётга синфий ёндашувлар ҳар бир ёзувчи, ижодкордан қандай бўлмасин ўтмишни қоралаб, инқилобни улуғлашни, «инқилобгина ҳар қандай мусибатдан қутқарувчи ягона йўл» экампигини тартиб қилувчи асарларни талаб қиларди. Ҳамид Олимжон 1936 йилда ёзган «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида» мақоласида шундай талаб билан чиқди:

1. «...деҳқонлар мавзуини чинакамига ишлаш Фитратта муяссар бўлмади(?). Фитрат инқилобдан бурунги Бухоро хонлигида яшаган деҳқоннинг табиатини чуқур англамайди(?)...

2. Арслон қишлоқнинг энг камбағал табақасининг вакили эмас. Унинг саккиз таноб ери бўлган. Ундан тўрт таноби ҳозир ҳам унинг қўлида(?). Унинг икки қўйи бор, ҳовлиси бор, уйида ғалласи ҳам бор(?). Демакки, Арслон ўрта даражадаги бир хусусий мулкчи. У катта феодалнинг

қули эмас (?). У мустақил кун кўради. Фитрат Арслонни бир социалист (?) қилиб кўрсатади.

3. У (Арслон) кимнинг ҳукмронлиги остида яшайётганига яхши ҳисоб бермайди.

4. Инқилобий кайфиятли деҳқонларнинг типик вакили тариқасида кўрсатилган Арслон (?) социалист қилиб кўрсатилган тип (?) охиригача шундай бўлиб қола олмайди... Арслон кишилардаги инқилобий нафрат ва уни ўстиришнинг аҳамиятини етарли тушуна олмайди...»<sup>1</sup>.

Биринчидан, Фитрат «Арслон»да инқилобгача бўлган Бухоро деҳқонлари ҳаётининг ҳаққоний манзарасини кўрсата олган. Драматург Ботурнинг ўз ери, уйдан ажраб, орият устида бойни ўлдирмоқчи бўлганлигини, Арслон уни бу йўлдан сақлаб қоламан деб, тухматга учраб иккаласининг зиндонбанд этилиши воқеаси орқали зулмга асосланган тузумнинг асл қиёфасини очиб беради. Арслоннинг қишлоқдошлари Тўрақул, Турсун, кўр Ҳасанларнинг феодал жамият вакиллари - бой, дарға, оқсоқол томонидан инсофсизларча шилиниши сахнаси Бухоро амирлигидаги инқилобгача бўлган деҳқонларнинг аянчли турмушини яққол гавдалантиради.

Иккинчидан, Ҳамид Олимжон Арслоннинг тўрт таъоб ери, уйи, икки қўйи, бир оз ғалласи борлигини рўкач қилиб, уни ўрта ҳол деҳқон эмас, «хусусий мулкчи»га чиқаради. Аввало, Арслоннинг аянчли аҳволи, зўрға пул тониб, уйланмоқчи эканлиги биринчи сахнада ўз тилидан айтилади, асар охирига қадар унинг косаси оқармайди. Зиндондан қутилиш учун Ёсовулбошига берарга бир чақа пул тополмай, ўзининг сўнгги умиди - тўрт таъоб ерини ҳам сотаркан, у қандай қилиб хусусий мулкчи бўлсин? Айтайлик, танқидчи айтганча ҳам бўлсин. Лекин у ерда гап унинг ким эканлигида эмас, инсоннинг инсон томонидан эзилиши, таҳқирланиши, ор-номусининг топталиши устида, эрксизлик ҳақида кетмоқда-ку?!

Учинчидан, танқидчи Арслонни «кимнинг ҳукмронлиги остида яшайётганлигига яхши ҳисоб бермайди» дейди. Агар Арслон кимнинг ҳукмронлиги остида яшайётганлиги ва унинг

---

<sup>1</sup> Олимжон Ҳ. Муқимил асарлар тўплами. 10 томлик. -Т.: ЎзССР Давлат нашриёти, 1984. 6-том, 237-239-бетлар.

оқибатларини тўлиқ ҳис этганда эди, у ўз эрки, ҳуқуқини тиклаш йўлларини билмай, тухматга учраб, зиндонда ётиб, сўнг нафратдан бойни ўлдириш билан қишлоқдошларим ва ўзимга ўхшаганларни кутқараман деб ўйламасди. Аксинча, у халқни бирлаштирувчи, уни мавжуд тузумни ағдаришга чорловчи «социалист», ҳеч бўлмаганда қўзғолончи бўлиши керак эди. Арслон образининг типиклиги ва таъсирчанлиги ҳам унинг тарихда қандай бўлса, шундалигича намоён бўлишидадир. Зеро, санъаткор асарда ҳамма гапни айтиб қўймаслиги, ўз ўқувчисини ҳам фикрлашга лойиқ деб билишни фазилатдир.

Тўртинчидан, Фитрат «инқилобий кайфиятли деҳқонларнинг типик вакили» этиб Арслонни кўрсатган, деган даъво бор Ҳ.Олимжонда. Драмада Арслон ёки бошқа персонажлар тимсолида «инқилобий кайфиятли» деҳқонларни учратмаймиз. Улар ҳаётдагидек оддий, фидойи, содда, жафокан берк кўчада. Тўрақул ва Турсун ўз ҳақини ҳимоя қилмоқчи, аммо қилолмайди, уни қувватлайдиган кишилар, демак, «инқилобий кайфиятдаги деҳқонлар» етишмайди. Оқибатда, емаган сомсага пул тўлаш деганларидек, дарғага бири 125 ақча, иккинчиси 25 ақча зиёд пул тўлайди. Танқидчи Арслонни «социалист қилиб кўрсатилган тип» дейди. Агар шу даъво рост бўлганда қишлоқдошлари Турсун, Тўрақул, Ботур, кўр Ҳасан феодаллар томонидан ҳамманинг кўз олдида таҳқирланганида, Арслон уларни мавжуд тузумни ағдариш учун ғалаёнга чорламасмиди?» Арслон кишилардаги инқилобий нафрат ва уни ўстиришнинг аҳамиятини етарли даражада тушуна олмайди», деган даъво ҳам ғайритабиий. Арслоннинг ўзи инқилобий воқеалар замонидан анча олдин яшаган Бухоро деҳқони бўлса, ҳали унда инқилоб ҳақида тушунча бўлмаса ёким зиндонда ноҳақ қамалганида бирор бир «инқилобий ташвиқотни» эшитган бўлсаки, ундан «инқилобий нафрат» талаб қилсак. Шундай бўлганда ҳам бу талаб ғайри оддий, инсон табиатининг мураккаблиklarини ҳисобга олмай қилинган бўлурди. Асосийси, драматург Арслон образи орқали «инқилобий нафрат» қўзғатувчини эмас, қандай қилиб тенгликка, эркакка асосланган жамият қуриш йўлларини ахтариб, топа олмай, охири дўсти Ботур, севгилис Тўлғун учун Мансурбойни ўлдирмоқчи бўлган.

йўлсиз қолган Виждон одамнинг ички дунёси, рухий оламини кўрсатишни мақсад қилиб олган. Драмада тасвирланган деҳқон вакиллари аянчли, йўлсиз қолган аҳволининг ўзиёқ ўқувчи ёки томошабинда эскича яшаб бўлмаслиги, зулмга асосланган тузумда фожеаларнинг тугамаслиги, янгича турмуш учун курашиш кераклиги ҳақида тушунча ҳосил қилади. Арслон ёлғизгина бу зулм-зўрликларнинг бир кунмас-бир кун интиҳосига стажагини англаб етади, холос: «Буларнинг уйлагани нима экан, билмадим. Бозорни бозор, шаҳарни шаҳар, қишлоқни қишлоқ талайлар. Ҳукуматни эмдилар, элли эдилар, минг таноблар ер, ўнлаб уй, юзлаб от-ароба йиғдилар. Ҳали ҳам кўзлари тўймайдир. Ҳали ҳам таламоқчи, эзмоқчи бўлиб турадилар. Бу ишлари оз эканда, ҳеч кимга ёмонлик истамаган бизларга қараб ҳам тишларини гижирлата бошадилар. У мурдор тишларни бир кун эмас бир кун қаттиқ бир тошга учраб синиб кетишидан сира кўрқмайдилар, ҳай..» Арслон сўзининг охиридаги «ҳай» чуқур маънога эга: «ҳай» - Арслоннинг бу зулмларнинг қачонгача, бирор кун чеки борлигига ишонаман, деганидек...

Арслон виждон азоблари гирдобиди қийналади: «Уф..! Яшамоқ совуқ бир ҳазилмикан, билмадим! Бало устига бало. Қайғу устига қайғу..! Биттасини талаша-талаша йўқотарсан, иккинчиси келадир. Ундан жон кечиб қутиларсан, учинчиси босадир, уни узатмайин тўртинчиси, бешинчиси, олтинчиси..!» Арслон бу сўзларни хаёлидан ўқигч аралаш нафрат билан кечиради. У нимаики бошига тушса, пешонасининг шўрлигидан деб билади: «Йна буларнинг ҳаммаси бизга, биз камбағалларга келадир. Билмадим, бизни қайдан топиб олдилар..!»

Онамдан сўрасам, худонинг тақдири, дейдилар. О, худонинг тақдири Мансурбойларни кўрмайдими? Тониб олгани ёлғиз бизми?» Турмуш қийинчиликлари ва бойлар, оқсоқолларининг зулми бўлгача келган, у тақдирдан ҳам норизо бўлади. Арслоннинг ички кечинмалари зулм ва шу туфайли ўзида туғилган рухий эврилишлар картинасини чиза боради.

Арслон - эзилган, таланган, хўрланган деҳқонларнинг типик вакили. Ўқувчининг кўз олдида унинг рухий

изтироблари, қийналишлари гавдаланиб, зўрликка асосланган тузумга нисбатан нафрат туйғуларини уйғотади. Ҳали дунёнинг қайсидир нуқмоғида милёнлаб Арслонлар бор экан, бу драма уларда зўравонликка қарши нафрат кўзгайди, курашга чорлайди. Айни йигит ёшида хазон бўлган, орзуларидан мосуво бўлган Арслоннинг фожаси ҳали кўп даврларга сабоқ бўлажак.

## КЕКСАЛИКМИ, ЖОҲИЛЛИК?

«Арслон»да Мансурбой, оқсоқол, имом, бек, Ёсовулбоши, Қудратларнинг асл қиёфаси сахнадан сахнага очила боради. Биринчи нардадаёқ қишлоқ каттаси Мансурбой характерининг асосий қирраси намён бўлади. Мансурбой намоз ўқиш учун масжидга имом ва сўфининг олдида борганда «узюкдан бир кишининг келганини сезадир. Ёнидагиларга билдирмай, шу томоғга қараб келган киши ким эканлигини онлагандан сўнг ёнидагиларга сўйлайдир) Ҳай сиз кетингиз. М е н а в л и ё г а б и р ф о т и х а ў қ и й м а н» Бойнинг кўзи Тўлғунга тушган эди. Бой ҳирсий майл, эҳтирослари учун шариату авлиёлар номини ҳам сотишга тайёр. Драматург унинг бир фотиҳам ўқиш ҳаракати воситасида чин тақводор эмаслиги, ёши элликка бориб қолган эса-да, қариб қуйилмаганини кўрсатаётир. «Бой бирдан фотиҳасини бузиб қизга қарайдир». Олдин «фотиҳа ўқийман» деб имом ва сўфининг олдида ёлғон сўзлаган бўлса, энди шариат қондасини бузиб фотиҳасини чала тўхтатиб, кўзасини кўтариб кетаётган Тўлғунга ҳирс билан қарайди ва унга кўпол муомала қила бошлайди: Бой - О... Менга қара! (Тўлғун қарамай бора берадир) О, қизгина! (Тўлғун қарайди). Бери кел, бери кел!»

Тўлғун - (Бойга яқинлашиб) Нима дейсиз, б о й б о б о?

Диалогдан кўринадики, бой қандай қилиб бўлмасин, Тўлғунни гапга солмоқи (О...). Тўлғун тоғаси бойдан қарзини узолмай, уни қарз ўрнига бойга бермоқчи эканини эшитган. Шунинг учун жавоб бераркан, «бой бобо» сўзига урғу беради. Бу сўзнинг ботинида «наҳотки қизингни тенги бир ожизага гап отишга уялмасангиз» деган ташбеҳ яширин. Бой ҳам анойи эмас, бу «танбех»ни илғайди. Лекин у ўз

хирсининг кули, эҳтиросларни бошқаролмайди. Қарилликнинг фазилати ҳам, аслида, эҳтиросларни ақл билан жиловлан. Бой бу фазилатдан маҳрум. Бой Тўлғун Айнуқса кампирнинг қизи эканлигини билса-да, билмаганга олиб, «сизлар камбағал бўлиб қолганмисиз? Нега менга билидирмайсиз? Мен пул бераман» деб Тўлғунни ўзига иситмоқчи. Қиз эса Мансурбойнинг бу сўзларидан янада чуқурроқ эзилади. Бу сўзлар унинг қаншоқ ҳаётини яна бир бор эсига соларкан, қиз руҳий қийноқ ичида қолади. Лекин Мансурбойнинг биринчи кўришдаёқ (1) Тўлғунга айтган беадабона сўзлари Шарқ ўқувчи томошабинини бир қадар ишонтирмайди:

Бой - Ўзинг ҳам анча етишб қолибсан. Онанга айтаман, сени бойроқ бир кишига берсин. Бой бир эринг бўлгач, хизматчи ҳам топилар. Уй, ер, от-арава, ҳаммаси тайёр бўлар, шундай эмасми? (Тўлғуннинг аччиқ аралаш уят остида эзилиб қолганини кўргач) Уялдингми, қиз, ҳай...қиз... уялма..! Яқинроқ кел (Тўлғунга қўлини узатадир. Тўлғун ўзини четга ташлайдир. Бой унинг қўлини тутиб ўзига тортадир. Тўлғун қизариб, уялиб, аччиғланиб, бўғилиб тортишадир.)

Тўлғун - (бўғилуб) қўя беринг (яна тортишадир. Кетмонни кўтариб экин бошига борғоли чиққан Арслон худди пул тортиш устига келиб қолади.)

Бу ҳолат ўзбек томошабивига бир оз ноўнғайроқ. Фитрат Тўлғуннинг бу сўзлардан «аччиқ аралаш уят остида эзилиб қолгани» кўрсатса-да, ишонтириш асоси кам. Агар Мансурбой Тўлғун билан бир неча бор кўришган бўлса, ёки қишлоқнинг ариқ бўйида (!) эмас, пана пастқам бир жойда бу ҳаракатларни қилганда, оз бўлса-да, ишониш мумкин эди. Бу ҳам етмагандек, унинг Тўлғунга айтган гаплари ҳеч бир ўзбек кексасининг (хоҳ у жоҳил бўлсин (!)) гаши эмас: «анча етилиб қолибсан», «сени бойроқ бир кишига берсин», «Бой бир эринг». Бу сўзларни эркаклар даврасида айтиш ҳам шарқлик учун ўнғайсиз. Айтайлик, бой фаросатсиз, жоҳил, бойлиги ортида ҳеч кимни писанд қилмайди. Лекин у пайтларда шарикат қонунлари, қолаверса, ўзбекчилик, бунга йўл кўярмиди? Хўп, шарият пешволари Мансурбойлар билан ҳамтовоқ, ҳаммаслак бўлсин ҳам дейлик, ор-номусли бўлган Арслон бойнинг бу ҳаракатини кўриб бой билан



оғзаки «жанг» қилармиди ёки бошқача бўлиши керакмиди? Бой Тўлғунни ўзига тортаётганида (!) Арслонни кўриб, «Аҳмоқ қиз» деб уни қўйиб юборади. Тўлғун қочиб кетади.

Арслон - Бой, у қизда нима ишингиз бор?

Бой - (эсини йиғиб) Ҳа, ука, кел. Бу кимнинг қизи? Мен мазорга фотиҳа ўқиб турган эдим. Менга кулиб, мени сўқиб ўтиб кетди. Тутиб, бир-икки шапалоқ урай дедим, сен келиб қолдинг...

Арслон - Бой, сиз шу элдан нима истайсиз?

Бой - Бу нима деганинг?

Арслон - (Бойни тингламайин) Бойлик бўлса, олдингиз. Бутун кентимизнинг бор-йўғи сандиқларингизга оқиб кетди. Энди номусларимизни яралаб, кўнгулларимиз билан ўйнай бошладингиз. Бунчаси уятдир!

Арслон бойнинг бу ҳаракатини кўрмасдан, биринчи сахнанинг бошида Тўлғуннинг ўзидан уни Мансурбойга бермоқчи эканлигини эшитганди. Яна бойга «У қизда нима ишингиз бор» деб нафрат ва ўкинч аралаш мурожаат қилади. Ҳолбуки, бундай мураккаб вазиятда Арслон Шарқ киписи бўлгани учун ҳам кескинроқ ҳаракат қилиши керак эди. Биз бу кескинлигини Арслондан талаб қилишга ҳаққимиз бор. Чунки драматург уни иокиза, ор-номусли инсон сифатида бизга тақдим этган. Наҳотки, унинг номуси бўлмиш севгилисига Тўлғунга бой пожўя ҳаракатлар қилса-да, у бойнинг гапларига ишонгандек ёки босиқлик билан оғзаки мурожаат қилмоқчи. Арслоннинг Мансурбойга қарата «Бунчаси уятдир!» дейиши ҳам бир даража нотабийроқ. Чунки Мансурбойнинг уятсизлиги Тўлғунга кўпол сўзлар айтиб, уни ўзига тортишида намоён бўлган. Бу ҳам етмагандек, қиплоқнинг қоқ ўртаси, масжиднинг ёнида! Тўғри, Шарқда уят сўзи ўлим билан баробар, ҳатто ундан-да оғир. Лекин вазият қахрамондан ҳозир бошқа ҳаракат ва ўзгачароқ кескин сўзларни талаб этмоқда.

Мансурбой билан Арслоннинг «оғзаки жанг»ининг давоми янада ғалатиरोқ:

Арслон - Бой, у қиз менга фотиҳа бўлган, билмайсизми?

Бой - (Яна қаттиқ кулиб) Қорғо кўндирғоли бутоқ тонолмайсан, сан хотинни қандай қилиб оласан. Хотин

олмоқ учун тўй керак, нима билан тўй қиласан? Уйга келган хотинни тўйгазмоқ керак. Нима билан тўйдирасан?

Арслон - (қизгин) қандай қилсам, мен қиламан, сенга нима?

Бой - Менга нима эмас. Мен шу кентнинг каттаси. Катта тўй қилиб бутун кентга ош бермасанг, сенга хотин олдирмаймиз, кимсанинг қизини сенга бердирмаймиз...

Арслон - Ҳеч нима қила олмайсан...

Бой - Мени тингла, бориб ўз бачорачилигинг билан бўл. Ишлаб бир тилим нон топиб онанини тўйгуз. Хотин оламан деб, эл қизлари орқасидан юрма.

(Арслон гапирмоқчи бўлар, бой қўймайдир.) У қизни мен оламан!

Мансурбойнинг Арслоннинг камбағаллигини кўрсатувчи топиб айтилган эл ичидаги қочирма сўзлардан терилган «Қорго қўндирғоли бутоқ тополмайсан» сўзлари, камситишлари табиий. Лекин Арслондек қони қизиб турган (бу ҳам етмагандек қўлида кетмони билан) ўзидан бўзбола бир йигитнинг ор-номусини тоитаб, «у қизни мен оламан!» дейишни бизни ниюитирмайди. Бу саҳна бойнинг қабиҳлигини кўрсатиш учун бир оз сунъийроқ чиққан. Сунъийлик шундаки, ҳар бир миллатнинг ўзига хос муомаласи: жаҳли чиққанда, бировнинг ориятини кўзгаганда, бировнинг аёли ҳақида гапирганда ва ҳ.к. ўзига хос томонлари мавжуд. Бу саҳнада ана шу миллий ўзига хослик чегаралари бузилмоқда.

Тўғри, бойнинг таҳқиromуз сўзлари Арслоннинг асабини таранглаштираётганлигини кўрсатувчи бир неча ҳолат-жиҳатлар бор: у бойни аввалига «сиз» деб, сўнгра «сан» деб муружаат қилиши, қизиб гапириши каби:

Арслон - (қизгин қичқириб) Бой...

Бой - (сўзини бермайин) Сен уни ололмайсан, ололмайсан...

Арслон - (қизгин) Ким..?

Бой - (сўз бермай) Олсанг ҳам бир кун оч қолгач менга сотарсан. (Арслон қизғинликдан ўзини йўқотган каби бўлуб, қичқуруб, кетмани кўтарадир.)

Бу ҳолат сал олдинроқ, Мансурбой Арслонга «У қизни мен оламан» деганида содир бўлиши керакдай туюлади. Лекин драматург Арслонни босиқ табиатли, мулоҳазакор

кўрсатиш йўлидан бориб, Мансурбойнинг таҳқири устига таҳқир сўзлар юклагач, «олсанг ҳам бир кун оч қолгач, менга сотарсан» деганидан сўнг Арслон кетмон кўтариб бойга ҳамла қилади. Бойнинг «тўхта», мени урарга кучинг етмайди. Бирта урсанг, кулингни кўкка учуртаман» дейиши Арслонни яна ҳушёр торгтиради. У ўзининг бу ҳолидан ботинанан эзилади, ўксинади. Балки, шу найт жаҳлга берилиб, бойни кетмон-ла уриши мумкин эди, аммо у опасини ўйлайди. Нима бўлганда ҳам, бойнинг Шарқ йигити учун ўлим билан баробар бўлган сўзларини Арслонга айтиши бир қадар нотабиий. Бу Мансурбой кабиҳлиги, разиллигини тўрттириш учундир, балки.

Хуллас, Мансурбой Тўлғунни қўлга киритиш ҳавасида ўзини ўлимдан қутқариб қолган Арслонни, уни ўлдирмоқчи бўлган Ботурни зиндонбанд эттиради. Бек ҳам Арслон, Ботур, уларнинг оналари Турсунбиби, Норхोलанинг ялиниш-ёлвориншларига қарамай, ҳамтовоғи Мансурбой учун уларнинг гуноҳини суриштирмай қамайдди. Бой шу ерда ҳам настлик қилади: Тўлғуннинг онаси Айнуқса кампирни гўё бу қилғуликлардан айблаб қаматтирмоқчи бўлади. Бек у кампирни қаманга буюрганда яна ўзи унинг гуноҳини сўраб, ҳибедан озод қилади. Мақсади: Айнуқса кампирга яхши кўришиб, халоскор биб қизини тортиб олиш.

Хуллас, Арслон ва Ботур қамалади. Ботур зиндон азобларига дош беролмай, қишлоғига қайтмай, онаизорини кўрмай, вафот этади. Арслон онасининг ўлими куни зиндонбонларга Қудратга сотилган тўрт таноб ернинг нулини бериб, етиб келади. Кўргулик устига нафрат, ғазаб кўшилиб, Арслонни Ботурнинг ҳолига туширади. У дастлаб Ботурни Мансурбойни ўлдириш ҳаракатидан сақлаб қолган бўлса, таҳқир, ҳақорат, азоб, адолатсизликлардан кейин ўзи унинг ҳолатига тушади ва Мансурбойни ўлдираркан. «Ботур, сенинг ўчингни олдим. Қитшлоғимизни ҳам қутқардим! Аммо биргина ўлим билан зулим ва зўрликка асослашган тузумни ағдариш ёки ислоҳ қилиш мумкин эмаслигини Арслон тушунмайди. Арслон образининг талқини ҳам буни тақозо қилмайди. Фитрат бу хил турмуш, тузумнинг фожеаларини кўрсатаркан, Мансурбойларнинг куни битганлиги, эзилиш, таҳқир халқнинг бўғзига келиб,

янги ҳаётни соғинаётгани ва унга томон ҳаракат қилаётган жамият тараққиётининг янги бир оқимини кўрсатган.

## ШАХССИЗЛИК ФОЖЕАСИ

Ҳар қандай жамиятнинг таназули шахснинг емирилишидан бошланади. «Арслон»даги Мансурбой фожеаларининг барчаси шахссизлик оқибатида содир бўлади. Оқсоқол, имом, бек, Қудрат, Мансурбойнинг хотинлари Зайнаб ойим, Шарофатхонлар шахссизлар элитасидир. Улар табиат ва жамиятни инсоннинг ўз ўрни, шаъни, эътиқоди, маслаги борлигини ҳис қилмайдилар. Улар нафс, тамаъ одамлари. Ватан, Тил, Эл, Ор-номус улар-чуқ ҳеч нарса, манфаат олдида қадрсиз.

Доруға, Тўракул ва Турсундан ноҳақ пул ундириб оларкан, бу жинойт етмаганидек, Турсуннинг «Юз йигирма беш тангани қайдан топиб бераман», деган зорланишига «Онанинг гўридан топиб бер» деб жавоб беради. Дорғанинг ҳар бир сўзи, ҳаракатидан унинг характери, шакл-шамоилили томошабин кўз олдида кўзгудагидек гавдаланади.

Кўр Ҳасан қарзини тўлай олмагач, унинг 1 яшар қизини Мансурбойга хизматкорликка олиб бермоқчи бўладилар. Шунда бечоранинг хотини оқсоқолдан нажот кутиб йиғлай бошлаганда:

Оқсоқол - Кўп узатма сўзни (қичқириброқ), ўн беш кундан кейин қандай қилиб берасан? Пулингиз йўқ, уйингиз йўқ, нарсангиз йўқ, шу қиздан бошқа берарлик ҳеч нарсангиз йўқ. Ўн беш купгача бу ҳам ўлиб қолса, сўнгра кимни берадилар, сеними? Сени юз йигирма тангага ким оладир?

Бу фақат хўрлашгина эмас, инсонни ҳайвон қаторида ҳам санамаслик, шахснинг емирилганини яна бир қарра намойишкорона кўрсатишдир.

Биринчи пардаинг иккинчи кўринишида сўфи ва имом ўртасида шундай диалог боради:

Имом - Энди ука, бизлар худонинг қуллари дия билиб бўлмайсиз. Энди бизларни ҳа... худо шуларга топширғон дия. Шунлар (Мансурбойлар) бойсалар, мол туворлари кўпайса, бизга яхшироқ қаропалар. Шу дия. Биздан дуо, ука, дуо.

Сўфи - Албатта, тақсир. Мен ҳар қанча ётоққа кирганда бой бобомни дуо қилиб, сўнгра ётоман, тақсир.

Имомнинг сўзидан унинг тилёғлама, бойнинг ялоқхўри эканлиги билинса, сўфининг «ётоққа кирганда бой бобомни дуо қилиб сўнгра ётоман» дейишидан унинг ҳам имомникидек емирлгани, ундан ҳам батарроқ насткашликларга тайёр эканлиги кўринади. Шу ўринда шарқона бир қочирим ҳам бор. Биз бу ҳақда қуйироқда тўхталамиз.

Бек ҳам Ёрон ва Боймуроднинг жанжалларини баргараф қилиш учун ўзидан нажот сўраб келган элга «... Биз ёмонни эсон қўймаймиз, гуноҳ кимда эса жазосини берамиз. Алҳамдулилло, зиндонимиз бор, кишанимиз бор. Булар билан бўлмаса, жаноби олийга арз қилиб ўлдиришга ҳам кучимиз стадир» деркан, манфур жамиятнинг қифасини яққол гавдалантиради. Ҳамма жанжалларни кишан, зиндон, ўлим баргараф қилади, деб ўйлайди. Бек Арслон ва Ботурнинг айбини ҳали суриштирмай-билмай кўзларига бигиз суқишга тайёр. Чунки у ипсонингмас, бойларнинг манфаатини ҳимоя қилади. Ёсовулбоши ҳам ўз хўжасига содиқ. Бекнинг одамларидан бўлмиш Хайри мирзабоши Бекнинг суриштирмай одамларни сўқиш, тергашидан бир оз виждон азобига тушиб, Ёсовул бошига «жанжалнинг нима эканини ҳеч ким онглаёлмади» деса, Ёсовулбоши шундай жавоб беради: «Ўй, менга қара, катталарнинг кўнгли худонинг ойинаси бўладир. Жанжалчи келиб ўтирдими, улар ишнинг нима эканини билиб оладирлар. Мен, сен каби ҳафтафаҳмлар қиёматгача онгломай борамиз, билдингми?» Ёсовулбоши сўзларининг оҳангидан билинадикки, у бу каби «санъатлар»нинг сирини яхши англайди. У Хайрининг тушунмаётганидан ўзича кулмоқда. Шунинг баробарида ўз хўжасининг бу ҳаракати оргидан ўзи манфаат кўради. Арслонга ўхшаган йигитларни, онаси ўлар ҳолатда бўлса ҳам ҳибедан озод қилмай, оладиганини олгачина бўшатади.

Мансурбойнинг икаала хотини - Зайнаб ойим ва Шарофатхон драманинг финали - бешинчи пардасида кўринадилар. Улар хизматкорлари Тўлғунни қийнаб, унинг қизлик шаънини ҳақоратлайдилар. Сийратан ўларидан устун, баркамол Тўлғуннинг устидан куладилар. Уларнинг

Тўлғунга муносабатларидан назокатсиз, қўпол эканликлари, шунингдек эрлари Мансурбойнинг устидан кулишлари ҳам сезилади. Шарофат 200 анга бериб фолчига эрининг қайта уйланмаслиги учун қирқ кеча-қундуз дуо ўқиб, ҳар куни қаллага қирқта игна суқиб, Мансурбойнинг эмас, Тўлғуннинг ўлимини истайдилар. Шарофатхоннинг бу қилмишини Зайнаб ойим ҳам қўллаб-қувватлайди. Фолбин сўраган кейинги 500 тапганинг ярмини Занаб ойим беришга тайёр. Лекин имом билан Зайнаб ойимнинг хуфиёна «суҳбатлари»дан аён бўладики, узига сирдош бўлган Шарофатхонни Зайнаб йўқотмоқчи. Икала хотин бир-бирини кўролмайди, лекин, вазият, мақсад уларни бирлаштириб туради.

Зайнаб ойимнинг Мансурбойнинг ҳамтовоғи бўлмиш имом билан хуфиёна алоқаси - ўношлиғи борлигини Шарофатхон ҳам билади. Лекин ошкор қилмайди. Томошабин бир дақиқа таажжубланади: наҳотки? Бу таажжубнинг олдини олиш учун Фитрат тўртинчи нардада Ойнуқсо ва Порхола тилидан бойнинг иккала хотини ҳам ўз уйларида ўйнаш олишларини айтиб ўтади. Зайнаб ойимнинг имом билан бўлган «сирининг» Шарофатхон томонидан ошкор этилмаслиги ўзининг ҳам ул каби макруҳ ишлари борлигидандир. Зайнабнинг Шарофатхонга «Ўртоқжон, эникларни ёшиб кетингиз» дейиши уларнинг бир-бирининг ифлос ишларидан хабардор эканлигига ишорадир.

Зайнаб ойим ўз уйида имом билан мунофиқлик қиларкан, унинг имомга муомаласидан табиатнинг номаргуб қирралари очила боради. Унинг сўзлари нафақат ўз характерини, балким, имом ва Мансурбойлар башарасини ҳам чуқурроқ очишга қаратилган. Зайнаб ойимнинг уйига имом хуфиёна паранжи ёниниб киргач, бир оз «ошиқ-маъмуқона суҳбат»ларидан кейин Мансурбойнинг ҳовлига кириб хизматкор Жўрани тергаши эшитилади ва имом кўрқиб нима қилишини билмай қолганда, Зайнаб ойим уни кўрқмасликка ундайди, бойни «зўр санъат» билан бу уйга киргизмаслигига ишонттиради, саҳнадо бой билан Зайнаб ойимнинг диалоги берилади:

Зайнаб - Борман, бор. Ҳай, кирманг, қўноқ бор!

Бой - Ким бор?

Зайнаб - Холамлар келган эдилар.

Бой - Ҳай, ундай бўлса мен меҳмонхонада Утурай.  
(қайтмоқчи бўoadир.)

Зайнаб - (имомнинг ҳолига қараб, кулиб) Холамлар сизни сўрайлар, бой бобом қалай, яхшими, дейлар.

Бой - Худога шукур, ўзларидан сўрайлик. Ўзлари қалай? Омон-эсонми? Нечун бизникига оз келадилар? Сизни севмайлар чоғи.

Ўқувчи томошабин кўз ўнгиди ул муҳитнинг жирканч ишлари кўзгудагидек гавдаланаркан, нафрат, қаҳр туйғулари кучая бошлайди. Драматург уларнинг башарасини тирапроқ очиб учун Мансурбой, Зайнаб ойим, имом фўжеасчининг чўққиси бўлган диалогга янада куч беради:

Зайнаб - Йўқ, севадилар-ку. Эмди ишлари кўпдир.

Бой - Дунёнинг иши битмайдир. Тез-тез келиб кетсинлар.

Зайнаб - (имомга қараб кулиб) Сизни ҳам уйланар экансиз деб эшитибдилар.

Бой - Йў...ға...

Зайнаб - Худо хоҳласа янги хотунларини ҳам келиб кўраман дейлар.

Бешинчи парданинг иккинчи кўринишида Мансурбойнинг ички олами буздан ҳам аянчлироқ ҳолатда очилади. Бой ўгли қудрат билан қўл остидаги ерларнинг ҳисоб-китобини қилиб турганда, қишлоқ оқсоқоли, Хасан, Турсун, Тўракул, Ойнуқсо, Норхолалар имом билан Зайнаб ойимни ўйнашлик устида тутиб олиб, олдиларига солиб, бойнинг олдига шармандаларча олиб келадилар. Бой нима қилишини билмай телбаланиб қолади, имомни сўқади. Ойнуқсо «бой бобо, ўз хотинларингизни берк тутолмайсизу бошқаларнинг қиз-келишларини зўрлаб тортиб оласиз. Бу қандай гап? Ўз хотунингиз ётлар кучоғида...» деса, бой уялиш, бош кўтаролмасликнинг нига «Кес товущингни!» деб бақиради. Мансурбойнинг шармандали башараси ҳар дақиқада очила боради:

Оқсоқол - (ўтирадир) Уф... Ҳай надарига налар имомнинг.

Бой - бошлаб сенинг падарингга налар, аҳмоқ!

Оқсоқол - (шошқин) Нечун, мен нима қилдим?

Бой - Мен бўлмасам, нулар сени ўлдириб, гўштинини сийдилар. Билмайсанми?

Оқсоқол - Билмаган кўр бўлсин, бой, мен нима қилдим?

Бой - Паналат, шу ишни билган экансан, секингина келиб менга хабар бермайсанми? Шунча одамни йиғиб, мени расво қилганинг нима?!

Бой билан Оқсоқолнинг диалогидан сезиладики, улар ҳар қандай пастликни ҳам кўтарадилар, фақат эл билмаса бўлгани, таъбир жоиз бўлса одамнинг ичи қонаб-маддалаб кетса-да, оғзидан кўришмаса бас.

Оқсоқол бу ишларни уюштирган Арслон эканлигини бойга исботлагач, гапини шундай тугатади: «...Бориб иккаласини тутғонимиздан кейин ҳалиги кампирлар кўриб Зайнаб ойим эканлигини айтиб қўйдилар, мен ҳеч илож қилолмай қолдим. Йўқса, ўлдирсалар ҳам бу ишни қилмайман, бой бобо! Сиз мени биласиз-ку!» У охижда «Сиз мени биласиз-ку», деб ургу бериш билан бундан олдинги қанча пастликларингиз, олғирлик, поинсофликларингизни яшириб келганман-ку, деган маънода Мансурбойга ўзининг садоқатини изҳор қилмоқда. Фитрат маҳоратининг ўзига хос қирраларидан бири шундаки, шахсизлик фожиаси бир қатор образларда, хусусан, Мансурбой тимсолида тўла ўз аксини топган.

Абдурауф Фитратнинг «Арслон» драмаси Бухоро хонлигидаги деҳқонларнинг аялчи ўтмишини тўлақонли акс эттирган. Арслон, Ботур, Турсунбиби, Йўракуд, Турсунларнинг оғир турмуш ва уқубатли ҳаётлари деҳқонлар кечмишининг яққол картинасидир. Мансурбой, судхўрликда ундан қолишмаган ўғли қудрат, оқсоқол, имом, Ёсовулбоши, Бек образларининг ўзига хос талқини зулм жамиятнинг, халқона айтганда, авра-астарини ағдариб ксата олган.

«Арслон», - деб ёзганди Ҳ.Олимжон, - композиция эътибори билан ҳам мароқли ишланган эмас. Унда муҳокамачилик, воқсаларнинг паринионлиги кўзга очик ташланиб туради». Тапқидчининг композиция тўғрисидаги фикри, бизнингча, адолатли эмас. Драманинг композицияси пухта ўйлаб тузилган. Беш пардадаги турли воқеалар бир-бирига мантиқан боғланади ва бир-бирини тўлдириб боради. Бирор-бир сўз, деталь, ҳаракатда ортиқчалик сезилмайди. Уларнинг ҳар бири асарнинг бош ғояси учун хизмат қилади. Аммо Ҳамид Олимжоннинг юқоридаги фикрида бирқадар



жон ҳам бор. «Арслон»да ҳақиқатан ҳам муҳокамачилик унсурлари кўзга ташланади. Айниқса, Арслоннинг муҳокама ва мушоҳадалари бир оз чўзилган. Салбий қаҳрамонлар тасвирида ҳам бир ёқламаликка йўл қўйилган. Бойми - қора, камбағалми - оқ. Агар Тўрақул билан Турсуннинг бир-бирини қўлламагандаги гинасини ҳисобга олмасак, ижобий қаҳрамонларнинг ҳаммаси фариштадек таассурот қолдиради.

Алқисса: Фитратнинг «Арслон»и ўзбек деҳқонларининг тарих бағридаги мусибатларидан яхлит таассурот уйғотувчи қайғули кўшиқдир.

## БОСҚИНЧИЛИК - РАЗОЛАТ

### ЭРК ҚАЙҒУСИ

*Босқинчи сўзининг маъноси шулки,  
Нонга тўйганда ҳам тўймас маконга.*

Абдулла ОРИФ.

«Бу кун ўлкадан қуйдан эртиқ одам кесиладир. Омонлик, тинчлик, эрк деган нарсаларни кимса билмайдир. Масжидда намоз учун йиғилганлар сиёсий йиғин ясагон бўлиб тўпга боғланар, эр билан хотин ўзаро кўпроқ гапирганда ҳукуматга қарши бўлиб дорга осилалар. Бу кун устидагина шу ўлкага қараганда йиқилгон шаҳарлар, ёндирилгон қишлоқлар, талангон уйлар, кесилгон бошлар, осилгон гавдалар, тўкилгон қонлардан бошқа бир нарсани кўрмайсиз. Яқиндан танишмоқ учун ичкарироқ кирганда: қочирилгон қизлар, пардасизланган хотинлар, бир-бирини этини еган очлар, хўрлик кўрган буюклар, сўкиш эшитган бошлиқларнинг қонли ёшлари, мунгли бошлари, тугунли охлари, ўтли инграшлари олдимиздан ясов тортиб ўтадир».

Бу диурўтар сўзлар Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» драмасидаги қаоландар Лолаҳардиёлнинг инглиз мустамлакачиларини фош қилиб айтган сўзлари. Драма 1920 йилда ёзилган. Лолаҳардиёлнинг қаҳр-ғазаб, ўкинч ва нафратдан туғилган сўзларини етмиш йилдан кейин такрорласак, ўз бадиий қудрати, ҳақиқат кучини йўқотмаганлиги ойдинлашади, юракни қайта ўртади, қайғуртиради: Фарғона, Ўш, Боку, Паркент, Вильнюс, Бўка, Душанбе...

Эркисизлик, босқинчилик, зуравонликка асосланган жамиятда юз беради. Фитратнинг «Чин севин», «Ҳинд ихтилолчилари» драмаси эркисизлик, босқин, зулмга қарши исён. Бу иккала сахна асарида ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши озодлик йўлидаги кураши бош ғоядир. Раҳимбахш, Нуриддин, Дилнавоз, Каримбахш, Зулайҳо Лолаҳардиёл Ҳиндистонни босқинчи ёвлардан озод кўришни истаган ва бу йўлда курашган чин ватанпарварлар образлари.

Агар 20-30-йиллар адабиётига назар ташласак, асосан, икки оқимни кўрамиз: бири мамлакат ўз бошидан оғир иқтисодий-сиёсий, маънавий ўзгаришларни кечираётганда «бахт ва шодлик»ни куйлаган, очлик, қулоқлик уқубатлари илдиз отса-да, «Қолхоз тўйин, умум юксак, аъзолар тўқ, Ортиқ бизда камбағаллик, батраклик йўқ», «Озиқ-овқат, сен же, мен же» деб ижод этганлар; иккинчиси - сиёсатнинг қинғир ўйинлари, қоронғуликларини англаб, эрк, озодликни куйлаб, мустамлакачилик сиёсатини фош этувчи асарлар битиб, «миллатчи», «пантуркист», «нанисломист» тамғаси босилганлар...

Бу иккинчи гуруҳ ёзган асарларининг ўзаги, ботинида уларнинг буюк шахси - ватанпарвар, эркинпарварлиги ётади. Чўлпон 1921 йилда ёзган «Мен ва бошқалар» шеърисида ўзини эрк ва қўллик ўртасидаги кураш ичра кўради (шеър гарчанд ўзбек қизи тилидан битилган бўлсада):

*Кулган бошқалардир, йиғлаган менман.*

*Ўйнаган бошқалар, инграган менман.*

*Эрк эртакларини эшитган бошқа.*

*Қўллик қўшиғини тинглаган менман...*

Шоир «куйим бор... уни-да деворлар тинглар...» деб Эркинлик, босқинчилик оқибатларидан зорланади. Унинг куйи - Эрк. Унинг Ватанидан Эрк куйи қатағон қилинган, ўрнида «Қўллик қўшиғи» «Эркин бошқалардир, қамалган менман, Ҳайвон қаторида саналган менман...» Унинг-чун «ёмон ҳидга тўлиб тонглар отадир». чин ватанпарвар учун тонг зулм урчиган Ватанда бошқача отиши мумкинми? Чўлпон «Бузилган ўлкага» шеърисида:

*Сенинг қаттиғ, сирт бағрингни кўп йиллардир эзганлар.*

*Сен билсанг-да, қарғасанг-да, кўкрагингда кезганлар.*

*Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжадар.*

*Нега сени бир қул каби қизганмасдан янчалар? -*

*Нега сенинг қалин товшинг кет демайди уларга.*

*Нега сенинг эркин кўнглинг эрк бермайдир қўлларга?...*

деркан, буюк шоирнинг мунгли, ҳасратли, ўкинчли товуши эрк муножотидек кўнглини ўртади.

Фитрат, Чўлпон, Қодирийлар авлодининг зўрлиги шундаки, маънавий-руҳий яқинлик уларнинг асарларида

бирининг ғоясини иккинчи, иккинчисини учинчиси ботинан ривожлантириши, қўллаши учун хизмат қилади. Абдулла Қодирий «Уттан кунлар»нинг «Қипчоқ қирғини» фаслида Юсуфбек ҳожининг тилидан мустамлакачиликнинг авра-астарини ағдаргувчи, ҳасрат томиб турган тубаидаги сўзларни келтиради: «...Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши чун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим, Иттифоқнинг нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб-ичган мансабнараст, дунёнараст ва шуҳратнараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди... Биз шу ҳолда кетадиган, бир-биримизнинг тағимизга сув қуядиган бўлсак, яқиндирки, чор истибдоди Туркистонимизни эгаллар ва биз бўлсак, ўз қўлимиз билан келгусимизни ўрис қўлига тутқун қилиб топширувчи биз кўр ва ақсиз оталарга худонинг лажнати, албатта, тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни кофирхона қилишга ҳозирланган биз итлар яратувчининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳиларнинг, мирза Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагувчи, албатта, тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим! Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларни етим, хоналарни вайрон қилувчи золимлар - қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишонадир, ўғлим!»

Юсуфбек ҳожининг донишмандона, босиқлик ва алам билан сўзлаганлари нақадар баёворатомуз, қайғули! Бу сўзлар «Чин севиш» драмасидаги Нуриддин, Каримбахшон, «Ҳинд ихтилолчилари»даги Раҳимбахш Лолаҳардиёл, Дилнавоз, «Абулфайзхон» фожеасидаги Хаёл (Сиёвунинг руҳи)нинг сўзлари билан ҳамоҳангдир. Улар бир-бирини тўлдириб, мастамлакачилик сиёсатига нафрат уйғотади. Ўз Ватанини босқинчи-ёв қўлига топшириб қўйишнинг ўлимга тенглигини уқтиради, билагида кучи, кўксиде виждони бор кимсани Эрк, Озодлик учун курашга чорлайди.

«Ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида» бутун халқни сотишга, топташга тайёр Шерхон ва раҳматулталардан

нафратлантиради. Халқимизча айтганда, дўст мингта бўлса ҳам оз, дushman битта бўлса ҳам кўп. У халқнинг ичидан чиққан ўз ёви битта бўлса ҳам кўплигидан бизни огоҳлантиради.

Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» драмаси 1920 йилда ёзилган бўлиб, ўз даврида Туркистоннинг турли ўлкаларида, жумладан, Бухорода сахналангирилган. Драмадаги Дилнавоз ва Раҳимбахшнинг севгиси ўзининг романтиклиги билан кишиларни жалб этиш баробарида уларнинг мустамлакачиларга қаратилган. Ватанпарварлик туйғулари билан суғорилган нафратомуз сўз-қайғуришлари томошабинни бениҳоя тўлқинлантиради. ҳалжонга солади. Дунё ишларига ҳушёр боқингга чорлайди. Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» ва «Чин севини» пьесаларида ёр ва диёр муҳаббати, Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирикасида бўлганидек қўшишдир. Раҳимбахш Дилнавозга «Юртни севганлар унинг тош-туپроқларини эмас, гўзаллик ва яхшиликларини севадилар, улус йўлида жон берганлар унинг соқоли, чопони учун эмас, ортиқлиги, фазилати, тарихи учун севадилар. Сен ҳам юрт, улусимнинг яхшилик, ортиқлик ҳам фазилатларининг бири, биринчиси сен эурсан. Уларни севганим сени севганимдир», - дейди.

«Ҳинд ихтилолчилари» драмасининг «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилиши муносабати билан сўз боши ёзган адабиётшунос Шерали Турдиев «Фитратнинг асарлари, - дейди, - С.Айнийнинг «Қуш чиқарлиларга хитоб», Чўпоннинг «Янги Шарқ» (1919), «Шарқ уйғонди» (1923), Абдулла Қодирийнинг «Сиёсат майдонларида» (1924) сингари асарларига ҳамоҳанг жаранглайди». Буларнинг барида гарб мустамлакачилик сиёсати қораланади, лантланади.

«Ҳинд ихтилолчилари» драмаси беш пардадан иборат бўлиб, бош қаҳрамони Ҳиндистон мустақиллиги йўлида ҳар қандай азоб-уқубатларни бўйнига олган зиёли йигит Раҳимбахш ва унинг севгани Дилнавоз. Драмадаги асосий зиддият шахслар ва тузум ўртасида. Ҳинд ватанпарварлари инглиз мустамлакачиларига қарши курашадилар. Асар шахсий конфликтдан бошланади. Лоҳур шахрининг пўлис бошлиғи инглиз Ўқунар ҳинд қизи Дилнавозни севиб қолиб, қандай бўлса ҳам қизни ўз тузоғига туширмаққа йўл

излайди. Раҳимбахш. Дилнавоз ва бир қария, икки ёш суҳбат қилиб турганларида Укунар уч пулис (жандарм) билан келиб, «хукумат яширун ерларда йиғилишмоқни қатағон қилгон» деб Дилнавозни ўзи билан шаҳарга мажбур олиб кетади ва Раҳимбахшни қамашни буюради. Шу воқеаларнинг ривожда драманинг моҳияти - мустамлакачилик сиёсатига қарши ҳинд фарзандлари олиб борган кураш кўрсатилади. Дилнавознинг ҳинднинг ифбатли, қалбида ватан туйғуси кучли қизларидан. Унинг табиатида воқеаларни олдиндан сезишга ўхшаш эҳл-заковат ўткирлиги - интуиция бор. Биринчи пардада Раҳимбахш билан Дилнавоз ўз севгилари ва Ватанлари тақдири ҳақида сўзлашиб, қайғуриб турганларида Лолахардиёл исмли бир ҳинд қаландари уларнинг суҳбатига қўшилади. У «севишган икки юракнинг мана шундай баҳор қучоқларида тенглашмоқлари томошаларнинг энг буюғидир», деркан, икки ёшнинг ошиқона кунларини, ҳаракат ва изтиробларини маънан қўллайди. Лекин бу иккала ёшнинг тақдири ўз Ватанлари ётлар томонидан топталаётган бир пайтда унинг-чун чигал, тасодифларга бой бўлиб кўринади. У Раҳимбахш ва Дилнавознинг келажагини нурли, эркин кўрмоқчи. Аммо босқинчилар ҳар ер-ҳар ерда ҳинд урф-одатлари, миллий қадриятларини топтаётган, ғорат қилаётган бир пайтда уларнинг тўла бахтли бўлишига ким ҳам кафолат бера оларди. Лолахардиёл Абдулла Қодирийнинг Юсуфбек ҳожисига ўхшаш башорат туйғули донишманд образи. У ватаннинг бир парчаси бўлган Раҳимбахш ва Дилнавозлар тақдирига бефарқ эмас: «Сизнинг бу ҳолингизни саодат дедим ҳам қутладим, орданмангиз. Бундай бир саодат сизда келган бўлса ҳам, дунёнинг турли қайғуларидан, турли сезгулариндан айрилиб бундай тинч-тинч ерларда жим-жит ўтирмақ қийиндир, тириклик тебраниш демакдир. Турғунлик эса ўлимдир... Бутун дунё тебранар экан, сизнинг тебранмай туришингиз бўлурми? Тирик экансиз, тебранурсиз. Тебранмас экансиз, ўларсиз! (қаттиқ) Юртимиз ёниб турадир. Улусимиз эзилиб битди, эшитасизми?» Лолахардиёл тебраниш деб жамият тараққиёти, диалектик ривожланиш, воқеа-ҳодисаларнинг табиий ҳаракатини таъкидлаш баробарида, виждон тебранишларига - Эзгулик ва Ёвузлик ўртасидаги азалий

курашга ҳам урғу бераётир. Раҳимбахш ва Дилнавознинг қалб тебранишлари қўшилиб Ватан озодлиги учун курашга айланишини орзу қилади. Драмада Лоларҳардиёл образи эпизодик кўринишда бўлса-да, унинг сўзларидаги маъно муаллиф ғоясининг ўзагидек янграйди. Лолаҳардиёлнинг сўзлари Раҳимбахш, Дилнавозларни Ватан тақдири учун кураш йўлига олиб чиқувчи кўнрик вазифасини ўтайди: «Шу қип-қизил гуллар юртимизнинг қон йиғлаган кезларида сиздан иш кутади. Шу ям-яшил ёғочлар улусимизнинг ўлими учун тикилган мотам белгиларидир, сиздан кўмак тилайди. Шу кичкина булбул ҳам жон чекишган кимсасизларнинг марсиясини айтади. Сизнинг қонларингизни қайнатмоқчи... Шулар орасида тинч турмоқ, сағана бошида чоғир ичмакка ўхшайди, ярашмайди. Шуларнинг кўмагига эришмоқ учун ишга киришингиз, тебранингиз. Тебранмас экансиз, ўлимингизни кутингиз...» Фитрат ўз ғояларини юксак поэтик йўналишда ифодалайди. Унинг қаҳрамонлари образли фикрлайдилар. Бу улар нутқининг табиийлигига монелик қилмайди. Чунки қаҳрамонларнинг нафрат-надоматлари, қарашлари бир образли сўз, ибора воситасида мухтасар ва чуқур англашिलाди. Драматург ҳар бир образнинг ботини тасвири орқали мустамлакачилик сиёсатининг қайсидир бир қирраларига «тегиб» кетади. Томошабинни ўйлашга ундайди. Ҳар бир ҳаракат, деталь, сўз бош ғоя - мустамлакачиларнинг ёвузликларини кўрсатиш учун «Кўрлантирилган». Лолаҳардиёл шу кичкина булбул ҳам жон чекишган кимсасизларимизнинг марсиясини айтади» деркан, булбулнинг марсия айтиши образли ифодаси билан бут-бутун ғожеанинг моҳиятини терапроқ мушоҳада қилишга ишора қилаётир. Халқимизча, булбул - эзгулик, ишқ, ошшқ тимсоли. Классик адабиётимиз булбул образининг мингдан ортиқ бир-бирига ўхшамас эзгу тимсолларини топган. У гоҳ ошиқ бўлиб, гоҳ - ёр бошида қон йиғлайди; гоҳ ёрнинг юзин, сочин силайди; гоҳ хижрон куй-қўшиқларин сайрайди ва ҳ.. Лекин Фитрат Булбул образини драмада озодлик тимсолига, рамзига айлантираётир. «Кенг бир ўлан, гул буталари, арғувон ёғочлари ҳар ён очилгон. Лоҳур шаҳрининг боғлари ҳам булбул-чун «Қафас». Чунки у нафас олаётган ҳаво

босқичининг нафаси билан ифлосланган, у кўнган бутوقқа душман - мустамлакачининг кўзи тушган. Шунинг билан бирга Лолаҳардиёлнинг сўзларини Раҳимбахшнинг ўйловлари билан моҳиятан белгилаб турувчи кўзга кўринмас воқеалар халқаси бор: Дилнавоз ботнинг бир ёнида гул териб тураркан, «бир булбулнинг ёниқ, қайноқ товуши саҳнадаги жимжитликни титиб юбормоқда», булбул куйин Раҳимбахш тинглаб уйлайдир, Раҳимбахш учун булбул шу «дардлашмани сайра»:

*Мунгли булбул, мунгдош бўлдик, кел, сайра,  
Бир қии-қизил гулга мен ҳам тутилдим;  
Тинмоғур қуш, қайғудонлик қилайлик,  
Мен-да сендек юрагимдан уришдим.  
Сен тебраниб ўртагини,  
Мен йиғилиб инграйин.  
Сен ўтли уи чекарда  
Мен қонли ёш тўкайин.*

Раҳимбахшнинг «мунгли булбул, мунгдош бўлдик» деб булбул сайрашини тушунишида Дилнавозни сезиб қолгани, унинг ҳажрида мунгли, дардманд бўлиб қолгани кўринса-да, уларнинг кейинги диалог-суҳбатларидан шу нарса ҳам маълум бўладики, улар анча ўқимини, дунё - катта-кичик, баланд-пастликларини бир қадар тушунадилар. Қалблари мустамлакачига қарши нафрат билан тўла. Шундай экан Раҳимбахш булбулга «мунгдош бўлдик» деб ҳисоб қилишида иккинчи бор маъно - Ватанни озод қилиш дарди ҳам аралашган. Бу маъно Дилнавознинг кўшиғида янада ойдинлашади:

...  
*Нега сени чулғаб олди булча тикашлар?  
Нечун чиқди юрагингдан юзга бу қонлар?  
Сен билан мен яраланиб ётибмиз,  
Бу чамада шодлик берган кимлар эканлар?*

Дилнавознинг ва Раҳимбахшнинг қайғулари кўна - ёр ва диёр қайғуси. Драматург ҳинд ихтилолчилари Раҳимбахш, Дилнавоз, Бадриант образларини ишончли, таъсирчан ва ёрқин тасвирлаган. Улар мақсад-ғоялари билан бир-бирларига қанча яқин бўлсалар, дунё воқеа-ҳодисаларини англаш, уларни баҳолаш, ватандошлари ва ёв-



мустамлакачиларга муносабатлари ҳам шунча ҳамоҳангдир. Ҳинд қаландарлари Лолахардиёлнинг сўзларидан кейин Дилнавознинг қайғули кечинмалари туғёнга келади, Лоланинг сўзларидан у қандайдир қора кунларнинг «рангини» сезгандай бўлади. У ўзининг ички кечинмаларини Раҳимбахшга сўзлайди: «Лоланинг ўткир тилидан чиққан ўткир сўзлари юрагимни тутунга чулғади». Раҳимбахш Дилнавознинг бу сўзларидан ўзини бироз таажжубланган сезса-да, унга далда беради. Лоланинг сўзларида «Кўркунчли бир нарса йўқ эди», деса-да, ўзи ҳам дошипманд қаландарнинг сўзларидан анча нарсаларни - келгусида бўлиши мумкин бўлган ва шу кунлар Ҳиндистонда рўй бераётган босқинчилик оқибатларини сезган, уққан эди. Шу далда беришлар сахнасида бир қария билан ўрта ёшли бир йигит уларнинг суҳбатига аралашади ва бир оз ўтгач, Укунар бошчилигидаги нўлисчилар уларни шубҳага олиб қамайдилар. Бу ерда Дилнавознинг ички кечинмалари кимларгадир нотабийроқ тўйилиши ҳам мумкин. Лекин драматург унинг бу кечинмасини асослаган. Биринчидан, Лолахардиёлнинг сўзларидан қаттиқ таъсирланади ва коса остидаги нимкосага оз бўлса-да тушунди, иккинчидан, ватанидаги кундалик аҳволнинг шохиди, учинчидан, энг асосийси, у оддий одам. У ҳам биздек фикрлайди, ўйлайди. Кўнгилда кечган нарсанинг амалда бўлиши ҳар кимнинг ҳаётида ҳам бўлиши мумкин. Демак, драматург инсоннинг руҳий дунёсини теранроқ, чуурроқ кўрсатиш воситасида воқеалардан воқеаларни келтириб чиқаради, эпизодларнинг бир-бири билан боғланишини табиий тайин этади, қаҳрамонлар характери ва эътиқодини воқеалар ривожланган сари, зиддиятлар авж олган сари ойдинлаштира боради:

Раҳимбахш - (Йиғлаёзиб) Дилнавоз. Ҳўзалсан. Эссизларким, ҳинд чечаги термоқ учун шу ерларга келиб юрган инглиз йигитларининг кўзи сенинг юзингга-да тушар.

Дилнавоз - (ҳайиқиб) Тушса нима бўлур?

Раҳимбахш - Тушса нима бўлуми? қуръон бетига ҳайвон оёғи тегса нима эса, ҳинд қизининг юзига инглиз кўзи тушмоқ ҳам шудир.

Бу диалогдан зоҳир бўлурким, Раҳимбахш нафақат ўзининг севгани, балки бутун ҳинд миллатига мансуб ерли

қизларнинг юзига босқинчи англизларнинг кўзи тушмагани истамайди. Бу ёлғизгина ранг эмас, унда ёв-босқинчиларга қарши чексиз нафрат ҳам бор. Ҳар бир воқеа-ҳодисага содир этилган даврдан аслиб чиқиб баҳо бермоқ жоиз. Айрим танқидчилар Раҳимбахшнинг «Қуръон бетига ҳайвон оёғи тегмак нима эса, ҳинд қизининг юзига англиз кўзи тушмак ҳам шудир» деган сўзларини бир томонлама, ғалат талқин қилдилар. Жумладан, Ҳамид Олимжон: «Ҳинд қизининг юзига англиз кўзи тушмаслиги учун Ҳиндистон ихтилолчилари англизларни Ҳиндистондан қувмоқ учун курашади»<sup>1</sup>, - деб ёзди. Ҳолбуки, Раҳимбахшнинг юқоридаги сўзи унинг ҳаяжон ва нафратга берилган нийтдаги Дилнавозга айтган шахсий фикри. У ўз фикрини ҳинд ихтилолчиларининг маромномаси, деган даъводан узоқ. Иккинчидан, асарнинг гоёси, воқеалар ривожини, зиддиятлардан маълумки, ҳинд ихтилолчиларининг мақсади аниқ: ёвни фақат ҳинд қизига кўзи тушмаслиги учун эмас, юртини, урф-одати, қадриятлари, миллатини таллаётганлиги учун қувмоқ. Ватани озрод, эркин кўрмоқ армони.

Фақат ҳинд қизига англизнинг кўзи тушмаслиги учун деб талқин қилиш гоётда юзаки, асарни жўн тушунишдир. Ҳамид Олимжон асардан ўзига керак бир парчани узиб олади ва мақсадига мослаб талқин қилади. Асарнинг умумий гоёсидан келиб чиқмайди:

Раҳимбахш - Инглизнинг энг яхши тарбияси уни Ҳиндистондан қувмоқдир.

Дилнавоз - Инглизни Ҳиндистондан қувмоқ...

Раҳимбахш - Эзгу ниятларнинг биринчисидир.

Дилнавоз - Буюк...

Раҳимбахш - Ҳар нарсадан суюк.

Дилнавоз - Эзгу...

Раҳимбахш - Ҳар ишдан эзгу.

Дилнавоз - қуръонни ҳайвон тепкисидан қутқаришдай буюк.

Раҳимбахш - Чўққани мачитдан ҳайдаш каби эзгу.

Шундай қилиб, Фитрат бу икки асарда («Чин севиш» ҳам назарда тутилмоқда - И.Ф.) чуқур ватанчилик, миллатпарварлик, исломчилик ҳисси билан ёнади. «Чўққани

<sup>1</sup> Олимжон Ҳ. Ўша асар, 219-220-бет.

мачитдан ҳайдаш», «Қуръонни ҳайвон тенкисидан қутқариш» - мана унинг меҳрини, нафрат ва севгисини яққол кўрсатадиган муқаддас образлар»<sup>1</sup>.

Умуман, Ҳамид Олимжоннинг мақоласида Фитрат ижодини таҳлил этиш, бадиият, ғоя, санъат, фалсафийлик юзасидан баҳолаш эмас, вульгар социологларча ёндашиш, Фитрат асарларининг деярли ҳаммасини «социализмга ёт», «реакцион романтизм», «пантуркистик», «панисломистик», «ватанчилик», «миллатчилик» билан суғорилган деб талқин қилиш устуңдир. Маъзкур мақолани таҳлил эмас, Фитрат ижодининг атафин айбномаси дейиш мумкин.

Фитрат халқимизнинг қуръони мажид ва масжидга бўлган эъғиқодини яхши билгани учун Дилнавоз ва Раҳимбахшлар тилидан инглиз мустамлакачилари, умуман мустамлакачиликка қарши нафратини шу икки муқаддас тушунча орқали бермоқда. Бундан ташқари, асосийси, ҳинд қизларининг ор-номуси шу муқаддас нарсалар қаторида туришига уру бермоқда. Қолаверса, драматург ҳинд қизларининг босқинчиларга муносабатини бу диалогдан олдирроқ бир қадар ойдинлаштирган эди:

Дилнавоз - ... Сен ҳинд қизини ўзини инглиз бошмоғидан сақлай олмас дебми биласан? Ҳинд қизининг кўзи шишаданмидурким, инглиз яраттувчилигининг шунча қонли изларини кўрмаса? Ҳинд қизининг юраги тошданмидурким, оёқлари остида қолиб эзилган эл виждонининг ярали лочинларча қичқирғонин сезмасун?! Бу кун бу ўлкада ушларнинг юзларига қараб кулгувчи бир қиз эмас, бир ит ҳам тонилмас. Буни билиб қўй!

Дилнавознинг изоҳ талаб қилмайдиган бу сўзларидан сўнг унинг инглизни Ҳиндистондан қувмоқ «Қуръонни ҳайвон тенкисидан қутқаришдай буюк» дейишига шубҳа билан қараш мумкинми? Унинг кўз олдида юзлаб қизлар пардасизланаётган, иффати топталаётган бир пайтда унинг бул каби нафратланиши табиий эмасми? Бу қандай ватанчилик, миллатчилик, исломчилик бўлиши мумкин? Бу фақат инглиз мустамлакачисига эмас, бутунга қадар ҳам дунёнинг қай пучмоғида зўравонликка асосланган жамият, давлат бор экан, унга қаратиб айтилган ҳақ сўз ҳамдир.

<sup>1</sup> Олимжон Ҳ. Уша асар, 219-220-бетлар.

## «БЎЛИБ ТАШЛАБ ҲУКМРОНЛИК ҚИЛАВЕР»

Инглиз мустамлакачилари ўзларининг «бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилавер» деган сиёсатига амал қилиб, Ҳиндистонда ҳинду ва мусулмонлар ўртасида мутассил келишмовчиликлар уюштирганликлари тарихдан маълум. Англиянинг Ҳиндистондаги 150 йиллик мустамлака сиёсати ҳинд халқи тарихида ўчмас қора доғ бўлиб қолди. Ҳиндистон 1947 йилга келиб муқаддирликка эришди. Бу муқаддирлик ҳинд халқининг дарёдай оққан қонлари, тонталган номуси, ори, ери, миллатининг кўнгиша йўқотишлари оқибатида амалга ошди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган халқ миллий озодлик ҳаракатлари XX аср бошига келиб кескин тус ола бошлади... Айниқса, 1919-21 йиллар Ҳиндистонда миллий озодлик ҳаракатлари кучайди. Ҳинд шоирлари ижодида ҳам бу озодлик ҳаракати шарчаларини кўриш мумкин. Жўш Малихободий «Хайр, эй Ҳиндистон» шеърида шундай ёзганди:

*Ажнабийга хизматкорлик, ўзаро қон тўкишлар,  
Кун тиккага келганда бу хурракли уйқулар,  
Хайр, эй Ҳиндистон, Юз хайр, эй Ҳиндистон!*

Фитрат «Ҳинд ихтилолчилари»да ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши ана шундай курашнинг бутун мураккабликлари билан кўрсатишга ҳаракат қилди. Драмада инглиз сўзи кўп тилга олинади ва буни бутун инглиз халқи деб тушуниш жўнликдир. Рус демократи А.И.Герцен сўзлари билан айтганда: «кимларки, рус халқини рус ҳукуматидан ажратолмас экан, улар ҳеч нимани тушунмайдилар». Инглиз мустамлакачилик сиёсатини юргизувчи ҳукумат бутун инглиз миллатининг тимсоли бўлмайди.

Драматург мустамлакачилик сиёсатининг бутун мураккабликлари, психологияси, идеологияси, «тактика»сини кўрсатиш учун драмага Укунар, Марлинг, Порлинсун каби образларни олиб кирган. Уларнинг ҳатти-ҳаракат ва сўзларига қараганда оддий одамларга ўхшаб

<sup>1</sup> Ҳиндистон халқлари адабиётидан очерклар. Тошкент: Фан, 1975.

кўринсалар-да, моҳиятан ўта ҳавфли, пухта ўйланган, «етти ўлчаб бир кесилган». Улар босқинчиликдек ёвуз сиёсат юргизувчиларнинг тишиклантирилган тимсоли. Марлинг, Нунтар, Порлисун, Укунар «бир миссия» учун курашсалар-да, уларнинг хатти-ҳаракат, табиат, характери, ички дунёси бир-биридан кескин фарқ қилади: Марлинг ўта эҳтиёткор, тадбиркор, кимга нима гапириш, ўзини қандай тутиш, мураккаб вазиятдан қандай чиқиш, суҳбатдошининг гап оҳангидаги «сир»ни тезда ўқиш ва ҳ.к. фазилатларга эгаю Инглиз жосуси Марлинг Афғонистон чегарасидаги Бунир кўрғонининг бошлиғи, ҳинд Мавлоно Нўъмоннинг ҳузурига келганда «Кўл чўнтагиндан қоплари олтинли, инжули бир куръон чиқариб ўнгандан кейин, «Куръони шариф, Войис Рой ҳазратлари сизга армуғон юбордилар» дейди. У кимнинг нимага қизиқиши, эътиқод қилишини теран билади. Марлингнинг вазифаси Германияда ўқиб, у ерларда кўзи очилиб келган Абдусуббуҳни йўқотиш. Абдусуббуҳ Ҳиндистонга қайтгач, ҳиндлар ўртасида ташвиқот ишлари олиб бориб, халқни инглиз мустамлакачиларига қарши миллий озодлик курашига тайёрлаш учун «Кўзгатгу битиклар» тарқатади, атрофига кўзғолончиларни уюштиради. Марлинг Мавлоно Нўъмоннинг кўли билан уни йўқотмоқчи. Чунки Абдусуббуҳнинг Мавлоно билан яқинлиги ва Нўъмоннинг бойликка ўчилиши Марлинг яхши билади. У Мавлоно Нўъмонга ҳар ойида инглизлар ўн миң руция ойлик тайинлаганини айтгач, Мавлоно Марлингнинг чилдирмасига ўйнай бошлади. Аммо Мавлоно ҳам жуда анойилардан эмас. У Абдусуббуҳни йўқотса, бутун ҳинд халқининг қаҳрига учрашини билади. Шунинг учун ўртага дин, шариат, мазҳаб айирмачилигини баҳона қилиб Абдусуббуҳни Бунир кўрғонидан чиқариб юборишгагина кўнади. Лекин сиёсатнинг кўпгина қора ўйинларини кўрган Абдусуббуҳ ҳам Мавлононинг бу ҳаракати остидаги иасткашликни бир қядар англайди. Абдусуббуҳнинг шериклари - ҳинд ихтилолчилари Бадринант, Раҳимбахш, Орномсингх ҳам анча ҳушёр, мустақиллик йўлида бошини тикканлардан. Абдусуббуҳ Мавлоно Нўъмоннинг баҳоналарини эшитиб шундай дейди:

Абдусуббуҳ - Сиз муллалар туташ шундай қиласиз. Ҳиндистонни йилларча эл-аймоқ жанжаллари билан

тўлдирдингиз. Улусни етмиш тўрт бўлак қилдингиз. Ҳар бўлакни бошқаларга ёв этдингиз. Ўлкани ички жанжаллар билан тўлдирдингиз. Шундай қилиб инглизни бошимизга келтурдингиз. Юз йиллардан кейин биз ўзимизни қутармоқ учун бой кўтардик, бирлашдик, қутулмоқ истадик. Яна мазҳаб, лий жанжаллари билан йўлимизни тўсмоқчи бўласиз! Уялингиз! Эркимизга тирноқ урганларга қарши чиқурмиз. Қўлга-қўл бериб курашамиз. Бизни бу йўлдан сиз-да, дин-да қайтара олмас.

Бу сўзларда Абдусуббуҳ ёлғиз Маълано Нўъмоннинг башарасини фош қилибгина қолмай, ўзи ва хинд ихтилолчиларининг озодлик учун кураш йўлидан қайтмасликларини ҳам таъкидлаётир.

Инглиз пўлис бошлиғи ўкунарни драма бошида, биринчи парданинг охирида Раҳимбахшни қамоққа букюриб, Дилнавозни ўзи билан олиб кетганида кўрсак, унинг бутуш киёфаси учинчи пардада яққолроқ намоеи бўлади. У Лоҳур шарида яшайди. Уч ойдириким, Дилнавоз унинг уйида тутқунда. Ўкунарнинг хизматкори Родубиби хинд бўлгани учун Дилнавозга хайрихоҳ. Қизнинг дард чекишларини кўриб ичдан эзилади. Ёрдам қилишга имкони йўқ. Чунки ўзи ҳам бир қул каби келгинди. Ўкунарнинг эшиғида хизматкор. Ўкунарнинг энг яқин кишиларидан бўлмиш инглиз мингбошилари Пунтар ва Порлинсунлар бирлашиб қандай бўлса ҳам Ҳиндистондаги миллий озодлик ҳаракатини бўғиш, хинд халқини асоратда сақдаш учун курашадилар. Ўкунар сиёсий ҳийла-найранг ишлатишда Марлингдан қолишмайди. У ҳар бир ҳаракат, нарсага шубҳа билан қарайди, «сиёсий хушёр». Узининг мингбошиси Полинсун Дилнавоздан гап кетганда «Қиз қаши?», «чақирсангиз ёмон бўлмас» дейиши билан ҳаммаслагининг қизга муносабатини дарров сезади. У эрта. Кеч қандай бўлмасин хинд тупроғидаги миллий уйғониш ҳаракатини бўғиш, бойлик орттириш ишқи билан яшайди. Ўкунар учун хуррият, адолат, зулм, эл, юрт каби сўзлар маъноси:

Ўкунар - (Порлинсун Дилнавоз ҳақида сўрагач) Уч ойдан бери тиришаман. Жонимни олди, сира бўйинсунмайду.

Пороинсун - Нима дейдир?

Ўқунар - Мени кўрдими ўзгаиб кетадир, почорликка, хуррият, мусоввот, адолат, зулм, ёввойилик, маданият, эл, юрт каби қанча маъносиз сўзлар бўлса, ҳаммасини бирдан айтиб берадир.

Пунтар - Маъносиз сўзларми дедингиз?

Ўқунар - Албатта, ҳар бир ҳинд оғзингдан чиққан бу сўзларнинг маъносими бўлур?!

Келтирилган диалогдан Ўқунарнинг манфур қиёфаси кўз ўнгимизда янада ойдироқ гавдаланади. Унингча, хуррият, адолат, маданият сўзларининг ҳинд халқи учун маъноси йўқ, ўзидек босқинчи, «маданий» халққина бул сўзларни тушунадилар. Ўқунарча, ким зўр, муттаҳам, ишбилармон бўлса, ўша ҳақ, юқоридаги сўзларнинг маъноси ўшангагина тегишли. Ўқунар шу нуқтада жосус Марлинг билан бирлашади. Бу борада уларнинг фикри бир-бирини тўлдиреди: Мана, Марлинг инглизларнинг Ҳиндистонни босиб олишини қандай «маданий» оқлайди:

Марлинг - Биз келгач, шул бузуқликларни (ҳинд билан мусулмон ўртасидаги жапжални айтмоқчи - И.Ғ.) тузатдик. Жапжалларни кўтартурдик, маданий яшамоқ йўлларини кўрсатдук-да ҳиндуларни ўқутдик. Бу кун шодлик кўрамизким, ҳиндулар яшамоқ йўлларини билиб олмишлар, яшамоқ учун тайёрланмишлар, биз Ҳиндистонни адолат билан олдик, адолат билан сақладик. Ина адолат билан ўзингизга қайтармоқчи бўламиз. Биз ишонамизки, бу кун Ҳиндистон ўз эркини олғоч бурунги ёввойиликларни, ёвузликларни қилмас...

Босқинчи инглизларнинг жосуси бўла туриб ўзлари қилган ва қилаётган ёвузлик ва ёввойиликлари етмагандек, Марлинг ҳинд халқига тухмат қилиб, озодлик истаган халқни ёввойилик, ёвузлик қилишда айблайди. У шул каби ёвуз ёлгонларни сўзлаш ва ишонтариш ишларининг пири, гапга элимизча айтганда, тўн кийдирадир.

Ўқунар Ҳиндистонда беғул тиббий хизмат кўрсатишга асосланган «Исломия эмлюги»да ҳинд миллий озодлик ҳаракатининг Маҳмудхон бошчилигидаги ўн ихтилолчини қўлга оларкан, Порлинсун ва Пунтарга ўз тадбиркорлигидан мағрурланиб, сўзлайди. Маҳмудхоннинг аччиқ кинояли сўзларидан унинг жасурлиги, халқига муҳаббати ва содиқлиги кўриниб турганидек, Ўқунарнинг сўзлари ҳам

унинг ёвуз афтияи яна бир бор фош қилади. Ўқунар Маҳмудхонни сўроқ қилиб «Исломия эмлоғи»га бепул доридармонни қайдан оласизлар деб сўрагач:

Маҳмудхон - Бизнинг бутун нарсаларимиз Ҳиндистондан чиқади. Бизнинг бутун ишопчимиз Ҳиндистондадир. Бизча, Ҳиндистон ўз бошли, айримча дунёдир. Бунда яшаганларнинг бутун керакликлари ўзинда топиладир. Шундан олиш керак. (Икки юзбоши бир-бирларига қарайдир).

Ўқунар - (кулумсаб) Бўш хаёлчилар.

Маҳмудхон - Сўзимиз хаёл-да эмас, бўш-да эмас, бу кун икки кўзи бўлгон ҳар ким кўрадиким, Ҳиндустон бу дунё боғчаси, ўзинда бўлгонларингизгина эмас, ўзидан минг л а р ч а т о ш у з о қ д а т у р г о н л а р н и ҳам яшатмоқдадир.

Маҳмудхоннинг бул ҳақ сўзлари Ўқунар ва икки инглиз юзбошисига ханжардек ботади. Маҳмудхоннинг «бу кун икки кўзи бўлгон ҳар ким кўрдирким» дегани ботинида «эй виждони, дили кўр Ўқунар, инглиз босқинчилари, сенларнинг кўзинг ошқозонга, нафс, ҳарс, тиллога айланган» деган нафратомуз маъно бор. Маҳмудхоннинг «ўзидан минг тош узоқда турғонларни» дегани «сенга ўхшаш босқинчи, манфурларни ҳам Ҳиндистон боқиб турибди-ку, эй сиз одам юзли ваҳшийлар» деганидир. Ўқунар, албатта, бул каби зардобли сўзлардан бетаъсир қолмайди. Шунинг учун «... Сўзини узатди бу... (юзбошига) буни элтиб қамангиз» дейди. Ўқунар Маҳмудхондан шу лаҳзада куч жиҳатдан устун бўлса-да, маънан мағлуб бўлган эди. Лекин манфаат олдида Ўқунарнинг ўзи айтганидек, адолат ва озодлик ҳақидаги гаплар маъносиз.

Ўқунар инглиз босқинчиларининг типик вакили, дедик. У драманинг бош салбий образларидан бири. Лекин драматург ҳаётни икки хил - оқ ва қора ранглар воситасида кўрсатмайди. У инсоннинг мураккаб табиати, ички олами, рухий изтиробларини атрофлича кўрсатишга ҳаракат қилган. Ўқунар қанчалик ёвуз ниятли бўлмасин, уни инсоний туйғулар бутунлай тарк этгани йўқ. Драма конфликтларининг бошланишига сабаб бўлган Дилнавознинг Ўқунар томонидан зўрлаб олиб кетилиши, аввалига, Ўқунарни бизга ҳайвоний ҳирсли бир киши сифатида



танитса, воқеалар ривожланиб борган сари (учинчи пардада) уни бутунлай ҳайвоний ҳирсга боғлаш бироз ноадолатлироқ эканлиги аён бўлади. Тўғри, Ўқунарда биз Дилнавоз ва Раҳимбахшнинг севгисини ё уларга ўхшаш калб изтиробларини кўрмаймиз, бинобарин кутмаймиз ҳам. Лекин у Дилнавозни оз бўлса-да инсоний яхши кўради, агар қиз рози бўлса унга уйланмоқчи ҳам. Ўқунар жуда ақлли, хушёр, қилни қирқ ёра оладиган даражада айёр одам. Аммо унинг ақли, заковати, айёрлигию «сиёсий хушёрлиги» Дилнавознинг Раҳимбахшга бўлган севгиси олдида ҳеч нарса.

Ўқунар Дилнавозга эришиш учун ўзининг кўпгина санъатларини ишга солади. Аввал мураса қилади, сўнг кўрқитмоқ истайди, яна мураса, сўнг кўрқитиш. Лекин Дилнавоз барибир унга бар тутқизмайди, қиз биринчидан, ўз муҳаббатига содиқ бўлса, иккинчидан, ўзининг тенгдошлари, синглию опаларидек минглаб ҳинд қизларининг номусини топтаётган инглиз боққинчилардан чексиз нафратланади. У Ўқунарнинг олдида бош эгишдан кўра ўзининг ўлимни афзал кўради, унга қаттиқ-қаттиқ сўзлар, таълар айтаркан, ўзининг жаҳли чиққан Ўқунар томонидан отиб ташланишини истайди. Драматургнинг маҳорати шундаки, ҳар бир қахрамон, хоҳ у салбий, хоҳ у ижобий бўлсин, уларнинг гал-сўзи, ҳаракати, деталлар бир зарб учун хизмат қилади. У ҳам бўлса боққинчиларнинг ёвуз башарасини, боққинчиларнинг ёвузликларини очиб ташлаш, эртами-кечми ёвузлик, зўрлик устига тикланган ҳокимиятнинг қулаши муқаррарлигини уқтиришдир.

Ўқунарнинг ҳар бир ҳаракати, сўздан унинг ўз башарасини кўриш баробарида биз Ҳиндистонда кечаётган ул даврдаги воқеа-ҳодисалардан хабар тонамиз:

Ўқунар - Шу ўлканинг энг катта кишилари мен билан бир йўла кўришганлари учун ойларча махтаниб юралар. Беш йиллар Лохурнинг пўлис комиссари бўлиб турибман. Бу кунгача истаганимни йиғлатиб, истаганимни ўлдира билдим. Мен сени суйган бўлмас эдим, ишингни бунча узатмас эдим. Биринчи кечада ё бўйинсундирардим, ё бошингни кесардим. Буларни ўзинг яхши биласен. (Дилнавоздан жавоб кутиб тинар. Жавоб олмағоч яна сўзлар). Менга бўйинсунмай турибсан. Ўзингга яхши бўлмас. Бу кун сени қамоқда

чуритмак, сургуи этмак, ўддирмак-ка кўлимдан келади. Шуларними истайсан? (Бир оз тинар. Дилнавозни жим кўргач, яна сўйлар). Сен онгсиз бир қиз эмассан. Менга ўртоқ бўлиб яшамоқни истамаслигинг тентаклиқдир.

Ўкунарнинг бул сўзлари-ла драматург Ҳиндистондаги умумий аҳволга - инглиз мустамлакачиларининг ўзганинг юртида ўзларини қандай тутишлари, зулм-зўравонликлари, тазйиқу қабиҳликларига «тегиб» ўтаёттир.

Пунтар - инглиз мингбошиси. У Ўкунар ва Порлинсеун билан ҳаммаслак, ҳамтовоқ. У Ҳиндистонда «маданият» ниқоби остида олиб борилаётган ўз қонхўрликларини улуғ иш деб билади.

Хуллас, инглиз босқинчилари ўзларининг «бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилавер» деган машғум сиёсатини Ҳиндистон тупроғи, миллати, қадриятларини топтаб бўлса-да, амалга ошириш учун тиш-тирноқлари билан курашганликлари, интилганликлари «Ҳинд ихтилолчилари» драмасида зўр бадий маҳорат билан тасвирланган. Ҳали дунёнинг қайсидир кунжакларида зўрлик, зулм, босқинчилик давом этар экан, ерли халқ топталар, таҳқирланар экан, инглизларнинг «бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилаввер» сиёсати бугундай ўз кучини, таъсирини йўқотмаганлиги кўпгина эркинпарварларни хушёр торттиражак.

## ЭРКИНЛИКНИНГ ҚОНЛИ ЙЎЛИ

Ҳинд ихтилолчилари - Раҳимбахш, Дилнавоз, Бадринант, Маҳмудхон, Абдусуббуҳ, Дийннант, Фазлиллоҳ, Оромсингх Ҳиндистонни озод кўриш, мустақил этиш йўлида ўз жонларидан кечиб бўлса ҳам машаққатлардан қайтмайдилар. Европада чуқур билим олган Абдусуббуҳ сиёсатнинг турли ўйинларини яхши тушунади, кеча-кундуз атрофига ҳинд ватанпарварларини тўплашга, миллий озодлик учун курашга интилади. «Кўзгатгу битиг» халқни инглиз мустамлакачиларига қарши кураш варақаси тарқатади. У Мавлоно Нўмоннинг уйида Раҳимбахш билан танишади. Уларни ҳинд халқининг аянчли тақдири бирлаштиради. Раҳимбахш инглиз пўлис бошлиғи Ўкунар томонидан қамалгач, ҳибсда бир ойча ётади. Қиплоқдошлари уни қамоқдан чиқаришгач, Лоҳур шаҳридан қочиб келиб, Афғонистон чегарасидаги Бунир қўрғонида Абдусуббуҳ билан учрашади. Абдусуббуҳ ва Раҳимбахш қўлни-қўлга бериб, Ҳиндистон мустақиллиги учун кураш йўлига кирадилар. Уларнинг сафи кун сайин кенгайди. Раҳимбахш ихтилолчи дўстлари ёрдамида Дилнавозни Ўкунар қўлидан қутқаради. Раҳимбахш Ўкунардан нафақат Дилнавозини тортиб олгани учун, балки ҳинд халқининг бошига сонсиз мусибатлар солаётган инглизлардан ўзини ҳам олиб, уни ўлдирди. Хуллас, ҳинд ихтилолчилари бир ҳақиқатни англаб етадиларки, мустақиллик, эрк, озодлик «совға» қилинмайди, унга қон тўкиб, жон бериб эришилади.

Ҳинд ихтилолчиларининг тарқатаётган «Кўзгатгу битиг»лари инглиз пўлислари томонидан қўлга туширилгач, улар таъқиб остига олинадилар ва дастлаб «Исломия эмлови»да ишлаб, шундай қоғозлар тарқатган Маҳмудхон ва ўн йигит қўлга олиниб, жазоланади. Улар қамоқдан зўрға қочиб-қутилиб, Ҳиндистондаги Гунгар тоғи мағоралари (ғорлари)да ихтилолчилик фаолиятларини яшириш-партизанчасига давом эттирадилар. Бу мустақиллик йўлидаги машаққатли кураш кун сайин кенгайрган, уларнинг ҳаракатлари, таъсир кучлари ҳам орта боради. Бу ўз навбатида инглиз босқинчиларининг ғазабини қайнатади. Ўкунарнинг ўрнига пўлис бошлиғи этиб тайинланган

минбоши Порлинсуун бошчилигида ҳинд ихтилолчиларига қарши кураш янада кескин кучаяди. Вазият мураккаблашади. Тўртинчи нардада ихтилолчиларнинг тоғ мағораларида қандай шароитда ишлашлари ва инлиз жосуси бўлмиш бир аёлнинг уларнинг сиридан хабар топиб, пароллари, қиладиган ишларини ўрганиб ихтилолчиларни инглизларга тутиб бериш воқеаси тасвирланган. Айғоқчи хотин мағорага келгач, ҳар ёнга қараб, аёлнинг бу ҳаракатини кузатиб турган Дилнавоз унинг сўзларига, ўзларидан эканига шубҳа билдиради. Ҳатто у «Кўзгатгу қоғоз»ларнинг навбатдагисини олиб чиқиб кетаётганида хотинни тўхтатиб, унинг тилчи эканига гумон қиладгани, юраги ниманидир сезаётганини айтади. Лекин Раҳимбахш унга ишонмайди. Чунки тилчи аёл инглиз пўлисларидан уларнинг бутун сир-асрорини ўрганиб, сўнгра уларнинг хузурига келган эди-да. Тилчи аёл мағорадан чиққач, оз ўтмай, инглиз пўлислари Порлинсуун бошчилигида ихтилолчиларни қўлга олиш учун хужум қиладилар. Оқибатда Бадринат Раҳимбахш ва Маҳмудхонни қочириб, ўзи ва Дилнавоз қуршовда қлиб, қўлга тушадилар. Лекин Дилнавозни навбатдаги ўлим ёки қамоқдан Порлинсууннинг унга ишқий муносабати қутқариб қолади. Чунки у Дилнавозни Ўкунарнинг уйида кўрган ва ичида «шу қизни шундан ола билсам» деган ўйловни кечириб, кўнглининг бир четида тутиб қўйган эди. Ўз орзусини амалга ошириш учун қулай вазият тайёр: Ўкунар ўлган, Дилнавоз яна қўлга тушган, яна кимнинг, инглиз пўлис бошлиғи Порлинсууннинг қўлига. Унинг кўзига Дилнавоз янада бошқачароқ кўринади». Ўкунарнинг уйида кўрганимдан яхшиланмиш».

Лекин бахтли тасодиф Дилнавозни бу сафар ҳам ёвуз Порлинсууннинг қўлидан қутқариб қолади. Маҳмудхон ва Раҳимбахш инглиз пўлислари бир тепада қўним топгач, ўрмон оралаб келиб, қўққисдан уларга хужум қиладилар ва шерикларини қутқарадилар. Маҳмудхон тўшпончага қўл чўзган Порлинсуунни отиб ўлдиради, сўнг Бадринат ва Дилнавознинг боғлиқ қўлларини очгач, пўлис бошляғининг қоровули бўлган, икки кимсани омон қолдиради. Уларга Раҳимбахш шундай дейди:

Раҳимбахш - ... Орқадоллар, сиз бизнинг юртдош, қардошларимиз эрурсиз. Бизнинг юракларимиз сиз учун

урадир. Биз мана шундай қон-қоронғу кечада кўрганингиз мағоралар, тоғлар теналикларида қийналиб юрамиз. Сизни қутқармоқ, сизни яшатмоқдан бошқа тилагимиз йўқ. Сиз келиб бизни босдингиз. Биз билан отиндингиз. Икковимизни тутдингиз. Бироқ биз биламизким, бу ишларнинг ёзуғи сизда эмас, юзбошингиздадир. (қорovuлларнинг юзлари кулар). Шунинг учун шу соатдан сиз эркиндирсиз...

Ҳинд ихтилолчиларининг бу ҳаракатини кўргач, ҳибсага тушмасдан бир печа дақиқа олдин инглиз нўлис-босқинчиларини мағорага бошлаб келган айғоқчи бирданига Бадринатнинг ёдига тушади:

Бадринат - Шошмангиз, Раҳимбахшхон... Шу тилчи хотун янами қутулиб кетсин?

Раҳимбахш - (биринчи ишчига) Юборингиз буни у дунёга!

Тилчи хотун - (ирғиб туриб ялинар) Зайид соҳиб, менга ҳам шу буюрғон эди. (Юзбошининг гавдасини кўрсатур. Биринчи ишчининг тўшончасидан чиққан бир ўқ билан «воҳ» деб йиқилур, жон берар).

Бу тилчи хотинининг драма финалидаги ўлими бутун кишиларга сабоқ бўларли фожеадир. Драматург бу билан халқининг ўз ичидан чиқиб, миллатини босқинчиларга қул қилиб бериш, талатиш, таҳқирлашга йўл очиб берувчиларининг жазоси, тақдири ана шундай аяпчили бўлишини кўрсатаётир.

«Ҳинд ихтилолчилари» бутун босқинчилик сиёсати ёвузликларини фош қилувчи айбномадир. Драма ёзилган даврда Ҳиндистон ҳали инглизлар тасарруфида эди. Улуғларга башорат ёр деганларидек, Фитрат Ҳиндистонни озод кўришни истаган ва унинг мустақилликка эришувининг қонуний йўлини кўрсатган, ишонган санъаткор. Асар ёзилгандан 26 йил кейин - 1947 йилда Ҳиндистон мустақилликка эришди. Бу билан драма ўз бадиий, яшовчанлик қудратини йўқотгани йўқ. У соф санъат асари бўлгани учун ҳам ҳали кўп йиллар мустамаккачилик асоратидан қутила олмаётганларга сабоқ бўлажак. Ундаги гош шундай улуғ ва фалсафи-мажозий қудратга эгаки, уни хоҳ Туркистон, хоҳ Африкага тадбиқ қилинг, жуғрофи

камрови ортса, ортадики, ҳеч камаймайди. Ҳақиқий бадиий асарнинг фазилати ҳам шундадир.

## Э Р К И Х Т И Л О Л Ч И Л А Р И

### ҲИНД МАВЗУИ - ҚАДИМИЙ

Таъби ўта нозик, Фитрат назарида «ҳар нарсани ёқтиравермайтурғон» Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонни «ариб мамлакате воқе бўлубтур. Бизнинг вилоятларга бошиқа ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси, жангал ва саҳроси, мавозий ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмғири ва ели борчча ўзгача воқе блубтур», - дея таърифлайди. Буюк Бобурча хусусияти бисёр, «мижозининг нозуклиги жибилий (туғма)» Алишер Навоий Ҳиндистонда улғайган Амир Хусрав Деҳлавийни ғазалиётда уч пиридан бири деб қадрлайди:

*Ғазалда уч киши тавриду ул навъ,  
Ким ондин яхши йўқ назм эҳтимоли:  
Бири мўъжаз баёнлик, соҳири ҳинд,  
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли...*

Берушидан тортиб Фурқатгача улуғларимиз Ҳиндга дил кўзи билан қарадилар. Мўғиллар истилоси даврида Туркистон ва Хуросонда олим, шоир, мусиқашунослар Деҳли султонларининг саройида осойиш топдилар. ғазал амири Хусрав Деҳлавий зотии шарифнинг отаси Амир Сайфиддин Маҳмуд асли Кеш - Шахрисабз туркларидан бўлиб мўғиллар босқинчилиги даврида Деҳли томонга юзланган. Икки турк Бобур ва Шайбонийхон беш кушлик ўтар дунё учун Самарқанд остонасида талошгач, Бобур Афғон томон, сўнг «Ҳинд сри юзланиш»га мажбур бўлган. Маъни хазинасининг шоҳи Мирзо Бедил Ҳиндистонда ижод этган. (Ота-боболари асли шахрисабзлик). Тарих чорраҳаларида ҳинд ва ўзбек халқи тақдирнинг ўхшаш қирраси кўп. Айниқса, сўнгги асрларда... Ҳиндни инглиз мустамлакачилари талаган, хонавайрон қилган бўлса, Туркистонни аввал чор Россияси, кейин «Қизил империя» нимталади. Инглизлар ҳиндларнинг эркини ноймол қилиб, бир кул сифатида таҳқирлаган бўлса. Рус кўшинлари туркий

халқни қўйдек бўғизлади, «аёлларнинг иффатини», «Даланинг эркини» ўғирлади.

Мақсад: ҳинд тақдири, ул ердаги мусулмонлар ҳаёти адабий жараёнга туркистонлилар дил кўзи-ла қараган ва қарамоқдалар. Ҳинд халқига Навоийу Бобур қандай ардоқли бўлса, буюк ҳинду Рабиндранат Тагор ўзбеклар учун шундайдир...

Демак, 20-йиллар ўзбек адабиёти учун ҳам ҳинд мавзуи янгилик эмас. «XX асрнинг боши ва инқилоб арафаларига келиб, - дейди адабиётшунос Шерали Турдиев, - Яқин ва Ўрта Шарқ, Афғонистон, Эрон, айниқса, Ҳиндистон мавзуи М.Бехбудий, Ҳамза, Фитрат ижодида кенг ўрин ола бошлади»<sup>1</sup>.

Фитрат Фурқат, Аҳмад Дониш ижодида мавжуд бўлган илғор анъаналарни янги ижтимоий-инқилобий ва миллий уйғонини даври тарихий шароитида янада кенгайтирди ва ривожлантирди. Фитрат ижодида кўринган мустамлакачиликка қарши кураш ғояси Октябрь тўптаришидан кейин яна кучайди. Бу мавзу адибнинг «Йиғла, ислом» (1919), «Шарқда инглизлар», «Шарқ сиёсати», «Афғонистон ишлари» каби ижтимоий-сиёсий мақолалари ва «Чин севиш» (1920) ҳамда «Ҳинд ихтилолчилари» (1923) сингари сахна асарларида кенг ёритила бошлади. Фитрат инқилобга қадар ҳам ўзининг «Мунозара» (1909-1910), «Сайёҳ ҳинди» (1912) асарларида бу мавзунини қаламга олган эди. У мазкур асарларида Туркистоннинг иқтисодий-ижтимоий қолақлигига сабаб бўлаётган хурофот, маҳаллий аҳолининг камситилиши ва улардан ҳар соҳанинг етук мутахассислари тайёрланмаётганлигига ачинади. Ҳиндистонда европача тарбияланган бир мусулмон зиёлининг кўзи билан зикр этилган масалаларга қараб бу қолақликдан чиқиш чораларини излайди.

Инглизларнинг шарқдаги мустамлакачилик сиёсати, инглизларнинг ғайритабиий қилмишлари кун сайин ортиб бораркан, бу ўз навбатида Фитратнинг ҳам нафратига учрайди. Ҳақиқатан, шарқли бир зиёли ўзи каби эзилган

<sup>1</sup> Турдиев Ш. «Ҳинд ихтилолчилари» ҳақида. «Шарқ юлдузи», 1990, 4-сон, 32-бет.

бир халқнинг тақдирига бeфaрқ қараши мумкинми? «1879 йил кузда инглиз қўшинлари, - деб ёзганди Н.Халфин, - қобулни босиб олиб, уни ёндирдилар, вайрон қилдилар, аҳолини оммавий равишда ўлдирдилар: улар Афғонистон тарихида тенги йўқ ваҳшийликлар қилдилар. «Биз қасос армиясимиз, - деб ёзганида инглиз мухбири, - ҳар қандай виждопа зоби улоқтириб ташланиши керак»<sup>1</sup>.

Инглизларнинг Афғонистон тупроғида қилган бу ваҳшийликлари Ҳиндистонда янада авж олди. Мустамлакачилар ирқий камситишдан ҳиндуларни кўчакўйда таҳқиромуз ўлдиришгача бориб етдилар. «Британия солдатининг ўзи, - деб ёзади Бенуа-Мешэн, - Ҳиндистонда яшовчи барча эллардан устун эканлиги тўғрисидаги фикрини ҳеч нарса ўзгартира олмайди»<sup>2</sup>.

Фитрат шу асосда ҳиндистонлик ватанпарварларнинг инглиз босқинчиларига қарши курашини, уларнинг ўй-изтироб, тақдирларини «Чин севин» ва «Ҳинд ихтилолчилари» драмасига сюжет қилиб олади. Бу драмалар таҳлилига киришмасдан мазкур асарлар атрофида бўлган баҳсу мунозараларга андак тўхталмак лозимдур.

Фитратнинг «Чин севин» ва «Ҳинд ихтилолчилари» драмалари 1920 йилда ёзилган бўлиб, тезда Туркистоннинг турли ўлкаларида сахналаштирилди. «Марҳум шарқшунос олим Лаизиз Азиззоданинг эслашича, - деб ёзади Ш.Турдиев, - ҳар иккала драма ҳам ўша даврда ҳатто мустамлакачилар зулмидан озод бўлиш учун кураш олиб бораётган хорижий Хитой, Эрон, Ҳинд, Турк коммунистлари ораларида ҳам машҳур бўлган. Шунинг учун ҳам бу асарлар Абдулла Қодирийнинг тарихий романлари ва Чўлпоннинг лирик шеърлари каби 20-йилларда ўзбек, рус ва бошқа халқлар танқидчилигида эътиборни кенг тортган ва турли фикр-мулоҳазалар уйғотган эди»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Халфин Н.А. Провал британской агрессии в Афганистане. М., 1969. С.118-119.

<sup>2</sup> Бенуа-Мешэн. Путешествие через Туркистан. Сборник географических материалов по Азии. Вып.16. С-Петербург, 1885. С.197.

<sup>3</sup> Турдиев Ш. «Ҳинд ихтилолчилари» ҳақида. «Шарқ юлдузи», 1990, 4-сон, 33-бет.



Фитратнинг сафдоши ва тақдирдоши Абдулхамид Сулаймон Чўлпон ҳам «Чин севиш»ни саҳнадо кўриб, «яқинда ўзбек саҳнаси улуғ ва улуғлиги қадар юксак ҳам гўзал бир томоша (пьеса) кўрди» деб эътироф этган эди. Афеуски, Чўлпондек донишманд зот эътироф этган «Чин севиш» драмасига 30-йилларда «Қора кўзойнак» билан қарадилар. Оқибатда, бу драма «инқилоб тўлқинларига протестдан иборат» деган маънўм тамғага дучор этилди. Бундай вульгар социологик таҳлилни ҳеч ким Ҳамид Олимжончалик «уцдалай» олмади.

«Совет адабиёти» журналининг 1936 йил 4-5-сонларида Ҳамид Олимжоннинг «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида» номли 99 саҳифадан (!) иборат мақоласи эълон этилди. Кейинчалик мазкур мақола шоирнинг ўн томлик мукамал асарлар тўпламининг 6-томига айрим бир ўзгаришлар билан киритилган. Фитратнинг бутун ижоди пантуркистлик ва паниеломистликда айбланган ушбу ишда «Чин севиш» ҳақида ҳам мураккаб фикрлари илгари сурилади: «Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилолчилари», - деб ёзади у, Туркистонда миллатчиларнинг, аксилинқилобий буржуазиянинг пролетар диктатурасига қарши олиб борган кураши кескинлашган бир даврда ёзилган. ФИТРАТ ҲИНДИСТОННИ ТУРКИСТОНДА ТУРИБ ТАСВИРЛАЙДИ. Шунинг учун Ҳиндистон картинаси Фитратга фақат бир фон, либос бўлибгина хизмат қилади. У Ҳиндистон миллатчиларини кўрсатиш йўли билан Туркистон миллатчиларининг ҳаракатига нисбатан ўз муносабатини тайинлайди»<sup>1</sup>. Биринчидан, «Чин севиш»да ҳинд ватаппарварлари Нуриддинхон, Аҳмадхон, Зулайҳо. Каримбахшхон образларининг талқинида бирор-бир миллатчилик унсурлари учрамайди. Улар бирор миллатни камситмайдилар, ё ўзларини улардан устун деб ҳисобламайдилар. Агар инглизларга қарата уларнинг айтган аччиқ гапларини Ҳ.Олимжон «миллатчилик», «аксилинқилобчилик» деб талқин этаётган бўлса, янглишдир. Чунки бу аччиқ сўз-сўкиш ва қарғишлар инглиз халқига эмас, бир ҳовуч мустамлакачи зolimларга қаратилгандир.

<sup>1</sup> Олимжон Ҳ. Мукамал асарлар тўплами. 10 томлик. Т.: Фан, 1982. 6-том. 219-бет.

Иккинчидан, ҳар бир миллатнинг ўз ҳақи, эркини ҳимоя қилишдек муқаддас ҳуқуқини ҳеч ким чеклолмайди, инглизлар ҳиндларни нафақат чеклайдилар, балки уларнинг миллий туйғуларини, урф-одатларини ҳақоратлайдилар. Учинчидан, Ҳамид Олимжон талқинича, Фитрат Ҳиндистон мисолида Туркистонни тасвир этар экан, бу унинг хато ёки гуноҳи эмас, санъаткорлигидир. У «Чин севиш»да аксилинқилобий ва ватанчилик ғояларини ахтарар экан, қуйидагиларни ёзади: «Аввал у (Фитрат - И.Ф.) бутун Шарқни, бутун мусулмонлик... Оврупога, ёппасига Оврупога қарши қўлди. Каримбахш: «Бутун Оврупо мусулмоннинг ёвидир», - дейди... Нуриддин: «Оврупода ҳайвонликдан бошқа нарса йўқдир», - дейди»<sup>1</sup>. Аввало, Каримбахш ва Нуриддинхон ўз даврининг илғор зиёлиси, дунёда кечаётган воқеаларнинг моҳиятига етадиган, сиёсатнинг «Қоронгуликларини» англайдиган кишиларнинг типик образидир. Ахир, бегона инглиз босқинчилари беномусликлар, ҳақоратлар қилганларини кўриб-да улар бевфарқ туришлари мумкинми? Улар инглизларнинг бутун шарққа қарши айбқчилик ва босқинчилик сиёсати тарихидан яхши хабардор эдилар. Уларнинг «Таймис» газетасини ўқишларига ишора беҳудага эмас. Ҳамид Олимжон Каримбахш, Нуриддин, Зулайҳоларнинг «миллатчилик» «аксилинқилобчилик» ҳаракат-сўзларига эътиборни қаратади-да, Раҳматуллоҳонга ўхшаш инглиз малайи, ўз миллатини сотиб бойлик орттирган ва манфаат, шон-шухрат йўлида қотилликлардан ҳам қайтмайдиган образни ҳеч бўлмаганда бир бор эсламайди. Шундан бўлса керак, драмадаги образларни тўлиқ таҳлил қилмаслик оқибатида бир томонлама хулоса чиқаради: «Фитрат мавзуда Ҳиндистон ҳаётига кетса ҳам, мазмунида тамом Туркистонда қолади. У икки оёғи билан маҳкам туриб, миллатчилик ҳаракатининг, ўз синфининг унга топширган вазифаларини бажаради. У ўз пьесалари орқали миллатчи образларни муқаддас, покиза инсонлар сифатида тасвирлаш билан уларга симпатия туғдиради ва сахна майдонини миллатчилик ҳаракатининг иш майдонига айлантиради»<sup>2</sup>. Ахир, санъаткор

<sup>1</sup> Ҷша ерда, 220-бет.

<sup>2</sup> Ҷша ерда, 220-бет.

Ўқувчини ўз қаҳрамонларига эргаштира олмаса, уларга нисбатан симпатия ё антипатия туғдирилмаса, нима учун асар ёзади? «Саҳна майдонини миллатчилик ҳаракатининг иш майдонига айлантиради» сўзларини ўқигач, беихтиёр муболага ҳам эви билан-да, дегинг келади. Шаҳотки, сталинча қатоғон йилларида бир драматургга саҳна майдонини миллатчиликнинг иш майдонига айлантиришга шунчалар эрк берилган бўлса?! Танқидчи драманинг тили хусусида сўзлаб, «у на ўзбек, на татар, на усмонли тилида ёзар эди. Унинг тили нантуркистча турк тили эди»<sup>1</sup>, - дейди. Бу ҳам бир томонлама қараш. Тўғри, Фитрат драмасининг тилида усмонли туркчага яқинлашув бор. Бу қусур эмас аксинча, араб, форс, рус сўзлари луғатимизда урчиб кетаётган бир даврда фазилатдир. Фитрат асарларининг тилида туркий тилнинг жилоси, фасоҳати, «гилини урадиган» ширали томонлари кўп. Бугунги тилимиз Фитрат сухани олдидан нақадар ғариб.

«Ҳинд ихтилолчилари» ва «Чин севиш»ни қуръон, Каъбанинг муқаддаслиги инкишоф тоған. «Чин севиш» қаҳрамонларидан Каримбахш «инглизларнинг мачит солмоқлари Каъбани бузмоқ учундир», - деб додлайди», - деб ёзади Ҳ.Олимжон. Драмадаги Каримбахшнинг бу сўзлари тарихий фактга асосланган. Инглиз босқинчилари Каъбани ўққа тутиб бутун дунё мусулмонларининг қаҳр-ғазаби, қарғишига дучор бўлганлиги тарихдан аён. Фитрат «Йиғла, Ислом!» (1919) номли мақоласида ҳам инглиз мустамлакачиларига ўз муносабатини, нафратини билдирган эди. Ҳ.Олимжон Нуриддин ва Зулайҳонинг ҳақиқий ишқий муносабатларидан ҳам «диний-мистик пардаларга ўралган «ишқ»ни излайди. Ҳолбуки, Фитрат классик адабиётшунослигимиз, адабиётимиз, ўтмишимиз тарихини теран билгани учун «ишқи ҳақиқий», «ишқи илоҳий» «ишқи аввалий» каби тушунчалар унга бегона эмас эди. Танқидчи Нуриддиннинг «ишқ дард эмас, инсонларни ҳайвонликдан қутқаражак бир даво» сўзларини диний-мистик ниқобларга ўралган «ишқ» билан жамият тараққиётининг ҳақиқий омилларини кўра олмайди» деб шарҳлайди. Мантқан танқидчи Нуриддиннинг соф ишқи билан сиёсатни

<sup>1</sup> Ўша ерда, 221-бет.

аралаштирмоқда, кўполроқ айтганда ундан «жамият тараққиётининг омилларини кўра оладиган «сиёсий ишқ»ни талаб қилмоқда.

«Энг муҳими шундаки, - дейди давом эгиб Ҳамид Олимжон, - Фитрат ўз севган қаҳрамонларининг сиёсий, социал баъраларини, ҳақиқий сиймоларини яширади. У ўз севган қаҳрамонларига ўзи истаган ва ўзи севган бутун яхши хислатларни сунъий (?) равишда ёништиради» «Чин севиш» драмасидаги қаҳрамонларнинг қайси табақага мансублиги, уларнинг ёши, табиати, билим қамрови эга олинса, бу даъво ҳам пучга чиқади. Асарнинг бошида Фитрат Нуриддинни «файласуф табиатли, ўттиз беш ёшлардаги ўқимишли бир йигит» деб бекорга айтгани йўқ. Нуриддиннинг фалсафий сўзлари, ошиқона ёнишларига асос унинг «файласуф табиатли» эканлигидир. Аҳмадхоннинг ҳам жуда жўяли мулоҳаза юритиши, инглизлар зулмининг оқибатларини теран англаши «ўқимишли бир йигит» бўлгани учун томошабинни ишонтиради. Социал табақаланишга келсак, Нуриддин ўрта ҳол бир киши. Аҳмадхон Нуриддиннинг уукаси. Зулайҳо ҳам ўқимишли бир қиз, бу ҳам етмагандек, дунё кўрган, илмли Каримбахшхоннинг қизи. Унинг дунёқарашининг ўсишида отаси атрофидаги муҳитнинг таъсири кучли. Тўғри, драма охиридаги Зулайҳонинг инглиз пўлисларига қарата айтган гаплари бир оз романтик, оптимистик, лекин унинг бу ҳаракат-сўзлари ҳам драмадаги воқеалар ривожини фониди асослангандир.

«Драма асарларида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган тил масаласини, - деб ёзади Ҳ.Олимжон, - Фитрат ишламайди ёки ишлай олмайди. Натижада персонажларнинг тили орқали уларнинг қайси гуруҳ вакили эканлигини белгилаб бўлмай қолади». Танқидчининг Фитрат тил масаласини «ишлай олмайди» дейиши илмий одобга бироз тўғри келмайди. Ўзбек ва тожик тилларида мукаммал билган, унинг сарфу наҳвига оид илмий дарслик ёзган олимга нисбатан бу сўзлар адолатсизликдир. Унинг персонажлар тили ҳақидаги эътирофлари озгина ҳақиқатга яқинроқдир. Биз Фитрат драмаларининг тили ҳақида алоҳида тўхталамиз.

## НУРИДДИННИНГ МУНОЖОТИ

«Тангрининг қизиқ ишларига боқ. Меним торгина миямда ер юзининг қайғусини сиғдирган экан, ўзимни ер юзида сиғдира олмайди... Ишми бу? Юртимнинг тўрт юз милён улуси неча минг инглиз маъмурларининг таёқлари остинда эзилиб туради, юз мингларча қон-қардонларим очликдан ўлиб туралар. Қоронғи зиндонларда оғир кишанлар остида жон берганларнинг соди йўқ. Бунларнинг қутилиш йўзларини ахтарасиз, деб ёзуғсиз кишиларни, тинч кимсаларни ҳам қириб туралар. Яна ўзларини инсон, маданиятли, одил атаб юралар. Уятсизлар, виждонсизлар (қизиб) ёвузлар! Бугун маймуи сириқдан куйдигингиз Ҳиндистон болалари қиёматга довур бўйла қолмаслар. Бунларнинг дахи кўзи бор, очилур. Виждони бор, уйғонур. Қони бор, қайнар. Тўрт юз милён инсон боласининг бўйла эзилиб қолишига тангри кўнмас, табиат рози бўлмас, адолат қараб турмас. Бу кун бунларнинг барчаси сизнинг ўлимингиз учун ўзининг сўнг кескин буйруғини чиқарар. Мана шу паллада мазлум чиқишининг қандай ёмон эканини ўз кўзларингиз билан кўриб ишонурсиз. Ўз ҳақини истаганларни қоронғу зиндонлар билан хурқитмак қора ўлимлар билан кўрқитмоқ истайсиз. Йўқ, йўқ, ҳақни ҳақ деб таниган кишилар учун ўлимдан кўрқмоқ, зиндондан хурқитмак йўқдир. Бизнинг томуғ (дўзах)дан қоронғуроқ ўринларда қамасангиз ҳам ҳиндининг қутилиш юлдузи кўзларимиздан йўқолмас...» Бу Нуриддиннинг инглиз пулислари томонидан тухмат билан зиндонга қамалганида мустамлакачиларга қарата айтган нафрати, ғазоби, айни замонда ватанпарварлигининг оташин иродидир. «ин севиш»даги Нуриддиннинг мазкур ички монологини унинг Ҳиндистон озодлиги ва эрки қайғусидаги муножоти дейиш мумкин. Драмада кўтарилган ғоя Нуриддиннинг мана шу оташин сўзларида тўла ўз ифодасини топган.

Драма воқеалари Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида кечади. Каримбахш, Сарвар, Нуриддин, Аҳмадхон, Зулайҳо - инглизлар зулмига қарши курашувчи яширин ҳинд таъқиқотиининг аъзолари. Уларнинг ўй-фикрлари эртамикечми ҳинд халқини инглиз зулмидан озод этиш. Ўз атрофларига ватанпарвар кишиларни тўплаш, уларни эрк

Йўлида бирлаштириш. Ҳатто бу йўлда ўз жонларини ҳам аямаслик. Лекин бу осон иш эмас. Ҳинд халқининг ичида Раҳматулло, Шерхонга ўхшаш инглиз малайлари, мол-дунё, жонни қутқариш йўлида ёр-дўст пари турсин, Ватанни сотишга тайёр, иккиюзламачи, олчоқ кишилар ҳам бор. Драмадаги дастлабки зиддият шахслар ўртасидаги келишмовчиликдан бошланади. Йигирма беш ёшлардаги ўқимишли бир бойвачча Раҳматулло Каримбахшнинг қизи Зулайхога ошиқ, унга уйланмоқчи. Ҳатто Зулайхоннинг онаси Фотимахоним ҳам бунга роз. Аммо кўпни кўрган маданиятли Каримбахш қизини ўз эрки билан турмушга чиқармоқчи. Каримбахшнинг бу «аҳмоқона» ҳаракатлари Раҳматуллога ёқмайди. У ўз айғоқчиларидан Каримбахшнинг қизини Нуриддинга бермоқ хаёли борлигини эшитиб, ўқимишли, «файласуф табиатли», ёзувчи Нуриддинни ўлдириб пайига тушади. Раҳматуллохон Шерхонга кўи пул бериб уни йўқотиши таклиф этади. Хуллас, шахсий конфликтлар авж олиб ижтимоий зиддият даражасига кўтарилади. Шерхон Ҳиндистоннинг Пешовур шаҳрида ўлдирилган инглиз полициячисининг ўлимига Нуриддиннинг қўли бор деб тухмат уюштиради, Нуриддинни ноҳақ қамайдилар. Сунг уни ҳинд яширин ташкилоти аъзолари пул тўплаб, зиндончига пора бериб озод этадилар... Нуриддин озод бўлгач, Каримбахшнинг уйида яширин ташкилотнинг мажлисини ўтказишга тўнланадилар. Тасодифан пўлислар бостириб кириб, отишма бўлади ва икки томондан кўп киши ўлади. Драманинг қисқача баёни шундай. Аммо булар «Чин севиш»нинг ташқи аломатлари. Унинг ҳақиқий моҳият, фалсафаси ҳар бир образ талқинига сингдирилган. Драмадаги Нуриддин, Сарвархон, Каримбахшхон тараф мулоҳазали, дунёнинг паст-баланд ҳодисаларини тушуниб етган шахслар.

Нуриддин ўз хатти-ҳаракатлари, муоҳазаси билан драмадаги бошқа образлардан кескин фарқ қилади. Унингчун Ҳиндистонни озод кўрмоқ - армон. У Каримбахшхоннинг қизи Зулайхони севиб қолган. Ишқ азоби унинг тинчлини, хаёлини ўғирлаган. Ҳаракатлари, гап-сўзларида «нимадир» бўлган каби. Бу сирни унинг ёлғиз ўзи билади. Энг яқин дўсти Сарвархонга ҳам бу ҳақда оғиз очмайди. Ўзича куйди, ёнади, ўртанади. Каримбахшнингкига

борганда ҳам кўп гапирмайди, ёлғиз ўтиради, гоҳ йиғлайди. Унинг бу ҳолати Каримбахшхон ва унинг хотини Фотимани ҳам ўйлантириб қўяди. Улар Нуриддиндан бунинг сабабини сўраганларида у яна жим, йиғлайдир. Бу сирдан фақат бир кишигина воқиф, у ҳам бўлса Зулайҳо. Лекин у ҳам Нуриддиннинг кимга ишқ қўйганини аниқ билмайди. Кушларнинг бирида Нуриддиндан сўраб олган китобнинг ичидан бир ишқий шеър чиққач, Зулайҳо ўз шубҳаларининг рост бўлиб чиққани, Нуриддин севган қиз ўзи эканига ишонади:

*Икки кўзим, малак юзим, севдигим,  
Жонлар сенинг юзларингдан айлансин.  
Қизил гулим, қора кўзим, тилагим,  
Дуё сенинг боқимингдан ўргулсин.  
...Тупроқ каби йиқилмишам йўлингда,  
Малак юзим, ҳолимни сўр деёлмам.*

«Биз оз кул» номли ушбу шеърни тасодифан ўқиб қолган Каримбахшхон иккала ёшнинг дил савдосидан воқиф бўлади ва уларнинг севгисига хайрихоҳлик билан қарайди. Лекин Каримбахшхон билан хотини ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Фотимахоним қизини Раҳматуллога бермоқчи.

Аҳмадхон ҳам Нуриддиннинг «ёзмоқ, тушунмоқдан бошқа иши йўқ»лигидан хайратланади. Сарвархон Нуриддиннинг ёзаётган романидаги бир тасвирини ўқиб, «бунча қайғургонининг сабабини онглаб, чорасини топмоқ чоғи» келганини англайди. Унинг Зулайҳога ошиқлигини илк бор Аҳмадхонга айтади. «Боқчадаги гулларнинг энг гўзалини уялтуруп бир суратда ўтирган, қаҳва тусли сочлари топишмоқ учун оташкада теграсинда тўпланган хишдийлар каби бўйнининг ҳар ёнинда сочилган, бир-икки ҳалқаси манглайина тўғри узониб, сўз қошиғача келган дия, ҳурматсизликнинг бунчасини ортуқ кўриб, ёна қайрилган сочли» қиз Зулайҳодан ўзга эмаслигини Сарвархон дарҳол сезади. Сарвархон ўз гумонининг ҳақ эканлигини исботлаш учун Аҳмадхонга «бир театру (драма) ё бир роман ёзғонда ўзининг миясидаги сезгулариндан бошқа нарсани тасвир эта олмайду» дейди. Сарвархоннинг бу ҳаракатлари, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»идаги Ҳасаналини эслатади.

Ҳасанали Отабекнинг ошиқлигини «Бек ошиқ» бўлган туңдаги алаҳсирашларида англаган ва ўз гумонининг тўғрилигига Отабекни бир оз қизартириб бўлса-да, ишсанган бўлса-да, Сарвархон Нуриддиннинг ёзганларидан унинг «сири»ни англайди ва Ҳасаналига ўхшаб ўз кароматини Нуриддиндан тасдиқлатиб олади. Нуриддин севги юракнинг хазинасидур, хазинани яширин сақламоқ тейишдур, «юрагимдаги севги дард эмас, даводур» деб билади. Аҳмадхоннинг «Ошиқ бўлган киши маъшуққа эришмак истамасму?» деган саволига Нуриддин: «Сизлар ҳар бир сўзингиз билан ишқнинг ҳақиқатини билмаганингизни эълон қилиб турасиз. Дунёда ишқ билан ҳавасни яхшигина англамоқ керак. Бир-бирига ўхшаган бу икки ҳолни айирмоқ тейин. Маъшуқ истамоқ у билан бир ерда ётиб қолишмоқ - ишқ эмас, ҳавасдур. Ишқнинг бу ҳоли ёлғиз инсонларда эмас, ҳайвонларда ҳам топиладур. Ишқнинг ишқдан бошқа тилаги йўқдур. Чин ошиқлар маъшуқаларининг ўзи билан эмас, хаёли билан яшайдилар», - деб жавоб бераркан унинг ишқи ҳавас эмас, чинакам муҳаббатлиги англашилади. Ҳарқалай, Нуриддиннинг ишқи Навоийча айтганда, «жисмоний ва шаҳвати нафсоний» эмас.

Нуриддиннинг ишқ ва Ватан эрки ҳақидаги изтироблари қўшилиб буюк бир дардга айланган. У тўрттинчи пардада зиндонда тухматга учраб ётганида инглиз зулмига қарши ўз нафратини тушида алаҳсираб айтаркан, Зулайҳонинг ёди уни бир нафас тарк этмайди. Балки, Зулайҳодек гўзал ҳинд қизига бўлган муҳаббати куч бериб, мустамлакачилар сиёсатига қарши нафрати қайнаб-тошади. «...Бу ерда сендан бошқани истамайман. Кел, (хаёл яқинлашмоқ истар) Йўқ, келма. Бу ерга кирма, бу ер инглиз қамонидур. Сенинг учун ярашмайду. Сенинг юртинг бўлгани учун Ҳиндистон ўлкасининг хунин инглизлардан артмоқ истаган мен, ўзингни инглиз зиндонда кўрмак истамайман. (Хаёл кетар). Кет, малагим, кет. Севги бутоклари бўлгон оёғларингни ўпган Ҳиндистон ерини томуғ тилакларига ўхшаган инглиз оёқлари остинда кўрмак меним учун уятдир. Бунга кўрқмам, у кирли оёқларни бу ўғирли ердан чиқарганча тиришарман».



## «ҚОП-ҚОРОНҒИ КЕЧАНИНГ-ДА ТОНГИ БОРДИР»

Фитрат воқеалар занжирини, драма композициясини маҳорат билан ишлаганки, ҳар бир ҳаракат, саҳна бош ғоя учун хизмат қилади. Беш парда ўртасида шундай кўринмас бир мантиқ иши бор. Биринчи пардада Зулайҳонинг ўйлари, Каримбахш ва Фотимахонимнинг ички дунёси, Раҳматуллонинг сиёсат бобидаги нуққликлари, Сарвархоннинг дунё воқеаларини теран англаши, Зулайҳо ва Раҳматуллохон муносабатлари ойдишланиши. Иккинчи пардада Раҳматуллонинг мунофиқлиги, унинг ҳаммаслақлари Аюбхон, Шерхоннинг тамат, бойлик орттириш йўлида ҳеч қандай ёвузликдан қайтмасликлари ёритиларкан, мазкур саҳнани биринчи парда билан боғлаб турувчи иш Зулайҳо ва Нуриддин масаласидир. Учинчи пардани иккинчи парда билан боғловчи воқеа Раҳматуллохоннинг Нуриддинни йўқ қилиш режасининг Сарвархон томонидан Аҳмадхонга айтилиши. Ва бу воқеа орқали Нуриддиннинг Зулайҳога ишқи тушганлиги, шул ишқ можароси унга Раҳматуллохонни душман қилиб қўйгани англашилади. Шу саҳнада Фулом Ҳайдар Шерхон ва Раҳматуллохоннинг шум пиятини келиб айтган, Сарвархоннинг сўзлари тўғрилиги исботланади. Шум хабарни муҳокама қилиб турганларида юз боши бошчилигида пулислар келиб, Нуриддин ва Фулом Ҳайдарни ҳибсга оладилар. Демак, иккинчи пардада Шерхон томонидан таклиф этилган «туҳмат операцияси» амалга ошиб, икки саҳна воқеаларининг мантиқан ривожини таъминлаётир. Тўртинчи парда: «Зиндон. Бир ёнда устунда похол ёйилган, бир кат ёнинда бир синиқ қумғон қўйилган, Нуриддинхон похоллар узра ётгон, туш кўрадир». Бул саҳна учинчи пардадаги қамоққа олишнинг давоми бўлиб, биринчи ва иккинчи пардалар била ҳам узвий боғлиқдир: биринчи пардадаги «сир», яъни Нуриддиннинг Зулайҳонни севганлиги, уни айтолмай юрган изтироб онлари ва китоб баҳонасида Зулайҳога англаштиши воқеоти тўртинчи пардада авж нуқтага кўтарилди. Энди у Зулайҳонинг ёди билан овунади, тушларида алаҳсирайди. Ва ўзининг, ҳинд халқининг хавфли душмани - Раҳматуллохон ҳамда Шерхонларнинг башараларини равшан кўради. Ўзини зиндонбанд этган

Раҳматуллонигина эмас, ҳинд халқини сотиб инглизга малайлик қилаётган раҳматуллохонлар ва шерхонлардан қутилиш йўлини изларкан, драмадаги шахслараро конфликт ижтимоийлашиб боради ва бешинчи пардада бу зиддият юксак чўққига кўтарилади. Бешинчи пардадаги воқеаларнинг ишонтирувчанлик кучи шундаки, биринчи пардада Каримбахшхон ва Сарвархон томонларидан бу мангум ишларнинг қутилмаганда бўлиши, инглиз айғоқчилари, босқинчиларидан ҳар қандай ёвузликларни кутиш мумкинлиги ҳақидаги фикрлари финалда ўз тасдиғини тонади. Раҳматуллохон Каримбахшнинг инглиз золимларига қарши айтган гапларига қўшилмай «инглиз миллати кўн эркчидир. Ҳиндистон эркина қарши турмаслар деб ўйлаймиз» деган сўзлари (I Парда) бешинчи пардада инглиз пўлиснинг Раҳматуллохонни отиб ҳалоқ қилиши билан мантиқан якун топади. Хуллас, драмада тасвир этилган ҳеч бир деталь, эпизод йўқким, асарнинг бош фалсафий ғоясига хизмат этмасин. Драматург кўримас иплар орқали воқеаларни бир мантиқ ҳалқасига улайди. Асарни ўқиётган китобхон ёки томошабин бирор лавҳанинг беиз кетмаслигига ишонади.

Нуриддин - драманинг бутун фалсафий йўналишини ўзида сингдирган образ. Унинг мушоҳадалари Каримбахш, Сарвархон, Зулайҳо қарашларининг гўё бир жойга йиғиб, хулосалайдигандек, яхлит бир тасвирга айлантирган кўзгудек. Бешинчи парда Нуриддиннинг Каримбахшхоннинг уйдан ботаётган қуёшга қараб турган шоирона ҳолати билан бошланади. У «ботиб турган қуёшни томоша қилар»га қадар қанчадан-қанча азоб кўради, инглиз мустамлакачиларининг зулмини ўз бошида синайди. Драматург зулмга қарши кураш ҳақидаги ғояни Нуриддиннинг ички руҳий кечинмалари орқали гўзал ифодалайди:

Нуриддин - (ботиб турган қуёшга қараб) Бояқин қуёш!  
Қутинг ўчмиш, қин-қизил олов чечаги бўлмиш юзинг куз  
япроқларидек сарғайиб қолмиш. Мундаин умид  
тонгларида кула-кула чиққандан кейин умидсизлик  
қоронғуси остида сарғайиб боришингни, билмам, нечанчи  
дафъаси бўлди.

Ер юзининг энг қоронғу пучмоқларинда инсонлар томонидан ишланган энг яширин қонли ўйинларнинг барчасини очиб кўра олгонсен. Бир муаррих бўлса эдинг, буларнинг ҳаммасини ортиқ ёзғич билан ёзар эдинг!» Ҳақнинг ҳақсизликдан устунлиги мангулик бир ипн бўлса эди, сенинг ер юзидаги ҳукуматинг орориқсиз ва тутанмас бўлар эди. Ҳолбуки, ўн икки соатдан кейин ўз тахтингни қоронғуликнинг оёқлари остига таштаб, қоча берибсен. Ер юзининг ҳукуматини милён-милён йилдан бери қоронғулик билан улошиб олмоққа кўниб туришинг ҳақнинг-да, ҳақсизликнинг-да мангулик устунларига ишонганлар учун қаттиқ бир таёқдир. Лекин ким онглар..?

...Чиқасен, курашасен, енгиласен, қочасен, бир оздан кейин янгидан бош кўтариб ер юзини ёритасен, зулмга қарши курашганлар сендан сабоқ олсинлар. Қуёш, бўйла чиқишлар, енгиб-енгилишлар билан очунда бир нарсанинг мангулик бўлмағонин кўрсатиб турар экан, шуни билиб қўйким, меним юрагимдаги олов - Зулайҳонинг севгиси мангуликдир. Сенинг бўйла чиқиб битишинг унинг мангулик бўлғонин буза олмас, негаким, сен ўзинг Зулайҳо чиқган ўринга етиша олмоғонсен!.. Оҳ Зулайҳо, на гўзалсен!»

Бу риндона фалсафий сўз-картинани хоҳлаганчча шарҳлаш мумкин. Аммо ўқувчига драматургдек, ижодкордек мухтасар, бадиий образларда етказмоқ оғир. Ботиб бораётган қуёш - Нуриддин, Сарвархон, Каримбахшхонлар курашининг инглиз босқинчилари томонидан тажовузга учраётгани, қуёшнинг яна қайта бўй кўрсатиши эркинарварлар бутун сўнсалар-да, эртами-индин яна эрк дея уйғонишлари табиий эканлигига ишорадир. Қуёшнинг «умид тоиларинда кула-кула чиқгани» ҳинд халқ ҳаракатининг Ҳиндистон озодлиги учун умид чечаклари бўлса, инглиз иўлислари томонидан Раҳматуллохон ва Шерхондек малайлар томоидан ул чечакларни сўндиришга уриниш - қуёшнинг «умидсизлик қоронғиси остинда сарғайиб ботиши»га ўхшатилади; бу сарғайиб ботишининг «нечанчи дафъаси бўлди» ибораси Нуриддинларнинг озодлик ҳаракатидан олдин ҳам Ҳиндистонда бир неча бор инглизларга қарши курашлар бўлиб, уларнинг бостирилганига ишора бўлса, қуёшнинг яна қайтиб чиқиши, Нуриддин ва Сарвархон, Зулайҳо ва «ҳинд инқилоб

қўмитаси» аъзоларининг озодлик кураши бостирилса-да, яна ҳиндлар орасидан қутқорувчилар чиқиб золимларни Ватандан қувиб чиқаришига умид қилинидир.

Қўёшнинг чиқиб-ботиб, чиқиб, яна ботиб, «Қочиб» бир оздан кейин янгидан бош кўтариб ер юзини ёритиши эзгу ва ёвуз кучлар - зулмат ва ёруғликнинг кураши абадий муқаррар, қонуний эканига ишонип, ўз халқини ёруғликка менгзаб, (Нуриддиннинг бунга ҳақи бор эди, чунки ҳинд халқи ўз ерида инглизлар томонидан таҳқирланмоқда эди) унинг ғалабасига умид боғлашидир. Лекин бу ғалаба - озодлик, эркинлик тонги қачон келади, Нуриддин учун қоронғу! Лекин шундай кун келиши муқаррар. Шў билан бирга Нуриддиннинг ички кечинмаларида Зулайҳони - ўз ишқини шундай улуғликка кўтариш, унга сифинишнинг бадий талқини борки, Зулайҳо «чиққан ўринга қўёшнинг чиқа олмаслиги» нақадар гўзал! Мумтоз тасвир. Бу ерда классик бадий санъат - ғулу бор. Нуриддиннинг эркинлик, шоирлик ҳақида айтганлари Зулайҳоча бир «хаёл» бўлса-да, Нуриддин учун хаёл «ҳақиқатнинг уруғидир». Нуриддин учун саодат ёлғизгина ўз севгилиси Зулайҳонинг висолига эришмоқ эмас, Ватани хур, озод кўрмоқ.

Зулайҳонинг қарашлари ҳам маънан Нуриддинга яқин. Унинг-чун ул эркинлик кунларга эришмоқ саодати «яратилмаган бир нарса» бўлгани учун армон. Армон. Абдулла Оринов айтганидек, ҳақиқатнинг қовурғалари синган пайтда тугилади. Зулайҳонинг Нуриддинга ҳамдардона бу сўзлари унинг босқинчиларга қарши нафратини янада оширади: «Сенинг учун гўзал Ҳиндистонимизни тозартайин. Малъун инглизларнинг қоли оёқларини бу учмоқ (жаннат) боқчасундан чиқарайлик. Малак турғон ерда шайтон юра олмағондек, сен юрган ерда инглиз юрломасин». Мустамлакачи инглизлар шайтонга ўхшатиларкан, бутун ҳинд эрксеварларининг уларга муносабати шу бир сўзда мужассамдек. Чунки Фарб ва Шарқ адабиётида шайтон образи тангрига шак келтиргани учун жаннатдан қувилгани талқин қилинади. Шарқдаги «шайтон араланди», «ичига шайтон киргани», «шайтонга ҳай бер», «шайтон йўздан оздирди» каби иборалар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Тўғри, у ёвузликлар қилиб, ўзи

билмаган ҳолда эзгуликка ҳам сабабчи бўлади баъзан. Лекин «Чин севиш»да у ёвузлик рамзи сифатида тилга олинган.

Драмада инглизларнинг Ҳиндистон юриши хронологик тарзда кўрсатилмайди. Бир-икки воқеа-фожеа тимсолида умумий аҳвол англашилади. Ҳинд инқилоб қўмитаси Каримбаҳшнинг уйида яширин мажлис ўтказиш учун тўпланганда раислик қилувчи «шу эрта осилган уч кишининг ҳоллари бу тун халқнинг қонини қайнатди» дейиши билан Ҳиндистондаги умумий аҳволга шора қилинади. Бу ҳол - инглиз мустамлакачиларининг зулм-эъравошликлари Нуриддиннинг тухмат билан зиндонбайд қилинишида равшанроқ кўрилади. Улар ҳеч бир қонунсиз иш кўрадилар. Драманинг охирида ҳинд эркинлиги учун курашганлар Нуриддин, Сарвархон, Каримбахш, қўмита раиси ва икки аъзонинг инглизлар томонидан отиб ўлдирилиши бутун ёвузликларнинг чуққисидир. Раис ҳинд инқилоб қўмитасининг «Дехли ўрта шўба томонидан кирган умумий буйруқни кўриб» ўзлари-чун чора-тадбир белгиламоқчи бўлиб, буйруқни ўқийди. Унда, жумладан, шундай ёзилган: «...Инглиз қонли тирноғининг юрт ва улусимиз юрагида очлиги ярадар кенгайиб кетмоқда. Қизларимизнинг пардасизланиши, пардаларимизнинг йиртилиши, шиждонларимизнинг эзилиши, қонларимизнинг тўкилиши етар эмди. Тўрт юз милёнли бир улуғ улуснинг тулки қилиқли ўн минги инглиз маъмурига қул бўлиб туриш мияларга сиғмас бир ишдир. Бу қизиқ ишни кўрган тарихнинг, даҳи бизнинг инсон бўлганимизга ишонгиси келмайдир. Қўмитамиз улуғ ҳинд улусининг менглайиндан бу кир тамғани олиб ташларга қарор берди. (Эшиттувчилар бир-бирига севиноч белгилари кўрсатадилар).

...Улуғ ҳинд улуси ўз юртини қутқармоқчи экан, барчаси бирдан кўрқинч бир чиқин қилсин. Ёқсин, ёқилсин, йиқсин, йиқилсин, ўлдирсин ва ўлсин. Гўзал юртимиз инглизлар қўлида қолар экан, 400 милён улусимизнинг жонсиз ва қонли гавдалари билан қолсин. ...Эрк ё ўлим!» Бу сўзлар ҳинд инқилоб қўмитаси аъзоларинггина эмас, бутун Ҳиндистон халқи, қолаверса, неча юз йилларким, зулм ва зўрлик остида эзилиб келаётган бовиқа халқларнинг ҳам ҳайқириғидек янграйди, драманинг фалсафий ғоясиви ойдинлаштиради. «Ёқсин, ёқилсин» деган сўзлар

мустамлакачиларнинг зуғуми халқнинг бўғзигача келганини, «ўлдирсин ва ўлсин» дейилиши эса бутун халқнинг бир тан, бир жон бўлиб курашишига бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмасликка даъват. Керак бўлса Эрк, Озодлик, Мустақиллик йўлида, майли, 400 милён халқнинг ўлгани, ўз юртида қул бўлганидан яхшироқ, афзалроқ. Ва саодатлироқ. Ҳақиқат, улуғ Лев Толстой айтганидек, ярим ҳомила тарзида бўлиши мумкин эмас. У бўлса тўлиқ бўлади, ё абадий бўлмайди. Ҳинд халқи учун ҳам ягона йўл, тақдир: ё қон тўкиб юртдан мустамлакачиларни қувиб солмоқ, ё абадий қуллик! Бошқача бўлиши мумкин эмас. Мустақиллик чала, эрк ярим бўлмайди, озодлик эса «совға қилинмайди».

### СЎЗ - СИЙРАТ, СЎЗ - ҚИЁФА

«Чин севиш»да ҳар бир шахс ўзига хосу мос сўзларкан, ўзларининг сийратларини ойдинлаштира борадилар. Фитрат драмада ҳеч қандай фабула чизигини бузмасдан, қаҳрамонларини гоҳ узоқ сўзлатади, улар тилидан давр моҳиятини, мустамлакачилик сиёсатининг қоронғуликларини очиб берадиган масалаларга «тегиб ўтади». Айниқса, бу тегиб ўтиш санъати Нуриддин, Сарвархон, Каримбахш образларида яққолроқ кўринади. Нуриддин образига юклатилган ғоявий-фалсафий мақсадга оз бўлса-да юқоридаги фаслда тўхтадик. Сарвархон ва Каримбахшхон образларини мушоҳада қилсак, драматургнинг бош ғояси бир қадар тўлароқ англашилади.

«Драманинг бутун қизиқлиги асосий шахсда, тақдирида драманинг асосий фикри ифодаланадиган шахсда тўпланиши керак», - дейди В.Г.Белинский<sup>1</sup>. Фитратнинг «Чин севиш»ида бутун қизиқлик - ҳинд халқининг инглиз мустабидларига қарши кураши, нафрати, ўйи Нуриддин, Каримбахш, Сарвархон, Зулайҳо образларида тўпланган. Бу қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, ўй-fikри, фалсафий мушоҳадаси бир-бирини тўлдириб, яхлит бир ғояни ташкил қилади.

<sup>1</sup> Белинский В. Танланган асарлар. Тошкент: ЎзССР Давлат нашриёти, 1955, 194-бет.

Каримбахшхон Аюбхоннинг талқинича «буюк бир оғирлик билан сўзлайдиган», ҳаётнинг оқу қорасини таниган, Оврүпода чиқиб турадиган матбуотдан хабардор, сиёсатнинг қинғир ўйинларини яхши идрок эта оладиган, миллатининг инглиз мустамлакачилари куллигидан кутқаришни ўзига қисмат деб билган киши. Фитрат бу образни шундай типиклаштирганки, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, мустамлакачилик зулмини чекаётган халқ орасидан Каримбахшга ўхшаган инсонларнинг чиқиши ва борлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бир қарапда Каримбахшхон образи Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»идаги Юсуфбек ҳожининг «шарқ оталиғи»ни эслатади. Юсуфбек ҳожининг донишмандона, воқеаларни олдиндан ҳис этишга ўхшаш башоратнамо мушоҳадалари, Каримбахшхоннинг сўзлагандаги босиқлиги, суҳбатдошини тинглай билиш одоби, манتيқли қарашлари бир-бирига нақадар уйғун ва айни пайтда нақадар ўзга-ўзгача воқе бўлмишдир! Каримбахшхон қиёфасини драманинг биричи пардасида илк бор Раҳматуллохон билан мулоқотда кўрамиз. Фитратнинг ўткир услуби шундаки, персонажларнинг сўзлари, ҳаракатларидан уларнинг ички ва таниқи оламлари очила боради, зеро, бу драматик асарларда характер яратилишининг биричи шартидир. Драмада Каримбахшхоннинг Раҳматуллога айтган биричи гапи: («Қани, ўғлим, нима хабарлар бор? Инглиз газеталаринда бирор нарса ёзилганми? Бизнинг Ҳиндистон тўғрисида нималар бор?») Томошабин илк сўзданоқ унинг дунёда кечаётган воқеаларга бефарқ эмаслигини илғайди. Ҳинд кишиси Каримбахш қаршисида ўтирган ҳинд Раҳматуллодан дафъатан инглиз газетида Ҳиндистон тупроғида нималар кечаётганлиги тўғрисида суриштиришидан «нимадир» кутади. Бу образнинг кейинги сўзи ва ҳаракатини кузатиш, билишга томошабин ички бир эҳтиёж сезади.

**Р а ҳ м а т у л л о:** Аҳвол кўп яхши борадир, хон соҳиб. Ҳиндистонга эрк бермоқчи эканлар, «Таймс» газетасида ҳам Ҳиндистонга эрк беришни керак топадир.

**К а р и м б а х ш х о н:** О... кўз тегмасин, яна бирор ёмон тушми кўрдилар.

**Р а ҳ м а т у л л а:** Хон соҳиб, Оврүнолиларга адолат тушунчаси кучиндир. Хусусан, инглиз миллати кўп

эркчидир. Ҳиндистон эркина қарши турмаслар деб ўйлаймиз.

**К а р и м б а х ш х о н:** Янглипасиз, ўғлим. Адолат тушунчаси деган нарса Овруно юрагина кирмас, бу ўғурли қуш, у қоронғу ерлара янглишиб кириб қолса ҳам бўғилиб қолар, яшаёлмас.

**Р а ҳ м а т у л л а:** Оврупода билим ошиб кетгандир. Билими шунча олган улуснинг юрагида адолат яшаёлмасми?

**К а р и м б а х ш х о н:** Оврупода билимнинг ошганини билмаган борми? Оврупода билим бор, лекин инсоф йўқ. Оврупонинг билими, қонлоннинг тиши биз.

Диалогдан кўринадик, Каримбахшхон сиёсат бобида ҳам анча билимга эга. У Оврунонинг билимини тан олади, лекин инглизларнинг мустамлакачилик сиёсатини қоралайди. У бу борада юз бора ҳақ. Фитрат услубининг яна бир ўзига хос томони шундаки, қаҳрамонлар тилидан айтилган биргина сўз билан юзлаб саҳифаларга сиғмайдирган воқеа-ҳодисаларга ишора қилади. Каримбахшнинг инглиз газетасида ёзилган Ҳиндистонга эрк бермоқ ҳақидаги хабарни эшитгач, «бирор ёмон тушми кўрдилар» дейишининг остида жуда узоқ тарихий воқеалар - инглизларнинг шарқдаги мустамлакачилик сиёсати, Ҳиндистон, Афғонистонни (1918) босиб олиши, Африкадаги талончилик ишлари, ёвузликлари ётади. Шунинг баробарида кеча-қундуз ҳинд халқини эса туриб, унга эрк ваъда қилиш Каримбахшхоннинг назарида туш каби туюлади ва бу табиийдир. Раҳматулла инглиз катталаридан йилига икки-учта мусулмон бўлиб туриши, улар ўзлари учун мачитлар қуришини айтганида, Каримбахшхон олдинги эътирозларини асослаб беради: «янглишамиз, ўғлим, инглизларнинг мачит ясамоқлари Каъбани бузмоқ учундир. Кўп алданманг...» Унинг бу жавоби аниқ тарихий воқеа - инглизларнинг Каъбани ўққа тутиб, бутун мусулмон оламининг қаҳрига учраганлари асосида айтилган. Раҳматулла ва Каримбахшнинг қисқа диалогларидан уларнинг сиёсат бобидаги қарашлари оз бўлса-да ойдинлашади. Раҳматулла кўп Овруно газет-журналларини ўқиса-да, хомлиги, коса остидаги нимкосага эътибор бермаслиги, аниқроқ айтганда гўллиги аён бўла боради. Ўқувчи ё томошабинда



Каримбахшга нисбатан симпатия, Раҳматуллага антипатия пайдо бўлади. Лекин драматургнинг маҳорати шундаки, томонабиннинг симпатиясини идеаллаштириш йўлидан бормайди. Каримбахшхон ва Раҳматуллаларнинг сўнги хатти-ҳаракат, иш ва курашларини табиий ҳаёт қўйида кўрсатишга, жонли беришга эришади. Каримбахшхон характерининг яна бир ўткир қирраси унинг суҳбатдошига керак бўлганда озорсиз танбеҳ бериш маҳорати, ёшларнинг дил изтиробларини англаши, маънавий-руҳий, ҳиссий бойликни ҳар қандай моддийликдан устуш қўйишида кўринади. Табиат ва тақдирнинг қизиқ ўйинларидан бири шуки, Каримбахшхон билан хотини Фотимахонимнинг тупроқлари бонқа-бошқа жойдан олинган. Каримбахшхон учун маънавият, хотини учун моддият қадрли. Фотимахонимни Раҳматуллонинг отасидан қолган милён руниялари олдида қизи Зулайхонинг тақдири, муҳаббати қизиқгирмайди. Қизини бой, корчалон кишига берса бас. Каримбахшхоннинг оиласи беш панжа бўлса, бир бармоғи хотини, ўз эти, уни кесиб ташлаб бўлмайди. Шундай экан, ўришлатиб унга ён беришга тўғри келади. Каримбахшхон парқона муомала билан Фотимахонимга тушунтиришга ҳаракат қилади. Муомалада Юсуфбек ҳожи ўжар, думбул Узбек ойимга қандай бўлса, Каримбахшхоннинг ҳам Фотимага нисбатан тутган йўли шундай. Юсуфбек ҳожи Қумушнинг Марғилондан Тошкентга келишини «ўз иши» қилиб кўрсатиб ўткирлик қилган бўлса, Каримбахшхон Раҳматуллага унашгириш муаммосини ундан қолишмайдиган «санъаткорлик» билан ҳал қилади. Фотимахонимнинг Раҳматуллага Зулайхони беришни кўндаланг қилиб қўйишига Каримбахшхон: «...сабр қилинг. Нуриддин Зулайхони истамас, Зулайҳо Раҳматуллага рози бўлса, қиз Раҳматулланикидир. Йўқса, сабр қилиш керак» деб жавоб беради. Бу мухтасар жавобнинг ичида муаммонинг ичидан яна бир муаммо келтириб чиқарилган: биричиси, «Нуриддин Зулайхони истамас» дегани Нуриддин истаганда қизни сўзсиз унга беришга розилигини хотинига уқтириш, иккинчидан, «Зулайҳо Раҳматуллага рози бўлса» дегани ўз қизи бўлган Зулайхонинг Раҳматуллага эмас Нуриддинга кўнгли борлигини китоб орасидан чиққан шеър

орқали билганлигидан. Ва шунинг баробарида хотинига иккинчи таъбеҳ бериш.

Сарвархон ҳам Каримбахшхонга маънавий яқин киши. У Овруцода таълим олган, ўқимли, дунёқараш кенг, Ҳиндистон мустақиллиги ва эрки йўлида бошиги тикканлардан бири. Ҳар қандай миллатпарварлик, эркин ва ҳурфикрлик аслида дунёқарашнинг ҳомиласидир. Ўз кечмиши, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини чуқур билмаган кишидан чин бир ватанпарвар миллатпарвар чиқмайди. Сарвархоннинг эркинпарварлиги, инглиз босқинчиларига қаҳр-ғазаби унинг паст-баландни, жамият тараққиётининг қай томонга силжиётганини теран англашни оқибатида туғилган чин бир ватанпарварликдир. У ҳам Каримбахшхон каби Овруцонинг, аниқроғи, инглизларнинг билимига тан беради. Лекин билимига тан бериш дегани унинг ҳар қандай ҳаракатини оқлаш дегани эмас. Инглизларнинг мустамлакачилик сиёсати ёвузлик, ёвузлик эса билим эмас, ҳайвонликдан ҳам баттар, пасткашлик, таҳқир, ҳақорат эканлигини у аллақачон - Овруцода ўқиб, дунёқарашини кенгайтирган чоғларидаёқ англаган эди. У Каримбахшхон билан илк муомаласидаёқ унинг ички олами бой, одобли шарқли бир йигит эканлиги кўринадди. Сарвархон Каримбахшхоннинг «Келмаслигинини афв эта олмайман, бу гуноҳнинг кўи улуғдир» деб падарона бир тараҳҳум билан эркалаб қилган гинасига «хон соҳиб, сизнинг афвингиз буюкдир, буюк афвлар буюк гуноҳлар учундир. Кичкина гуноҳларни афв этмак ҳар кимнинг кўлидан келади», - деб шарқона бир тавозе билан жавоб беради. Унинг сўзидан фақат каттага ҳурмат эмас, Каримбахшхоннинг нақадар ҳур фикрли, донишманд, ватанпарвар киши эканлиги, суҳбатдоши Раҳматуллага яна бир сездириб қўйиш кайфияти англашилади. Каримбахш ва Сарвархон муносабатлари шул тариқа томошабин кўз ўнгида ойдинлаша боради, уларнинг маслакдош, ҳамдардликлари ўз сўзлари ёрдамида «чизилади».

Каримбахшхон Сарвархонга «инглизлар Ҳиндистонга эрк берар эмишлар» деб суҳбатдоши Раҳматулла билан ўз суҳбатининг нима хусусда бораётганини бир қадар ойдинлаштирганда Сарвархон: «Кўрқурам, - ҳайди. ободдакин эрки ила Афғонистон ҳукуматини ҳам

битирмакчи бўлмағайлар» дейди. Сарвархоннинг бу сўзларидан сезиладиким, воқеалар 1918-20-йилларда содир бўлаётир. Чунки Англия мустамлакачилари Афғонистонни 1918 йилнинг бошида тўла босиб олган эдилар. Шунинг билан Сарвархоннинг сўзлари Каримбахшхоннинг кейинги сўзларини қўлаб тушади. Бу тасодифийми? Ёки драматург томонидан воқеаларни ривожлантириш учун сунъий танланган сахнами? Йўқ. Бу характерлар, дунёқарашлар ўртасидаги яқинликдан келиб чиққан мантиқий зарурат. У Каримбахшхоннинг кинояомуз «ишонмайсан-а» деган сўзлари остидаги нозик маъноларни ҳам уқади. Бу билан Каримбахшхон Раҳматулланинг хом хаёлларга ишониб юрганини сўз ўйини шаклида Сарвархонга етказди ва шунинг баробарида Раҳматуллага, агар мендек кекса бир одамнинг гапига шубҳа билан қараркансан, ўзинг тенги бир йигитнинг фикрини эшит, деб ўз сўзига қувват бермакчи. Бу нозикликини англаган Сарвархон «Хон, соҳиб, инглизларнинг текин эрклари бор эса Ирландияга берсинлар», - дейди. Ҳақиқатан ҳам, Ирландия Англиянинг қўл остида кўп йилларким эзилиб келмоқда эди. Унинг бу далили билан айтилган сўзларини инкор қилиб бўлмаса-да, Раҳматулла сиёсатнинг қоронғуликларини англамаганилиги-чун: «Таймс»да шунини ёзади», - деб инглизларнинг Ҳиндистонга эрк бериши ҳақидаги сўзларига ишонмоқ кераклигини қайта таъкидлайди. Раҳматулланинг бу сўзларига Каримбахшхоннинг ўзи нухта, аниқ жавоб бериши мумкин эди, лекин Раҳматулланинг юрагида чин бир ватанпарварлик уйғотиш, сиёсат қинғирликларини тушунтирмақ учун яна унинг тенгдоши Сарвархонга: «Бунга нима дейсан?» дегандек маъноли, бир оз бўлса-да тағдор савод беради.

**С а р в а р х о н:** Хон соҳиб! Биз мусулмонлар ёлғизгина алданмоқ учун дунёга келибмиз чоғи... Бойимиз, инчунин муллоимиз, шоиримиз, ёзувчимиз, ўқитувчимиз, шоғирдимиз, файласуфимиз, каттамиз, кичигимиз Оврупонинг газетасига, китобига, сўзига, ишига, қонунига, вазирига, олтинига, қизилига алданмоқдан бўлак ишни билмаймиз... «Таймс» демиш эмиш, деяберсин. «Таймс»ни мусулмонларни алдамоқдан бўлак иши борми? Бутун Оврупонинг иши бизни алдамоқ эмасми?

Сарвархон Овруподап кўп нарсa ўрганганини инкор этмайди. Лекин инглизлар томонидан Ватанининг топталаётганини кўриб, Англия мустамлакачилари бўлмиш бир ҳовуч сиёсатчилар тимсолида у бутун Оврупони кўради. Унинг нафратомуз қаҳр-ғазабга тўла ўкинчли, аламзада сўзлари ёлғиз ўзинингмас, 400 милёнли ҳинд халқининг нидоси бўлиб янграйди. Унинг сўзлари жамиятнинг зиёлисидан тортиб деҳқонигача сергак бўлишга, кимларнинг олтини деб Ватани сотмасликка, қизили деб миллатини оёқ ости қилмаслик, мансаб шон-шухрати деб ўз-ўзини, халқини таҳқирламасликка чорлайди. Унинг бу сўзлари ўз Ватанида хўрланган эрксиз бир кишининг чин озодлик кўшиғи, ҳайқирғидир.

Сарвархон Нуриддинхоннинг энг яқин ўртоғи, ҳамдард, ҳаммаслаги, қолаверса, тақдирдоши. У Раҳматуллонинг Зулайҳо учун Нуриддинга тайёрлаган ёвузликларини найқаб, дўстига етказди ва у билан бирга курашишга тайёр. Нуриддиннинг ишқий изтиробларини тушуниш, кўмаклашиш, керак бўлганда уни ҳимоя қилишни ўз бурчи деб билади. Улар қапчалик бирлашиб Ватан мустақиллиги йўлида курашмасинлар, ёвузларнинг кўли баланд келади, аммо бу вақтинчалик эди. Раҳматулла шахсий манфаатлари йўлида Ватан хоини, инглиз малайи даражасидаги паствликка кулар экан, у ҳам бежазо қолмайди. Бешинчи нарда - финалда Деҳли инқилоб кўмитасининг яширин мажлиси бўлаётганда Раҳматулла инглиз пўлисларини Каримбахшхоннинг уйига бошлаб келади. Мақсади: яширин ватанпарварлар кўмитаси аъзолари Нуриддин, Каримбахш, Сарвархонларни инглиз жандармларига ушлаб бериб, Зулайҳони қўлга киритиш. Унинг паствачилиги, ҳайвоний хире йўлидаги бу кураш шу даражага бориб етганки, Зулайҳонинг севгилиси Нуриддиннигина йўқотиш эмас, унинг тарбиялаган отасини ҳам йўқ қилиб, қизига эришмоқ, бундан ортиқ жиноят, бундан ортиқ паствлик-да тонилмас. Лекин ҳамма нарсa унинг ўйловича бўлмайди. Халқимизча, ким бировга чоҳ қазиса, ўзи тушади. Пўлислар томонидан ҳинд эрчилари отилар экан, бир жандармнинг Зулайҳони қўлга олмоқчи бўлганлигини кўриб Раҳматулла унга тегманлар, «бу менинг севгилимдур» дейди. Юзбоши «Нима? Кўмига хотинми сенинг севгилиш?» дея унинг

ўзини отиб ўлдиради. Бобурча, «Ҳар кимки жафо қилса, жазо топқусидир». Драманинг хулосаси ўта зўр, мантиқан тўғри. Чунки Раҳматулла ва Шерхон қабилар тарихда ўтган Маҳмуд Ялавоч ва Ҳаким бийнинг Ватан хоинлигини такрорлайдилар. Маҳмуд Ялавоч мўғилларга юрт эшигини очишга шошилган бўлса, Ҳаким бий (манғит амирларининг асосчиси) Эрон шоҳи Нодирга Бухоронинг ўн икки дарвозасини очиб бериб, халқини, ватанини топтаб, тахтга эришган эди. Хоинликнинг катта-кичиги бўлмайди. Моҳиятан барчаси имонсизлик, эътиқодсизлик, ёвузликдир. «Чин севиш»да драматург бу ёвузликнинг янада даҳшатлироқ томони - ўзингизки ўзагиндан тортар деганларидек, ҳиц халқининг ўзидан чиққан раҳматуллалар, шерхонлар инглиз малайига айланиб, ўз халқлари қўл-оёғига қуллик кишинини янада маҳкамроқ боғлаганликларини бадиий асослайди. Асар нафяқат мустамлакачилик сиёсатининг ёвузликларидан жирканиш, балки Ватанин сотганлардан ҳам ҳазар қилишга чорлайди. «Чин севиш»даги коллизия «тақдирнинг шубҳасиз қон талаб қилиши» (Белинский) асосида шаклланган. Нуриддин, Каримбахшхон, Сарвархон, Раис, Деҳли инқилоб кўмитасининг икки аъзоси тақдир ҳалокат билан тугайди. Фитрат қаҳрамонлар қалбининг коллизияси, кечинмаларини уларнинг ўз сўзлари, ҳаракатлари воситасида беради. Драматург услубининг ўткир томони шундаки, асардаги ҳар бир сўз ибора қаҳрамонларнинг характерини чизиш, қалб изтиробларини кўрсатиш барюбаридега умумий голя, давр моҳиятини очишга хизмат қилади. Драмадаги ҳар бир сўз - қаҳрамон ва даврнинг сийрати, қиёфасидир.

## «СИЁСИЙ ИШЛАРНИНГ ҚОРОНҒИ ЕРЛАРИ...»

«Чин севиш» драмасида Фитрат Аюбхон ва Раҳматуллаларнинг асар гоясини чуқурлаштирадиган бир диалогини беради: Аюбхон Шерхоннинг оғзидан Пешовурда бир инглиз бошлиғининг ўлдирилгани ва унинг қотили, жиноятчи Дехлидан ахтарилаётгани хабарини эшитади.

**А ю б х о н:** Пешовурда бир киши ўлдирмишлар деб Дехлидами уруш ҳолати эълол этс: «О. Бу қандай иш?

**Р а ҳ м а т у л л а:** Бир кишини ўлдирмишлар, - дема, ўртоқ, бир инглизни ўлдирмишлар. Пўлис бошлиғи бўлган бир инглизни! Албатта катта бир ишдир.

**А ю б х о н:** Сўзингизни англаёлмадим. Пўлис бошлиғи бўлган бир инглизни киши дея олмаймизми?

**Р а ҳ м а т у л л а:** Яъни бир ҳукумат кишини ўлдирмишлар, сиёсий бир қон тўкилмиш.

**А ю б х о н:** Онгладик. Лекин бу қон Пешовурда тўкилмиш, Дехлидами?

**Р а ҳ м а т у л л а:** Пешовурда.

**А ю б х о н:** Унинг ўчини Дехлиданми оларлар?

**Р а ҳ м а т у л л а:** (оёқларни тўлдириб) Булар сиёсий ишлар, бунда қоронғу ерлари кўп бўлур (оёқларни оларлар).

**А ю б х о н:** Сиёсий ишларнинг қоронғу ерлари учун. (Кулишиб ичарлар).

Драматург уларнинг шу сўзлардан сўнг «кулишиб» қадаҳ кўтаришларини шунчаки тасодифан келтирмайди. Бу кулишиб ичшнинг остида Аюбхон, Раҳматулла, Шерхонларнинг ўз Ватан, юрти тақдири, халқ, тил, динига ачимасликлари, уларнинг кулишларида тамаънинг-да ёки бўлмаса бойлик, мансабнинг-да шарпалари яширичилигини Фитрат «кулишиб ичарлар» ибораси билан беради. Раҳматулланинг дўсти бўлмиш Аюбхон ёмон, шум ниётликда Раҳматулладан қолишмайди. Лекин уни оз бўлса-да виждон азоби қийнайди. Шул боис Пешовурда содир этилган қотилликни Дехлидан ахтаришларида мантиқсизлик, бу ахтаришнинг остида нимадир сиёсий фитна борлигини илғайди. У Раҳматуллага пўлис бошлиғи бўлган бир инглизни киши дея олмаймизми?» дер экан, ўзи мансуб бўлган ҳинд халқининг камситилаётгани, келгинди

инглизлар олдида одам саналмаётгани унинг нафсониятига тегади. Драматург унинг сўз охирида ундов ва сўроқ белгиларини бирдан қўллаб, тиниш белгилари воситасида унинг мураккаб вазиятини англатмоқда. Сўроқ «нега» маъносини берса, ундов Аюбхоннинг «наҳотки» деган таажжубидир.

Фитрат «Чин севиш»да ёлғиз Нуриддин ва Зулайхо муҳаббатларининг тонталиши, англиз мустамлакачиларининг ёвуз илмишлари, Шерхон ва Раҳматуллаларнинг сотқинлиги, Каримбахшу Сарвархонларнинг эрк, озодлик йўлидаги қуръишлари билан чекланмади. У жамият гараққиётининг қонуилари сиёсий ўйинлар, қоронғуликларни теран англаганлигидан ер юзида бўлаётган ва бўлиши мумкин бўлган фитна санъатларини башорат қилади. Биз бугун Александр Солженициннинг «Гулаг архипелаги», Михаил Булгаковнинг «Уста ва Маргарита», Андрей Платоновнинг «Арбат болалари» асарлари ва сталинча қирғин йилларида қатағон қилинган юзлаб кишиларнинг фожевли тақдирлари ҳақида аниқ архив ҳужжатларини ўқиб, «гўзал уюштиришлар»ни англаётган бўлсак, Фитрат асримиз бошидаёқ уларни ҳис қилган. «Чин севиш»да тасвирланган англиз мустамлакачиларининг босқинчилик ҳаракати, унинг оқибатлари, ҳинд халқининг қонини ноҳақ тўкишлар тасвири воситасида ер юзидаги одамларни огоҳлантирган ва сергак бўлишга чорлаган эди. Бу чорлаш шунчаки баёнчилик ёки воқеанавислик билан эмас, юксак поэтик, мажозий ва фалсафий, драматик кўринишда берилади. Бу Фитратнинг ҳақиқий драматурглик маҳорати, санъатининг бир қирра жозибасидир.

Шундай қилиб, қотиллик Пешовур шаҳрида содир этилиб, Деҳлида кечқурунлари юриш таъқиқланади. Комендантлик соатлари жорий этилади. Бундан фахрланган Шерхон таажжубланиш, ўз халқи ҳолига ачинишнинг ўрнига кечалари юришни қатоғон қилдик, кимсани кўйимиз» деб мағрурланади. Раҳматулланинг яқин кишиларидан бўлган Фулом Ҳайдар Аюбхонга қараганда бир оз инсофлироқ, у ўзини улар орасида ўнгайсизроқ сезади. Гапчанд драмада бу ҳақда айтилмаса-да, бу ҳолат унинг ҳаракати, сўзлари ботинида яширицидир. У Шерхонга ярим ҳазилнамо, киноянамо «уйимизда тинчгина ўтиргани

қўясизми?» деб ўзининг бу масалага бсфарқ эмаслигини эслатиб қўяди. Шерхон «соат тўққиздан тонг отаргача кўчада кўринган кишининг инглиз эса эртага ча сақлангандан сўнг қўйверармиз. Ҳиндистонда (ҳиндистонли демоқчи) эса турмага юбориб бир ой қамармиз» дейди.

Фулом Ҳайдар: Ў-ҳў! Бир инглиз билан бир ҳиндистонли ораёсида шунча айирма борми?

Аюбхон: Жоним, бунда сиёсий ишлар билан қоронғуликларнинг биридир, нима дейсан?

Фулом Ҳайдар: Бу Оврўноилардаги виждон қоронғуликларидандир, улар ўзларини туташ юқорида тутиб, бизни тубанга урарлар...

Фулом Ҳайдарнинг бу сўзлари беихтиёр Каримбахшхон, Сарвархон ва Нуриддиннинг ҳинд озодлиги, эрки хусусидаги сўзларини эслатади. Фулом Ҳайдар Раҳматуллонинг ўртоғи бўлса-да, унинг Сарвархон ва Нуриддинлар билан қандайдир боғлиқлиги борлиги сезилади. Драманинг учинчи пардасида Фулом Ҳайдар Раҳматулла ва Шерхоннинг Нуриддини орадан кўтариш ҳақидаги тухмат уюштириш мақсадларини бориб айтади. Бу кутилмаган воқеадек туюлса-да, Фулом Ҳайдарнинг қонида диёнат, халқига меҳри борлигини кўрсатади. Бунга нишонтириш учун драматург иккинчи парда воқеаларининг ичида Фулом Ҳайдарнинг Шерхон сўзларига муносабатини кўрсатиб кетган эди.

Драмадаги Раҳматулла, Шерхон, Аюбхон, юз бошига ўхшаш салбий образлар қаторида Фотимахоним, Зайнабларни ҳам санаш мумкин. Фотимахонимнинг салбий жиҳати унинг пул, мол-дунё, мартабага ўчлигида. Зайнаб Каримбахш оиласининг хизматкори. Драматург бир жумла билан унинг кимлигини оидинлаштиради: Раҳматулла: «Зайнаббибига ҳар кўрганимда 50-60 оқча бериб турибман», «Зайнаббиви ҳам қизни менга исиндургани тиришмоқчи бўлди.» Бор-йўғи шу икки гапта Зайнабнинг сийрати намойиш бўлади. Аммо драмада қиёфаси тўла чизилмай қолган Шукрулло (Раҳматуллонинг хизматкори) образи ҳам бор. У бир хизматкор сифатида юмушлар бажарса-да, хўжаси ва мухитга муносабати ёритилмаган. Ҳолбуки, ҳеч бир зот



йўқки, сиёсатнинг «қоронғуликлари»га ўз муносабатини билдирмаса. «У бир хизматкор-да» дегувчилар тошлар, лекин у хўжасининг давралари, дунёқарани, дўстларининг гуруҳидан хабардор, оғли одам. Фитрат «Чин севиш»нинг сюжетини айрим бир вульгар социологлар айтганидек, шупчаки Туркистон ҳаётини кўрсатиш учун бир фон сифатида олгани йўқ. У тарих сабоқлари, Овруно, Осиё, Лотин Америкасининг жамият тараққиётининг сўнги босқичлари қандай кечаётганидан хабардор бўлгани учун ҳам айнан Ҳиндистонни таллайди. Бу «айнан»ликнинг остида бу мамлакатнинг инглизлар томонидан истило қилиниши ҳиндларнинг таҳқирланиши, камситилиши тарих саҳифаларидаги инкор этиб бўлмас факти ётади. Тарихчилар тили билан айтганда, XIX асрнинг 50-60-йилларида Англияда савдо-сотик ривожлашиб, Буюк Британия «жаҳон устахонаси»га айланганди. Умуман олганда, XX аср бошларида мустамлакачилик сиёсати остида жаҳоннинг кўнгина мамлакатлари таланди, хўрланди, тонталди. Аср бошида мустамлакалар «Осиёдаги бутун территориянинг 56,6 фоизини, барча аҳолининг 47,6 фоизини, Африка территориясининг 90,4 фоизини, аҳолисининг 87,6 фоизини, Америка территориясининг 27,2 фоизини, аҳолисининг 6,2 фоизини ташкил этар эди»<sup>1</sup>. «1914 йилда ер юзи территориясининг деярли 66,9 фоизи ва аҳолисининг 60 фоизи мустамлакалар, қарам мамлакатлар ва ярим мустамлакалар жумласига кирар эди»<sup>2</sup>.

Англия Ҳиндистонни бир ярим асрдан ортиқроқ вақт мобайнида эзиб, сиёсий гегемонлик қилиб келди. XIX асрнинг охирида деҳқонларнинг мустамлакачиликка қарши кўзғолонлари бўлиб ўтган бўлса, XX асрнинг бошида, аннкроғи, Россиядаги 1905 йил кўзғолони Ҳиндистондаги илғор кишиларнинг босқинчиларга қарши курашини кучайтирди. «Инглиз империалистлари ҳинд князлари ва феодал зодагонлар ёрдамида либералларнинг қўллаб-қувватлаши билан оммавий ҳаракатни қонга белашга

<sup>1</sup> Инги тарих. 9-синфлар учун. И.М.Кригоғуз таҳрири остида. Тошкент: Ўқитувчи, 1989, 136-бет.

<sup>2</sup> Уша китоб, 147-бет.

муваффақ бўлдилар»<sup>1</sup>. «Чин севиш»даги Раҳматулла ҳам феодал зодагонларнинг вакилидир. Фитрат Шарқ мамлакатларига кирувчи Ҳиндистондаги халқ ҳаракатларини беварқ кузатмагани оқибатида ҳинд халқи озодлигига тўғаноқ бўлаётган «ҳинд князлари ва феодал зодагонлар» образини Раҳматулла тимсолида типиклаштиради. Ҳиндистонда бир неча яширин халқ қўмиталари ташкил топган бўлиб, шулардан бири 1906 йилда ҳаракатда бўлган «Сўзлар» яширип ташкилотидир. Бунга ўхшаш яширин ташкилотлар 1920-21 йилларда Ҳиндистонда миллий озодлик ҳаракати фаоллашувига сабаб бўлди. «Сўзлар» ташкилотининг баёнотида, жумладан, шундай сўзлар бор: «Очкўз ва ўзини севган чет эликларни зўрлаб қувиб чиқармасдан туриб, Ҳиндистоннинг сиёсий мустақиллигининг қўлга киритиб бўлмайди. Бироқ биз улардан фақат ўрнатилган ҳукумат салтанатини қуроли миллий қўзғолов ёрдамида ағдариб ташлаш йўли билангина халос бўла оламиз. Миллий қўзғолов учун пул, одамлар ва ташкилотлар керак. Бизнинг асосий эътиборимиз қўзғоловни тайёрлашга қаратилмоғи керак...» Бу сўзлар «Чин севиш»даги Нуриддин, Каримбахш, Сарвархон, Злайҳонинг сўзлари билан ҳамоҳанг. Ҳинд инқилоб қўмитаси Деҳли ўрта шўъбасининг раиси томонидан ўқилган буюк Ҳиндистондаги «Сўзлар» ташкилоти программасига моҳиятан яқин. Мана, драмада Раис томонидан ўқилган буйруқ: «Бутун ҳинд инқилоб қўмитаси томонидан Деҳли ўрта шўъбаси орқали бутун шўъбаларга: Йўлдошлар! Бугунгача инглизларни Ҳиндистондан чиқармоқ учун қўмитамиз томонидан очиқ-яширин йўллар билан қурилган ишлар натижасиз қолди. Инглиз қонли тирноғининг юрт ва улусимиз юрагинда очдиги яралар кенгайиб кетмоқда... Улуғ ҳинд улуси ўз юртини қутқармоқчи экан, барчаси бирдан кўрқинч бир чиқиш қилсин. Ёқсин, ёқилсин, йиқсин, йиқилсин, ўлдирсин ва ўлсин. Гўзал юртимиз инглизлар қўлида қолар экан, 400 милён улусимизнинг жонсиз ва қонли гавдалари билан қолсин... Эрк ё ўлим!» Оташпн ватанпарварлик руҳидаги бу сўзлар юқоридаги баёнот билан нақадар уйғун. Драмада у янада таъсирли ва қайғулироқ! Одамларнинг муқаддас Ватан

<sup>1</sup> Уша китоб, 150-151-бетлар.

туйғуларини қитиқлаб, уларни уйғотиш, золим мустамлақачиларга қарши курашга чорлаш руҳи устивор.

Фитратнинг 1920 йилда ёзилган «Чин севиш» фожеаси бугунги «сиёсий ишларнинг қоронғи ерлари» кўпайган XX асрнинг сўнггида ҳам ўз қадр-қийматини сақлай олган. Ҳали кўп авлодлар унинг сийратига тирашроқ кириб бориб, ўзига керак жиҳатларни топиши шубҳасиздир.

## ХУРОФОТ - БОШ ФОЖИА

Дунё тарихи инсоният ҳаёти-ҳаракати, қилмиши билан ўз-ўзини бир неча бор қиёмат қойим даврларга бошлаб келганига гувоҳдир. Бундай замонларда одамлар ўртасида фисқу фужур, таъна-маломат, бузуқлик авж олиб, маънавийят емирланган. Насронийликда Исо, исломда Муҳаммад алайҳиссаломнинг дунёга келиши ана шундай маънавий инқироз қушларига тўғри келди. Бу улғу зотлар одамзодни ўзи тайёрлаган фожиялардан фориғ этганлар, Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат»и атрофида бўлган баҳсу мунозаралар шуни кўрсатадики, XX асрда техникавий-маданий тараққиётнинг бир томоилама ривож, экологиядаги мувозанатнинг бузилиш одамзод бошига янги фалокатлар олиб келди. Ва маънавий-руҳий инқирозлар фасли ҳукм сураётир. Ҳамма даврларда бўлгани каби асримиз бошида жамиятимизда инқилобий ўзгаришлар баробарида босқинчилик, бузуқлик, фоҳишабозлик, миллатнинг миллат, қавмнинг қавм томонидан қирғин-барот қилиниши оқибатида инсониятнинг кўп минг эътиқоди, турмуш тарзига тажовуз қилинди. Бул каби нотабиий оқимни олдиндан идрок этган имон-эътиқоди бут зиёлилар турли ҳаракат ва таълимотлар ёрдамида инсониятни навбатдаги қиёмат қойимдан асраб қолиш ҳаракатига тушдилар. Шарқда жадицизм шу тариқа дунёга келди. Унинг бош вазифаси жамиятни ислоҳ қилиш, маърифат тарқатиш эди. Маърифат - жадицизмнинг байроғидир. Исмоилбек Гаспиринскийнинг таълимотини терандан англаган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Мунаввар қори, Маҳмудхўжа Бехбудийлар дастлаб ўз ҳаракатларини шул байроқ остида бошладилар ва энг

муносиб йўл ҳам шу эди. Ўзбек адабиётида ўша даврларда бир қатор асарлар яратилдики, булар жамиятнинг носоғлом томонларини илдишлари билан кўрсатиб, унинг олдини олиш, даволаш чораларини кўрсатиб берди. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Надаркуш», Абдулла Қодирийнинг «Жувонбоз» ҳикояси ва «Бахтсиз куёв» пьесаси, Фитратнинг «Рўзалар» сахна асари мавжуд тузумнинг чирик одатларини қабарик кўзгудек ўзида акс эттирди. «Туркистоннинг «ўз» чирик одатлари паша, кўкнори, жаҳолат ва бошқалар етмагандай, - деб ёзганди Ойбек, - мустамлакачи рус буржуазияси «маданият» номи билан мустамлака халқига қиморхона, алкоголь, фоҳишахоналар келтирди. Пули мўмай савдогарбаччалар фахшга берила бошладилар»<sup>1</sup>.

Дунё маърифат гажини яратган халқнинг ўзи келиб-келиб маърифатга оч, ташна қола бошлади. Оммавий маърифатсизликнинг кўзга кўринмас синоҳийлари - ҳирсу шаҳватга эрк бериш, гайри ишларга қўл уриш, яратганга ширк ва ота-онага шаккоклик, дин ниқоби остида ўз хузур-ҳаловати, манфаатини кўзлаш, номарғуб нарсаларга эътиқод қўйиш каби иллатлар хурофотга бошлаб кетди. Ўз даврининг илғор зиёлиси бўлган Фитратни бул каби воқса ва ҳодисалар бефарқ қолдирмаслиги табиийдир. Бизнингча, «Рўзалар» драмаси ана шу иллатларни фош этиш мақсадида ёзилган мухтасар икки нардадан иборат асардир.

## ҒАРОЙИБ «РЎЗАЛАР»

«Рўзалар» драмасининг бош қаҳрамони - 50 яшар мулла Эр Боқий номли оқсоқол бир эшон. Эр Боқийнинг уйи тасвиридан драматург унинг тақводор, шариат қоюнларини билувчи чол эканлигига ишора қилиб, «ўрта ҳоли деворларда қуръон, жойнамоз, салла, чопонлар осилган»лиги, Эр Боқий сариқ чопон, сариқ кулоҳ кийиб, оқ салла ўраганлигини ёзarkan, ўқувчининг кўнгилдан «нега қуръон, жойнамоз, саллаларга ургу бериляпти» деган ўй кечади. Бу ўйланиш узоққа ўзилмайди. Драманинг биринчи, ибтидоий диалогйдаёқ масала бир қадар ойдинлашади:

<sup>1</sup> Ойбек. МАТ. 19 томлик. Тошкент: Фан, 1979. 114-115-бетлар.

Ш а р и ф а (ишдан бош кўтариб). Бу кун ошга мой йўқ, битган эди. Баққолга чиқмайсизми?

Э р Б о қ и й (жойнамоз устига қибладан айланиб Шарифа томон қараб ўтиради, газаб билан гапирди). Ёғ дарров битдими?

Ш а р и ф а. Мой битган деб кеча айтган эдим-ку. Кечаги шунча жанжалларимиз шунинг учун эмас эдими? Бугун яна уришасизми энди?

Э р Б о қ и й. Сен напаринга лажнатни уришмоқ оз, уриб ўлдирмак керак. Шунча мойни бир ҳафтада қандай битирдинг! Қўл юзингни ҳам мой билан юдингми?! Итватча!

Кўринадики, Эр Боқий ҳолис, қўпол, халқимизча айтганда оғзи бепаравоз чол. Бул номарғуб хислатлари етмагандек, у ўз «эътиқоди» бўлган ислом ва шарият қонунларига ҳам амал қилмайди. (Билмайди эмас, амал қилмайди!) Уқиб-ўзлаштирилган кимга амал қилмаган одамнинг қиёмат кундаги азоби икки ҳиссадир (Имом Ғаззолий). Жойнамоз устига ўтириб, рўза тутиб ҳам ўз жуфти ҳалолига азоб беради. Шарифанинг «кечаги шунча жанжалларимиз» иборасидан англагиладики, Эр Боқий ҳар кун и бўлар-бўлмагга хотини билан ҳафалашади. Рўзадору беозор аёлни таҳқирлаб ҳақоратлайди. Бу ўринда драматургнинг ҳар бир сўзни персонажлар характериининг аниқ бир қиррасини чизишга сарфлагани ойдинлашиб бормоқда. Чунки драмада Белинский айтганидек, характер ҳаракатларла қизилади. Шарифа қанча мулойим муомала қилмасин, эрининг қўполлиги, асабийлиги ниҳоя билмайди. Шарифа-ку эрининг илжиқлиги ва хасислигини аввалдан биледи, аммо асаблашишнинг кейинги зўрайиши уни ўйлатиб қўйди. Драма воқеалари ривожлана бошлагач, Эр Боқийнинг асаблашини «сир»лари очила боради.

Қаламга олинган воқеа чол-кампириинг уйларида, рўза кунларида бўлиб ўтади. Эр Боқий ўз олдига мадад сўраб келган одамларни ислом қонунлари ва пайғамбарнинг сўзларига қатъий амал қилишга чақиради. Ўзи бўлса рўза тутиш шартларини бузиб, яширинча овқатланиб, ўз қилимишлари ислом ақидасига кўра жиноят бўла туриб, бирошларни «тарбия»ламоқчи. Драмадаги зиддиятлар ва чол-кампириинг ўзаро жанжалларидан бошланиб, Эр Боқийнинг

рўзасини еб турган ҳолатда қўлга тушишида юқори нуқтага кўтарилади. Энди чол ва кампир ўрталаридаги оилавий зиддият Эр Боқий ислом ақидаларини бузгани учун муҳит билан улашади. Драмани кўриб турган томошабинда ҳақли савол туғилади: «Нега Эр Боқийнинг хотини ўз эрини қишлоқ қсоқоли ва имомига тутиб берди?» Биринчидан, Эр Боқий билан хотини ўртасидаги турли оилавий келишмовчиликлар кунда такрорланавериб азоб аёлининг бўғзигача келган эди, иккинчидан, Эр Боқийнинг олдига қишлоқи кампир Турсуной билан унинг яқинда кўзи ёриган қизи Салима келганда ўзини қандай покиза тутганлиги уни маънан қийнарди, учинчидан Шарифа ўз даврининг аёли. У муслима, намоз ўқиш, рўза тутиш, тўғри гапириш, ҳалолликни фарз деб билади, худодан кўрқади. У ўз эътиқодига содиқ. Эр Боқийнинг Турсуной, Салима ва Ниёзойларга қилган муомаласини кўриб турган Шарифанинг ҳолатини эласак, кўз олдимизда унинг виждон қийноқлари равшан гавдаланади:

**Т у р с у н о й.** Шукур, худога шукур, тақсир, қизим жуда кучсизланиб қолди. Бир-икки куп рўзасини еб қолса қандай бўлар экан, демоқчиман-да.

**Э р Б о қ и й.** Йўқ, йўқ, зинҳор бундақа фикрларни қила кўрманг. Рамазони шариф жуда муборак ой. Рўза худонинг катта неъматини, одамга куч беради.

Шарифа Эр Боқийнинг «рўза худонинг катта неъматини», «рўзани еса менинг дуоларим таъсир қилмайди» деган тасаллиларини кўн бор эшитган, бунинг устига Эр Боқийнинг рўзасини еб турганини пойлаб турганда нафрати янада ортади. Шунинг учун ҳам эрининг иккиюзламачилигини фош қилиш мақсадида қишлоқ оқсоқоли ва имомни бошлаб келади. Эр Боқийнинг гайри хатти-ҳаракатлари ва характери, Шарифанинг мулоимлиги ва тўғрисўзлиги, эътиқодлилиги, Турсуной, Салима, Ниёзойларнинг содда, ишонувчан ва ҳалолликларини тасвирларкан, Фитратнинг драмада ҳар бир шахсни тин даражасига кўтариб тасвирлай олганлигининг гувоҳи бўламиз. Эр Боқий ва Шарифа, Ниёзой, Турсуной, Салимагонларнинг ўша даврда элимиз орасида учраб турганига ишонамиз. Бу драматург қаламиниинг характерлар яратишдаги ўзига хослиги, маҳоратидир. Биринчи парда Эр

Боқийнинг қўлга тушиши билан яқунланиб, иккинчи нарда қозининг маҳкамасидаги иккинчи бир «Қўлга тушган» саргузашти билан бошланади. Томошабин воқеалар ривожини кузатаркан, конфликтнинг кучайиб бориб, нима билан яқунланишига ички бир шошилинич сезади. Эр Боқий қўлга тушди, маҳкаммага келтирилди, хўш, жазо ҳам олади, кейин нима бўлади? Драматург томошабиннинг бундай шошилишини олдиндан сезгандек, (аслида санъаткорлик ҳам шунда) драма сюжетига иккинчи бир эпизодни ҳам олиб киради. Асарда ҳар бир деталь, ҳолат, диалог даврнинг моҳиятини очишга қаратилган. У социал-тарихий вазиятдан келиб чиқиб, ҳар бир образни тишклангтиради. Зикр этилган бу эпизод қози, раис ва Ашурбобо ўртасидаги саҳнадир: «Қозининг ҳовлиси, бир томон уй, бир томонда уй олдидagi супа, супа устида, уйнинг эшиги олдида шариат бўйраси» хуллас, ҳаммаси рисоладагидек. Қозининг «бир қўлида узун тасбеҳ, бир қўли билан узун соқолини тарайди». Бу ҳолатни кузатаётган томошабин ингизорлик билан бир қадар кўрқинч аралаш сукут билан ҳозир нима бўлишини кутади. Ниҳоят, раис, қирқ яшар бир мулла, қозига Ашурбобонинг рўзасини еб тургани устига тутиб келтирганини кибр билан сўзлайди:

Қ о з и. Нима учун рўзангни единг?

А ш у р б о б о (ҳолсиз). Балойингизни олай... Тақсир... Касалим жуда оғир... (ҳолсиз йўталади) Докторга бордим... рўзангни емасанг... дори йўқ... деди. Домладан сўрадим... Табиб айтганда еса бўлар(йўталади) дедилар...

Қ о з и (жазава билан). Номатқул қилибсан, аҳмоқ. Кофир докторнинг сўзига кириб рўзангни ейсанми?..

А ш у р (ҳолсиз). Тавба қилдим, тақсир... раис бобомнинг одамлари... кўп урдилар (ийғлайдир).

Қ о з и. Урдилар? Сени ўлдириш керак. Мусулмон мамлакатаида шундай қиласанму, сани қўядиларми?

А ш у р (ийғлаб). Ўзим ўлаётirman, тақсир, тавба қилдим.

Драмада воқеа-саргузашт ичидан ўсиб чиққан бу жиддий воқеот ўқувчига қаттиқ таъсир қилади. Ашур бобонинг сўзларию ҳаракатининг сустигидан унинг ҳақиқатан ҳам оғир аҳволи аёнлашади. Ашурбобо 50 ёшга кирган бўлса ҳам, оғир турмуш уни кўнгина касалликларга

дучор этган, ҳолсизлантирган. Унинг юқоридаги ёниб ёлворишларидан ҳам маълум бўладики, у касал бўлиши билан рўзасини дарҳол емаган. Ўз этиқодига содиқ қолиб, аввал дўхтирга, кейин домлага мурожаат қилган. Сўнг қариллик ва касаллик ҳолдан тойдиргач, рўзасини еган.

Қози ҳам бирофўвларни камситиш, ҳақоратлашда Эр Боқийдан қолипмайди. Ҳатто устозлик қилишни ҳам мумкин. Эр Боқий хотинига «итвачча, ҳайвон», деса, қозининг ҳар бир гапи «номатқул қилибсан», «аҳмоқ», «падар лаънати»сиз айтилмайди. Хуллас, Ашурбобонинг хотинию қизчаларининг ялиниш-ёлворишларига кўнмай, уни йигирма бир дарра уриб қамайдилар. Бу қамоқ оддий қамоқ эмас, балки бошқаларга «ибрат» бўладиган қамоқ, қози домланинг иқдорларича «бу кун бозор, халқ кўрар, кўзи кўрқар, қозимиз шарият ҳукмини бажо келтирар деб шодланар. Бу хабар жаноб олийга етишиб ҳам яхши бўлади». Қозининг бу сўзларидан унинг ҳам сохта ислом ҳомийси эканлиги, халққа жабр-зулм қилиш билан «жаҳоб олийлари»нинг олдида бошқа турли бўлиб кўринишни исташи англашилиб турибди. Ҳали қозининг бутун кирдикорлари билан танишиб улгурмай туриб, драмада «товушлар эшитилади: «шарият кўлдан кетди, бу нима деган гап, эшон, қози қайда?» Афсус, қози «ухлайдилар» ниқоби остида Эр Боқийга ўхшаб яширинча рўзаларини емакдалар. Яна овозлар кучая боради: «уйғотинг эшонни, уйғотинг, шарият урсин буларни». Фитрат беҳудага бу ўринда «уйғотинг» сўзини ики марта такрорламаётир. Унинг заминида авом халқнинг қози-эшонга ишонувчи, уларни дин ва шариятнинг ҳимоячиси деб билуви ётади. Буни чуур англаган фосиқ қози ҳам ҳолатги мос тарзда «Ўз вазифаларини бажаришга» киришадилар. «Уйғотинг эшонни» деганлар Эр Боқийни сургалаб қозининг олдига олиб келган эдилар. Томошабиннинг кўз ўнгиде гаройиб ҳолат пайдо бўлади: Эр Боқий рўзасини еб хотини, сўнг оқсоқол ва имомнинг қўлига тушган. Қози-чи, у кимнинг қўлига тушади? Бу ерда ундан катта бўлмаса, унинг ҳузурига руҳсатсиз биров киролмаса (албатта, содиқ хизматкор-сирдоши Ҳамродан бўлак). Драматизм кучая боради. Воқеа устига воқеа, фалокат устига фалокат. Эр Боқийни сургалаб келган оқсоқол ва имом унинг гуноҳини қозига тўкиб солгач, қози (Ашурбобонинг олдида



газаблангандек) олдингидек жаҳлланмай, аксинча, ўз сўзини босиқлик билан «нима гап, нима гап?» дейишдан бошлайди. Бу «нима гап»нинг «етида, биринчидан, қози қилмишимдан булар хабар тонмадимикан, деган шу шубҳа, иккинчидан, Эр Боий билан ҳамтовоқ, ҳаммаслак эканлиги сири яширин. Қози Ашурбобонинг рўзасини еганини эшитиб, «Отинг нима? Нима учун рўзангни единг? Номаъқул қилибсан, аҳмоқ? Сени ўлдириш керак» каби тақсир у буйруқомуз сўзлаган бўлса, Эр Боқийнинг гуноҳи олдида бутуплай бошқа қозига айланган. Энди у шошмайди, мулоҳазакор, у газаб билан Эр Боқийга эмас, уни ушлаб келганларга қараб бақиради: «Қачон еган, қайда еган, ким кўрган?» Келганлар «Ҳаммамиз кўрдик, тақсир, ҳаммамиз кўрдик» десалар-да қози шпонмаслик кўрсатади.

**Қ о з и** (газаб билан). Қайда, қачон?

**К е л г а н л а р** (бирдан). Шу кун тақсир, ўз уйида, тақсир.

**Қ о з и** (бироз пасайиб). Кўп қичқирманг қани, ўзидан сўрайлик, балки бир узри бўлгандур (мулла Эр Боқийга) Эшон, бу нима гап? Рўзангни не учун едингиз?

Мулла Эр Боқий, қози, келганларнинг мазкур диалогидан нимадир сирли туюлаверади. Қози не сабабдан талвасаланяпти, нега гувоҳлар кўп бўлишига қарамай, шубҳаланмоқда, остини чуқур суриштирмоқда? Ахир, Ашурбобонинг жазоланиши учун бир кишининг сўзигина етарли бўлганди-ку? Қозининг «Эшон, бу нима гап?» дейишида алоҳида урғу бор. «Эшон»ни Фитрат ундалма сифатида бекорга қўлламаган. Драматург бу билан қози ва Эр Боқий ўртасидаги нозик боғлиқликларга даҳл қилади. Қозининг «Эшон»ни таъкидлаб гапириши «наҳотки» маъносида бўлса, «бу нима гап» дегани «наҳотки шуларнинг қўлига тундинг» деганидир. Бу ишоралардан тетиклашган Эр Боқий ҳам бўш келмайди:

**Э р Б о қ и й** (ёлғондан ҳолсизланиб). Тақсир бу худодан кўркмаганлар мени... кўп урдилар, азобладилар...

**К е л г а н л а р**. Ёлғон сўзлайди, тақсир, урганимиз йўқ, ёлғон, тақсир.

**Э р Б о қ и й**. Узрим бор эди, тақсир, касал эдим.

**Ш а р и ф а**. Ёлғон, тақсир, ёлғон.

**Қ о з и**. Бу хотин ким?

**Келганлар.** Тақсир, ўз хотини.

**Қози** (ғазаб билан). Сен ўз эринга ёмонлик қиласан. Худодан кўркмайсанми? Касал бўлганини Кайдан биласан?

**Келганлар.** Тақсир, ўз хотини билмасдан ким билади.

**Қози.** Одамнинг касалини худодан бошқа ҳеч ким билмайди...

Драманинг энг зиддиятларга бой нуқтаси ҳам шу сахнадир. Демак, ислом, дин: никоҳи остида ўз манфаатини ҳимоя қилувчиларнинг баънарасини очиш, Эр Боқийларни ушлаш, Ашурбобони ноҳақ жазолаганларни жазолаш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Фожеанинг ўқ илдизлари жамиятнинг юқори табақасигача етган экан, уни қайта ислоҳ қилмоқ, янгидан тузмоқ лозимлиги англашлади. Зеро қозиси ўғрию муттаҳам бўлган юртда қандай адолату, эрк, шариат қонуни бўлиши мумкин? Биринчи пардада Эр Боқийнинг ички олами хотини билан ўзаро жанжалу, Турсуной, Салима, Писзойга муносабатларида кўринган бўлса, иккинчи пардада драматургнинг томошабини унинг «сирли олами»га сертакроқ қарашга ундайди. Эр Боқийнинг гуноҳи бўйнида бўла туриб, ўзи худодан кўркмай, ҳалоллик, эътиқод деб ўзини ушлаб келганларни «худодан кўркмаганлар, деб ҳақоратлайди. «Кўп урдилар, азобладилар» деб ёлгон сўзлайди. Келганлар-ку майлига, ўз хотини ҳам буни «ёлгон» десада, Эр Боқийни сўроқ қилиш, жазо бериш ўрнига қози «худодан кўркмайсанми?» деб Шарифани бўғиб қўймоқчи, оғир ҳолатдан имкон қадар чиқмоқчи бўлади. Қози Шарифага «Касал бўлганини қайдан биласан?» деб таҳқирнамо сўзлар қотади. Келганлар бу кулгили ва ўрипсиз саволга «ўз хотини билмасдан ким билади?» десалар-да, қози яна дин, шариат номидан гапириб, «одамнинг касалини худодан бошқа ҳеч ким билмайди» деб уларга танбеҳ беради. Эр Боқий билан қозини бирлаштирувчи нуқталар жуда кўп. Эр Боқий ўзини ушлаб келганларни худосизликда айблаган, урдилар деб ёлгон даъво қилган бўлса, қози келганлар тарқалгач, уларга қарата «ноинсофлар кайфни қочирдилар, бир коса кўкнор побуд бўлди, ҳайф», дейди. Ҳолбуки, рўзасини еганини ушлаб келганлар мантиқан инсофли, уларни арзларини эътиборсиз қолдирган, эл кўзи учунгина Эр Боқийни қамоққа олган

қози ноинсофдир. Ашурбобони жазолаган қози Эр Боқийни эл кўзи учун бир кун уйда меҳмон қилади. Қозича, Эр Боқий нима бўлса ҳам дуохон бир киши, «кўнглини кўтариб кўйиш керак». Демак, икки ёрти - Эр Боқий ва қози бир бутун бўлиб, буқаламушлик қиладилар. Бундай жамиятнинг жирканч буаламушлари ўз манфаатлари йўлида нафақат одамларни алдайдилар, балки дину шариатта, минг йиллик урф-одатларга ҳам хиёнат қиладилар. Хурофот ўчоғига ўт бўлиб кирадилар. Фитрат бул каби ғояларни беришда қози ва эшон образларини реалистик тасвирлай олган.

## ФОЖИАЛАР ЗАНЖИРИ

«Рўзалар»да халқнинг оғир, ночор аҳволи, эшону қозиларнинг кирдикорлари, ашурбоболарнинг ноҳақ жазога хукм қилинишлари асосий ўрин эгаллайди. Фитрат халқ оммасининг ҳақиқий аҳволини бериш учун иккинчи сахнанинг охири - финалда Ашурбобонинг ўлими воқеасини киритади. Бу фожий ўлимнинг ўзига хос, чуқур фалсафий ва мажозий маъноси бор.

Иккинчи парданинг охири. Қози, Эр Боқий ва Ҳамронинг сийратлари очилган. Эр Боқийни ёлғондакам жазолаган бўлиб, қози унга ўз уйда бир кун қолишни таклиф этади. Иккалалари биргалашиб гурунглашмоқдалар. Қози ва Эр Боқий одамларнинг шови пасайсин деб турарлар. Шул пайт қозининг олдига тўсатдан Саид оқсоқол бир қари хотин билан иккита ёш болани етаклаб кириб келади. Бу жабрдийдалар ўзи ўлар ҳолатда бўлса ҳам «реклама», жаноб олийга яхши кўриниш учун қамалган Ашур бобонинг хотини ва болалари. Саид оқсоқол уларнинг арзи - Ашур бобони ҳибсдан озод қилишни сўраганида қози кўнмайди. Ёш болалари, қари хотини ўртага солинади, қози барибир кўнмайди. «Қоғозга ўралган бир оз ақчани киссасидан чиқариб» қозига узатгандан сўнггина қози юзсизларча «ҳай энди болаларининг хотири деб уни озод қилишга рухсат беради. АММО...

Аммо драмада бош концепция ташувчи фожев юз берган - Ашурбобо ўлиб қолган эди.

Уни замбилга олиб келишгач, оқсоқол ўрнидан сапчиб тураркан, Ашурбобонинг юзидаги чононини кўтаради.

Хотини «Воҳ, Эрим ўлганми?! Кимсасиз бўлдим, болаларимни қаёққа олиб борай энди!» деб дод солмоқдан ўзга чора топмайди. Ёш қизлар ҳам ўзлариши майит устига ташлаб, «Отажон-отажон!» деб ҳой-ҳой йиғлайдилар. чорасизликларини баён қиладилар.

Драматург айтмоқچики, камбағални туянинг устида ҳам ит қонади. Халқнинг нонини еб, қонини зулукдек сўр тузини еб тузлигига тушуриб юргувчи Эр Боқий, қозига ўхшаш исқирглар дунёси бор экан, бул жамиятда ҳақиқат чала, имон тошталган, руҳлар хор, улуглар зору ночордирлар. Бу юртда, жамиятда маърифатнинг тараққий қилмоғи мушкул. Хурофот-ла нимталанган юртнинг тупроғида «ҳеч ҳақи йўқ хўжалар» эрк дея туғилган фарзандларни «бир қўл каби қизғонмасдан янчалар» (Чўлпон).

### УЧ НУҚТА - ҲОЛАТ-ХАРАКТЕР

Ҳар бир эпизод, картина ва детални сюжетнинг таркибий қисмига сингдиришда Фитрат катта маҳорат кўрсатганлигини юқорида таъкидладик. Драматургнинг санъаткорлиги унинг ёлғиз бу хислат-усулларида эмас, балки ҳар бир сўз, ибора, ҳатто тилиш белгиларини ҳам қўллашда аниқ бир мақсад билан ёндошганлигидадир. «Рўзалар»нинг тили қуруқ бир тил эмас. Унда халқимизнинг муомаласидаги мухтасар калима иборалар, тонилмаалардан кенг фойдаланилган. Воқеаларнинг томошабинга тезроқ англашилиши учун жонли сўзлашув тили қўл келган. Персонажлар тилида ўта фарқлилик сезилмаса-да, икки табақа тилининг ифодасида фарқ бор. Қози, Эшон такаббурона сўзласа, халқ вакиллари Турсуной, Салима, Ниёзой, Ашурбобо содда, самимий сўзлайдилар.

Энди уч нуқталар ҳақида.

Иккинчи парданинг бошида қози билан Ашурбобонинг диалоги бор. Қози жаҳ билан чолга «Нима учун рўзангни единг?» деса Ашурбобо: (ҳолсиз) Балойингизни олай... Тақсир... Касалим жуда огир... (ҳолсизча йўталади). Докторга бордим... Рўзангни емасанг,, дори йўқ деди... домладан сўрасам... Табиб... айтганига еса бўлар (йўталади) дедилар...» деб жавоб беради. Бу уч нуқталар ёрдамида Фитрат чолнинг драматик аҳволини тасвирлайди.

«Балойингизни олай»дан сўнг уч нуқта қуйилиши чолнинг бир дақиқа нафаси тортганлигини билдирса, иккинчи томондан ялинаётгани, шафқат сўраётганига ишорадир. «Тақсир»дан сўнгги уч нуқта олдинги илтижоларнинг қозига қандай таъсир этаётганини билиш ва янада мурувват кутиш учун. «Касалим жуда оғир» деб ҳақиқатан ҳам ҳолсизларча йўталлишидан сўнгги уч нуқта «вахотки шу ночор аҳволимни кўриб ҳам раҳм этмасангиз» маъносида. «Докторга бордим»дан кейинги уч нуқта «тақсир, ўзимча рўзанинг қондасини бузганим йўқ, тушунсангиз-чи, аввал тўрт томонга югурдим, иложим бўлмади» демакдир. «Рўзангни эмасан»дан кейинги уч нуқта чолнинг гапиринга мажولي қолмаётгани, оғриқ ва кўрқушнинг кучайиб бораётганидан. Шу ўринда чолнинг ҳасратли ва оғриқли нафас олганлиги ҳар қандай одам туйғусида сезилади. «Дори йўқ деди»дан сўнгги уч нуқта «нима қилай, ул бир чорасини топганида, шул аҳволга тушармидим, рўзамини бузармидим, мен бадбахт нима қилай» маъносида. «Домладан сўрадим»дан кейинги уч нуқта «адо бўлдим-ку; тақсир, нега биз бечораларни тушунишни истамайсиз, ох» маъносини англатиб келаётир. «Табиб» ва «ддилар»дан кейинги уч нуқта чолнинг бутунлай умидсизланиб, лекин бор кучини йиғиб бўлса-да, қозидан шафқат кутиши ва ялиниши ифодаси. Ўзининг исқиртлар олдида хўрланаётганидан эзиллиш, хуллас, маънавий азобининг чуққиси - уч нуқталардир.

Фитрат уч нуқталар ёрдамида ёлғиз Алшурбобонинг ҳолат-характерини чизибгина қолмай, айни пайтда қози ва раис, қозига садоқати том бўлган (қози билан рўза даврида ҳамтовок) Ҳамронинг мунофиқона портретларини ҳам яратган.

xxx

xxx

xxx

Фитратнинг «Рўзалар» драмаси (1930) яратилганига олгиниш йилдан ошган бўлса-да, ўз маънавий маърифий қимматини сақлаб қололган санъат асарлари сирасига мансубдир.

## МИЛЛИЙ ПСИХОЛОГИК ҚИЁФА

Миллий психологик қиёфа билан миллий психология айнан бир нарса эмас. Миллий психология кенг тушунча. Миллий қиёфа унинг таркибий қисмларидандир. «Атрофдаги воқеликни, ҳодисаларни ўзига хос равишда идрок, тафаккур, тасаввур қилиш ва буларнинг таъб, туйғу, урф-одат, характер тарзида намоён бўлиши миллий психологик қиёфанинг қайтарилмас хусусиятларини ташкил қилади»<sup>1</sup>. Ижодкор учун қаҳрамонларнинг типик характер-хусусиятларини ўзига хос, бетакрор яратиш ҳар бир халқнинг миллий психологик қиёфасини теbran ўрганишдан бошланади. Асарда кўтарилган ғоя қанчалик умумбашарий бўлмасин, ижодкор уни миллийлик заминида туриб яратади. В.Шекспир, Н.Толстой, А.Қодирий, Ч.Айтматов ёлғиз ўзлари мансуб миллатнинг кийимлари, урф-одати, анъаналарини тасвирлашликлари учунгина миллий психологик қиёфа яратганлар жесак, анчайин жўлик бўлар эди. Уларнинг фикрлаш, воқеа ҳодисаларни идрок ва тасаввур қилиши ҳам ўзлари мансуб миллатга хосдир. Гоголь «чинакам миллийлик, сарафанни тасвирлашдан иборат эмас, балки халқдаги руҳнинг ўзида» деганида нақадар ҳақ эди.

Фитрат яратган асарларнинг ғоявий-бадиий қудрати, фалсафий фазилати, таъсирчанлик латофати унинг миллий психологик қиёфа яратиш маҳорати билан узвий боғлиқ. Чунончи, халқимиз яратган қадимий эртақлардан тортиб, бутунги чинакам шеъриятга назар ташлайдиган бўлсак, Гоголь айтмоқчи ўз руҳимизни кўрамиз: Алпомиш, Гўрўғли, Широқ, Тўмарис, Хўжа Насриддин, Тоҳир, Зухра, Кумуш, Раъно, Отабек, Юсуфбек ҳожи, қутидор... Уларни биз фақат қаҳрамонлигию ватанпарварлиги ёхуд шунчаки яхши таассурот қодиргани учунгина севмаймиз. Бу миллий қаҳрамонлар ўзида кўп минг йиллик халқ руҳини асраб келаятган, миллий қиёфамизни сақлаб қололган руҳдон, тақдирдон, қиёфадонларимиздир.

---

<sup>1</sup> Маматов М. Миллий психологик қиёфа ва унинг хусусиятлари. Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 31-бет.

«Рус халқи билан ҳинд ўртасида қандай фарқ бўлса, - деб ёзганди В.Г.Белинский, - француз, немис, инглиз, италиян, швед, испанлар ўртасида ҳам худди шундай фарқ бор. Бу бир сознинг - инсоний руҳнинг торларидир. Бироқ катта-кичиклиги ҳар хил бўлган торлардир, ҳар бири ўзига хос, алоҳида оҳанг чиқарадиган торлардир. Шунинг учун бу торлардан тамомила уйғун садолар чиқади»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, шарқ халқларининг жуғрофий жойлашиши, яшаётган муҳити, иқлим, турмуш тарзи, урф-одатлари бир-бирига нечоғли яқин, уйғун бўлса, айни чоғда уларнинг руҳида ҳам бир сознинг турли торларидек ўзига хослик мавжуд. Бу ўзига хослик провардида халқларнинг тафаккур тарзи, таъли, характерини бир-биридан узоқлаштирадиган ўзига хослик бўлмай, аксинча, яқинлаштириб, уйғунлаштирувчи руҳий, маънавий маданий яқинликдир. Француз социал психологи Густав Лебон ҳар бир халқ аввадан инстинктив равишда берилган ўз руҳига эга, дейди. Ҳақиқатан, Шарқ халқларининг араб, форс, турк сингари миллатлари тариху тақдири, иқлими бир-бирига қанчалик яқин бўлмасин, аввалдан инстинктив равишда берилган ўз руҳлари»га эгадирлар. Бизда миллийлик масаласида гоҳо маҳдудона қарашлар ҳам учрайди: шўняна кийган эркек ёки оврупоча кийинган аёл ўзбек эмас, салла ўраган эркекгу лозимди аёл ўзбек. Ҳолбуки, моҳият нарса ёки воқеанинг ташқи кўринишида эмас, ботинида бўлади. Мисол учун ўзбек миллатига мансуб кишининг миллий моҳияти унинг тафаккур, идрок, тасаввур, таъб, характер, руҳининг қандай намоян бўлишида кўринади.

Бизда, умуман, Ўрта Осиё социологиясида ҳар бир халқнинг миллий психологик қиёсани ўрганиш борасида жуда кам ишлинган. Айниқса, тилшунос Маррнинг ҳамма миллатлар бирлашиб, ягона миллат вужудга келади, каби ғайриилмий, ғайритабиий таълимоти Сталин томонидан қўллаб-қувватланиб, «коммунизмда миллат бўлмайди» сингари қарашлар урчиган даврларда (1917-1980) миллий психологик қиёфани ўрганиш бизнинг мамлакатимизда деярли ривожланмади. Гарчи мазкур масалада айрим бир ишлар қилинган бўлса-да, улар тор, синфийлик

<sup>1</sup> Белинский В.Г. Таълиқланган асарлар. Тошкент: Ўздавиашр, 1956.

худудларидан чиқа олмади. Бу соҳа Оврупо ва Америкада анча илгарилаб кетди. Англияда инглиз тилида «Ҳозирги ирқ» номли журналнинг муттасил чиқиб туриши фикримизни қувватлайди.

Демак, биз бугун миллий психологик қиёфани қанча кўи, серкирра хусусиятларини ўргансак, шунча оз. Шу мақсад йўлида Фитрат драмалари қаҳрамонларининг миллий қиёфасини ўрганишга қўл урдик.

Фитрат яратган асарларнинг ғоявий-бадиий қудрати, фалсафаси ва латофати ҳам миллий психологик қиёфа яратиш маҳорати билан узвий боғлиқ. Улуғ драматург Шарқ халқлари ўтмиши, оғзаки ва ёзма адабиёти, урф-одати анъаналари тарихини жуда чуқур, тираи ҳис этган. Мазкур билимлар драматургининг миллий қиёфа яратишида қўл келган, дейиш мумкин. Чунки «бирор-бир жамиятти тўғри тасвирламоқ учун, аввало, унинг моҳиятини, унинг хусусиятини тушуноқ керак. Бунга эса жамиятни тутиб турган барча қоидаларни яхши билиб олиш ва уш фалсафий тарзда мушоҳада қилишдан бошқа йўл билан эришмоқ мумкин эмас» (В.Г.Белинский). Фитрат драмаларида қаҳрамонларнинг тирик характери яратилган, миллий психологик қиёфани, унинг таркибий қисми: миллий характер, расм-русум, татб, урф-одат, анъана, кечинмаларни ҳар бир миллатнинг ўзига ҳос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда гавдалантиради.

Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» драмасида инглиз жосуси Марлинг образи берилган. У тадбиркор, қирқ ўлчаб бир кесадиган, элимизча айтганда коса остидаги нимкосани фаҳмлайдиган киши. Марлинг образининг талқинидан кўринадик, Фитрат «жосуслик санъати»га ҳос бўлган аввалги (!) шартлардан бири - ўзга халқ психологиясини чуқур ўрганиш эканлигини англаган. Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ўткир ақл, нозик фаҳм, зеҳн, фаросат лозим. Марлинг мана шу хусусиятларга эга шахс. Унинг бош мақсади Ҳиндистонни яна бир неча йиллар (балки, асрлар) Англия мустамлакаси бўлиб қолиши учун курашиш, шу муқаддас кураш учун турли йўللار ахтариб топиш. Марлинг «юқори»дан тошшириқ олган: ҳинд ихтилолчиларидан бўлимиш Абдусуббуҳ Германияда ўқиб келган, сиёсатнинг қоронғуликларини тушунадиган, ўз халқи озодлиги йўлида



Ўлимдан қайтмайдиган йигит. Зобит-мустамлакачиларнинг миқсади қандай бўлмасин, Абдусуббухга ўхшаш босқинчилик сиёсатининг моҳияти, оқибатларини тушунадиган, «ўйинлари»ни англайдиган, қандай қилиб озодликка эришиш йўлларини биладиган зиёлиларни йўқотмоқ. Аммо бу осон эмас. Бунинг-чун энг осон йўл душманни ўз ичидан смирмоқ, «ҳийла, найранг санъати». Зобитларнинг зулми ҳид халқининг бўғзигача келганда ҳиднинг бир зиёлиси, айниқса, ихтилолчиларнинг сардорларидан бўлмиш Абдусуббухни йўқотмоқ (тўғридан-тўғри) улуснинг норозилигига сабаб бўлиши табиий. Бу оғир вазиятдан чиқишнинг йўлини инглиз босқинчиларининг вакили Марлинг нухта ўйлайди. Энг яхши йўл ҳидларнинг ўз ичларидан одам ёллаб, мансаб, пул бериб, алдаб бўлса-да орадан Абдусуббухни кўтариш. Бунинг учун Марлинг Афғонистон чегарасидаги Буири кўрғонининг бошлиғи Мавлоно Нуъмонни таълайди. Унинг олдига борганда Мавлонони тезроқ ўз тузоғига илиштириш-чун шарқона урф-одатни ўрнига қўяди: (Марлинг Мавлоно Нуъмонга ўзини танитгач)

**М а в л о н о.** Кўп яхши... хуш келибсиз. Бизга андай хизмат?

**М а р л и н г.** (Кўл чўнтағидан қоллари олтушли, ишжули бир қуръон чиқариб ўнгандан кейин) «Қуръони шариф». Войис Рой ҳазратлари сизга армуғои юбордилар. (Қуръон хурматиغا ирғиб турар. Марлинг ҳам Мавлононинг турганини кўргач, турар. Мавлоно қуръонни олиб, ўпиб кўзларига суртганидан кейин ўлтириб, қуръонни ястиғи устига қўяр. Марлинг ҳам ўтуруп).

Мухтасар диалогдан кўринаднки, Марлинг Мавлоно олдига келганга қадар у ҳақда анча маълумотлар тўплаб, урф-одат, эътиқодларини ўрганган. У бу тайёргарликлар билан чекланмай, суҳбатдошининг ҳар бир ҳаракатидан, ҳар дақиқа янги бир ўзига хосликларни ўрганиб ўзлаштириб боради. У ўз «санъати»ни даврий тарзда оширишга устаси фаранг. Шуининг учун Мавлононинг турганини кўргач, дарҳол Марлинг ҳам ўридан туради. Ва шарқона одоб билан: «Мавлоно ўтиргач ўтиради». Мавлоно Марлингнинг тузоғига осонликча тушавермагач, у инглизларнинг

босқинчилик сиёсати ҳинд халқини «маданий қилмак» учун экинчилигига ўзича «асос»лар излаб топади:

**М а р л и н г.** Биласизким, инглиз улусининг ҳиндга келганликлари ҳиндиларни етуштурмак, маданий қилмак учун эди.

**М а в л о н о** (кулумсаб). Биламиз!

**М а р л и н г.** Биз келмасдан бурун Ҳиндистон дин жанжаллари, мазҳаб гавғолари, қорин-қурсоқ урушлари билан тузғон эди.

**М а в л о н о.** Тўғри.

**М а р л и н г.** Бир мусулмон қурбон байраминда ҳўкиз сўйганда бутун ҳиндилар сизга қарши яроқланиб чиқар эдилар, бир ҳинду мусулмон намозига киргач, сиз уруш очар эдингиз.

Марлингни Мавлонога айтаётганлари мантиқан тўғри. Ҳиндлар ва мусулмонлар ўртасида тез-тез ўзаро миллий ва диний жанжаллар бўлиб турганини инкор этиб бўлмайди. Аммо инглизларнинг мустамлакачилик сиёсатини «маданий қилмаклик» дея оқлашларига асос бўлолмайди-да! Марлинг ҳам Мавлононинг анойи эмаслигини билади. Мавлоно Марлингнинг «асосли» сўзларини тинглаб, «кулимсираб» «биламиз» тасдиғини беришида киноявий маъно зоҳир. Мавлоно инглиз айғоқчисининг сўзлари қайси томон, қайси мақсад сари бораётганини яхши англайди, лекин ўртада манфаат, мансаб, мол-дунё сизгари манфур тушунчалар борлиги учун у ҳозир Марлингни тинглашга ўзини маҳкум этган. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас... Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас. Мавлононинг бу жоҳил, хоинона ҳаракатини униг ўз иродаси тайёрлаган. Мавлоно ўз танасидаги ҳирс, мансаб, шон-шухрат жиловини тугиб туришга қодир эмас. Бу тушунчалар Мавлоно назарида Ватан, миллат, эрқдан устун туради. Шундай бўлмаганда у Марлингнинг мунофиқона сўзларини тинглаб турмасди. Марлинг ҳам Мавлононинг иродасизлиги ва юқоридаги хислатларини билгани учун бошқанинг олдига эмас, айнан Мавлоно ҳузурига келади. Мавлоно Марлингнинг гапини тингларкан, ўз қиёфасини оча боради. Шунинг-ла инглиз жосусининг миллий психологияни қанчалик ўрганганлиги бир қадар ойдинлашади:

М а в л о н о. Тузук.

М а р л и н г. Бу жиҳатлар ҳинду билан мусулмонларнинг ўзаро, ҳиндуларнинг-да ўзаро қонли жайжаллари кўп эди.

М а в л о н о. Тузук.

М а р л и н г. Биз келгач, шул бузуқликларни тuzатдик! Жанжалларни кўтардик, маданий яшамак йўлларини кўрсатдик. Ҳиндуларни ўқутдик-да. Бу кун шодлик кўрамизки, ҳиндулар яшамоқ йўлларини билиб олмишлар, яшамоқ учун тайёрланмишлар. Биз Ҳиндустонни адолат билан олдик, адолат билан сақладик...

Аслида тамоман тескари сиёсатни оқлаш найранги инглиз жосуси қиёфасида янада ойдинлашади. Марлингнинг муддаси: мусулмон ва ҳиндулар ўртасидаги аввалги урушларни яна қўзғаб, оловига мой сениб, мустамлакани сақлаб қолиш. Ўзларининг машхур Юлий Цезарь замонида қолган «бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилавер» қабилидаги сиёсатига амал қилишдир.

Миллий психологияни ўрганиш халқлар тарихи, уларнинг ўзаро яқин ва айри жиҳатлари илмий тушуниш учунгина эмас, айни пайтда сиёсий мақсадлар учун ҳам ҳаминша «долзарб» бўлиб келган. «Миллий характери билиш, - деб ёзганди Х.Дейкер ва Н.Фрэйда ўзларининг «Миллий характер ва миллий стереотип» китобида, - аввало ҳақиқий ва яширин бўлган душманни билиб олишга ёрдам беради. Бундай ҳолда у муҳим қурол бўлиб хизмат қилади, яъни душманнинг бўш томонларини, хатти-ҳаракатларини, қизиқиш ва майлларини, хулқ-атворини ўрганиб олишни, улар устидан узил-кесил ғалаба қилишни осонлаштиради. Бошқача қилиб айтганда миллий характери ўрганиш психологик уруш қуролини ярата билишни билдиради»<sup>1</sup>.

Инглиз мустамлакачилари Осиё ва Африкадаги мамлакатларни, чор Россияси маъмурлари Туркистонни забт эттишаркан, талайгина ана шундай «психологик уруш қуроли» - миллий характер, ўзига хосликларни пухта ўзлаштирган эдилар. Ва бугун ҳам дунёнинг қайсидир бир бурчагида босқинчилик, эрксизлик мавжуд экан, у ерда

<sup>1</sup> Иқтибос М.Маматовнинг «Миллий психологик қиёфа ва унинг хусусиятлари» китобидан олинди. Қ.: Тошкент: Ўқитувчи, 1989.

психологик уруш илми кенг қўллашиб, «самарали» натижалар бермоқда. Фитрат бу каби мангум «психологик уруш»ларнинг моҳиятини 20-йиллардаёқ терея англаган, ўз драмалари, бадийи приёмлар воситасида ўзгаларни хушёрликка чақирмоқни виждоний бурчи деб билган. Афсуски, бу каби «психологик урушлар»дан хушёр этувчи асарлар етмиш йилдан ортиқроқ вақт мобайнида халқнинг кўзи, тафаккури, назаридан «сраб-авайланди».

Фитрат «Абулфайзхон» (1921) фожиясида ҳам миллий психологик қиёфадан жосуслик мақсадида фойдаланганлар образини яратди. Тарихий шахс Нодиршоҳ, Ҳаким бий иноқ шулар жумласидандир. Нодиршоҳ кўни уруш кўрган, оддий синоҳийликдан шохлик мартабасига эришган, ўта мураккаб умр йўлини босиб ўтган. Катта ҳаётий, ҳарбий, сиёсий тажрибага эга. У қандай бўлмасин ўз қўли остидаги еру мулкни кўпайтириш, ўзга элларни забт этиб, шон-шухратлар нчида янашни истайди. У Бухоро хонлигини босиб олмоқчи, буниинг-чун қулай пайт пойлайди. Аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон хукмронлигининг (1711-1747) сўнгги даври шундай бир ички зиддиятларга бой ўзаро феодал жанжаллар, қон тўкишлар кўпайган фиску фужур урчиган бир давр бўлдики, бу Нодир учун жуда улай эди. Ўта айёр Нодиршоҳ душманни ўз ичидан емириш сиёсатининг пири эди. Шунинг учун Ҳаким бий иноқни катта ваъдалар билан ўзига оғдириб олади. Абулфайзхон салтанатини ичдан емиришга асос топди.

Нодиршоҳ ўғли Ризоқулини ҳам юрт босиб олишнинг энг асосий шартларидан бири бўлмиш миллий психологияни ўрганиш воситасида «ўлканинг ўзидан дўстлар (айғоқчи-жосуслар демоқчи - И.Ф.) топмоқ фанини ўргатади.

Н о д и р ш о ҳ. Кўрдингму , ўғлим, ҳар ўлкани урушиб олмоқ сиёсат эмас,ғ. Уруш чораларнинг энг сўнггисидир. Бир ўлкани олмоқ учун энг яхши чора - шул ўлканинг ўзидан дўстлар топмоқ, шунларни ишлатмақдир...

Мирзо Мадхи Абулфайзхоннинг Нодир шоҳ олдиға яқинлашганини айтгач, шоҳ Ризоқули ва Алиқулиға шундай дейди: «Сиз ҳам чиқиб хонни қарши олингиз. Ўғлим, сен хонни кўргач, отдан қўниб, яёв бор. Қучоқлаб кўриш, йўлдошларига ҳам ҳурмат кўрсат». Ўғли Ризоқули ва саркардаси Алиқулиға бу сўзларни айтишға Нодир шоҳни

нима мажбур қилди? Ахир, Нодир ғолиб, Абулфайзхон унинг олдига бонг эгиб, таслим бўлиб келаётир-ку? Йўқ, Нодиршоҳнинг ғалабаси ҳали бу билан тугамайди. Ишнинг «позик томонлари» бор. Бухоро тахтига Чингиз ёки Ғўзхон наслидан бўлмаган кишини кўтариш мумкин эмас, Нодир шоҳ ўз одамини қўйса, удумни бузгани учун халойиқнинг нафрати, қаҳрига учраши табиий бир ҳол. Яна иккинчи томони: Бухорога тўнша-тўғри хужум қилса, кўп талофот кўради. Бухоронинг кўмакчиси бўлмиш Хоразм кўшини етиб келиши табиий. Шунинг учун Абулфайзхоннинг ўзи кўғирчоқ сифатида бўлса-да, тахтда қолиши энг маъқул чора. Абулфайзхон расман тахт ҳокими бўлса-да, давлат ишларини Нодир шоҳнинг жосуси Ҳаким бий ипоқ олиб бораверади. Нодиршоҳ ўзининг манфур режасини ниқоблаш учун ҳам ўғли ва Алиқулига Абулфайзхон ва унинг шерикларига ҳурмат кўрсатишни тайинлайди. Бу одир шоҳнинг шарқли бир киши бўлгани учун Абулфайзхонни ҳурмат ила кутиб олиши эмас, балки психологик урушларда тажриба орттирганининг «шарофатидир».

Нодир шоҳ ўз суҳбатдошлари Қози Низом, Хўжа Калон, Улфатларнинг сўзлариданоқ унинг ички дунёсини тезда англайди ва шунга муносиб муомала қилади. Нодир шоҳ ўзбекона андиша, суҳбатдошининг гапини охиригача тинглаш каби одоб қоидаларига қатъий амал қилиб, босиқлик билан муҳолифларини енгади. Нодиршоҳ Ҳаким бийга «Оталиқ, бу улуғларни бизга танитингиз» деркан, Ҳаким бийни бир қадар ўзига яқин олгани, унга ишонганини исботламоқчи бўлса, иккинчидан, Хўжа Калон вва қози Низомни «улуғлар» дейиш билан «ҳурматини жойига қўйиб», ўзига нисбатан хайрихоҳлик уйғотишга тиришади. Уларнинг эл ичидаги мавқеидан фойдаланиб, ўз манфаатларига хизмат қилдиришни ҳам бир дақиқа унутмайди. Ҳолбуки, Нодир шоҳ улар билан ғолибларча муомала қилса ҳам бўлар эди. Лекин ишнинг охири ўзи кутганчалик тез ҳал бўлмаслиги мумкин-да.

Миллий психологик қиёфа яратиш нафақат образлар талқинида, балки драмадаги ремаркаларга ҳам ҳосдир. Ремарканинг ўзиданоқ миллий манзаралар кўзга ташланиб, гап нима ҳақда боришига ишора қилинади. «Ҳар бир халқнинг миллий сирини унинг кийими ва таомида эмас, -

дейди В.Белинский, - балки унинг, масалан, нарсаларни тушуниш тариқида». Фитратнинг драматурглик маҳорати шундаки, у қаҳрамонларнинг кийими, ҳаракати, сўзлаш услуби муомаласидан тортиб, ички кечинмалари, тафаккур тарзигача миллий призмада қараб, тасвирларкан, у билан чекланмай, томошабин ёхуд ўқувчини ҳар бир деталь, тасвирдан фалсафий хулоса чиқаришга ундайди. У миллий тасвир ёки жиҳозлардан фақатгина колоритни бериш учунгина эмас, асарнинг бош концепциясини тيرانроқ англатиш, бош роляга тегишли моҳиятга шу нарсалар воситасида «тегиб» ўтишга тиришади. «Абулфайзхон» фожеасининг бошланғич ремаркаси шундай тугайди: «Ташқарида чолиниб турган чолғулар бир оздан кейин секинлашар, сўнгра битар». Юзаки қараганда бу воқеаларни тасвир этиш учун сахна безаги ва тасвирчанликни таъмин этувчи нарсасдек туюлади. Аммо шарқ кишиси куйнинг фалсафий моҳиятини ўзига хос - миллий тафаккур ва ҳис этиш қобилиятидан келиб чиқиб тушунади. Шарқ куйлари, айниқса, классик куйлар ғамгин, маҳзун. Ҳар бир кишини ўйлашга чорлайди. Бу куйларда халқнинг кўп минг йиллик дарду андуҳи, жангу жадаллар оқибатидаги уқубати, севинчу надомати, тафаккур қудратию латофати кўпилиб яхлит бир шарқона руҳий силсила яратган. Бу куйлар халқимиз руҳини ўзида тўла мужассам этолган. Драматург куйнинг секинлашиб битари воситасида томошабиннинг миллий руҳиятига таъсир этиб, уни ҳам фикрлашга, воқеаларнинг ич-моҳиятига тортаётир. Кўринадики, куй воситасида ҳам миллий ҳолат - қиёфа яратиш асарнинг бадий-фалсафий қудратига қудрат қўшаётир.

«Абулфайзхон»нинг иккинчи пардасида Эрон ҳукмдори Нодир шохнинг малайи Ҳаким бий иноқнинг уйи тасвир этилган: «...Терасиз эшиклари ташқарига очилгон бир уйнинг олдида узун бир суфа...» Бухорода бурунги вақтлар меҳмонхонада дераза бўлмай, унинг ўрнида икки табақали боғдодий нақшли эшиклар бўлган, ҳозир ҳам учрайди. Драматург яна давом этиб: «Суфа бўйинча узун бир қолин гилам ёйилгон. Кўркамлик кўрпалар тўшалгон. Тўрда пакана турли бир «кат» устинда ётоқ тайёрлангон. Ўртада б у ю к шамдонда шам ёнадир. Деворда бир қалқон, бир қилич, бирда «Жазоир» милтиғи осилгон...» Бу ёлғизгина воқеа

кечиши керак бўлган жойнинг тасвири эмас, балки миллий жиҳозлар воситасида қаҳрамоннинг руҳий ҳолига ишора қилиш ҳам. «Кўркамлик тўшалғон» кўрсаларни, «узун бир қолин»ни кўрган ўзбек ўқувчиси дарҳол қандайдир оддий эмас, «улуғроқ меҳмон кутилаётгани ва унинг ташрифидан Ҳаким бий иноқнинг ҳаракатига қараганда оталиққа қандайдир манфаатли томони борлиги ҳам сезилади. Чунки ўзбек томошабини меҳмон кутишнинг турфа қонун-қидалари, оддий ва позик қирраларини чуқурроқ англайди. Ҳақиқатан ҳам Ҳаким бий кутган меҳмон оддий эмас, Бухоронинг тақдирини ҳал этувчи Подиршоҳнинг боқинчилик сиёсатини ватаннинг ичида туриб қувватловчи жосуслар: Мир Вафо, Тоғайқули бек, Дониёл бий, Хўжа Калон.

Драманинг жанрий хусусияти шундаки, қаҳрамонлар ўз миллий-руҳий қисфаларини ўз ҳаракатлари, айтар сўзларию, ўзгалар билан муомаласида оча борадилар. Тўғри, ватанпарварлик, қаҳрамонлик, тadbиркорлик, мулоҳазакорлик жами миллатларга хос фазилат. Аммо унинг қай бир миллатда қай тарзда, қандай ҳолатда, қайси пайт юзага чиқиши ранг-баранг. Айтайлик, немисларда тadbиркорлик, аниқ режа асосидаги ҳаракатчанлик, ирландларда ўта эҳтирослилик, инглизларда мулоҳазакорлик, ўзбекларда очик кўнгиллилик, ҳозиржавоблик, қозоқларда камсуқумлик каби хислатлар бошқа миллатларга қараганда кўпроқ кўзга таълиқлади. Бинобарин, «Ҳинд ихтилолчилари»даги инглиз жосуси Марлинг, пўлис бошлиғи Укунар, мингбошилар Пунтар ва Порлинсунларнинг инглизларга хос мулоҳазакорлигини кузатиш мумкин. «Абулфайзхон»да Абулфайзхон қанчалик жоҳил, шубҳачи бўлмасин, бир қадар соддароқ, ишонувчан. Эрон шоҳи Нодир Абулфайзхонга қараганда анча мураккаброқ тип. Абулфайзхоннинг надим маслаҳатчиси Улфат қанчалик муғамбир, пихини ёрган бўлмасин, унинг табиатида ҳам оз бўлса-да соддаликка ўхшаш нарса «нимадир» бор. У Абулфайзхон билан Нодиршоҳ олдига борганда, Нодиршоҳга Абулфайзхонни чуқурроқ таништириш учун шундай дейди: «Шаҳаншоҳ ҳазратларининг муборак ҳузурларига келган хоқонимиз бир замонлар дунёни титратган Чингизхоннинг авлодидан

эрурлар. Туркистоннинг бутун хонлари, беклари хоқонимизга бўйинсунадилар...» Тўғри бу сўзлар билан Улфат Нодир шоҳга Чингиз ёким Ўғузхон авлодидан бўлмаган киши тахтни орзу қилмасин, Абулфайзхон уруш қилмаслик, Бухорони асраш учун сиз билан муроаа йўлини танлади, демоқчи. Лекин бир вақтлар дунёни тебратган Чингизхон авлодидан бўлган, Туркистоннинг ҳамма беклари бўйинсунувчи Абулфайзхон Нодиршоҳ олдига бўйин эгиб келиб турибди. Юқоридагидек сўзларнинг Улфат томонидан сўзланиши қанчалик фаросатсизлик, «ўлганнинг кунидан сўзлаш» бўлмасин, унинг феълдаги бир қадар соддаликдан ҳам далилдир.

«Ҳинд ихтилолчилари»даги қаҳрамонлар деярли ҳиндлар: Раҳимбахш, Дилнавоз, Лолахардиёл, Абдусуббуҳ, Бадрипат, Оромсингх, Родубиби. Биз ҳинд миллий психологиясини мукамал билмасак-да, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари, қиёфаларида кўпроқ туркийликка хос фазилатларни кўрамиз. Ҳинд қаландари Лолахардиёлнинг фикрлаш, мулоҳаза қилиш, суҳбатдошининг кўнглини сезгандек донишмандларча сўзлаш услуби туркона. У қаландар бўлиб Ҳиндистонни кўн кезгани учунгича эмас, Юсуфбек ҳожига ўхшаш кеса остидаги нимқосани фаҳмлаши, башоратомуз мулоҳазакорлиги учун туркий улусни эслатади. Бу билан Лолахардиёл образида ҳиндлик хусусияти мутлақо йўқ демоқчи эмасмиз. Унинг себги ҳақидаги Дилнавоз ва Раҳимбахшга очиқ сўзлашлари, ҳиндлар дардини чекишларида ўзи мансуб миллатнинг психологик қиёфасини чизиб учун ҳаракат қилишан. Драматург туркий бўлгани учун ҳам у қайси миллат ҳаётини тасвирламасин, ўзи мансуб миллатнинг «руҳи»дан чиқиб кетолмайди. Гоголь сўзлари билан айтганда, шоир ҳатто бутунлай бошқа ҳаётни тасвирлаб, лекин бу ҳаётга ўз м и л л и й ш а р о и т и к ў з и б и л а н, ў з х а л қ и к ў з и б и л а н қ а р а г а н д а ҳам, элатларга худди ўзидаги ҳиссиётлар ва гапирганда ҳам миллий шоирлигича қолавериш мумкин.

«Арслон» драмасида Фитрат лўлиларнинг тирик миллий характерини яратган. Лўлиларнинг тирикчилик йўлидаги айёрликлари, олдида турган одамнинг кўнглини тез «эрита» олиши ишонарли ифодаланган. Арслоннинг онаси



Турсунбиби оғир касал, ўлим тўшагида ётибди. Ўғли зиндонбанд этилган. Ёлғизгина ўғлини кўриб ўлиш - Турсунбибининг катта дарди. Унинг ёнида Ботурнинг онаси Норхола ва Тўлғунинг онаси Норхола кампирларгина қолган. Турсун бибининг оғир ахволини кўриб, қандай бўлса ҳам ўғли Арслон келганича уни омон сақлаш гамида кампирлар имомга югурадилар, ўқитадилар... Шу топда «кўча эшигидан бир дўли хотин кўлида таёқ, елкасида пон халтасини кўтариб кирадир». Фитрат дўлининг нутқини шундай равон, дўлиларга хос услубда берадики, драматургнинг дўлилар ҳаётини, улар психологиясини чуқур билгани яққол кўзга ташланади:

Д ў л и. Қани, яхшилар, Хайр қилинг, ким бор бу уйда! қани ёмон кўз тегмасин! Хайр қилсинлар, яхши бибилар! Баҳоваддин ёр бўлсин. Эски кўйлақлардан биттасини беринг бизга.

Дўлиларнинг тили ўзига хос ширин, озорсиз, ҳар қандай бегона кишида ҳам ўзига нисбатан шафқат уйғотадиған. Дўли уйга кириши билан «Ким бор бу уйда?» деркан, ҳали ҳовли эгасини кўрар-кўрмас «Қани, ёмон кўз тегмасин» дейди. Норхола ва Ойнуқсо холаларни кўрдикки, уларни оддийгина бибилар эмас, «яхши бибилар» деб лутф қилади. «Баҳоваддин ёр бўлсин» жумласи билан энди қаршисида турган аёлларни назр қилишга чорлайди. Чунки халқнинг Баҳоваддин Нақшбандга эътиқодини у яхши билади. Дўли миллий психологик қиёфасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у қаерга бормасин, ўша жойнинг урф-одатлари, эътиқодларини тезда ўзлаштириб олади. Бухорода Баҳоваддин Балогардон Нақшбанд помларини ҳурмат ила такрорлаган бўлса, Ҳиндистон бориб қолганда эди, албатта, сигир номини тилга олган бўлурди. Чунки ҳинд халқи сигирни муқаддас билиб унга сиғинади.

Дўли кампирларга қараб «Эски кўйлақлардан биттасини беринг, дуо қиламиз, яхши бибилар» дегач, Ойнуқсо холадан «биз ўзимиз камбаал кишилар» жавобини эшитгач, уларнинг кўнглини кўтариб, ўзига илтиш учун «ундай деманг, сизга нима бўлибдир. Қаранг, юзингиздан нур ёғилиб турадир...» деб ширинзабонлик қилади. Дўли ширин сўз усулини қўллаб улардан бир нарса ундиришга кўзи етмагач, фол очини ҳунарини ишга солади. Норхола билан Ойнуқсо хола

лўлининг фол очиниши ҳозир, шу онда истасалар-да, йўқчиликни андиша қилиб, унга пон бериб қайтармоқчи бўладилар. Лўли аёл уларнинг кўнглига йўл топишнинг навбатдаги «усуллар»ини қўлай бошлайди.

Л ў л и. Отингизни айтнинг, онажон!

Н о р х о л а. Норхоло.

Л ў л и (ўз кўлига гаширадир). Норхоланинг фоллари, ҳоли аҳволлари, бахтларч т ў қ б ў л с и н. Қ а й ғ у л а р и й ў қ б ў л с и н, Норхолани ҳафа кўрдим, оҳволларини сўрдим. ғойибингиз борми? Касалингиз борми? қайси биттасини кўрай?

Н о р х о л а. Икааласини ҳам кўринг.

Л ў л и. Иккаласини ҳам кўрдим. Иккаласини ҳам сўрдим, биттаси касал, биттаси ғойиб дейлар. Бир ёнгина одам кўринадир, бу ким? Юзи ойдек, қошлари ёйдек, кўзлари қора, сочи қора, й и г и т д е й м и қ и з д е й м и?

Н о р х о л а. Тошдингиз, менинг ўғлим бўлади р. Шун кўринг.

Л ў л и. Бу йигитнинг ранги ўчган, ўзи жуда ҳафа. Бир нарсани ўйлайдир, бир нарса учун қайуради, қайғуси бекор, бу йигитга давлат ёр, бахтида уч никоҳ бор, биттаси яқинда бўлади, тўй нарсалари тайёр.

Лўли бутун маҳоратини ишга солади. У Норхоланинг вазиятини - ўзини тутишини, ҳаяжоиланиши, қайғу аралаш унинг сўзларининг натижасига ошиқинидан унинг ҳолатига қараб «каромат» қилаверади. «Кўзлари қора, очи қора, йигит дейми, қиз дейми?» деб бир нафас Лўли тин олса, Норхола ховлиққани, ўғлининг тақдирини тезроқ билишга шонилганидан «тошдингиз, бу менинг ўғлим бўлади» деб кўбрганиши ўзи ҳам билмай қолади. Бу ерда, айтиш мумкинки. Лўли фол очишдан кўра руҳшуносга айланиб кетади. Бу йигитнинг ранги ўчган, деб Норхоланинг ҳолатидаги ўзгаришни кузатаркан, ўғлининг «жуда ҳафа», «Бир нарсани ўйлайди», «бир нарса учун қайғуриши»ни айта бошлайди. Ҳолбуки, «бу йигитнинг ранги ўчган» деган жумланинг ўзиданоқ кейинги сўзларга ҳожат қолмайди. Лўли руҳшуносликни маҳорат билан давом эттираркан, ўғли Ботурнинг қамоқдалигидан эзилган Норхола «Кўрсанг-чи, қачон келади?» деб қистанади Норхоланинг ўз оғзидан

ўглининг қасққадир кетганини уққан лўли «Фол»ни яна авж нуқтага кўтаради:

Л ў л и. Боя айтдим-ку, Йигит жуда хафя. Тезроқ сизнинг ёнингизга келмоқчи бўлиб турадир, бироқ бир-икки киши йўл қўймай турадилар. Йўли очиқдир. Бир кунда дейми, бир ҳафтада дейми, бир ойда дейми, бир йилда дейми, йигит келиб қоладир. Йўлга чиққан. Хайр қилинг, худойи қилинг.

Шунинг билан бирга Фитрат ўзбек аёлларига хос соддалик, ишонувчанлик хислатларини Норхола ва Ойпуқсолар мисолида кўрсата олган.

Бугун Фитрат ижодиётига ҳаққоний баҳо берини, асарларини қандай бўлса, шундайлигича талқин қилиш имконияти туғилди, шундай экан, айтиш мумкинки, Фитрат 20-30-йиллар оралиғида яратган барча асарларида ўзи яшаб турган, «сталинчиликнинг лаззати»ни тортаётган Чор Россияси истилосининг оқибатларидан зада ва янгица либосдаги босқинчиларга дуч келган Туркистоннинг ҳаққоний ҳаёти, кечмишини гоҳ мажозий, гоҳ киноявий бадий носиталар ёрдамида ҳаққоний тасвирлади. Драматургининг «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари» драмаси Туркистон тарихида муҳрланиб қолган қора кунларнинг ҳинд тимсолидаги яхлит картинаси. Биз бугунга қадар бу сўзларни ҳадиксираб, ниқоблабгина айтар эдик. Ҳолбуки, Фитратнинг руҳи қақшамасин, озор топмасин, номини тамоман оқлайлик, десак, адиб қандай ёзган бўлса, шундайлигича талқин этишга бурчлимиз. Фитрат яратган асарларнинг бадий-фалсафий қудрати ҳам унинг жуғрофий ҳудудлари кенлигидадир. Шоир айтмоқчи, «Қандай бўлсам, шундайлигимча қабул қилсин мени ҳалойиқ» (И.Субҳон).

## ФИТРАТ ДРАМАЛАРИНИНГ ТИЛИ ХУСУСИДА

Бадий адабиёт сўз санъатидир. Ижодкор сўзлар воситасида ҳаётини картиналар, характер, портрет, образ яратади. Шунинг учун ҳам тил бадий адабиётнинг биринчи ва асосий элементи ҳисобланади.

Абдурауф Фитрат ўз драмаларида миллий тилимизнинг етук билимдони, сўз илмининг нуқтадони сифатида намоён бўлади. Драмаларнинг тили бой, содда, ёрқин рангли.

таъсир кучи зўр, томошабиннинг қаҳрамонлар оламига тортиб кета оладиган кучдир. Драматург улкан бир баҳр бўлган халқ тилининг турли-туман инжуларидан фаол фойдаланади, сўзларга сеҳрли бир қудрат, жон бағинлайди. Шуниси характерлики, Фитрат драмалари янги ўзбек адабий тили эндигина шаклланаётган, ammo ҳали тугал бир қолинга тушмаган даврнинг маҳсулидир. Шунга қарамадан, драматургнинг тили жумуриятнинг барча шева ва диалект вакиллари учун деярли тушунарлидир. Бу асарларнинг таркибида биз мақолларни ҳам, бадий тасвирий воситаларни ҳам, арго ва жаргонларни ҳам, ҳикматнамо фикр-жумлаларни ҳам, «кўча тилини» ҳам шевага хос элементларни ҳам, лирик шеърарни ҳам, ҳатто табу сўзларни ҳам учратамизки, бу мазкур драмалар тилининг гоят серқатламлигини кўрсатувчи далилдир.

Драматург ҳар бир персонажнинг ўзига хос, такрорланмас нутқини, сўзлаш услубини ярата олган. Ҳар бир қатнашувчи ўз ёши, табақаси, касби-кори, характери мантикидан келиб чиқиб сўзлайди. Масалан, «Рўзалар» пьесасида Мулла Эр Боқий муридлари билан сўзлашганда диндор, ҳақиқий мулла-эшюн сифатида кўринишга ҳарикат қилади: «Рамазони шариф сиздан кетгандан сўнг тўннатўғри Мадинага боралар. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг мақбараларига бориб, салом бералар. Ҳазрати пайғамбар ҳол-аҳвол сўрагандан кейин «Қани буродар рамазон, менинг умматларим сизни қандай қарши олдилар, изъат-хурматингизни бажо келтирдиларми?» ва ҳ.к. Унинг асл қиёфаси эса хотини билан бўлган муомаласида намойиш бўлади. Маълумки, рўза тутиш фақат нафсни тийин эмас, балки тилни ҳар қандай сўз-гаплардан, дилни нафсоний ўй-хаёллардан тийин ҳамдир. Эр Боқий эса ўзини дин арбоби қилиб кўрсатса-да, оғзини овқатдан тиймагани каби тилини сўкинч сўзлардан асрамайди: «Сен падарингга лаянатни уришмоқ оз, уриб ўлдирмоқ керак. Шунча мойни бир ҳафтада қандай битирдинг? Итвачча!» Мулла Эр Боқий сингари имом, раис, қозининг нутқида ҳам жимжимадорлик, форсий-арабий жумлалар, иборалар кўп учрайди. Оддий халқ вакиллари Салима, Ниёзой, Ашурбоболар нутқида эса эзилганлик, мутелик, омилик, қўрқув сезилиб туради: А ну р б о б о (ҳолсиз). «Балойингизни олай... Тақсир... Касалим

жуда оғир... (ҳолсизча йўталади) Докторга бордим...  
Рўзангни емасанг... дори йўқ деди... Домладан сўрадим...  
Табиб айтганга еса бўлар (йўталади) дедилар...» Ёки: «Т у р  
с у н о и. Айланай, эшон ноччам бечора қизимга қийин  
бўлди-да. Касаллик бир ёқда, садақалари кетай рамазон бир  
ёқда».

«Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилолчилари»да лиризм жуда  
кучли. Ҳатто «Чип севиш»ни драматургининг ўзи «Ҳинд  
ихтилолчилари турмушиндан олингон ишқий-ҳиссий  
фюжиадир» дейди. Гўзал ишқий шеърлар, ғаной (лирик)  
монолог, диалоглар асарни безаб турибди. Драмалар  
реалистик метод асосида яратилган бўлса-а, Раҳимбахш,  
Дилшавоз, Зулайҳо, Нуриддинлар нутқида романтик  
кўтаринкилик уфуриб туради. Муаллиф қаҳрамонларнинг  
жозибасини оширини мақсадида атайин уларни шоирона  
сўзлатади: «Р а ҳ и м б а ҳ ш. Малаклар боғининг чечаги,  
чечаклар дунёсининг куши, кел, оёғинга тўкилгон шунча  
қонли юракни қўйиб, гулни терасан? Юртингда кесилиб  
тургон шунча ёзуқсиз бошни унутиб, чечаклар биланми  
дардлашасан?» Ёки яна бир мисол: «Нуриддин. Бояқиш  
қўш! қутинг ўчмиш, қип-қизил олов чечаги бўзган юзинг  
куз япроқларидек сарғайиб қолмиш. Мундайни умид  
тонгларинда кула-кула чиққандан кейин умидсизлик  
қороғуси остида сарғайиб ботишингни, билмам, нечанчи  
дафъаси бўлди». Апострофа (жонсиз предметга жонлидай  
мурожаат қилиш) намунаси бўлган бу монолог гўзал бир  
ғаной шеърга тенгдир. Ана шундай лирик йўналиш  
диалогларда ҳам балқиб туради:

З у л а й ҳ о. Қўёш биланми гапириша элингиз?

Н у р и д д и н (буюк бир юрак изтироби билан).  
Сизни кўрмагач ундан бошқа ким билан гаплашай?

З у л а й ҳ о. Шоирлик...

Н у р и д д и н. Ишқнинг энг яқин йўлдоши.

З у л а й ҳ о. Юрак ёнғинининг алангаси десак ҳам  
бўлади.

Н у р и д д и н. Шеърнинг нима эканлигини кўп яхши  
биласиз.

З у л а й ҳ о. Ишқни билганим каби. (бир-бирининг  
кўзига ошиқона қарарлар).

Н у р и д д и н. Оҳ, Зулайҳо...

З у л а й ҳ о. Оҳ, Нуриддин...

Н у р и д д и н. Буюр..!

З у л а й ҳ о. Кўкка боқ, қандай типик.

Н у р и д д и н. Менинг севгим каби.

З у л а й ҳ о. Кел, ернинг шу бўлгонин хавосиндан ўзимизни қутқарайлик. Иккимиз қўли-қўлга бериб учайлик-учайлик. Куёш эринмаган ерларгача юксалайлик!»

Драматург севишганларнинг ана шундай учрашувлари тасвири берилган автор ремаркаларида ҳам лириклик хукмрон.

Жамиятдаги турли табақа, синф, касб-кор, гуруҳ, сиёсий бирлашмалар вакиллари - Фитрат қахрамонлари. Драматург уларнинг ҳар бири мансуб бўлган табақа ёхуд гуруҳнинг сўзлаш манераси, лексик таркиби, ўзига хослигини мукамал ўрганган ва буни асарларида маҳорат билан қўлай билган. Масалан, «Арслон»да лўлининг фош кўрини сахнаси бунга ёрқин мисолдир.

«Арслон» драмасидаги имом - қўрқоқ, хотинбоз, фасод бир киши. Драматург имомнинг тилида хотинчалиш иборалар, гапларни қўллаш орқали унинг ички дунёсини оча боради. Имом ҳар икки гапнинг бирида «айланай» деб туради: «Ҳа, айланай, келдим, бир оз кеч қолдим чоғи?», «Ургулай, ойимхон, оқсоқолимиз хатми қуръон қилгон экан, бориб озгина қуръон ўқидим-да касал бўлдим, қолгонини уйда ўқийман, деб жавоб олиб келдим. Бой бобом йўқми?», «Ҳай садааштиз кетай, берирак келсангиз-чи. Жуда узоқ ўтирибсиз-ку», «Вой бадбахт, вой бадбахт. Садағангиз кетай. Мен шу қуруқ жонимни сизнинг йўлигизда қурганман. Дарров бориб бадбахтнинг жодусини ўзига қайтараман».

Биз юқорида Фитрат драмаларининг тили серқатламлигини таъкидлаб ўтган эдик. Чиндан-да драматург ҳаётнинг ҳақиқий, жонли картинасини яратиш учун ўзининг бор маҳоратини, лисоний билимини ишга солган. Муаллиф оддий халқ вакиллари тилда шевага хос сўз, жумла, содда, тўлиқсиз гап, мақолу маталларни қуюқ қўлласа, юқори табақа вакиллари тилида оҳангжама, арабча-форсча сўз-гап, диний ибора мўл-кўлдир. Маълумки, Бухоро амирлиги давлатида форс-тожик тили катта мавқеига эга бўлиб, кўпгина идоравий ёзув-чизув шу тилда бўлган. Фитрат ана шу тарихийликни сохталангирмаслик

учун «Арслон»да васиқа ва бойнинг ёзган хатини тожик тилида беради. Васиқа: «Фуруҳтам ба баъйи ботий, ба тотий шаръи чор таноб замини корамаи ҳақ ва мулки худамрожи...» ва ҳ.к. Фитрат асарларида фаранжи, даррав, кетир, замбар, саналат, бузов, ёбон, нучук, чойник, сандуқ, дастархон, моҳташ, хотингитна, жон ҳавли сингари Бухоро диалектига хос сўзлар, нишлаб турасиз, уйимни куйдирдинг, ош пишрмай кет, номаъқул қилибсан, катталиқ қилмоқ, шови пасайсин, ҳукми қўш, махсининг соғиси сингари жумла-ибора анчагина. Булар аҳрамонларнинг ҳаётийлиги, миллий колорити, асарнинг халқчиллигини таъминлаган.

Сўзлашув услубига хос хусусиятлардан яна бири инверсиядир. Закий тилшунос Фитрат халқ тилининг бу хусусиятини ҳам нозик фаҳмлаган. Ва ўз драмаларида ўрни-ўрни билан ишлатиб кетган: «Р а ҳ и м б а х ш. Шунчами ушоқ тушунисли сен?» (асл тартиби: Сен шунча оз тушунчалимисан?), «Арслон. Билмайдирми у» (у билмайдими?), «Раҳматулло. Кўп аҳши бўлди шуларнинг келишлари» (шуларнинг келишлари кўп аҳши бўлди) сингари. Бухороликлар сўзлашувига хос яна бир хусусият - нинг ўрнида -ни, -да ўрнида -га аффиксларининг қўлланишидир. Таҳлил қилинаётган пьесалар бухороликлар ҳаётидан бухоролик муаллиф томонидан ёзилгани учун ҳам уларда айни юрт кишилари нутқига хос хусусиятлар умумлаштирилган: «С а р в а р х о н. Сенинг каби юксак тушунчали бир шоирни (-нинг) ёвуз ёвларнинг зиндонларингда ётишинг кўмитамиз учун уятдир»; «Р а ҳ м а т у л л о. Қизни кўриб ганирдимми, юрагимни (-нинг) олови ортиб кетадир»; «С а р в а р х о н. Чин ўртоқлар кишини (-нинг) қайғуларини кўтариб, дардларини эмламак учун керакдирлар» ва ҳ.к.

Фитрат драмалари тилининг яна бир энг муҳим хусусияти - уларда бадий санъатларининг маҳорат билан қўлланганлигидадир. Аммо шунда ҳам драматург халқчиллик аъмолларидан чекинмайди - халқ севиб қўллайдиган ташбих, тазод, муболаға сингари бадий воситаларининг қаҳрамонлар нутқида ишлатади. Бундай ифода воситалари ўзининг содда, халқ турмушидан олинганлиги, ҳаммага тушунарлилиги билан характерлидир: «Р а ҳ и м б а х ш. Қуръон бетига ҳайвон оёғи тегмак нима эса, ҳинд қизининг

юзига инглиз кўзи тушмаги ҳам шудир» («Ҳинд ихтилолчилари»); «О р о м с и н г х. Золим йилонга ўхшайдир, оғзини сув билан ювганда ҳам оғуси кетмас» («Ҳинд ихтилолчилари»); «А р с л о н. Домла имомнинг туна кун эшакдан тушган тоғораси каби майда-майда бўлди» («Арслон»); «Нуриддин. Малак турган ерда шайтон юра олмоғонидек, сен юрган ерда инглиз туролмасин» («Чин севиш»), хусусан, халқона муболағалар жуда гўзал: «Онларга қарши тирноғимиз ча я, «дир», «Бу кун ўлкада ушларнинг юзларига қараб кулгувчи бир қиз эмас, бир ит ҳам тонилмайдир», «Қизни кўриб ганирдимми, юрагимни олови ортиб кетадир», «Кўмитамизнинг бу гўзал қарюрини виждон ёзғучи билан жон бетинда ёзармиз биз инқилобчилар».

Фитрат эпитетларни ҳам куюқ қўллайди: «уй-тушунча денгизда тўлиб қолган Раҳимбахш», «оёқлар остида қолиб эзилган эл виждонининг ярали лочинлари қичқирғони», «мазлум бир асабийлик», «инглиз қонли тирноғи».

Сўзлашув услубининг яна бир хусусияти унда мақоллардан серунум фойдаланишдир. Фитрат қаҳрамонлари тилида ҳам мақол, фразеологик ибораларнинг ҳам ана шундай ўринли ишлатилиши характерлидир: «Бурга учун кўрпани ўтга солмам», «ҳайвон тумшуги тегмасин деб чекакни оғилга тикмом», «эски ҳаммом, эски тос», «чумчукдан қўрққан тариқ эмас», «Қарга кўндирғоли бутоқ тополмайсан», «сичқоннинг ўлими, мушукнинг тўйи», «аз дўст як инюрат, аз мо басар давидан». Асарда халқ мақолларининг қўлланиши ҳам бадиий санъатдир. Бу усул ирсолу масал деб аталади. Бундай бадиий тасвир воситаларининг барчаси адабий асар тилининг эмоционаллигини таъминловчи фактор бўлиб, томошабинда айни қаҳрамонлар образини узоқ эслаб қолиш имкониятини туғдиради.

Драматик асар тилининг яна бир хусусияти унинг лаконик характерда бўлишидир. Қисқа ва ёрқин ифодали нутқ томошабини тез забт этади, унда антипатия ёки симпатия уйғотишга хизмат қилади. Айни пайтда лаконизм муаллифга қаҳрамонлар тилидан афоризмлар яратишга имкон туғдиради. Фитрат драмаларида ҳам нутқнинг лаконик характери талайгина иборатомуз ҳикматлар



яратинга асое бўлган: «тарбиясиз хотунлар улуснинг ўлими учун йўл очарлар. Тузик хотин кишилиқ боғчасининг гулидир. Гулни ҳайвондан сақламоқ тейиш. Бироқ унинг учун ерга кўммак эмас, ҳайвонни боғлаб қоймоқ керак», «ишнинг қулайини ахтармоқ ялқовликдир. Қулай ишдан буюк унум чиқмас. Буюк, унумли ишлар қулай-да бўлмас», «ўз кучига ишонмаган эл кураш майдонига киролмас. Кирса ҳам йиқилур. Ишонмаганлар ишонганларни енга олмаслар», «зулим мазлумларни бирлаштирмоқ учун энг буюк бир қуролдир», «булар сиёсий ишлар, бунда қоронғи ерлари кўн бўлур», «икки қўл қилгон ишни бир қўл қилтолмайди», «чин ўртоқлар кишининг қайуларини кўтариб, дардларини эмламак учун керакдирлар», «севги юракнинг хазинасидур, хазинани яширин сақламоқ тейишдур». Бундай афоризмлар, биринчидан, айни қаҳрамонларнинг закийлиги, чуқур фикрлилиги, донишмандлигини кўрсатса, иккинчи томондан, Фитратнинг ўз қарашларидир.

Энди Фитрат асарлари тилининг айрим грамматик хусусиятлари ҳақида.

Фитрат нъесалари 20-йилларда, ҳали янги ўзбек адабий тили тўлиқ шаклланмаган, бу масалага турли версиялар, мулоҳазалар ўртага ташланган, баҳсу мунозара, тортишувлар давом этаётган бир даврда яратилди. Шунинг учун, айтиш мумкинки, Фитрат мазкур драмалари билан янги адабий тил ҳақидаги ўз қарашлари, мулоҳазаларини ҳам ўртага ташлаган эди. Тил илмининг билимдони Абдурауф Фитрат имкон қиллар асл туркча сўзларни истеъмол доирасига тортишга ҳаракат қилади. Сўзларнинг «бизим, меним, эдиги (эканлиги), кўрмадигим (кўрмаганим), очдиги (очган), кўзготу (кўзгатувчи), севдигим, тўлғона (тўлган)» сингари формалари, дўст, ўртоқ ўрнида «ардош, орқадеш»нинг қўлланиши усмонли турк тилига яқиндир.

Шунингдек, 20-йилларда умумхалқ путқида актив қўлланган, оммага тушунарли бўлган қадах, гуноҳ, дастрўмол, даво сингари сўзлар мавжуд бўлгани ҳолда Фитрат уларни аёқ (оёқ). ёзуқ, ёғлиғ, эм каби асл туркий вариантларда қўллайди.

Маълумки, туркий тилининг қадим босқичларида сингармонизм, яъни сўздаги товушларнинг бир-бирига ва

Ўзакка кўшимчаларнинг қаттиқ-юмшоқлигига кўра уйғунлиги ҳодисаси мавжуд бўлган. Шунга кўра туркий тилдаги ҳар бир кўшимча бир неча энг камида икки: қаттиқ ва юмшоқ фонетик кўринишга эга бўлган. Аммо аста-секин сингармонизмнинг сушлашуни ва йўқола бориши натижасида бир ўзакнинг ўзига кўшимчаларнинг қаттиқ кўриниши ҳам, юмшоқ кўриниши ҳам кўшилиб келган. Фитрат асарларига ҳам ана шу ҳодиса кўшимчаларнинг икки хил кўринишда қўлланини хосдир. Чунки XX аср бошларига келиб «Кўшимчаларнинг юмшоқ ва жарангли товушли кўринишлари -га, -гап, -гунча ва бошқалар кенг тарқалади, уларнинг -ға, -ғап, -гунча каби қаттиқ кўринишларини ишлатиш услубий маъно ола бошлайди»<sup>1</sup>. Фитрат асарларида ҳам аффиксларнинг бундай формада қўлланиши услубий хусусиятга эга: «Турсун Раҳмат ўгли йигирма беш кун боқи бўлгон», «Тахсир ҳашарнинг ўзи ўттиз кун эди, йигирма кун бориб, беш кун қолгон эдим», «эшон, қозиға ҳам боргон эдими?», «бу «кофирнинг кучи бўлмаса инглизнинг пойтахтиға бомба ташларми?», «буюрғайсиз: кимсани ичкари қўймаснилар» ва ҳ.к.

Фитратда -ми -да юкламаларини қўллашда ҳам айрича усул кўзга ташланади. У барча ўринларда изчиллик билан ҳам юкламаси ўрнида

«-да»ни қўллайди: «Бўш сўзлар, халқни-да(ҳам), ўзимизни-да (ҳам) қайнатиб елрмиз», «шу ўксизнинг-да (ҳам) қутулиш кунини кўрсам», «мен ўлсам-да (ҳам) сендан айрилмайман» ва ҳ.к. Бундай қўллаш аксарият ҳолларда лирик асарларга хос бўлиб, Фитрат таъсирчанликни ошириш мақсадида атайин юкламалар синонимиясидан фойдаланади.

-ми сўроқ юкламаси эса одатдагидек гапнинг кесимида эмас, балки бошқа бирор бўлакка кўшилиб келган: «шунчами ушоқ тушунини сен?» (аслан: сен шунча ушоқ тушунини сан?), «шуларни-да инглизлар учунми қўйин?» (шуларни ҳам инглизлар учун қўйинми?), «шамолми едим?» (шамол едимми?), «яна бирор ёмон тушми кўрдилар?» (яна бирор ёмон туш кўрдиларми?) ва

<sup>1</sup> Незматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1992. 43-бет.

бонқа. Ҳар иккала алмаштириш ҳам услубий маънога эга бўлиб, ўна давр тили учун нормал ҳодиса эмас, чунки 20-йиллар ижодкорларининг барчаси учун бундай сўз қўллаш хос эмасдир.

Шунингдек, Фитрат драмалари тили учун «а», «у» ва «и», «я» ва «ё» алмашиниши ҳам хосдир: ялғуз, (тарихан «ялғуз» бўлган), боришго (боришга), сйсунлар (есишлар), сандуқ (сандиқ), пияла (пиёла), олданғучи, оромизда, ишонгон, қомалсалар, қулой мағташ, йўсуни, ястиқ, яввойилик, қони ва ҳ.к. Бундай алмаштириш, бизнингча, Ьухоро тожиклари шеvasи билан боғлиқ бўлса керак, чунки тожиклар ўзбекча сўзлаганда худди шундай талаффуз қиладилар. Бундан тапқари «айрим ҳолларда ҳозирги ўзбек тилидаги о фонемаси умумтуркий а га тўғри келади»<sup>1</sup>. Араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида ҳам бу товушлар фарқланмайди.

Фитратда диққатимизни тортган яна бир сўз «хидмат» сўзидир. Матълумки, тил-тил 3 туркий тилларда й, з, д, т, р товушлари билан алмашиниши мумкин. «Хизмат»нинг «хидмат» шакли ҳам худди ана шундай алмашиниш ҳосиласидир. XIV асрнинг иккинчи ярмидан кейиноқ «д»лашиниш йўқола бошлаган. Аммо Фитрат «хизмат» сўзига мувозий равишда унинг тарихий шаклидан ҳам фойдаланади. Бундай алмашиниш қолдиқлари ҳозир ҳам айрим сўзларда сақланган<sup>2</sup>.

Фитрат 20-йилларда янги ўзбек адабий тилининг асосчиларидан бири сифатида майдонга чиққан эди. Шу мақсадда у ўз драмаларида синонимлардан ҳам унумли фойдаланади: гаини узатма - чўзма, таъзир қилдингизми - чора кўрдингизми? («таъзир» сўзининг бу маъноси ҳозир фақат «таъзирини еди» ибораси таркибида сақланиб қолган), ихтилолчи - қутқарувчи, экинчилар - деҳқонлар, дардлашма - куй, мунгдон - ҳамдард, эрин - лаб, ушоқ - майда, тор, туташ фақат, нукул, тейиш - керак, лозим, кўпар - тутар, оёқлаштирмақ - кўзғатмоқ, йиғноқ - йиғин, чаңгироқ - кўнгироқ, очқуч - калит, тунглуқ - туйнук, бир кўп - кўнгина, урон - нарол, мағора - гор, суфра - дастурхон,

<sup>1</sup> Қ.: Ўна китоб, 35-бет.

<sup>2</sup> Қ.: Ўна китоб, 63-бет.

дўлоб - шкаф, мосо - стол, қатлама устал - йиғма кресло, илик - қўл... Бундай маънодош сўзлардан бугунги кунда ҳам фойдаланиш мумкин. Аммо айрим ўринларда драматург шундай сўзларни қўллайдики, (масалан, сивурғол, оҳсум, сойғи, ойилмоқ, сингирли, осиф, очикун, ожирғон, мосо, топоқ, тонук) уларни махсус луғатларсиз тушуниш мумкин эмас, драматик асар эса сахна учун мўлжаллангандир. Тамошабин бундай «жумбоқ» сўзларни луғатлардан ахтариб билиш имконидан узоқдадир. Шунинг учун драматик асар тили содда, ҳатто у тарихий мавзуда бўлса-да, тамошабинлар тез ҳазм қила оладиган тилда бўлиши фазилатдир.

Булардан ташқари Фитрат кўп ҳолларда олмошларни «бунлар, унлар, шунлар» каби ўзак ва қўшимча орасида бир «н» орттирилган тарзда, ўтган замон феълларини «бормайлар, келмайлар, блмайлар, каби -ди қўшимчасини тушириб, орттирма нисбатдаги айрим феълларни «Қайгуртдим, ўлдуртдим» каби шаклларда қўллайдики, бундай ҳоллар ҳам 20-йиллар тилшунослиги билан эмас, драматургнинг услуби билан изоҳланади.

Демак, Фитрат ўз драмалари орқали эндигина шаклланаётган ўзбек адабий тилига асл туркий сўзларни жонлантириб, қайта қўлаш назариясини илгари сурди ва амалда - асарлари мисолида асослади.

Драма тилининг серқатламлиги, эмоционаллиги, шираллиги, лиризмга бойлиги драматургнинг ўзига хос, айрича услуби ҳодисасидир.

Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон асарлари сингари Абдурауф Фитрат пьесалари ҳам янги ўзбек адабий тилининг шаклланишида пойдевор вазифасини ўтади.

## ФИТРАТ ДРАМАЛАРИНИНГ САҲНАГА ҚЎЙИЛИШ С А Н А Л А Р И

	Драма номлари	Саҳнага қўйилиш йили	Жойи	Режисёри
1	Або Муслим	1916	Тошкент	
		1917	Тошкент	
		1918	Самарқанд	
		1920	Самарқанд	
		1922	Тошкент	
2	Бегижон	1919	Бухоро	
		1921	Бухоро, Модарихон мадрасаси	Охундов
3	Чин севиш	1920	Тошкент	Уйгур
		1921 март	Тошкент К.Маркс тўдаси	-----
4	Ҳинд ихтилолчилари	1921	Тошкент	
		1922	Самарқанд	
		1924, 12.V.	Тошкент	
		1924, 29.X	Боку А.Хусайнзода ўтирган	
5	Арслон	1926, 25.II	Самарқанд	
		1927, 27.II	Тошкент	
6	Абулфайзхон	1926, 17.VI	Самарқанд	
		1929	Кўқон	
		1930	Кўқон	
		1990	Қашқадарё	Б.Назаров
		1991, 26.XII	Бухоро	У.Бақоев

## ФИТРАТ ВА ШАРҚ МУСИҚАСИ

### «Шашмақом» ҳайратлари

Шарқ мусиқаси, «Шашмақом»! Тинглаганда минг йиллик қайғу алам, дарду ҳасрат қонингда жунбушга келади. У - сўзда инкишоф толмаган Буюк Изтироб, боболаримиз маънавиятининг соҳир чечаклари. Бастакор Ўлмас Расул айтганидек, Шарқ мусиқаси ҳатто ҳайвонот руҳий дунёсига ҳам ўз ҳукмин: ўтказа олади. Балки, Фитрат тамбур чертганда унинг ноласи ҳаёлан мозийга етаклагандир. Бу чексиз афғон қайдин пайдо бўлди экан, деб куй ва тамбурнинг яратилиш сабабларини ўйлагандир. «Чўли ироқ» тинглаб муборак хотирасида Мовороуннахр халқи жонлангандир...: «Бир эмас, икки эмас, етти жаҳон урупини кўран халқ бу! Уни кимлар таламади! Ҳар бир талончи қўлидаги нонидан олдин - китобини, ичиб турган сувидан аввал - тамбурини, бошидаги дўпписи қолиб - қаламини тортиб олишга ҳаракат қилди. Нега? Чунки бу халқнинг буюклиги, муқаррар унинг маънавиятида эди» (И.Субҳон).

Булар - тафаккуримиз англай олган жиҳатлар. Фитрат англаганларни англаш, ҳис этиш учун адиб даражасида маънавият, тафаккурга эга ворис бўлмоқ лозим. Начора...

Буюк халқнинг маънавияти унинг тошдан ясаган асбобу қуролидан тортиб яратган куйингача ботиндир.

Абдурауф Фитрат ҳар бир соҳанинг ана шу ботиний қиррасини, фазилату ҳикматларини комил идрок этган. Хоҳ адабий меросга муносабат, хоҳ драматургия, мусиқангунослик бўлсин, ундан энг зарур ижтимоий-маърифий, маънавий-руҳий томонларни ажратиб олиб халқимизга тақдим эга олган. Зеро, ҳақиқий санъаткор турли тарихий давр, таълимот ва тақдирларни бир-бири билан мантиқий боғлай оладиган ва асар яратганда мажоз, бадий санъатлару турли тасвирий восита ёрдамида ўз жамиятида айтилиши мушкул ёки таъжиб этилган ғояларни ўқигувчига етказа оладиган шахсдир.

Абдурауф Фитрат шарқ мусиқаси тарихини ўрганиш ва тарғиб этишни инқилобдан сўнг бошлаб бериш билан мусиқашунослигимизда ўчмас из қолдирди. У Ўзбекистонда

биринчилардан бўлиб «Шашмақом»ни тўплаш ва нотага тушириш ишга киришди. Рус муסיқашуносли В.Успенскийга ўз ҳисобидан тилло баробарида пул бериб «Шашмақом»ни нотага олишдек хайрли ишда ташаббус кўрсатди. Фитратнинг фидокорлиги туфайли Бухорода янги Шарқ муסיқа мактаби очилди. Бухоро ҳукуматининг фармони билан 1921 йилнинг 10 августида Фитрат Шарқ муסיқа мактабининг директори қилиб тайинланди<sup>1</sup>. Улуғ зот бу мактабга ўз ҳовлисини берди. (Ҳозирги Бухоро шаҳрининг Дзержинский кўчасидаги 8-ҳовли. Шу кунларда шаҳар коммунал хўжалиги ётоқхонаси). Мазкур муסיқа мактабида домла Ҳалим Ибодов илмий мудар бўлиб, Шоҳназар Шаҳобов, Бобоқул Файзуллаевлар ўқитувчи бўлиб ишлаганлар. 101 ёшли Жалолхон Калонхоповнинг айтишларича, Фитрат Бухоронинг барча туманларидан истеъдодли ёшларни ўз атрофига тўплаган. Иқтидорларнинг бошини бир ерга қовуштириб, шарқ муסיқасининг ўзига хос бастакор сирри, жозибаси, тарихини ўрганган ҳам ўргатган. Фитратнинг Самарқандда, Хореография билим юртида дарс берганлиги унинг бу соҳани терандан англаганига гувоҳдир. Фитратнинг муסיқа сирларини ўрганишида бухоролик манхур ҳофизу бастакорлар Левича ҳофиз, Гавриэл Патак, Қутича Эл билан яқинлиги, Хўжа Абдулазиз ва Ота Фиёс билан ўзаро мулоқотлари анча қўл келганлиги, шубҳасиз.

«Аланга» жаридасининг 1928 йил 2-сонида Фитратнинг «Ўзбек муסיқаси тўғрисида» мақоласи босилган. Унда ўзбек муסיқаси «Бир муסיқаки, - деб ёзади Фитрат, - ёлғиз ўзининг классик қисмида уч юздан ортиқ куй сақлаган; бир муסיқаки, бу кун ўн бешга яқин чолғунинг эгасидир; бир муסיқаки, унинг текширишга лойиқ ўз пазарияси, усули бор; уни махтаганлар тўғри сўзлайлар». Шарқ муסיқасини бундан-да мухтасар ва мукаммал баҳолаш мумкинми?!

Фитрат 1926 йилда «Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи» китобини ёзди. Етмиш беш саҳифадан иборат, эски ўзбек ёзувида битилган китоб 1927 йилда Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан Самарқандда чоп этилди. Рисоланинг орқа муқовасида Ота Фиёс Абдуғаниевнинг (1854-1927) сурати бор. Китобнинг муқаддима қисми «Ўзбекларни

<sup>1</sup> ЦГА, УзССР, ф.56, оп.1, д.18, л.33.

Ўрганиш қўмитаси» томонидан ёзилган бўлиб, «Ўзбек муסיқасининг асосларини белгилаш, - дейилади унда, - ўзи таъкил этган унсурларни аниқлаш, кечирган даврларини, бутун сабаблари билан, очиқ тайин этиш ва натижада асосли илмий хулоса чиариш, ўзимиздан олим-муסיқашунослар этишгунча мумкин эмас. Шу билан баробар бизда олим-муסיқашунослар йўқ, деб миллий муסיқа соҳасида илмий ва тарихий татабуотга киришмасдан тура олмаймиз, мумкин бўлган даражада бу соҳада ишлаш, тўриланган ва ишланган маълумотларни матбуотда чиқариш лозимдир». Ҳақиқатан ҳам, тарихий меросга бир томонлама, вульгар социологик мўносabatлар анж олган бир даврда Фитрат томонидан «Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи»ни ёзилиши катта воқеа, жасоратдир. Бизнингча, бу асарнинг ёзилишига ўша даврда бир неча эҳтиёж сезилган. Биринчидан, 1921 йилда янги шарқ муסיқа мактаби таъкил этилиб, янги дарсликка зарурат туғилган (Гарчаид, Нажмиддин Кавкабий Бухорийнинг «Муסיқа ҳақида рисола», Абдурахмон Жомийнинг «Муסיқа рисоласи» ва шунга ўхшаш қадим китоблар кўп бўлса-да, янги давр болалари учун бир қадар содда ва сингл китобга эҳтиёж туғилганлиги табиий эди); иккинчидан, янги инқилобий ўзгаришлар даврида миллий онг масаласи бўлиб, миллий қадриятларни терандан ўрганиш, миллий психология, куй, шеърят, урф-одатлардан айри тушмаслик дарди; учинчидан, «Ўзбекларни ўрганиш қўмитаси» тўғри таъкидлаганидек «муסיқа назариясини билатурғон ва шарқ муסיқасининг хусусиятларидан воқиф муסיқашуносларнинг йўқлигидир».

Демак, Фитратнинг «Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи» китоби маданиятимизу маънавиятимиз тарихида, 1925 йили Москвада чоп этилган «Хоразм муסיқа тарихчаси»дан сўнг, ўчмас саҳифалар. Китоб икки фаслдан иборат бўлиб, биринчиси, «Шарқ муסיқаси», иккинчиси «Муסיқамиз тарихига бир қараш ёхуд Турк муסיқаси» деб номланган.



## ШАРҚ МУСИҚАСИ

«Бизда ғарб муסיқасига қарши, - деб ёзади Фитрат, - «Шарқ муסיқаси» деган сўз юрадир. Бугун бу сўздан англашилган маъно турк, араб, форс миллатларининг муסיқасидир». Дарҳақиқат, бу уч буюк миллатнинг тарихи ва тақдири бир-бирига шунчалар яқинки, улар яратган мерос, у қандай бўлмасин, бирининг иккинчисига, иккинчисининг учинчисига ё акс таъсири оқибатида юзаги келган. Шарқ муסיқасининг назарий асослари ҳам муштарак. Фитрат айтмоқчи, «хаммаси ўн икки мақом асоси узра юрадир. Хаммасининг бир кўп истелоҳлари, бир кўп усул доиралари бир хилдир». Лекин, шу билан бирга, тарих, тақдир, қанчалар яқин бўлмасин бу халқларнинг адабий, муסיқий мерослари орасида ҳам сезиларли фарқ мавжуд. Бу миллий онг, тафаккур, иқлиму табиатнинг ўзига хослигидан, аниқроғи, ҳар бир халқнинг ўз қадрияти, иқтидорининг бетакрорлигидандур. «Шундай бўлса ҳам услуб ёғидан қараганда турк, араб, форс муסיқалари орасида шунча айирма бордирким, бирини тинглаб юрган киши иккинчисини бошлаб эшитганда бир нарса англай олмай қолади». Фитрат Шарқ муסיқасининг ўзига хослигига шундай бир теранлик билан ёндашадики, нафақат икки миллат, балки бир миллатнинг турли уруғлари яратган муסיқий меросда ҳам айрича, айни замонда сирли қирралар мавжудлигини кузатади. «Бу услуб айирмаси, - деб ёзади у, - ёлғиз турк, араб, форс муסיқалари орасида бўлгани каби турклардан усмонли, озори, ўзбек муסיқалари орасида ҳам бордир. Ўзбек муסיқаси била озори муסיқаси орасида услубга бошқалиқ бўлгани каби, озори, усмонли муסיқаси орасида ҳам айрилиқ бордир. Бирок юқорида ёзганим каби бу бошқалиқ буларнинг «Шарқ муסיқаси» аталишига, хаммасининг бир турли назариявий асослар остига киришларига монъ бўлмайди».

Биз яқин кунларга қадар адабиётимизни исломдан айрича талқин қилишга уриндик, жумладан, муסיқамизни ҳам. Оқибатда ўз даврининг улуғу орифи ҳазрат Навоийни «динсиз»лаштирдик, классик адабий меросимизнинг ўзаги бўлган таъввуф фалсафасини «реакцион» таллимотга

айлантирдик. Хуллас, сўнги 75 йил ичида жуда кўп «атеистик хунарлар» кўрсатдик. Халқимиз орасидаги имон ва эътиқоди бут одамларгина бизни «ҳазрат Навоий коммунистик идеалларни куйлаб ўтганлар» деган ғайри илмий талқинлардан тийиб турдилар. Ҳолбуки, Фитрат асримиз бошидаёқ бу масалани ойдинлаштириб берганди: «Бизнинг адабиётимиз Шарқ - ислом адабиётига қандай боғланган, қандай муносабатли эса, мусиқамиз ҳам Шарқ-ислом мусиқаси билан шундай боғланган, шундай муносабатлидир». Бу, албатта, ҲІ асрдан сўнги давр адабий; мусиқий меросимизга тегишлидир. Унгача бўлган даврда мусиқа ва адабиётимизнинг ўз боши асоси ва услуби бўлганлиги шак-шубҳасиздир.

### «РОК» ҲИНДЧА «МАҚОМ» ДЕМАҚДИР»

Фитрат эски куйларимиз орасида «Рок», «Қатор саранг» номли куйлар борлигини таъкидлаб ёзади: «Рок» ҳиндча «Мақом» демақдир. «Саранг» эса ҳинд чолғуларидан биридир. Булар мусиқамизнинг кўп эскидан (ёлғиз) араб, эрон эмас) ҳатто ҳинд мусиқасидан таъсирланганлигини кўрсатадир». У Абдулқодир Мароғийнинг «Зубдатул адвор», Муаммад ибни Маҳмуднинг «Нафоис ул-фунун», Муаммад Фуод Кўпирлизоданинг «Миллий татаъбулар мажмуаси», Ҳофиз Дарвеш Али Чангийнинг «Тухфат ус-сурур», Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарларидек мўтабар манбаларни ўрганиб ўз ишида уларга таянади. У мақомдаги ҳар бир усулнинг позик назарий томонларини ипжа илғайди: «Сараҳбор» усули, бум-бак, бум-бакдир», «Сараҳбор» усули бутун усулларнинг онаси, аслидир. Эски «зарб ул-қадим» аталган «тан-тан» усули шу «Сараҳбор» усулининг худди ўзидир. Ундаги «бум-бак»нинг давом замони, эсон-осон бир кишининг юрак теприши (инсондаги без ҳаракати) қадардир». Ўз томирлари ва юрагининг ҳаракатини мусиқага сингдира олган халқ маънавиятининг буюкликига ким шак келтира олади? Ҳазрат Навоий ҳам Шарқ мусиқасининг қудратига таҳсин ўқиб «араб теvasи «Худий» лаҳна била бодия қатъида тез бўлур, булут бухтиси раът садосидин

соиқа ангез»<sup>1</sup> деганди. Яъни «Худий» куйидан арабнинг туяси ўз юришини тезлатади, худди булутлар карвони (туяси) сахро узра чақин садосидан ўз ҳаракатини тезлатгандек. Балким, булутларнинг оҳиста сузиши, чақин чақнаши, аробаю карвонларнинг юриш мароми қудуқдан тортилаётган сувнинг тўкилгандаги овози, чархнинг мунги, жувозининг оҳанги ота-боболаримиз яратган қайсидир классик куйларимизга замин бўлгандир?! Аруз турваю сирли бахрларининг латофатю зарифлиги шундандир?! Ҳар қалай дарё топиқини, шаршара «ғулуласи»ни куйга айлантира олган халқ улугдир.

### «НАЙ УНИ БИР ДИЛКАШ НАВО»

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»нинг мутриб ва муғаннийлар зикрида битмишлар: майхонада кимки майдий ибo қилғай, най уни дилкаш наво била ани расво қилғай. Агар киши май ҳавосин бошидин чиқорур, ғижжак мадди (чўзиқ) ноласи била анга ёлборур. Ва тапбур пардадаги фитнадин ҳалок этар ва офият пардасин чок этар ва чанг зорлиг била бўғзин тортар ва уд лисони нағмасининг тарғиби чашдин ҳам ортар. Андоқким, рубоб бошин ерга қўйиб ниёз кўргузгай ва кубуз қулоқ тутиб айнига тарғиб оҳангин тузгай. Чун қонун ва чағона (сапойил номли чолғу асбоби, 40 сантиметрча чўннинг ўртасини ёриб, темир халқалар ўтказиб ясалади - И.Ғ.) ноласи қулоққа тушгай ва маҳваши соқий юкиниб, май аёққа тушгай, ул вақт зухду тақвога не эътибор ва хушу хирадга не ихтиёр». Ҳазрат Навоийни ҳайратга солган мусиқа асбобларининг ноласи, бул зоти шарифнинг XX асрдаги халафлари бўлмиш Фитратни бетаъсир қолдириши мумкинми? Албатта, йўқ. Шундан бўлса керак, «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи»да Фитрат ўзбек мусиқасида қўланиладиган 24 усулдан ҳар бирининг фарли томонларини назарий асослаб, 15 чолғу асбобининг келиб чиқиш ва такомилга етиш тарихини мухтасар баён этган. «Фикримизча, - деб ёзади у, - биздаги чолғуларнинг ибтидоийси қўшнайдир. Бугун орадан чиқмоқ

<sup>1</sup> Навоий А. Асарлар. Ҳч беш жиддик. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, 14-том, 24-бет.

узрадир (20-йиллар). Жуда аниқ бир товуши бор. Икки қаминни ёнма-ён қўйиб боғлайдилар. Ҳар иккисининг ҳам бош томоиларидан кесиб «тил» чиқаридиларда, оғизга қўйиб пуфлайдириллар». Лйпиқса, танбур хусусидаги фикрлари қимматлидир: «Бурунги мусиқа китобларимиз «танбур» сўзини, «танбура» шаклида ёзадилар-да, аслида японча бир сўз эканини сўйлайдириллар. Бу чолғунинг чипдан-да япондан бизга келиб-келмаганини терандан текшириш мумкин бўладир. Бироқ бу чолғунинг шарқда жуда эски бир нарса экани маълумдир. Машҳур Носир Сайёрнинг Хуросон волийлиги замонида Хуросондан Шом шахрига «танбурлар, Барбарлар» истанилгани «Равзат ус-сафо»да хабар берилган. Ўрта Осиё халқлари орасида «Дўнбура» аталган бир чолғу бор. Тори иккитадир. Ўзи бу кунги бизнинг дуторимиздан кичкина, нардалари ҳам ушдан оздир. Танбур, Танбура, Дўнбура сўзларининг биргина сўз эканида шубҳа йўқдир. Маана шу маълумотта таяниб, эскидан борлиги хабар этилган Танбур-Танбуранинг бу кунги дўнбуранинг худди ўзи ё шуша яқин бир нарса эканига, яъни бу кунги бизнинг танбуримизнинг икки торли, ибтидий бир шакли бўлганига ҳукм этилса, янглиш бўлмайди. Ҳижрий ўнинчи асрда ўтган Ҳофиз Дарвиш Али Чанғий томонидан «танбурун» бурун замонларда икки торли бўлгани, сўнгралари Ҳусайн Бойқаро замонида Маҳмуд Шайбоний отли бир мусиқашуноснинг унга бир тор орттиргани» тўғрисида берилган хабар аса юқоридаги фикримизнинг кучини орттирган бўладир...» Шу билан бирга Фитрат ҳар бир мусиқа асбобининг уч томондан кўриниши суратларини ҳам берган.

## ТУРК МУСИҚАСИ

Шарқу ғарбни бир-бирига боғлаб турган Буюк ишак йўлининг қоқ ўртасида Турон мамлакати жойлашган эди. Унинг ўз бошли урф-одати, иқлим ва табиати, тафаккур тарзи ва маданияти, қадим дулбаржин ёзуви бор эди... Ҳозир ҳам бор, лек бир оз бошқачароқ. XIX асрнинг биринчи чорагида Чор Россиясининг Туркистонни истило этиш ҳаракати бу мамлакатнинг руҳий эгалари имон-эътиқоди бут шоир, мусиқачи, жамийки хур фикрли

зиёлиларни қатагон қилди. Агар араблар бостириб кирганда Қутайба битта эртақ биладиган чолгача қатл қилган бўлса, бу учинчи истило (иккинчиси - мўғилларнинг қатли-мои) олдингиларидан ошса ошдики, заррача кам бўлмади. 1917 йилда «инқилоб» ғалаба қилгач, таланган бу юрт янги тузум байроғи остида яна бир таланди. 20-30-40-йиллар сталинча қатагон даврининг энг «гуллаган» даври бўлди. Туркистоннинг рухий эгаларидан бўлиши Мунавварқори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Файзулла Хўжасв каби юзлаб улуг зотлар «миллатчилик ҳаракатлари учун» сўлдирилди. Турк сўзини ишлатган - «Пантуркист», эрон сўзини қўлаган - «панэрон»; худлас, «пан» деган «уивон» ва «зиёлиларми, зиёлилар?» шиори мамлакатнинг гули - хурфикрлиларни қатагон қилди.

«Турк мусиқаси» деб ёздимۇ хаёлимдан «Фитратни не тавқи лаънатлар билан хўрлаб, совуқ ва изғиринларда ақшатиб, маънап қашшоқ одамлар сўроқ қилганда, не орзуният билан ёзган 1926 йилдаги «Турк мусиқаси» сўзини ўзига сиртмоқ қилмаганмикалар? Нега энди айнан «Турк» ёздинг, нега бошқачамас?» деб ўз сўзларини дор қилмадилармикан? Ахир, қозоқ, ўзбек, қирғиз, турк, қорақалшоқ, уйур, туркман сингари дили, дини, қони бир бўлган ўнлаб халқни бир Турк отанинг фырзанди дейиш гуноҳми? Наҳот, ўз отасидан тондириш савоб бўлса?!» деган оғриқли саволлар кечди.

Абдурауф Фитратнинг ғурурини ҳеч қандай кўрқинч, дору сиртмоқ, тазйиқу таҳқир ўлдиролмади.

«Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китобида «Турк мусиқаси» фасли ўзига ҳос илмий-адабий услубда, назарий асосга эга тарзда ёритилган. «Араб истилосидан бурун, - деб ёзганди Фитрат, - Шарқдаги турли миллатлар орасида ҳеч бир турли олиш-бериш йўқ эди» демаймиз. Бор эди ҳамда кучлик эди (!) Бироқ бу олиш-бериш шаклидагина бўлар эди, «бирини ташлаб-бирини олиш» шаклида эмас эди.

Мана шу тубда бирлашган «Шарқ мусиқаларидан бурун, туркларда ўз бошли тамоиллари, ўз бошли назариялари билан турк мусиқаси борми эди? Бўлса, қай йўсинда эди? Бу бизга маълум эмас. Араб-ислом сиёсатининг

химмати билан (!) орадан йўқолган бир кўп миллий асарларимиз билан биргалашиб мусиқамиз ҳам чуқур кўмилган, биткан. Катта бир йўлдан ўтиб битган улуғ бир карвоннинг изи қолмайдирми?» Фитратнинг бул каби ўксишиб-ўртанишлари қуруқ даъво эмас, асосли. Исломга қадар ҳам туркийларнинг ўз маънавий-маданий бойликлари, ўз сиғинар каъбалари (Олтой уч минг йил шундай муқаддас жой бўлган) ёзма ёдгорлигию Кул тигин ва Билга қоондек ўғлонлари ёзиб қолдирган битик топшари бўлган. Унда ўзгаларнинг юртини талаш, маънавиятини топташ эмас, ўз қавминин асраш, ғанимга бўйин эгмаслик, имон-эътиқодли бўлишга қатъий даъватлар битилган. Абдурауф Фитрат ўз даврининг пуктадон, ғоятда зариф зиёлиси бўлганлиги учун ҳам халқимиз тарихининг ҳали биз ўрганишга улгурмаган қираларини ҳам ёритишга интилган эди. «Турк мусиқасининг бизда қолган энг бурунги ўзлари, - дейди Фитрат, - Бахши - ўзан-қўбуз сўзларидир. Бахши сўзининг бугунги маъноси эл «шоир-чолғучи»сидир. Эл орасида қўбуз ё дўйбирира чалиб дostonлар ўқиб юрган махсус кишилар - «шоир-чолғучилар» бор. Биз мана шуларга бахши деймиз, ҳолбуки, ҳижрий тўққиз юзинчи мўлжалда (Навоий замонида) бу сўз уйғурча ёзган котиб маъносида ишлатилар эди. Профессор Кўприлизоданинг Холақухон замонида ёзилгон «Зич илхон»дан кўчирганига кўра «бахшилар ҳар уч ойда уч кун парез тутиб ибодат қилалар на белгили емаклар ерлар» эмиш. (Фитрат мазкур парчани турк олими Муаммад Фуод Кўширлизоданинг «Миллий тататбулар мажмуаси»дан олган). Шу билан бирга Фитрат «Ўзан» ўғиз туркчасида бахши ўрнида қўлланилиши ва қўбуз қадим турк бахшиларининг чолғуси эканлигини таъкидлайди. У Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги «Қўбуз - чертиладиган уддир» сўзига асосланиб, қадим туркларнинг қўбузи бугунги қўбуздан бир қадар фарқли бўлган деган фикрини илгари суради. Бахшилар тўй, мотам каби умумий йиғинларда, ибодатларда ўрнига қараб, қўбузда қаҳрамонлик дostonлари, махтанишлар (фахрия), марсиялар ижро этинганини ёзади.

## «ТЎҚҚИЗ КЎК» НИМА?

Тўққиз сўзини эшитган кишининг хотирасига даставвал тўққиз қат осмон намоён бўлади. Чунки халқимиз уч, етти, тўққиз сонларини бир қадар сирлилаштириб, илоҳийлаштирган. Ва бунга эътиқод халқ орасида жуда катта. Улуғ сўфийлардан бири, ҳақиқий сайр қилиш фикрда бўлади, деган экан. Ҳақиқатан ҳам, тафаккуримиз сарҳадларига, ўтмишимизга «сайр» қилсак, кўнгина мўъжаз воқеа-ҳодисаларга дуч келамиз. Ана шундай мўъжаз ҳодисалардан бири исломгача бўлган мусиқамиз таркибида «Тўққиз Кўк» номи билан машҳур мақомларнинг учрашидир. Фитрат «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи»да ёзади: «Усмонийли мусиқашунослардан Раиф Йактабекнинг мароғали Хўжа Абдулқодирдан («Зубдатул адвор»нинг муаллифи) кўчириб ёзганига кўра турк (ўзбек)ларда учта «усул доираси» бор эмиш.

Турклар бутун куйларни, ашулаларни шул уч «усул доираси» узра ижро қилар эмишлар. Буларга Кўклар демишлар. (Бугунги куй билан муносабати борми?)

Хитойда 360 Кўк бор эмиш. Турк хоқонининг мажлисларида бу 360 Кўкнинг ҳар бири кунда чалиниб, бир йилда тамом бўлар эмиш. Бу 360 Кўкнинг буюги, асоси - тўққиз Кўк эмиш. Буларнинг ўзлари «Улуғ Кўк», «Аслон чон», «Нуре», «Кулолу», «Кутатку», «Буристорга», «Жонтой», «Холиқсой», «Шойдоқ» эмиш. Фитрат ўз фикрини асослаш учун Алишер Навоийнинг «Мезонул-авзон»идан «Ё тўғон бирла «Улуғ» йирини туз» мисраларини олиб «Ё тўғон» исмли бир чолғу билан «Ўлук» исмли бир йир (татарча жир, бизча куй)нинг Навоий замонида борлиги англашилади. «Ўлук» йирнинг юқоридаги «Ўлук Кўк» ё унинг бир бўлагини эканида шубҳа йўқдир», - дейди. Мен мусиқашунос эмасман, аммо, менимча, Фитратнинг кузатишларида даъводан кўра ҳақиқат серобдир.

Мақсад - туркларнинг ўз бошли назариялари, ўз мусиқалари, «Тўққиз Кўк»дек мустақил мақомлари бўлган. «Кўкларнинг терандан ўрганилиши Шарқ мусиқасидан хабардор кишиларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Бизнинг бу кунгача «Кўк»лардан беҳабарлигимиз эса «Ўзбекларда ўрганиш қўмитаси» 1926 йилда таъкидлаганидек, Турк

мусиқа назариясини биладиган «хусусиятларга воқиф»  
мусиқашуносларнинг йўқлигидир».

## «ТУРК» ОТЛИ БИР КУЙ ҲАМ БОР ЭМИШ...»

«Навоийнинг айтишига кўра, - дейди Фитрат, - «Турк» отли бир куй ҳам бор эмиш. Навоий каби туйғуси «эронизм»и билан тарбияланиб нозиклашган бу санъаткор «Турк» куйини «ғоятдин ташқари дилназир ва руҳафзо деб махтайдир». У мазкур куйнинг муסיқамиздан Насруллоий куйининг авж қисмида борлигини ёзаркан, «жуда ёниқ, жуда таъсирли» дейди.

Ҳақиқатан ҳам, Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарида ёзилишича, XIV-XV асрларда машҳур халқ кўшиқларининг бири «Туркий» деб аталган. Ҳазрат Навоий ҳатто шу куйга ижро этиладиган халқ кўшиғини ҳам келтириб, унинг қайси вазнга мос келишигача кўрсатган: «...туркигўйлик лақаби билан машҳурдир ва ул доғи рамали мусаммани мақсур вазнида воқеъдур, андоқ ким байт:

*Эй саодат матлаъи ул орази моҳинг сенинг,  
Аҳли бийини қиблагоҳи хоки даргоҳинг санинг.  
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон».*

Кейинги давр муסיқа оламида шу иарса ҳам маълум бўлдики, халқнинг уч қисмдан иборат куйи ҳам «Турк» деб аталаркан, Фикримизга Ўзбек Совет қомусида берилган мухтасар маълумот далил бўла олади: «Турк - 1) ўтмиш муסיқа рисолаларида муайян оҳанг тизилмалари, доира усуллари. Абдурахмон Жомий ўзининг муסיқа рисоласида Турк усулларидан тўрт хилини келтирган: Туркий асли жаид, Туркий асли қадим, Туркий ҳафиф ва Туркий сариъ. Улар шаклан бир-биридан фарқ қилади. Кавкабий ва Дарвишали Чангийнинг рисолаларида Турк усулининг даври Туркий деб номланувчи хилигина келтирилган. Бошқа манбаларда Турк зарб, Туркий зарб деб ҳам аталади.

2) Уч қисмдан иборат халқ куйи. Унинг биринчи қисми Чанандоз (Насруллоий), 2-си Уфар, 3-қисми қашқарча усулида ижро этилади...



3) машхур авжлардан бири. Авжи Турк, Туркий авж деб ҳам юритилади. Шашмақом ашула йўлларида, йирик шаклдаги халқ куй ва ашулаларида кўплаб учрайди... «Туркий»нинг куй тузилиши мураккаб, у ёқимли, ўта лирик кайфиятлар бахш этади. Шашмақомда Бузрук мақомининг Насруллоҳи, Савти Сарвиноз (5 қисмли) шўъбаларида, Навонинг Савти Наво (5 қисмли), Сегоҳнинг Наврўзи Хоро, Муғилчаи Сегоҳ шўъбалари ва Фигон-1,-2, Ним чўпоний қисмлари ва бошқаларда учрайди<sup>1</sup>. Қомусда ёзилишича, самарқандлик машхур бастакор Ҳожи Абдулазиз «Гулузорим», Каримқулбек «Каримқулбеги», Ризқи Ражабой «Овораман», «Яшасун», К.Ҳабборов «Этмасмиди» куйларини яратганда Турк авжидан унумли фойдаланганлар.

Кўринадики, Фитрат Турк мусиқасининг асослари ва Турк куйининг мавжудлиги тарихий-мусиқий асарлар асосида исботлаган. Шунинг билан бирга Турк арузи, халқ куйлари тарихини терандан ўрганар экан, юрагини ўгли армон ўртаган: «Навойнинг юқоридаги қимматли маълумотини (яъни «Туркий» куйининг борлиги) ўқиғондан кейин «кошки шул араб арузини ёзганингиз жойида турк вази, турк мусиқаси тўғрисида китоблар ёзса эдингиз» демакдан ўзимизни сақлай олмаймиз...!» Фитратнинг бу фикрига шар эмас, ёлғиз ҳамдардликкина керак. Дарҳақиқат, Турк авжи «роятдин ташқари дилписанд ва руҳафзо».

## УЛУҒБЕК – МУСИҚА ОЛИМИ

Улуғ Амир Темур ўз тузукларида агар хунар-санъат ва маърифат аҳлиларидан бўлса, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин, деб ёзади. Тарих гувоҳки, темурий подшоларнинг аксарияти шоир, мусиқачи ёхуд шоиртаъб шахслар бўлган. Темур маърифат аҳлини бениҳоя қадрлаган. Темур ҳукмронлиги йилларида санъат аҳлини ўз давлатига қарашли ўлкалар Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон, Хуросону Журжон, Мозандарону Сийистон, ғарбий Эрону Озарбайжон, Ироқу Арманистондан ўз саройи

<sup>1</sup> Ўзбек Сов т қомуси. 14 томлик. Тошкент: ЎзСД Бопи редакцияси, 1976. 11-жидд. 364-аҳифа.

атрофига тўплашга ҳаракат қилган. Бунинг сабабларини теран англаган Фитрат, «Темур қайси ўлкани босиб олса, - деб ёзади «Турк мусиқаси» фаслида, - ундаги буюк алломалар, катта уста, улуғ шоирлар, улкан санъаткорларни Самарқандга келтирар эди. Шу йўл билан ўзининг пойтахтини дунёнинг энг буюк шаҳри қилишга тиришар эди; «Зубдат ул-адвор», «Макосид ул-алхон» исмли мусиқа китобларини ёзган мароғали Абдулқодир «Мароғий» билан «Шарафия» исмли мусиқа китоби ёзган урумийлик Сайфиддин Абдулмуминга ўхшаган улуғ мусиқа устаслари ҳам шул келтирилганлар қаторида эдилар». Мусиқашунослигимиз тарихидан маълумки, Темур даврида яшаб ижод қилган чолғувчилар ҳозирги мумтоз мусиқамизнинг такомилга буюк ҳисса қўшганлар. Фитрат Ҳофиз Дарвишали Чаңғийнинг «Тухфат ул-сурур» асарида «Улуғбек мирзонинг ўзи ҳам мусиқа олимларидан саналган»ини таъкидлар экаш, XIY-XV асрда яшаб ижод қилган, мерослари бизга қадар тўла етиб кетмаган мусиқа олимларининг номи ва асарларини келтиради: «Темур болалари замонида қонунчи Дарвиш Аҳмадий (Самарқанд), найчи Султон Аҳмар (Самарқанд) туркча-форсча девон билан мусиқада бир рисола эгаси бўлган. Қорақуллик Ҳисомий мусиқада бир китобча ёзган. Хоразмлик Абулвафо табиб ҳам мусиқа олими бўлган. Балхлик Мавлоно Соҳиб ўз замонасида атоқли бастакорлардан саналган шахрисабзлик Абулбарака каби кишилар етишиб мусиқамиз учун хизмат қилдилар. Нағорачи ҳам шоир бўлган қадимий, Навоийнинг мусиқа муаллими Хўжа Бурҳон, Навоийнинг тоғаси Муҳаммад Али Ғарибийлар ҳам шул замоннинг мапхур мусиқашуносларидан эдилар. «Демак, темурий ҳукмдорлар санъат маърифат аҳлини қўллаб-қувватлаган экан, биринчи навбатда улуғ боболарининг одатига амал қилганлар. Амир Темур ўз тузукларида фарзанд ва набираларига қарата «...поқ ниятли, тоза қалбли кишилар билан бирга бўлдим... Одам Атодан бошлаб Ҳотамгача, Ҳотамдан ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонун ва туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари ва маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим» дейди. Юз йилдан ортиқроқким, Темурни ҳақоратламаган бир қарич бола ҳам қолмади. Ҳақорату

тахқирлашда ким ўзарга ёстиқдек «илмий» китоблар ёзилди. Темурни тахқирлаш кўнлар учун яшаш манбаига, пон тошишга айланди. Темурийлар даври тарихда шундай бир мураккаб ва айни замонда нурли бир чорраҳаки, у томонга юз бурган одам нафақат «шафқатсиз жаҳонгир»ни, балки ўз налнаҳди Халил Султоннинг жуфти халоли бўла туриб Шодимулкни яширишча никоҳига олгани учун, тахт вориси бўлишдан воз кечган, оталик туйғусидан ҳам ҳақиқат ҳам адолатни балаид кўйган Темурни кўради.

## ЧИҒАТОЙ МУСИҚАСИНИНГ ОЛТИН ДАВРИ

Амир Темурнинг вафотидан сўнг темурийлар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар авж олган. XV асрнинг 40-йилларида, аниқроғи, Улуғбек ибн Шохруҳ (1447-49) ҳукмронлиги даврида ўлкада бузғунчиликлар кўнайди. Фитрат сўзлари билан айташда, бу бузғунчиликлар «Улуғбекнинг ўлими билан натижаланди». Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф (1449-50) падаркушлик билан тахтни олгач, унинг шохлиги узоққа ўзилмади. «Мана шу тескаричиликдан сўнг, деб ёзади Фитрат «Турк мусиқаси» фиаслида. - «ўзал санъатлар маркази Самарқанддан Ҳиротга кўчирилади. Хусайн Бойқаро ҳам Алишер Навоийнинг ҳимоятлари остида чағатой (ўзбек) адабиёти, чигатой мусиқасининг «Олтин даври» Ҳиротда кўрила бошлайди. Ҳиротда Хусайн Бойқаро теғрасидаги мусиқа устодларидан сўзлаганда бошлаб Навоийдан гапиршни кадршунослар юзасидан лозим, деб биламиз». Фитрат Алишер Навоийнинг санъат аҳлига гамхўрлик қилганларини ёзаркан, улуғ бобомизнинг ўзлари ҳам мусиқа илмидан хабардор бўлганликлари ва куй басталлаганликларини ички бир фахр билан таъкидлайди: «Мусиқанинг назарий-амалий ёқларидан (Навоий) яхши билар эди. Бобурмирзо ўзининг машхур асарида («Бобурнома») Навоийнинг асарларини санар экан, «яна мусиқада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур» деб, ўз замонининг истилоҳи: «(XV аср) ашула-куйларга «нақш», ашуласиз куйларга «пешрав» дер эканлар. Навоийнинг уста бир санъаткор бўлганлигини кўрсатадир». Ҳақиқатан ҳам, Алишер Навоийнинг ўзлари Хўжа Юсуф Бурҳондан мусиқа илминини

ўрғанганлар. Бу ҳақда ҳазрат Навоийнинг ўзлари шундай ёзадилар: «Ҳожа Юсуф Бурҳон - «... Ва жамаи аҳли туркнинг соҳиб тарийқи эрди. Ва мусиқий илмин ҳам яхши билур эрди ва фақир мусиқий фанида анинг шоғирдимен. Кўпроқ ўз шеърига мусиқий боғлар эрди»<sup>1</sup>. Ҳатто Ҳусайн Бойқаро ҳам мусиқий илм бобида махсус таълим кўрган подшоладандир. Оддий табибидан подшосига қадар мусиқанинг амалий-назарий томонларини билган улуснинг маърифат байроғи балеандир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»сида Алишер Навоийнинг бевосита тарбиятида улғулик мартабасига эришганларни санаркан, «аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Бехзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимол била мундоқ машҳур маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайр ким ул (Навоий) қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай»<sup>2</sup> деб ёзади. Навоийнинг мусиқатаъблигини исботловчи кўпгина далиллар келтириш мумкин, шулардан бири, Алишер Навоийнинг Бинойидан мусиқа ўрганишни талаб қилганлигидир: «Бурушлар мусиқийдан беҳабар экандур, бу жиҳаттин Алишербек (Бинойини) таън қилур экандур. Бир йил Мирзо Марвга қинлай борганда - Алишербек ҳам борур. Бинойи Ҳирийда қолур. Ул киши мусиқа машқ қилур, ёзгача онча бўлурким, ишлар боғлар. Ёз мирзо Ҳирий келганда тавр ишлар боғлабтур, ул жумладин бир нақши (куйи) бор, нуҳрангга мавсум. Бу тўққиз рангнинг туганиши ва нақшнинг майлос растадур»<sup>3</sup>. Бинойидек улғу шоир Алишер Навоийнинг «бир таън»и билан мусиқани ўрганибгина қолмай, куйлар ҳам басталаган экан. Демак, Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳимоятлари остида чигатой (ўзбек) адабиёти ва мусиқаси ўзининг юксак бир нуқтасига кўтарилган.

<sup>1</sup> Навоий А. Танланган асарлар. 15 томлик. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966. 12-жилд. 50-бет.

<sup>2</sup> Бобур. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1989, 154-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 162-бет.

## «ҚАРИ НАВО»МИ «ҚАРИ НАВОИЙ»?

Навоийнинг замондоши бўлган Жомийдан қолган «Нақши мулла» (Эшонларнинг хонақоҳларида ўқитиладиган бир куй - Фитрат изоҳи) бу кунгача сақланилган экан, Навоийнинг, ҳатто Бобур каби ҳар нарсани ёқтурмаган бир санъатшунос томонидан мақтанилган куйлар сақлашмадими? Бу Фитратни чуқур ўйга толдирган саволлардан бири. Ҳақиқатда мусиқий илмида ўз замонасининг энг илгор мусиқашуноси бўлган Хожиги Юсуф Бурҳоннинг «мусиқий фанида анинг шогирдимен» деган, дostonлари, насрий асарларида мусиқа ва мусиқашуносларни кўн улуғлаган Навоий наҳотки куй басталамаган бўлса? Шу дардли сўроқ билан излашиб мусиқий меросимиз орасида «Қари Наво», «Қари Навоий», «Қаддий Навоий», «Навоий» номлари билан машҳур бўлган куйлар борлигини аниқлайди ва қайси бир номланиш аслигини ойдинлаштиришга ҳаракат қилади. 1925 йил Москвада чоп этилган «Хоразм мусиқа тарихчаси»да «Навоий куйи ҳақида маълумот борлиги ва шу рисоланинг ўзга бир ерида мазкур куй «Қаддий Навоий» деб ёзилганлиги учрайди. Унда ёзилишича, бу куй Хоразмда қадимдан ўзбек дуторчилари томонидан ижро этилиб, келинаётганлиги ҳам таъкидланган экан. Аммо Фитрат бу куйнинг Хоразмда басталанганлигига шубҳа билдиради: «Чунки куйнинг эскидан бери Бухорода чалиниб турганлиги ҳам маълум. Ҳатто унинг Навоий асари бўлгани ҳам сўйланмақдир. Эшитганимизга кўра Фарғонада ҳам «Қари Навоий» номли эски бир куй бор. Тошкент мусиқачилари бу куйни «Қари Наво» дейлар. Бироқ бу исм янглицидир. Улар шу «Қари Навоий» номини бузиб олганлар». Шундай қилиб, бу куйнинг Навоий томонидан басталанганлиги эҳтимоли Фитратда кучайди ва «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китобида «Қари Навоий» куйининг нотасини келтиради. Фитрат ўзбек классик мусиқасининг ХХ асрдаги ширларидан бўлмиш Ота Жалол билан жуда яқин маслақдош бўлган ва ўзининг таъкидича, Ота Жалол «Сегоҳ» мақомидаги «Савт» шўъбачасини 1922 йили Фитратнинг таъшиқи билан басталаган. Ҳар қалай, Шарқ мумтоз мусиқа ва мусиқашунослари, мусиқа асбоблари, адабиёту маданияти тарихини зукко билган, Самарқандда

Хорсография ва Бухорода янги Шарқ мусиқа мактабида дарс берган Фитратнинг ўзи ҳам бирор куй басталаган, деган фикрдамиз. Бу - бугунча аҳтимол, умид...

Демак, «Қари Наво» эмас, «Қари Навоий» ҳўбдур.

## КАВКАБИЙ ВА ЭРОН ШОҲИ ТАҲМОСИБ

ХҲI асрда «Мусиқа ҳақида рисола» ёзган Нажмиддин Кавкабий Бухорий ўз даврининг мусикашуноси бўлиб, ўзига хос мактаб яратган санъаткор. У истеъдодли шоир ҳам бўлган, унинг куйидаги шеърн аҳди шуаро орасида машҳурдир:

*Бул сахифа танда руху қон эрур,  
Ўнга ҳамроҳ хуш наво пинҳон эрур.  
Десаларки, жонга ҳамроҳдир бу куй,  
Дема ҳамроҳ, балки айнан жон эрур.*

Кавкабий куйни ёлғиз инсоннинг ҳамдард-ҳамроҳи эмас, ўзи ва ўзгалар учун «айнан жон» деб улуғлаган. Фитрат «Турк мусикаси» фаслида бу муътабар санъаткорнинг фоже ҳаёти ҳақида мухтасар бир ҳикоят келтирган: «Убайдуллахон Ҳирот шаҳрини олгандан кейин форсининг у замонда энг буюк шоири бўлган Ҳилолийни ўлдирди (ҳижрий 939). Ҳилолийнинг ўлими Эрон шоҳи Таҳмосиб шоҳ Аббос ўғлига қаттиқ таъсир қиладир. Унинг ўчини олиш учун вақт кутади. Бу фожесдан уч йил кейин бизнинг мавлоно Кавкабий Убайдуллахондан рухсат олиб, зиёрат учун Машҳадга борадир. Шоҳ Таҳмосиб Кавкабийнинг келганини эшитгач, уни туттирадир-да, гўё Ҳилолийнинг қонини олган бўлиб, илмий-адабий қиймати Ҳилолийдан ҳеч кам бўлмаган бир Туркистон санъаткорини ўлдириб қўядир (Кавкабийнинг бошини Эрон шоҳига олиб келтирадилар. Гавдаси Бухорога келтирилиб, «Бозори нав»да имом Жунайд Ғаззолий мазорига кўмиладир - Фитрат изоҳи)». Бул каби фоже тақдирлар дунё тарихида, жумладан, Шарқда ҳам кўн учрайди. Надоматлар бўлсинким, маърифатсизлик, тахт талоши, фиққу фужур оқибатида Улуғбек Мирзо ва Мўмин Мирзодек, Кавкабий ва Маширабдек не-не улуғ зотлардан айрилмадик. Ўттиз еттинчи йилларнинг оммавий қирғини-чи? Миллатнинг тараққийси

учун чексиз хизмат қилиш, мумкин бўлган зотларнинг қатағон қилиниши бугунги маънавий-руҳий таназулга олиб келди. «Темур замонда, - деб ёзади Фитрат, - мароғалик Хўжа Абдулқодир ашдай эса ўзбеклар замонида Кавкабий шундайди». Фитрат Кавкабийларга ачинади, биз эса Фитратга...

## МУСИҚАМИЗНИНГ КОМИЛ ҚАДРШУНОСИ

Мухтасар айласак, Фитратнинг 1927 йилда чоп этилган «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китоби нафқат мусиқашуносликда, балки Туркистон маданияти тарихида улкан воқеадир. Мағрибу Машриқ ўртасида юздаги холдек жойланган Туркистон санъаткорларининг амалий ҳамда назарий илмлари, салоҳиятларини терандан таҳлил этган бу муътабар ёдгорлик бугун ҳам ўз қадрли меҳварида турибди. Бу китобни такрор ўқийману, Фитратнинг беазир илми, баён услуби, тафаккур қудратини соғинаман. Йўқ, мен ўтмишни соғинаётганим йўқ. Аксинча, Фитратнинг рисоладек мухтасар, зариф, туркона лаҳжали асарни қачон ўқирканмиз, деб келажакни кўмсайман, холос.

Тўғри, кейинги 60 йил оралгида мусиқамизга оид жилд-жилд китоблар яратилди. Уларнинг илмий қамрови кенг. Аммо мен, аниқроғи, муиқамиз тарихи ҳақида битилган илмий-бадий рисоаларни кўпроқ соғинаман.

Улуғ миллатпарвар Фитрат ёлғиз драматург, шоир, адабиёт тарихининг забардаст олимигина эмас, Шарқ мусиқасининг комил қадршуноси ҳамдир.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ФИТРАТНИНГ «АБУЛФАЙЗХОН» ТРАГЕДИЯСИНИ ЯРАТИШДАГИ МАҲОРАТИ

Трагедиягача бўлган ўзбек драматургиясига  
бир назар

Фитратнинг «Абулфайзхон» тарихий фожиаси яратилганига қадар ўзбек адабиётида бир қатор саҳна асарлари ёзилиб, турли драма дасталарида саҳналаштирилган эди.

Ўзбек драма жанри ва драматургияси, театрининг шаклланиш босқичлари ҳақида адабиётшунос, театршунос олимларимиз самарали ишларни амалга оширганлар<sup>1</sup>.

Биринчи саҳна асари «Ўзбек театрининг отаси» саналимиш Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш ёки ўқимаган боланинг ҳоли» драмаси бўлиб, 1911 йилда ёзилган. «Падаркуш» 1919 йилда чоп этилиб<sup>2</sup>, 1914 йилнинг 15 январида Самарқандда намойиш қилинади<sup>3</sup>. Шундан сўнг ўзбек драматургияси жонлана бориб Абдурауф Самадовнинг «Махрамлар»<sup>4</sup>, Қудратулла Нусратиллаевнинг «Тўй»<sup>5</sup>, Ҳожи Муин Шукрулланнинг «Эски мактаб ёки янги мактаб» (1916)<sup>6</sup>, Абдулла Бадрийнинг «Жувонмард», «Аҳмоқ» (1915), Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ

<sup>1</sup> Қаранг: М.Раҳмонов. Ҳамза ва ўзбек театри. Тошкент: ЎзССР Давлат нашриёти, 1960; М.Раҳманов. История узбекского театра. Ташкент: Фан, 1968; Ш.Турдиев. Ўзбек-татар адабий алоқалари тарихидан. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1971, 3-сон; С.Алиев. Роль взаимосвязи литературы в становлении и развитии узбекской драматургии (первая треть XX века). Автореф. докт. дисс. Ташкент, 1972; П.А.Пестовский. Ўзбек театрининг тарихи. «Иқтилоб» журнали, 1922, №2.

<sup>2</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли. Б.Газаров ва К.Слинов титографияси. Самарқанд. 1913 йил.

<sup>3</sup> Қаранг: Сирожиддин Аҳмедов. Ўлимдан қўрқмаган мутафаккир. «Совет Ўзбекистони санъати» журнали, 1989 йил, 2-сон; С.Алиев. Литературные связи и узбекская драматургия. Ташкент: Фан, 1975. С.34.

<sup>4</sup> Абдурауф Самадов. Махрамлар. Ишқоқия матбаси. Наманган, 1911.

<sup>5</sup> Қудратулла Нусратиллаев. Тўй. Тошкент, 1914.

<sup>6</sup> Ҳожи Муин Шукрулла. Эски мактаб ёки янги мактаб. Газаров матбаси. Самарқанд, 1916.



қурбонлари»(1915), «Мулла Нормухаммад домланинг куфр хатоси»(1914-1915 йиллар, комедия), Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куй»(1915) каби пьесалари яратилди. Адабиётшунос Шералн Турдиев маълумотларига қарганда, Абдулла Қодирий 1916-17 йиллар орасида «Гешабой ямоқчи билан Ойниса бойвучча» номли комедия ҳам ёзган<sup>1</sup>.

1911-1924 йиллар оралигида ёзилган ўзбек драматургларининг асарларига назар солиш ижодкорлар ўргасида сахна асарлари яратинида ижодий мусобақа бўлгандек таассурот уйғотади. Чунки Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Надаркуш» драмаси яратилгандан сўнг бири-кетин Ҳожи Муин Шукрулла, Абдурауф Самадов, Қудратулла Нусратиллаев, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Бадрий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитратларнинг қатор сахна асарлари яратилди.

Шу йилларда Ғози Юнус ҳам драматургия соҳасида самарали фаолият кўрсатади. У Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома»си сюжети асосида «Заҳҳок ва Кова» (1918) асарини яратди ва қардош халқлар драматургиясидан бир қанча асарларни ўзбек тилига таржима этди<sup>2</sup>. Зулининг «Лена жаллодларининг суди», Абдулла Шоикнинг «Сўзлайтурган кўғирчоқ» (1920), А.Ҳақбердиевнинг «Хоннинг севгиси», Мирза Оға Алиевнинг «У ерда унақа, бу ерда бунақа» каби драмалари шулар жумласидандир.

Бу давр ўзбек драматургия мактабининг шаклланишини таслаштиришга сабаб бўлган омиллардан бири жаҳон ва рус, татар, озарбайжон сахна асарларининг Туркистонда атрофлича намоён этилиши бўлди.

Маълумки, Шекспир, Шиллер, Мольер драмалари XIX асрнинг сўнги чорагида туркий тилга таржима қилинган<sup>3</sup>. 1886 йил «Туркистон вилоятининг газети»да шундай хабар босилган: «Иқлимдаги энг баланд мусаннифларнинг кўп китоблари туркий тилларга таржима қилинди. Масалан,

<sup>1</sup> Турдиев Ш. Абдулла Қодирийнинг матбуотда эълон қилинмаган асарлари ҳақида. Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. Тўйлам, 3-китоб. Тошкент: Ўзбекистон академияси, 1961, 78-79-бетлар.

<sup>2</sup> Алиев А. Адабий мерос ва замонавийлик. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 34-51-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Гулмова Д. Драматургия Шекспири на узбекском языке. Автореферат на дисс.уч.етен.канд.филол.наук. Тошкент, 1971.

Шатобриан, Гюго, Мольер, Фенелон, ва Лафонтен ва ҳам Шекспир<sup>1</sup>. Кўпгина рус драма дасталари асримиз боши ва 20-йилларда Туркистонга келиб В.Шекспирнинг «Ҳамлет», Ф.Шиллернинг «Макр ва муҳаббат», А.Чеховнинг «Ваня амаки», Н.В.Гоголнинг «Ревизор» каби сахна асарларини намойиш қиладилар<sup>2</sup>. Бу томошалар ўзбек зиёлилари, драматурглари ҳаётида бсиз кетмаганлиги, табиийдир.

Шу йиллардаги озарбайжои ва ўзбек драматургияси адабий алоқалари ҳам алоҳида аҳамиятга моликдир. 1911 йилда Озарбайжон театри Самарқандга келиб И.Тургеневнинг «Ким айбдор» ва Наримон Наримоновнинг «Нодиршоҳ» драмаларини сахнага олиб чиқади<sup>3</sup>. Самарқанд театр дастаси озар режиссёри Али Асқар Асқаровни ҳамкорликка таклиф этиб, 1914 йил 15 ноябрда, ҳаммаслаклик оқибатида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Надаркуш»и ўйналади<sup>4</sup>.

Татар ва ўзбек театри адабий алоқалари ҳам 1910-20-йиллар ўзбек драматургияси учун катта ижобий роль ўйнади. 1911 йил март ойида татарларнинг «Сайёр» театр дастаси Ўрта Осиёда, жумладан Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухорода бўлиб Исҳоқ Багдашовнинг «Хўжайин ва хизматкор», Алиасфар Камолнинг «Ўйнош», А.Мунасибовнинг «Эмчилар қурбони»(1915) каби асарларни ўзбек томошабинларига таништирадилар.

Демак, 1911-1924 йиллар оралиғидаги ўзбек драматургияси жаҳон ва рус, татар, озарбайжон сахна асарлари таъсирида сон жиҳатдан кўнайиб, мазмунан бойиб боради.

Абдулҳамид Чўлпоннинг бизгача етиб келмаган «Халил Фаранг», «Чўрининг исёни», «Муштумзўр», «Ўртоқ Қаршибоев», Ҳожи Муйин Шукруллонинг «Кўкнори», «Мазлума хотин», «Жувонбозлик қурбони», «Қози ила мулла», Абдурауф Самедовнинг «Маҳрамлар», Нусратулла Қудратиллаевнинг «Тўй», Ҳози Юнуснинг «Саводсизлик балоси», «Илмоқ, чўмич», «Фарзанд дуоси», «Заҳҳок ва

<sup>1</sup> Ўша ерда.

<sup>2</sup> Алиев С. Литературные связи и узбекская драматургия. Тошкент: Фан, 1975.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 31-37-бетлар.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 34-бет.

Кова», Абдулла Бадрийнинг «Ўғай ота», «Саодат битди», «Жувонмарг», «Бойвачча», Абдулла Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?», Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт», «Лошмон фожеси» каби драмалари ўз даври драматургиясининг ҳам ғояний, ҳам жанрий хусусиятларини тўла ақс эттирувчи асарлар сирасига киради.

Бу асарлар ўзининг жанрий хусусиятига кўра социал драмадир. Чунки мазкур сахна асарларда кўпроқ социал ҳаётнинг турли манзараларини кўрамиз. Масалан, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Надаркун»ида 50 ёшлар орасидаги саводсиз бир бойнинг ўғли Тошмурод саводли бўлишни истамайди. Ўз даврининг маърифатпарварлик ғояларидан хабардор бўлган домла бойнинг олдига келиб Тошмуроднинг саводли бўлишга чақиради. Бой маърифатли домланинг таклифига «Ўғил меники, давлат меники, сизга нима» деб қўпол жавоб беради ва домлани таҳқирлаб ўғлига «Хайрулло! Меҳмонхонани кулфла, уйқум келди» дейди. Оқибатда Тошмурод турли қаҳвахоналарга бориб, ёмон кишиларга қўшилиб, маърифатсизлик патижа сийда, отасининг мол-дунёсини ўғирлаб, ҳатто надарини ўлдирилишига ёрдамлашади. «Надаркун»ни Бехбудийнинг ўзи «Туркистон маъишатидан олинган и б - р а т н а м о 3 нарда ; манзарали, м и л л и й б и р и н - ч и ф о ж е а д у р» деб атаган бўлса-да, бу сахна асари социал драма жанрига мансубдир. Шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, 20-йилларда нашр этилган кўнгина драмаларнинг унвои-муқовасида ноширлар ёки драматург томонидан «фожеа» исмелоҳи кўп ишлатилади. Масалан, Абдурауф Фитрат 1920 йилда ёзилган «Ҳинд ихтилолчилари» драмасини ҳам «беш пардали фожеали театр» деб атайди.

Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв»ида ҳам турмушнинг кулфатларидан зада, отадан етим қолган Солиҳнинг аянчли тақдири тасвирланади<sup>1</sup>. 25 ёшли Солиҳни амакиси Абдурахим уйлантирмоқчи. Аммо ҳаёт оғир, нуз йўқ. Файзибойдан 900 ақча қарз олиб Солиҳни уйлантирадилар. Оқибатда, Солиҳ қарзини ўз вақтида тўлай

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. Бахтсиз куёв. Театр рисоласи. Тошкент: Туркистон генерал-губернаторига тобе бошмахонаси, 1915 йил.

олмай, Файзибой билан тузган шартномасига мувофи, «ховли ашёдан ажралиб», «кўчада қандоқ юра оламан, ундаи кўра ўлганим яхшироқ» деб ўзини ўлдирмоқчи бўлганда, хотини - Раҳима унинг кўлидан пичоқни тортиб олиб ўзига уради ва ҳалок бўлади. Раҳиманинг фожеали ўлими устига яна бир ўлим кўшилади - Солиҳ ҳам ўзини-ўзи пичоқлаб ўлдирди.

Махмудхўжа Бехбудийнинг «Надарқуш» ва Қодирийнинг «Бахтсиз куёв»ида XIX аср охири, XX аср бошидаги Туркистондаги ижтимоий ҳаётнинг ҳаққоний тасвири чизилади. Бу икки асар шунинг учун ҳам социал драма турига мансубдир. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Заҳарли ҳаёт ёхуд ил қурбонлари» пьесасини ҳам шу тоифага кўнса бўлади.

Абдурауф Фитратнинг ўзи ҳам «Абулфайзхон» трагедиясини яратганга қадар саккиз сахна асари яратган эди. Аммо унинг «Бегижон» беш пардали фожеаси (1916), «Мавлуди париф», «Або Муслим» (1916), «Темур саанаси» (1918), «Ўғизхон» (1919), «Қон» (1920) каби олти драмаси бизгача етиб келмаган.

Фитратнинг 1920-24 йиллар оралиғида ёзилган «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари» (1920), «Шайтоннинг тангрига исёни» (1924) пьесалари ўз даври драматургиясининг ёрқин намуналаридандир. «Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилолчилари» инглиз мустамлакачиларининг Шарқдаги босқинчилик сиёсатига қарши ёзилган. «XX аср боши ва инқилоб арафаларига келиб, - дейди Шерали Турдиев, - Яқин ва Ўрта Шарқ, Афғонистон, Эрон, айниқса, Ҳиндистон мавзуи М.Бехбудий, Ҳамза, Фитрат ижодида кенг ўрин ола бошлади»<sup>1</sup>. «Чин севиш»да ҳинд ватанпарварлари Нуриддинхон, Аҳмадхон, Зулайҳо, Каримбахшхонларнинг инглиз зобитларига қарши курашлари, Раматуллахонга ўхшаш инглиз малайларининг тўлақонли образлари яратилган. Фитратнинг «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари» драмалари 20-йилларда

<sup>1</sup> Турдиев Ш. «Ҳинд ихтилолчилари» фожеаси ҳақида. «Шарқ мадузи» журнаси, 1990, 4-сон, 32-бет.

Туркистоннинг турли шаҳарларида тез-тез намоиш этиб турилган<sup>1</sup>.

Аmmo мазкур драмалар «Абулфайзхон», «Темур саанаси», «Ўғизхон» каби турли йилларда ноҳақ танқидга учради. Ҳамид Олимжон 1936 йилда Фитратнинг «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари»ни Туркистонда миллатчиларнинг аксилинқилобий буржуазиянинг пролетар диктатурасига қарши олиб борган кураши кескинлашган бир даврда ёзилган. Фитрат Ҳиндистонни Туркистонда туриб тасвирлайди. Шунинг учун Фитратга Ҳиндистон картинаси бир фон, бир либос бўлибгина хизмат қилади<sup>2</sup>, деб вульгар социологларча талқин этди. Орадан ўттиз йил ўтгач, Фитрат ижоди Комфирқанинг XX съезидан сўнг оқланган бўлса-да, драмага муносабат ўзгармади. Т.Собиров 1968 йилда ёзган «Ўзбек совет драматургиясининг тараққиёт босқичлари» номли докторлик ишида Ҳ.Олимжон даъволарини тақрорлашдан нарига ўтолмади<sup>3</sup>.

Демак, Фитратнинг «Абулфайзхон» тарихий фожеаси яратилганга қадар ўзбек адабиётида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Ғози Юнус, Қудратулла Нусратиллаев, Ҳожи Мўйин Шукрулла, Абдулла Бадрий каби драматургларнинг турли социал ва тарихий мавзудаги асарлари бор эди.

XX аср боши ўзбек адабиётига кириб келган ва театрларда намоиш этилган В.Шекспир, Ф.Шиллер, Н.В.Гоголь драмалари, ўзбек-татар, ўзбек-азарбайжон театрларининг адабий алоқалаи, шаклланаётган миллий ўзбек драматургияси, 20-йиллардаги ижодкорлар ўртасидаги адабий мусобақа ва тарихий шароит Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясининг яратилишига замин ҳозирлади.

---

<sup>1</sup> Собиров Т. Пути развития узбекской драматургии. Автореф. на соиск.уч.степ.док-ра филол.наук. Ташкент: Фан, 1968.

<sup>2</sup> Ҳамид Олимжон. Мукамал асарлар тўплами. Ҳн жилдлик. 6-жилд. - Ташкент: Фан, 1982. 219-бет.

<sup>3</sup> Собиров Т. Пути развития узбекской советской драматургии. Автореф.на соиск.уч. степ.д-ра филол.наук. Ташкент: Фан, 1968.

## АСАРНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ ВА ТАҚДИРИ

«Хар қандай асар ёзувчи дунёқарашининг ифодаси бўлиб, унда (ижодкор) воқеликка нисбатан ўз муносабатини билдиради, унга ўзича баҳо беради»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, Абдурауф Фитратнинг 1924 йилда чоп этилган «Абулфайзхон» трагедияси 20-йиллар воқелигига нисбатан драматург муносабатининг юксак бадий формасидир.

Шундай экан, «Абулфайзхон» тарихий воқеасининг яратилишида қандай ижтимоий-сиёсий, маънавий, адабий жараён бўлди? Бу саволга жавоб қилиш учун сўзни трагедия ёзилган 20-йиллар Туркистондаги умумий аҳволдан бошламоқ жоиз.

1917 йил Туркистонда совет ҳокимияти ғалаба қозонгач, бугунга қадар «босмачилик» деб ноодил баҳоланаётган, аслида, халқ миллий озодлик ҳаракати авж олди. Ватан, Миллат, Дин, Мустақиллик байроғи остидаги бу озодлик ҳаракати 1920-24 йилларда юқори бир нуктага кўтарилди. Мадаминбек, Эргаш, Охунжон, Холхўжа, Соли Маҳсум каби «босмачилик ҳаракати»нинг пешволари раҳбарлигидаги кўшинлар билан Шўро кўшинлари ўртасида қақшатқич жанглар бўлиб ўтди. Бу тўқнашувлардан мазлум халқ кўп талофот кўрди. Маҳаллий аҳоли энг оғир, мураккаб, қалтис аҳволда қолди. Халқ икки йўлдан бирини танлаши керак эди: ё эски феодализм тартиботли жамиятни, ёки Шарққа эрк, озодлик ваъда қилган Совет ҳокимиятини.

«Фитрат нега Абулфайзхон тарихига мурожаат этди? XX асрнинг 20-йилларидаги шиддатли инқилобий жараён билан олинган тарихдаги сулолалар курашининг бир-бирига қандай яқинлиги бор? - деб савол қўяди адабиётшунос Бегали Қосимов. Ва ўзи бу саволга шундай жавоб беради: - Аввало, ҳар икки тарих ҳам халқимиз ҳаётидаги энг масъулиятли, энг ҳаяжонли эди. Тўғри, бири янги турмуш байроғи остида, иккинчиси янги сулола ҳимояси йўлида. Лекин бир-бирини инкор этувчи икки ҳолат - мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳокимият учун кураш ҳар иккиси учун ҳам хос бўлиб, уларнинг бири бирлашишга улдаса, иккинчиси бўлинишни тақозо этарди. Ҳар иккиси ҳам

<sup>1</sup> Тимофеев Л.М. Основы теории литературы. М.: Просвещение, 1966. С.75.

жамиятнинг барча қатламларини ўзига жалб этган ва энг муҳими, ҳар иккиси ҳам кучга, зўраволикка суянган эди»<sup>1</sup>. Иккинчидан, мамлакатни ягона большевистик гуруҳ бошариши оқибатида, якка ҳокимиятчиликнинг пайдо бўлиши, иқтисодий, маданий ҳаётнинг оғирлашуви 20-йилларда ҳаётни янада оғирлаштирди. Бундай мусибатли даврда Фитратдек ўз даврнинг илғор зиёлиси воқеаларга муносабат билдирмаслиги мумкин эмас эди. Одатда, тарихнинг энг оғир, зиддият ва тўқнашувларга бой йилларида ҳал ўз ўтмишига назар солади. Кечмишин ўз замонаси билан муқојаса қилиб сабоқ чиқаради, йўл таштайди. Тарихий асарлар яратин ҳам худди аяна шу йилларда олдинги ўринга чиқади. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Абдулҳамид Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Садриддин Айнийнинг «Бухоро манғит амирлари тарихи», «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар», Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» каби асарлари аяна шундай тарихий заруратнинг эҳтиёжи сифатида яратилган. Фитратнинг «Чин севини», «Ҳинд ихтилолчилари», «Абулфайзхон» каби асарлари ҳам шу тарихий жараён маҳсулидир.

Шу йилларда Фитратнинг ижтимоий тараққиётнинг чигалликлари, сиёсатнинг «қоронғуликлари»га (Фитрат ибораси) бағинилган «Шарқ сиёсати»(1919), «Йиғла, ислом»(1920) каби ўткир публицистик мақолалари ёзилган. Фитрат айна шу - мамлакатнинг ўзига - ахлоқий-маънавий томонлардан баҳс этувчи «Бедил» фалсафий-бадний мажмуасини битди.

Жамият тараққиёти, унинг турли чигал, мураккаб босқичида тарихий асарларга айрича эҳтиёж сезилишини Фитрат терандан англади. Шунинг учун 1929 йилда ёзган «XVI аср сўнги ўзбек адабиётига бир қараш» номли мақоласида, ўтмишда сулолалар алмашинуви даврида тарих асарларига алоҳида эътибор қилинганини таъкидлаб, қуйидагиларни ёзган эди: «Бу даврда (XVI асрдан кейин, аниқроғи, Убайдуллахон замонида - И.Ф.) ўзбекча тарих адабиёти жуда бойиди. Ўлкани янги истило қилган ўзбек хонлари «Жўжи» воситаси билан «Чингизхон»га бориб етар

<sup>1</sup> Бегали Қосимов. Идсон ғожеалари. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномаси. 1990. 6 апрель.

эдилар. Чингиз авлоди бўлмаган темурийларга кўра хонлиқка ўзларини ҳақли кўрар эдилар. Шу томонни очиб халқни ўзларига исиндирмак учун тарихий асарларга айрича аҳамият берилди. Рашидиддиннинг машҳур «Жомеъ ул-таворих»и, Шарафиддин Яздийнинг «Зафарнома»си фўржчадан ўзбекчага таржима қилинди. Қисқагина бир «Шайбонийнома» ёзилди. Мавлоно Абдулла ибн Али томонидан ўз замонида мавжуд матхазлар аралаштирилиб «Зуддат ул-асрор» исмли ўзбекча бир тарих ёзилди. «Тарих хоний» ва «Баҳрул асрор» каби фўржча асарлар вужудга келтирилди. Ўлкада иқтисодий-сиёсий тузум давом этди. Ҳарбийларнинг қабила бошлиқларининг талабларини, эҳтиёжларини таъмин қилув мумкин бўлмай қолди. Шунинг билан хонларнинг нуфузи камайди. Турли исёнлар майдонга чиқди, вилоятлар айрилди, хонлар ўлдирилиб сарой ўзгаришлари ясадди. Хонлик Шайбонийлар сулоласидан Аштархонийлар сулоласига ўтди (1597). Аштархонийлар замонида ўлканинг тинчсизлиги, иқтисодий тушқунлиги кучайди, сарой қашшоқланди, мамлакатда адабиётнинг, умумий нафис санъатининг ўсувига майдон қолмади»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Фитрат айтмоқчи, ХУI асрдан сўнгги Ўрта Осиёдаги сиёсий-иқтисодий, маданий ҳаёт ўта оғир эди. Ўзаро феодал жанглар, тахт талошчилар, ҳокимият учун оға-ини бир-бирини аямаслик каби иллатлар бу даврда кўпайди. Бу каби ҳокимият талашиниш воқеалари асримиз бошига ҳам хос бўлиб, ўз даврига муносабат билдириш учун икки ўхшаш замонни муқояса қилиш драматургия қўл келди ва «Абулфайзон» тарихий вожеасига шун тариха асос тоилди.

Агар Абдулла Қодирий «Ўтган кушлар»да мавзунини узок ўтмиш, «мозийнинг энг қаро» кушларидан танланган бўлса, Фитрат «Абулфайзон» трагедиясига аштархонийлар сулоласининг (1597-1747) инқирози ва ҳокимият тепасига манғит амирларининг (1753-1920) қатли ом воситасида келиши фўжеаларини ташлади.

Шоир ва таржимон Жамол Камол трагедиянинг қандай шароитда, қай мақсадлар билан ёзилганлигига тўхталиб

<sup>1</sup> Фитрат. ХУI асрдан сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш. «Аланга» журнали. 8-сон.



шундай ёзган эди: «Бухорода халқ жумхурияти эндигина барпо этилган, лекин тарихдан ҳайдалган амир ҳали чегарада тиш қайраб турар, унинг курулли тўдалари империалистик кучлар билан тил бириктириб, ёш халқ ҳокимиятига қарши жон-жаҳди билан тўхтовсиз кураш олиб бораётган давр эди. Ана шундай шароитда кенг меҳнаткашлар оммаси кўзи ўнгида амирлик тартиботини туб моҳиятини баралла фош этиш қалам аҳли олдида турган муҳим вазифалардан эди... «Абулфайзхон» мураккаб шароитда, лекин чуқур ўйланиб, моҳирона битилган драма»<sup>1</sup>.

Афсуски, «Абулфайзхон»нинг яратилиш тарихига оид Фитратнинг ўз хогиралари, ёзишмаларига бугунгача эга эмасмиз. Шунинг учун гипотеза тарзида, трагедиянинг яратилишга сабаб бўлиши мумкин бўлган айрим бир мулоҳозаларни қайд этамиз.

«Абулфайзхон»нинг дунёга келишига боис бўлган, ижодий роль ўйнаган сабаблардан бири Фитратнинг жаҳон ва турк, рус, татар, озарбайжон драматурглари ижоди билан таниш бўлганлиги, дейиш мумкин.

В.Шекспир, Ф.Шиллер, Н.В.Гоголь, А.П.Чехов, Х.Жовид, Н.Наримонов каби драматургларнинг асарлари 1911-24 йиллар оралиғида бир неча бор, рус, татар, озарбайжон драма дасталари томонидан, Туркистоннинг марказий шаҳарларида намойиш этилган<sup>2</sup>. (В.Шекспирнинг «Ҳамлет» ва «Макбет» трагедияларининг «Абулфайзхон»га таъсири масаласи I бобнинг «Шекспир ва Фитрат» фаслида махсус ўрганилади).

Маълумки, XX аср озарбайжон адабиётининг йирик вакили Ҳусайн Жовид (1882-1944) ўзининг «Оқсоқ Темур», «Сиёвуш», «Хайём» тарихий драмалари, «Иблис», «Шайх Санъон» каби трагедиялари билан машҳур. Шунинг билан бир қаторда Наримон Наримоновнинг «Нодиршоҳ» тарихий шесаси ҳам озар адабиётининг энг сара намуналари саналади.

<sup>1</sup> Жамол Камол. «Абулфайзхон» - тўнғич тарихий драма. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил 14 апрель.

<sup>2</sup> Аликёв С. Литературные связи и узбекская драматургия. Ташкент: Фан, 1975.

Хусайн Жовиднинг «Рамзи»(1913), «Иблис», «Шайх Санъон» трагедияси, Н.Наримоновнинг «Нодиршоҳ» пьесаси 1913, 1920, 1924 йилларда озар актёрлари томонидан ўзбек томошабинига намойиш этилган<sup>1</sup>. Ўз даврининг забардаст драматурги бўлган Фитрат бу каби тарихий воқеа - аср бошида қардош халқлар драма дастасининг репертуарига қизиқмаслиги мумкинми? Наримон Наримоновнинг «Ленин ва Шарқ» (1924) асарининг Фитрат томонидан таржима этилганлиги, унинг озарбайжон адабиёти билан яқиндан таниш бўлган, дегувчи даъвомизни қувватлайди. Адабиётшунос С.Алиев тўғри қайд этганидек, «айтиш жоизки, Х.Жовид ва Фитрат ижоди ўртасида умумий ўхшашликлар мавжуд: гоъвий-эстетик қарашларда мураккаблик ва зиддият, йирик тарихий шахслар образи яратишга интилиш»<sup>2</sup>.

«Абулфайзхон»нинг қисмати. 1910-йиллар ўзбек адабиётида Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясининг яратилиши, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», Абдулҳамид Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романлари каби катта воқеадир. Аммо мамлакатда сталинча сиёсатнинг пайдо бўлиб ҳукм суриши (1927-53) «Абулфайзхон»дек умуминсоний дардларга йўғрилган, фалсафий ва бадий қудратга бой асарни адабиёт майдонидан «четга сурди». Унинг кенг ва илмий ҳолис ўрганилишига йўл бермади. Бунинг бош сабабларидан бири, 20-30- йилларда вульгар социологик, пролеткультчи-рашичи адабий концепцияларнинг пайдо бўлишидир. Бу даврда ишчи синфи деҳқон ва зиёлиларга қарши қўйилди. РАПШ ва ЎзАППчиларнинг фикрича, пролетар адабиётини фақат ишчи синфининг ўзи яратармиш, «Назарий чалқаш, амалий жиҳатдан зарарли» бўлган бундай синфий муносабатларнинг касри Фитратнинг «Абулфайзхон» тарихий фожеасига ҳам уриши, табиий ҳол эди.

Фитрат томонидан ёзилган «Ўзбек адабиёти намуналари»(1927) китобининг тақдири шундай кечди. Ж.Бойбўлатов ўтмиш адабиётга нисбатан вульгар социологик, қўюл муносабатда бўлиб «ахлат» деб атади ва

<sup>1</sup> Ўша ерда, 31-37-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 81-бет.

Фитратни мутасаввуфлик, нантуркислик, панисломистликда ноҳақ айблади<sup>1</sup>. Шундан сўнг Фитратнинг драматик асарлари ҳам «Қора рўйхатлар»га туша бошлади. Ҳамид Олимжон «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида» номли мақоласида «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари»ни «миллатчилик»да айбларкан, «Абулфайзхон»ни «халқ оммасининг етакчи кучи - деҳқонлар, касиблар тасвирланмаган», «хонликка қарши реал куч Фитрат қаламида учрамайди» каби синфийлик таъсиридаги «таҳлили» билан адолатсиз айблади.

Фитрат ижоди 1956 йилда расман оқлангандан кейин ҳам «Абулфайзхон»га синфийлик «кўз ойнаги»дан қараш ўзгармади. Фақат адабиётшунос: Аҳмад Алиевгина, турғунлик йилларида, мазкур асар ҳақида ижобий фикр айтишга журъат этди (1983 йил)<sup>2</sup>.

Демак, Фитратнинг «Абулфайзхон» тарихий фожеасининг яратилишига 1920-йиллар ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашгани;

- Туркистонда халқ миллий озодлик курашининг авж олиши;

- икки ўт оралиғида қолган халққа тарих сабоғи орқали қайси йўлни танлаш кераклиги, амирлик истибодининг тарихан инқирозга маҳкумлиги;

- куч, зўравонлик, босқинчиликка асосланган тузумнинг моҳиятини очиб бериш сабаб бўлиб, ХУШ аср воқеалари бир воситадир.

«Абулфайзхон»нинг қисмати эса, Фитрат Хаёл тилидан башорат қилганидек, «фазилатлик билимларнинг қўл, қанотларини узиб ташлаган, инжу тизгунчи адибларнинг қаламларини ўчоқ сушурғусига айлаитирган» сталинизмнинг маънум оқибатлари билан бевосита болиқдир.

<sup>1</sup> Фитрат. Ёшишмаган гужжакалар. (Ўртоқ Бойбўлатовга очик хат). «Ёшлик» журнали. 1990. 5-сон.

<sup>2</sup> Аҳмад Алиев. Адабий мерос ва замонавийлик. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.

## «АБУЛФАЙЗХОН»НИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Фитратнинг «Абулфайзхон» тарихий фожеасининг ўрганилишини шартли иккига ажратиш мумкин:

а) «Абулфайзхон»ни «миллатчилик», «пантуркистлик», «панисломистлик» ғоялари билан суғорилган, халқ оmmasи вакиллари етакчи куч сифатида тасвирланмаган, деб синфий, вульгар социологик муносабатда бўлганлар (Ҳ.Олимжон, Т.Собиров, С.Алиев ва бошқалар);

б) «Абулфайзхон»га ижод ии, илмий ҳолис баҳо берганлар (Б.Қосимов, Э.Каримов, А.Алиев, Жамол Камол ва бошқалар).

Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижодига бағишланган дастлабки, айни замонда энг қалтис, вульгар социологларча, синфийлик «кўз ойнаги»ни тақиб ёзилган мақола Ҳамид Олимжоннинг «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида» деб номланган ишидир (1936). Ҳ.Олимжон Фитратнинг «Сайёҳи ҳинди», «Мунозара», «Бедил» каби насрий асарлари, «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари», «Шайтоннинг тангрига исёни», «Арслон» ва «Абулфайзхон» пьесаларини таҳлил қиларкан, бу асарларни бошдан-оёқ пантуркизм, панисломизм, миллатчиликда айблайди: «Фитрат инқилобий туркистонни ёвузликлар макони сифатида унга (Шарққа - И.Ғ.) қарши кўяди», «у миллатчилик адабиётининг бошида туриб раҳбарлик қилди», «Фитрат пантуркизм, панисломизм мафкураси билан ёнади», «Фитрат романтик эди. Романтик эди. Бу, табиий, реакцион романтизмдир», «Фитрат ижодида чуқур бир бадбинлик ётади... каби ўнлаб «ёрлиқлар» ёништиради<sup>1</sup>.

Ҳамид Олимжон «Абулфайзхон» таҳлилига ҳам кенг тўхталиб, Бухоро хонлари тарихидан олиб ёзилган асар эканини қайд этгач, хонликка қарши курашувчи «бир куч» тополмайди. «Абулфайзхон»да, - дейди у, - Фитрат, хонлик саройини, унинг ичидаги оппозицияларни, унинг ичидаги жаллодлик, фитна ва ўч олишларни кўрсатмакчи, хонлик саройининг чегараланган муҳитини кўрсатмоқчи бўлган.

<sup>1</sup> Қараи: Ҳамид Олимжон. Фитратнинг адабий ижоди ҳақида. «Совет адабиёти» журнали, 1936, 4-5-сонлар; Ҳ.Олимжон. ТАТ. Ўн жылдик. 6-жилд. -Тошкент: Фан, 1982, 205-242-бетлар.

Лекин бу хонлик талашлари, хонлик ва тахт ваҳднийликларининг бутун офат ва фалокатларини йилларча ўз елкасида кўтариб ўтган кенг омма Фитрат асариде қатнашмоқдан ҳуқуқсиз қолган. Фитратнинг ёзувиге кўра, бу тахт ва хонлик талашларидан фақат шу тахт атрофида юрганларгина жабр кўради. Драмада хонлар, шоҳлар, амалдорлар, хўжалар, эшонлар, жаллодлар қатнашадилар. Лекин Бухоро хонлигининг тунроғидаги мингларча ҳақиқий эзилганларнинг бирорта вакили кўрсатилмайди»<sup>1</sup>. Трагедиянинг жанрий хусусияти, талаби шундан иборатки, унда бирорта ҳам ортиқча ҳаракат, персонаж бўлмаслиги керак. Ҳолбуки, Фитрат «Абулфайзхон»га, Ҳамид Олимжон айтмоқчи, «офат ва фалокатларни йилларча ўз елкасида кўтариб ўтган кенг омма»ни ёки бўлмаса, унинг икки, уч вакилини воқеалар ичига олиб кириши мумкин эди. Аммо у пайтда асарни бутунлай бошқача сюжетда, композицияда тасвирланганга тўғри келарди. Трагедияда воқеалар кўлайиб, персонажлар сон и орткики трагик конфликтни кучли бериш имконияти, табиийки, камаяди. Шунинг учун Фитрат, биринчи навбатда, асарнинг тарихий воқеликни реал, бадий картинаси эканлигини назарда тутиб, бирор ортиқча персонаж олиб кирмади ва омманинг хонга қарши нафрати, исёнини ҳаёлнинг финалдаги сўзлари билан ифода этди. Ҳаёлнинг Раҳим бий тимсолидаги феодал жамиятга, х о н л а р г а қарата айтган «Э й, қ о н - қ о р а с а о д а т с е н с а н» сўзлари бир шахс ёки Бухоро хонлигидаги маҳаллий аҳоли чегарасидан чиқиб, умуминсоний муносабатни, қахр-ғазаб ифода этади. Ҳ.Олимжон нафақат «халқ оммасининг етакчи роли» кўрсатилмаганини, балки «Абулфайзхон»да тасвирланган воқеа, характерларни ҳам бузиб, ғалати талқин этади. «Хонликнинг бир қисми, Фитратнинг тасвирига кўра, - деб ёзади у, - Абулфайзхоннинг бу (ўз яқинлари, қариндош уруғларини шубҳага берилиб ўлдириши - И.Ф.) террористик сиёсатига қарши чиқади. Бу гуруҳнинг бошида Ҳаким бий оталик ва унинг ўғли Раҳимбий турадилар. Абулфайзхон билан мустақил равишда курашиб ғалаба қилишга кўзи етмаган Ҳаким бий Бухорога босиб келадиган Эрон шоҳи

<sup>1</sup> Уша ерда, 233-бет.

Подиршоҳнинг паноҳига сиғинади»<sup>1</sup>. Тескара талқин. Трагедияда Ҳаким бий Абулфайзхоннинг террористик сиёсатига қарши курашмайди, балки ўз манфаати, шахсийги йўлида Ватанини соғайди. Ҳаким бий Подиршоҳнинг «паноҳига сиғинади» эмас, юртига бостириб келаётган ёғийга Бухоро тахти, сиёсатининг, армиясининг заиф томонларини «изҳор этади».

«Фитрат «Абулфайзхон»ни ёзиш билан, - деб давом этади Ҳамид Олимжон, - хонлик ва тахтни юзага келтирган жамиятни, эксплуататор синфларни йўқотиш масаласини қўймайди(?). У абстракт олин... тахтга қаршидир»<sup>2</sup>. «...Чунки хонликка, эксплуатация дунёсига қарши бўлган реал кучлар Фитрат дунёга қарашининг чегараланган қобиғига сиғмайди»<sup>3</sup>. Бу таҳлилдан кўра, таҳқирга яқинроқ. Бутун куч, зўравонлик, қатли омга асосланган тузумнинг авра-астарини очиб берган «Абулфайзхон» трагедияси, асоссиз, «хонлик ва тахтни юзага келтирган жамиятни, эксплуататор синфларни йўқотиш масаласини қўймайди» деб ноҳақ айбланади.

Драманинг бош фалсафий ғояси, аҳамиятига кўра баҳо бериш ўрнига, тор синфий манфаатлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳолаш 30-йиллар адабий танқидчилигидаги ёмон иллат эди. Бундай муносабат адабиётни йўналишларини, бадий методни бир хиллаштириш (унификация), бадий асар имкониятларини чеклаб қўйишга (регламентация) олиб келди. Фитратнинг ижоди, айниқса, «Абулфайзхон» трагедияси ўткинчи ақидалар, муваққат мезонлар, юқори танкилотлар кўрсатмаларидаги «ҳақиқатлар»га таяниб ёзилмагани учун ҳам бугунга қадар ўқувчи, томошабин ва адабиётшунослар диққатини ўзига тортаётир.

Адабиётшунос Турсун Собиров 1968 йилда ёзган «Ўзбек совет драматургиясининг тараққиёт босқичлари» номли ишида «Фитрат драматургиясига билдирилган муносабатни ҳозирги давр тадқиқотчилиги нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва объектив баҳолашни таъминлаш эҳтиёжи

<sup>1</sup> Ўша ерда. 232-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда. 235-бет.

<sup>3</sup> Ўша ерда. 235-бет.

туғиллипти, деса-да. 30-йиллардаги вульгар социологик, синфий муносабатларга хос даъвони яна бир бор такрорлашдан нарига ўтмайди: «Бухоро хонларининг ўзаро тахт-таллошлари, шу муносабат билан юзага келадиган тўқнашулар, - деб ёзади Т.Собиров, - аке эттирилса ҳам («Абулфайзхон»да, демоқчи - И.Ғ.) лекин омманинг - меҳнаткашларнинг хонлар зулмига қарши кураши ўз ифодасини топмади»<sup>1</sup>.

«Фитрат ўтмишни тасвирлашда субъективликка йўл қўйди, - деб ёзади филология фанлари доктори С.Алиев «Абулфайзхон» ҳақида, - пьесанинг ғояси ҳам аниқ эмас. Биринчи планда Абулфайзхон ва унинг яқинлари, меҳнаткаш халқ ҳаёти эса сояда қолиб кетган»<sup>2</sup>. Драматург эмас, аксинча, адабиётшунос С.Алиев субъективликка йўл қўйди ва аниқ ғоя асосида, пухта ўйланиб яратилган «Абулфайзхон»да ғоя аниқ эмас, дейди.

С.Алиев Фитратнинг «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари» драмаларининг саҳнага қўйилиши тарихи билан боғлиқ кўпгина қимматли маълумотлар берса-да, «Абулфайзхон» трагедиясига муносабатда ўзидан олдинги (Ҳ.Олимжон, Т.Собиров) қарашларни такрорлайди, холос.

Аҳмад Алиев «Адабий мерос ва замонавийлик» китобида Фитрат драматургиясининг ўзига хос хусусиятларига тўхталади. «Абулфайзхон»нинг ғояси, образлар дунёси, Хаёл рамзий образига янгириган драматургнинг фалсафий қарашларини бир қадар ойдинлаштиришга ҳаракат қилади. Фитратнинг «сарой ичидаги зиддиятларни, хон ва унинг яқинлари ўртасидаги қонли курашларни, таназулни усталик билан» кўрсатганини таъкидлайди<sup>3</sup>. Аммо А.Алиев Фитратнинг тарихий драмаларига муносабатда хатога йўл қўйди. «Бизнингча, - деб ёзади, - Фитрат драматургиясида тарихий мавзуларга икки хил ёндашни кўзга ташланади. Баъзи асарларида Фитрат ўтмишни идеаллаштиради («Або Муслим», «Темур сағанаси», «Ўғизхон» кўзда тутилмоқда -

<sup>1</sup> Собиров Т. Пути развития узбекской советской драматургии. Автореф. на соиск.уч.степ.д-ра филол.наук. -Ташкент: Фан, 1968.

<sup>2</sup> Алиев С. Литературные связи и узбекская драматургия. Т.: Фан, 1975. С.108.

<sup>3</sup> Алиев А. Адабий мерос ва замонавийлик. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1983. 79-90-бетлар.

И.Ф.). Реакцион-романтик драматург (?) сифатида ўтмишни ҳаёлида тиклаб, уларнинг руҳидан мадад сўрайди»<sup>1</sup>.

А.Алиевнинг бу фикри, биричидан, ғайриилмий, ҳато, иккинчидан, Фитратнинг «Або Муслим», «Ўғизхон»ни йўқолиб етиб келмаган бўлса, «Темур сағанаси»дап айрим бир парчаларгина етиб келган, холос. «Темур сағараси»нинг бизгача етиб келган озгина матнининг ғояси ҳам «реакцион-романтик» эмас, инсоннинг ёвуз кучлар олдидаги ички изгироблари, муножотидан иборат руҳий картинадир. Асарнинг тўла матнини кўрмай туриб айтилган ҳар қандай фикр чала, ҳақиқат эмас.

Адабиётшунос Э.Каримов «Абулфайзхон»нинг «Шарқ юлдузи» (1989,1-сон) журналида чоп этилган муносабати билан ёзган сўз бошисида асарнинг тарихий, бадий қимматига, Фитратнинг тарихий ҳужжатларни пухта ўрганиб трагедия яратганига тўхталади. «Ижтимоий психоанализ ва бадий ифода кучига кўра, - деб ёзади у, - Абдурауф Фитрат трагедияси йигирманчи йиллар ўзбек адабиётида яратилган энг яхши асарлардандир»<sup>2</sup>. Олим драматургнинг Абулфайзхон образини зўр маҳорат билан яратганлигини алоҳида айд эгади: «Абулфайзхон образи ёрқин индивидуал белгиларга эга бўса-да, унда барча золим хонлар - Муслмонқул, Худоёрхон, Асфандиёр, Олимхон кабиларга хос типологик ижтимоий моҳият мужассамлашган»<sup>3</sup>.

Шоир ва таржимон Жамол Камол «Абулфайзхон» - тўнғич тарихий драма» номли мақоласида Фитратнинг тарихий ҳақиқатни бузмай тасвирлагани, тарихий шахслар образини яратишда тарих ҳақиқатларидан чекинмаганлигини ва айни пайтда бу трагедия ўзбек драматургияси шаклланаётган бир даврда ёзилганлигига қарамай, ҳозирга қадар ҳам энг мукаммал бадий, фалсафий қудратга эга асар эканлигини таъкидлайди. Асарнинг бош ғоясига тўхталиб, «хукмдорлар алмашинади, лекин амирлик тартиботи, унинг моҳияти ўзгармайди, мустабиллигича

<sup>1</sup> Ўша ерда, 78-бет.

<sup>2</sup> Каримов Э. «Абулфайзхон» тарихий фожеаси ҳақида. «Шарқ юлдузи» журнали. 1989, 1-сон, 81-бет.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 81-бет.



қолавереди, бирдан-бир йўл - «эскини таниб» ўша тартиблардан батамом воз кечишиди»<sup>1</sup>, - деб ҳақли эътироф этади.

Бегали Қосимов трагедиянинг Қарши театрида сахналаштирилиши муносабати билан ёзган «Инсон фожасалари» тақризида асарнинг яратилиш тарихи ва зимонавийлиги масаласига асосий эътиборни қаратади. «Фитрат учун ХУШ аср Бухоросида юз берган воқеалар шунчаки маълумот учун эмас, маърифат учун ҳам керак эди. У зулм ва зўравонлик эл-юрт учун фақат моддий талофот, жисмоний азоб-уқубат эмас, ўнглаб бўлмас маънавий жароҳат ҳам келтиришини кўрсатиб берди. Шу тариқа адиб инқилобий воқеалардан узоқ туюлган Абулфайзхон фожасини замонасига хизмат қилдириди»<sup>2</sup>.

Санъатшунос М.Раҳмонов «Фитрат драмалари» номли мақоласида, драматургнинг сахна асари яратиндиги маҳорати, давр руҳини бера олиши, айниқса, «Абулфайзхон» трагедиясининг ҳар бир образи мукаммул, тўлақонли чиққанлигини эътироф этади<sup>3</sup>.

Р.Мустафоқулов «Ўзбек адабиётида трагедия жанрининг тараққиёти» номли номзодлик диссертациясида «Абулфайзхон»нинг жанрий хусусиятларига муносабат билдиради. У Абулфайзхон образи устида кўп тўхталиб, жумладан, шундай деб ёзади: «Абулфайзхон кучли, муукаммул, ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида кўрқмас курашчи(?) сифатида тасвирланмаган... Бунинг бош сабаби муаллиф томонидан тарихий фактлардан ҳаддан ортиқ кўчирма (копирование) олишиди»<sup>4</sup>. Р.Мустафоқулов Абулфайзхон образини трагик бўлиши учун қандайдир қаҳрамонлик қилиши кераклигидай ноодил талаблар қўяди. Ҳолбуки, Абулфайзхон ўз шубҳалари, заифликлари, мақсади билан трагикдир.

---

<sup>1</sup> Жамол Камол. «Абулфайзхон» - тўнғич тарихий драма. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989, 14 апрель.

<sup>2</sup> Қосимов Б. Инсон фожасалари. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990, 6 апрель.

<sup>3</sup> Раҳимов М. Фитрат драмалари. «Санъат» журнали, 1990 йил.

<sup>4</sup> Мустафоқулов Р. Развитие жанра трагедии в узбекской драматургии. Дисс. канд.филол. наук. Ташкент, 1990.

«Абулфайзхон» трагедиясининг ўрганилиш тарихидан ойдишладикади, асар ханузга қадар ўзининг илмий, ҳаққоний баҳосини олгани йўқ. Трагедия 30-йилларда вульгар социологларча танқидга учраган бўлса, Фитрат ижоди расман оқлангандан кейинги (1956-85) йилларда ҳам синфийлик нуқтаи назаридан талқин этилди, «қатағонга учради». Собиқ Комфирқанинг апрель (1985) пленумидан сўнг «Абулфайзхон» ҳақида илиқ муносабатлар иайдо бўла бошлади. Асарнинг ижтимоий ҳаётдаги, адабий ҳаракатдаги ўрни, айрим бир бадий қирралари адабиётшунос, санъатшунос, шоир ва драматургларимиз томонидан эътироф этилди, холос.

«Абулфайзхон»нинг ХХ аср ўзбек адабиётининг 20-йилларида тутган тарихий ўрни, роли, тарихий воқеликши қай даража ҳаққоний ёритганлиги, Фитратнинг тарих ва тарихий шахслар образини идрок этиши ва унинг бадий талқини, асарнинг ғоявий концепцияси ва образлар дунёси ҳали тўлиқ, илмий ўрганилгани йўқ.

## «АБУЛФАЙЗХОН» - ТРАГЕДИЯ

Агар А.С.Пушкиннинг «Борис Годунов»и Россия тарихидаги энг мураккаб, қонли воқсаларни ёритса, Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясида аштархонийлар сулоласининг (1597-1747) сўнгги вакили Абулфайзхон даври (1711-1747) Бухоро ўлкасининг фўжеавий аҳволи тасвирланади.

Ўз укаси Убайдуллахонни турли фитналар воситасида қатл эттириб, Абулфайзхон Бухоро тахтини эгаллайди, Тахт учун шубҳа ва таъқиб васвасасига берилиб, ўз яқинлари, ҳатто қаришдош-уруғларини қиришдан, зиндонбанд этишдан қайтмайди. У ўзининг 37 йиллик ҳукмронлик даврида Бухоронинг қанчадан-қанча бегуноҳ фарзандларининг қонини тўқади. Оқибатда, мамлакат ичкарасида ўзаро фсодал урушлар, фисқу фужур урчиб, низолар кескин кўнайиб Бухоро ўлкаси бутунлай вайронагарчиликка юз тутади.

Мамлакатнинг ички ихтилофларидан Абулфайзхон ҳокимиятининг кучсизланганлигини сезган, ўта маккор Эрон ҳокими Нодиршоҳ бундай «қулай» вазиятдан фойдаланиб,

Бухоронинг ўзидан Ҳаким бий ва унинг ўгли Раҳимхондек айғоқчи топиб, ўлкага бир неча ҳужум қилади. Натижада, Бухоро тобе, вассал бир ўлкага айланади.

Ўзининг шубҳаю вассаларига ўралиб, яқинларини қиргин қилиш билан қобилига ўралиб қолган Абулфайзхон Эрон босқинчиларига қарши куч тўплай олмади. Элимизча айтганда, бирлашини ўрнига ҳокимиятни тўрт томонга тортиш бошланиб кетади.

Драматург Абулфайзхон образини тасвирларкан, унинг бундай ҳолатга тушини, қотиллик устига қотиллик қилиб ёвуз бир кучга айланиб боришини зўр психологик таҳлил воситасида ишонарли тасвирлайди.

Абулфайзхон замонида қотилликлар, сиёсий бошбошдоқликларнинг бош сабаби деб Фитрат феодал истибод жамияти системаси ва унинг мафкурасини бадиий талқинлар орқали кўрсатади.

Адабиётшунос Э.Каримов тўғри қайд этганидек, «Абулфайзхоннинг асосиз қатллари ундаги қандайдир хайвоний шафқатсизлик билан боғлиқ эмас, у ҳатто юмшоқ табиатли, қатъиятсиз, иродасиз киши. Феодал ҳокимиятнинг ғайриинсоний моҳияти уни қонхўр ва қаттолга айлантиради»<sup>1</sup>.

«Ҳоконимизга маълумдирким, - дейди Абулфайзхоннинг надим маслаҳатчиси Улфат, - подшоҳлик қон билан суғорилатурган бир ёғочдир. Қон оқиб турмагон ерда бу ёғочнинг қуриб қолиши аниқдир»<sup>2</sup>. Улфатнинг бу сўзлари Абулфайзхон ҳокимияти ва ҳаётининг шиорига айланган.

Алаоқибат, қотиллик, куч воситасида тахтни эгаллаган Абулфайзхон Раҳимхон томонидан ўлдирилади. Абулфайзхон ўз қилмишларининг қурбон и бўлади. Бу, В.Г.Белинский айтмоқчи, трагедия учун хос бўлган, тақдирнинг шубҳасиз қурбон талаб қилинидир.

Трагедия жанрининг ўзига хос хусусияти шундаки, воқеалар ривож шировадида қаҳрамонларнинг ҳалокатини тўғдиради. Бироқ, фожиа-ўлим билан туганлик

<sup>1</sup> Каримов Э. «Абулфайзхон» тарихий фожиа ҳақида. «Шарқ юлдузи», 1989, 1-сон, 81-бет.

<sup>2</sup> Фитрат. Абулфайзхон. «Шарқ юлдузи», 1989, 1-сон (бундан кейинги мисоллар мазкур нашрдан олинди).

трагедиянинг бош хусусияти эмас. Бунда қахрамоннинг ўлими зиддиятларнинг кескинлигидан, муросасиз кураш жараёнидан, характерларнинг бир-бирига қаршилигидан келиб чиқади. «Абулфайзхон»даги конфликт ҳам ана шундай кескин, чуқур ва келиштириб бўлмайдиган трагик характерга эга. Абулфайзхон салтанатининг инқирози ва ҳалокатининг бош сабаби ҳам уни ижтимоий тараққиётнинг ўзи инкор қилганлигида. Демак, замоннинг ўзи бу ҳокимиятни ҳам, унинг сардорларини ҳам йўққа чиқармоқда (ўлимга маҳкум этмоқда!). Бироқ, Абулфайзхоннинг ўлими фақат салтанатнинг ишти ҳоси билан боғлиқ эмас. Бу ўлимнинг сабабларидан биридир, холос. Айни пайтда ҳукмдор қалбидаги кескин кураш, ички зиддият, ундаги кўрқув, ожизлик, ваҳима ўлимни келтириб чиқармоқда. Белинский таъбири билан айтганда: «Трагедия мазмунининг моҳияти ва ўсиши қахрамонининг ўз-ўзи билан ички курашувидир»<sup>1</sup>. Драматург Абулфайзхоннинг ўз-ўзи билан курашуви жараёнини шундай тасвирлайди:

Хон. (ёлғуз) Шул тирикликдан-да бездирдилар мени (туриб юрадир). Бир душманимни қони қуримойин яна биттаси чиқиб қоладир. Бу Иброҳим ахмоқ ҳам мени тинч қўймайтурғондек кўринадир. Қачонгача ўлдираман буларни! Ортиқ ҳеч кимнинг менга ишончи қолмади... Буларнинг ўзи йўлга келиб, менга душманлик қилмоқии ташласа, нима бўлур! Йўқ,... йўқ. Буларнинг ўзи йўлга келмайдир. Ўлдираман, ўлдираман. Дунёда битта душманим қолмагонча, қон тўкаман. Улфатнинг сўзи тўғри. Подшоҳлик қон билан суғорилатургон бир оғочдир».

Салтанатнинг ҳалокати хон ўлимини тезлаштиради. Агарда ҳокимияти яшайверганида ҳам ички кураш Абулфайзхонни, шубҳасиз, ҳалокатга олиб борган бўлурди.

Лекин асар хоннинг ўлими билангина тугамайди. Шоҳлик, феодал жамият мафкураси Абулфайзхоннинг 15 яшар ўғли Абдулмўминхоннинг ҳам бошини еди. Қотилликлар, қон тўкишлар узлуксиз давом этади. Муаллиф бу билан ҳокимият рибҳарлари, сулолалар ўзгарса-да феодал

<sup>1</sup> Белинский В.Г. Танланган асарлар. Тошкент: ЎзССР Давлат нашриёти, 1955. 149-бет.

мафкура, кучга асосланган тузумнинг моҳияти ўзгармаслиги ғоясини илгари суради.

«Агарда қон, ўликлар, ханжар, захар трагедиянинг одатдаги сифатлари бўлмаса ҳам, - дейди В.Г.Белинский, - лекин унинг оқибати ҳар вақт қалбнинг энг қимматли умидларининг емирилини, бутун бир ҳаёт саодатининг йўқоливидир»<sup>1</sup>. «Абулфайзхон»да қирғишлар, босқинчиликлар, фисқу фужур оқибатида «бутун бир ҳаёт саодатининг йўқолганлиги» Хаёл рамзий (шартли) образи тилидан айтилади:

«Х а ё л (тахтга қараб). Эй қора куч, эй қуриб кетгур тахт! Ҳеч гуноҳи бўлмагон болалардан, тоғ каби йигитлардан милёнлари сен учун қурбон бўлиб кетарлар. Инсонлар томонидан яратилган мишғларча тангрининг - энг бузуқбоши, энг шуми! Эй, қоп-қора саодат сепсан...»

Воқеалар пардадан пардага шиддатли авж олиб борган сари, Абулфайзхоннинг характери ва ижтимоий вазият конфликтни ўткирлаштириб боради. Энди бундай конфликтнинг олдиди олиш мумкин эмас, у ҳалокатга маҳкум этади. Абулфайзхон уч томондан эзилади: биринчидан, ноҳақ қатл этилганларнинг хаёли, иккинчидан, мустабид сиёсатга кўшиқолмаган сарой аҳлларининг норозилиги оқибатидаги шубҳакорлик, учинчидан, қаршидан қандайдир «сирли» қайтган Нодиршоҳ яна Бухоро устига кўпини тортиб, Амударёдан ўтган. Ҳаким бий бончилигидаги бир ҳовуч нуҳратнараст, ҳокимиятнарастлар Нодиршоҳ билан тил бириктириб, Абулфайзхонни тахтига ҳамла қилаётир. Конфликт кескинлашиб, воқеалар ва характерларни ҳалокатга олиб боради. Чунки «конфликт - драманинг диалектикаси, қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашидир»<sup>2</sup>. Абдурауф Фитрат «Абулфайзхон»да трагик воқеаларни олдидан нуҳта ўйланган, аниқ хотимага қараб ҳаракатлантиради ва қаҳрамонларнинг қалб, характери ана шу ҳаракатларда очила боради. Трагедияда композиция чуқур ўйланган, шишиқ, воқеалар ҳаяжонли ва кўрқинчли, бир занжирга тизилган, мангиқан бир саҳна иккинчисини

<sup>1</sup> Уша ерда, 196-бег.

<sup>2</sup> Владимирон С. Драматург и современность. М.-Л., 1962. -С.75.

тўлдириб боради, драматик тўқнашувлар, кольязияга бой, интрига кучли ва оригинал.

Лекин Фитратнинг «Абулфайзхон» тарихий фожасини трагедия жанрининг талабларига тўла жавоб бера олмайди, дегувчилар ҳам бўлди.

Адабиётшунос Р.Мустафоқулов «Ўзбек адабиётида трагедия жанрининг тараққиёти» деб номланган кандидатлик диссертациясида юқоридаги даъвони илгари суриб, ёзади: «Бизнингча, бу асарда («Абулфайзхон»да демоқчи - И.Ғ.) муаллифнинг драматург сифатидаги маҳорати сўнги нуқтагача(?) намойён бўлмаган: хусусан, характерларни группалай билмаслик (?), сюжет занжирининг йўқлиги (?) ва кольязиянинг силлиқ, аста-секин ривожланиши (?) асарнинг трагедия намунаси бўлишига халақит берган»<sup>1</sup>.

Бу даъвонинг туғилишига асосий сабаб Р.Мустафоқулов «Абулфайзхон»ни чуқур ва атрофлича таҳлил қилмаслигида ва трагедиянинг мураккаб фалсафий моҳиятига юзак қараганлигидадир. У «характерларни группалай билмаслик» деганда нимани кўзда тутаётганлиги ноаниқ, балки ижобий образларни бир қолига, салбийлар ва мураккаб деб шартли аталгувчи образларни тонфага ажратишни кўзда тутгандир. Ҳолбуки, Фитрат «Абулфайзхон»да ҳар бир характернинг ўзига хослик томонларини персонажларнинг ички, руҳий дунёсини лчин билан кўрсатади. Шунинг учун Нодиршоҳ Абулфайзхонга, Улфат Ҳаким бийга, Ризоқули Давлатга ўхшамайди. «Сюжет занжирининг йўқлиги» ҳам асоссиз. Фитрат трагедия учун зарур шарҳлардан бири бўлган воқеаларни бир-бирига маҳорат билан уйғунлаштиради, Аристотель, айтмоқчи, яхлитлигини таъминлайди.

«Абулфайзхон», - деб фикрида давом этади Р.Мустафоқулов, кучли, мукамал, ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида (ёвуз мақсадиними? - И.Ғ.) кўрқмас курашчи сифатида тасвирланмаган, бу ҳол трагедия жанри учун характерлидир.

Бунинг бош сабаби - муаллиф томонидан тарихий фактлардан ҳаддан ортиқ нусха олиш (копирование),

<sup>1</sup> Мустафоқулов Р. Развитие жанра трагедии в узбекской драматургии. Дисс. на соиск.уч.степ.канд.филол.н. Ташкент, 1990, С.54-55.

ноқеаларни, жумладан, қаҳрамонларни қандай бўлса шундайлигича тасвирлашдир.

Тарихий ҳақиқат бадий ҳақиқат даражасига кўтарилмайди. Пьеса финалида у (Абулфайзхон - И.Ф.) оддий, бўш, майда бўлиб қолади...

Шунинг учун Фитратнинг юқорида айтил ўтилган асарлари («Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари», «Абулфайзхон» - И.Ф.) трагедия яратиш йўлидаги бир уриниш, тажриба сифатида қаралмоқда<sup>1</sup>.

Р.Мустафоқулов Абулфайзхон образини «Кўркмас курашчи сифатида тасвирланмаган» деган даъвоси трагедия жанр хусусиятлари, спецификасини ҳисобга олмаслик оқибатидир. Трагедиянинг бош қаҳрамони, албатта, «Кўркмас» «курашчи», «кучли» бўлиши шарт эмас. «Баъзан коллизия, инсоннинг табиати билан тақдир унга белгиланган ўрин муносабат эмаслиги натижасида, инсоннинг сохта вазиятидан иборат бўлиши мумкин»<sup>2</sup>. Трагедия инсон ҳаётидаги энг қалтис, энг шиддатли, ҳалокатли ҳолатларга эътибор берар экан (Иззат Султон) бу «ҳалокатли», «қалтис» вазиятни фақат «кучли», «Кўркмас курашчи» яратмайди. Абулфайзхонга ўхшаш иродасиз, қатъиятсиз, шубҳачи ва лекин қаттол шахслар ҳам яратиши мумкин.

«Тарихий фактлардан ҳаддан ортиқ кўчирма олиш»га келсак, Фитрат тарихий ҳужжатлардан шундай маҳорат билан фойдалана олганки, ҳатто юз саҳифага сиғиши мумкин бўлган ўтмишнинг реал воқеаларини бир гапда, гоҳ бир абзацда, гоҳ персонажларнинг монолог, диалоглари воситасида санъаткорларча тасвирлаган. Масалан, Абулфайзхоннинг ўз акасини ўлдирганлиги воқеаси хоннинг ўз оғзидан чиққан «акамни ўлдирдим» - бир жумла билан ифодаланган. Ҳолбуки, Абулфайзхоннинг акаси Убайдуллохонни ўлдириш воқеалари Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома»си, Абдурахмон Толсийнинг

<sup>1</sup> Ўша ерда, 55-бет.

<sup>2</sup> Бедницкий В.Г. Тилнинг асар. Тошкент: ЎзССР Давлат нашриёти, 1955, 196-бет.

«Абулфайзхон тарихи»да кўзлаб саҳифаларни ташкил қилади<sup>1</sup>.

Фитратнинг «Абулфайзхон»ини Р.Мустафоқулов ўзбек адабиётида «трагедия яратиш йўлидаги бир уриниш, тажриба» деб, мазкур жанрнинг биринчи мукамал намунаси сифатида Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин»ини (1944) кўрсатади. Ўрни келганда шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, М.Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» трагедиясидаги Пири Зиндоний билан «Абулфайзхон»даги Иброҳимбий образлари ўрта ва муштараклик бор. Иброҳимбийнинг тўғрисиқилиги, журъатини ўн йиллаб зиндон азоби енголмаган бўлса, Пири Зиндонийнинг адолатпарвар, ҳақиқатгўйлигини қирқ йиллик ҳибс буколмайди.

Демак, Фитратнинг «Абулфайзхон»и XX асрнинг 20-йилларида ўзбек адабиётида яратилган биринчи миллий трагедиядир.

## ШЕКСПИР ВА ФИТРАТ

Услуб - бадий асарнинг оҳанги, руҳий дунё яратиш, образларни таҳлил ва талқин қилиш усули, санъаткорнинг воқеликка қандай концессия билан муносабатда бўлиши, бадий ифодаланганда, ижодкорнинг қиёфасидир.

Фитрат «Абулфайзхон» тарихий фожеясини яратганда қандай асарлардан таъсирланди, ўрганди? Аввало, адабий таъсир масаласи бошқотирма (кроссворд) даражасида мураккаб ҳодиса. Иккинчидан, саҳна асарларида адабий таъсирни ёлғиз бошқа пьесалардан излаш ҳам бир томонлама фикрлаш, маҳдудликка олиб боради. Чунки адабий таъсир насрий асардан шърийга, акси, драматикдан насрийга ё акси ҳам бўлиши мумкин. Ёнги драманинг шаклий (композиция, ремарка, кўриниш-парда ва ҳ.қ.) томонларига таяниб ҳам адабий таъсирни қатъий белгилаш мумкин эмас.

Абулфайзхондаги воқеаларнинг кескин, шиддатли тус олиши, руҳий изтироб ва қиёфаларнинг яратилишида

---

<sup>1</sup> Қаранг: Мир Муҳаммад Бухари. Убайдулла-наме. Перевод с перс.-таджик. примечаниями А.А.Семсенова. Ташкент, 1957; Абдурахман-и Талиъ. Истории Абулфайз-хана. Ташкент: Изд.АН УзССР, 1959.



Фитратнинг Шарқ классик адабиётини теран билиши, албатта қўл келган. Чунки Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъан сайёр», «Салди Искандарий» руҳий картина яратилишининг классик намунаси дир.

Биз бир мисол тариқида Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясини драманинг Гомери (Белинский) Вильям Шекспирининг «Ҳамлет» ва «Макбет» асарлари билан қиёсий ўргандик.

Маълумки, инглиз драматургининг ўзбекчага таржима қилинган биринчи асари «Ҳамлет» бўлиб, 1934 йилда Абдулҳамид Чўлпон томонидан амалга оширилган эди. Ундан сўнг «Отелло» (Ғ.Ғулум таржимасида, 1940), «Ромео ва Жульетта» (М.Шайхзода, 1949) драмалари ўзбек ўқувчисининг маънавий бойлигига айланди.

«Абулфайзхон» яратилган даврда бу таржималар йўқ эди. Лекин ўзбек матбуотида В.Шекспир асарларининг номи XIX асрнинг сўнги чорагида учрайди<sup>1</sup>. XX асрнинг бошларида рус, татар, озарбайжон драма дасталари томонидан ҳам Вильям Шекспирининг «Ҳамлет», «Отелло» трагедияларидан айрим парчалар намойиш этилган. Фитрат бу томошаларда бўлиб таъсирланган бўлиши мумкин деган гипотезаларни ҳам илгари суриш мумкин.

Лекин бизнинг қиёсий ўрганишимизга асос бўлган нарса - Фитратнинг рус тилини пухта билиши. Чунки Шекспир асарлари рус тилига ХУХ асрдан бошлаб ўтирилган.

Қайд қилиш жоизки, бугунга қадар биз кўришга улгурган Фитратнинг илмий, адабий, биографик асарларида Фитратнинг Шекспирга муносабати ҳақидаги факт ва қайдлар учрамайди.

**«ҲАМЛЕТ» ВА «АБУЛФАЙЗХОН».** Вильям Шекспирининг «Ҳамлет»и билан Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедияси ўртасидаги яқинлик қахрамонларнинг руҳий изтироб чекишлари, психологиясида кўпроқ намоён бўлади.

Даняя қироли Клавдий ўз акаси - Ҳамлетнинг отасини ўлдириб унинг ўрнида ҳокимиятни эгаллаган. Бу ҳам етмай, Клавдий, орадан 20 кун ўтмай, Ҳамлетнинг онасига уйланиб

<sup>1</sup> Гулямова Д. Драматургия Шекспира на узбекском языке. Автореферат канд. филос.н. Ташкент, 1971.

олган. Ҳамлет бу воқеаларнинг ичида «Қандайдир сирлилик» борлигини аввал гумон қилиб юради. Отасининг арвоҳи унга бор ҳақиқатни, яъни отаси амакиси томонидан ўлдирилганини айтгач, Ҳамлет арвоҳнинг сўзларини эшитиб «балки иблисдир» деган шубҳага боради. Актёрлардан отасининг ўлими воқеасини ижро этишларини сўраб, ўз амакиси - Дания қироли Клавдийни зимдан кузатгач, арвоҳнинг сўзлари чин бир ҳақиқатлигига ишонади ва «Дания-зиндон» деб қичқиради...

Ҳамлет отаси ҳақидаги бор ҳақиқатни англагач руҳий изтироб дарёсида ғарқ бўлади. Унинг кўзига Клавдий ва тахти «ўнг тўрваси» бўлиб кўринади, «Ифлос ҳамма ёқ». Мулозим Марсел тили билан айтганда, «Дания давлатида қандайдир чириш бор». Шекспир трагедиясидаги Арвоҳ билан Ҳамлетнинг мулоқот-диалоги Фитратининг «Абулфайзхон»даги Хаёл (Сиёвушнинг руҳи) ва Раҳим бийнинг мунозарасини эслатади. Ҳамлет Арвоҳнинг ҳақ сўзларини эшитиб гумонларидан халос бўлса, Хаёл 15 яшар Абулфайзхоннинг ўғли Абдулмўминни ўлдириб тахтни эгаллаган Раҳим бийнинг юзига феодал жамиятнинг барча жирканчликларини ғазаб ва нафрат ила тўкиб солади.

Ҳамлетдаги Арвоҳнинг сўзлари бир шахсга қаратилган бўлса, «Абулфайзхон»да Хаёл айтаётган аччиқ ва кескин ҳақиқат ижтимоий воқеа даражасига кўтарилиб, янада чуқурроқ, умумбашарий моҳият касб этади.

Лекин икки асардаги ўзаро фарқ Ҳамлет ва Раҳим бий ўртасида: Ҳамлет Арвоҳ сўзлаган ҳақиқатни излаб юрган эди, қонхўр Раҳим бий эса бу ҳақиқатга мутлақо қарши. Ҳамлет Арвоҳнинг сўзларини жон-дили билан тинглайди, Раҳим бий Хаёлнинг сўзларидан кўрқиб, қалтирайди - тескари пропорция. Лекин ҳолат бир: инсон билан Арвоҳ (Ҳамлет отасининг руҳи, инсон билан Хаёл (беғуноҳ қатл этилган Сиёвушнинг руҳи)).

Арвоҳ ва Хаёлнинг сўзларини қиёслайлик:

АРВОҲ (Ҳамлетга). Энди Ҳамлет, қулоқ сол, гап тарқалдики, -

*Гўё менни, боғчада ухлаганимда  
Илон чақиб ўлдирган. Дания аҳли  
Бу сохта ифсонага алданиб кетди.  
Энди билгин, эй меннинг олийбот ўғлим.*

*Илон - отани қотили, - бугун бемалол -  
Унинг тоғин кийибдир...*

...  
*Сен ўзингни отанига ўғил деб билсанг  
Дания шоҳларининг ётоқхонаси -  
Уйнашларга бўлмасин бир ишратхона!<sup>1</sup>*

Мазкур парчадаги Арвоҳнинг сўзлари Ҳамлетга қаратилган, шахсий ва унга Ҳамлет амал қилади. «Абулфайзхон»даги Хаёлнинг сўзларидаги ҳақиқат умумбашарий. У Раҳимбий тимсолидаги қотиллик, куч, зўравонликка асосланган тузумнинг башарасини очади ва тарихан инқирозга юз туғиши муқаррарлигини рўй-рост очиб-сочади. Айни пайтда яқинлик бор: «Ҳамлет»да ҳам қотилликлар тахт учун, «Абулфайзхон»да ҳам:

**Х А Ё Л. ... Эй қора куч, эй куриб кетгур тахт! Ҳеч гуноҳи бўлмаган болалардан, тоғ каби йигитлардан милёнчалари сен учун қурбон бўлиб кетарлар. Инсонлар томонидан яратилгон мингларча тангрининг - энг бузуқбоши, энг шуми! Эй, қоп-қора саодат сенсан. Остигда қолгонларни эзгуси бир фалокат юки бўлгонинг каби, устинга чиққонларнинг борлиқларини ёндиргувчи бир олов тепасидирсан!»**

Булардан ташқари, иккала трагедия рамзий-фалсафий якун топади. Шекспирда Ҳамлет ва унинг отаси, қотил - амакиси Клавдий, Ҳамлетнинг онаси, севгилиси Офелия, Полоний ва унинг ўғли Ларрт, хуллас, **б о ш қ а ҳ р а м о н л а р ў л и м г а м а ҳ к у м**. Бу билан буюк инглиз драматурги эзгулик ва ёвузликнинг абадий курашини юксак бадииятда кўрсатди.

Фитратнинг «Абулфайзхон»ида ҳам тахт, ҳокимият учун курашганлар - драма воқеалари бошланмасдан олдин Убайдуллахон ўз укаси Абулфайзхон кишилари томонидан ўлдиртирилган. Фарҳод оталиқнинг боши олинган, сўнгра Абулфайзхоннинг ўзи Раҳим бий тарафидан қатл этилган, сўнг 15 ёшли Абдулмўминхон, Нодиршоҳ... Фитрат

---

<sup>1</sup> В.Шекспир. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 3-жилд. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 48-50-бетлар. (Кейинги мисоллар ҳам мазкур ширдан олинди).

«Абулфайзхон» трагедиясида истибод жамияти мафкураси билан умуминсоний қараплар ўртасидаги эзгулик ва ёвузлик курашини санъаткорона тасвирлай олган.

Эҳгимол, Фитрат Хаёл рамзий образини яратишда «Ҳамлет»даги Арвоҳдан таъсирлангандир.

Фитратнинг «Абулфайзхон»и билан Шекспир асарлари ўртасидаги яқинлик, адабий таъсир «Макбет» трагедиясида янада ойдинроқ намоён бўлади.

**«МАКБЕТ» ВА «АБУЛФАЙЗХОН».** Бу икки трагедия ўртасида ҳам ғоявий-фалсафий, ҳам қаҳрамонлар психологияси яратишда муштараклик бор. Иккала асар ҳам ёвузлик воситасида тикланган ҳокимиятнинг инқирозга юз тутиши тарихий зарурат деган ғоя асосида ёзилган. Абулфайзхон турли ҳийла-найранг, қотиллик орқасидан Бухоро тахтини эгаллаган, шубҳа, қўрқув васвасасида ўз яқинлари, лашкарбонилари, сарой аъёнларини қотилига айлана боради. Қон устига қон, таъқиб устига таъқиб, жабр-зулм зўраяди. Абулфайзхоннинг эътиқодича, «бугун жанжалларни ўлим битиради». Бухоро ўлкаси бутунлай сиёсий-иқтисодий инқирозга юз тутиб, Нодиршоҳга тобе юртга айланади. Лайш-ишратга берилган хон мамлакатни оир ҳалокатдан қутқаришга қодир эмас, иродасиз, қатъиятсиз. У Фарҳод оталиқ ва Иброҳим иноқларнинг ҳақ сўзлари, танбеҳларидан заррача хулоса қилмай, «отаси асраб олган ўзининг содиқ қуллари» Улфат ва Давлатнинг қўлида бугунлай қўғирчоққа айланган.

Шекспирнинг Макбети ҳам Шотландия қироли Дункани ўлдириб (ўз қўли билан) бу қотилликни Дунканининг икки эшиқбонига тўнкаб, уларнинг қўлига ханжар тутқазиб ва қонга белаб, ўз қилмишини яшириш учун эшиқбонларни ўз қиличи билан бурдалайди. Бир қотиллик устига иккинчи қотиллик. Макбет Шотландия қироллигини эгаллагач, ўз қотилликларини ўйлаб гумон ва шубҳа, қўрқув ва саросимага туша бошлайди. «Омонатдур бошимдаги тож» деркан, эртами-кечми ўз қилмишига яраша жазо олиши мумкинлигини эртаю кеч ўйлаб, руҳий изтироб чекади. Тахти учун шубҳага берилиб Дунканининг лашкарбониси Банкони ҳам ўлдиртиради. Бу қатллар билан ҳам унинг юраги тинчимади, чунки Банкони ўгли Фленс унинг тазйиқини сезиб, қочиб улгурган эди.

Кўринадик, Макбет билан Абулфайзхон характерининг, қилмишларининг моҳиятида, шубҳаларида яқинлик бор. Иккаласи ҳам ҳокимият васвасасида қотил га айлана боради ва иккаласи ҳам ёвузлик тимсоли.

Макбет томонидан Шотландия қироли Дункан ўлдирилгач, асар қаҳрамонларидан бири Росс «табиатга хиёф. Э воҳ, давлатнарастлик» деб, хийла Макбетнинг манфур башарасини очғандек бўлади.

«Макбет» ва «Абулфайзхон»даги ғоя, руҳий тасвирларнинг муштарақлигини аниқ мисоллардан янада теравроқ англаш мумкин:

Шекспир Макбетнинг қотилга айланиб бориш жараёни, унга Леди Макбетнинг ёвузликка ундовчи «таъсири»ни атрофлича ёритган. «У (Леди Макбет - И.Ф.), - деб ёзганди В.Г.Белинский, - виждоннинг сўнги сасларини ўчиради, ёмонлик қилиш учун унинг (Макбетнинг - И.Ф.) жасоратини намуна қилиб, унда қалбаки уятчанлик туғдиради ва уни ёмонликка қатъий равишда унд айди»<sup>1</sup>. Фитрат трагедиясида эса Абулфайзхон виждонининг сўнги сасини унинг ўз надими Улфат ўчира боради:

Х О Н (сўзини кесиб). Бас... еган тузлари кўр қилсин уни... (Фарҳод оталиқ назарда тутилаётир - И.Ф.). Кимни тулроқдан кўтариб, курсига чиқарсак, тезгина бошимизга чиқмоқчи бўладир.

У Л Ф А Т. Хоқони олам! Унларни яна тулроққа қайтармоқ сизнинг кўлингиз дадири».

Леди Макбет эрига унинг мардликларини намуна қилган бўлса, Улфат Абулфайзхоннинг «оламнинг хоқони» эканлигини «намуна» қилиб, хонни қотилликка ундайди. Улфатининг бу ундашлари» зое кетмайди:

Х О Н. Яхшиким, бунларнинг ўлими ўз қўлимиздадир. Йўқса оз замонда бизни эшак қилиб минмак истайлар!

<sup>1</sup> В.Г.Белинский. Таълиқлар. Тошкент: Ўздавиантр, 1955, 150-бет.

У Л Ф А Т. Хоқонимизга маълумдирким, пошохлик қон билан суғорилатурган бир ёғочдир. Қон оқиб турмағон ерда бу ёғочнинг қуриб қолиши аниқдир.

Х О Н (Улфатга). Тур ўрнингдан, тез кет. Беш дақиқадан кейин Фарход оталиқ бошини келтирасан. Қандай истасанг, шундай ишла!

Абулфайзхон иродасининг бўшлиғи, қатъиятсизлигини «терап» билган Улфат қотилликларни хоннинг характеридаги ана шу заифликлар воситасида амалга оширади. Леди Макбетга ўхшаш Улфат қотилликка фақат замин тайёрлайди. Абулфайзхон ўз характери, иродасидан келиб чиқиб қатлларни ижро этади. Чунки Абулфайзхон ва Улфатнинг моҳияти битта: бири феодал жамият мафкурасининг хон тимсолидаги, иккинчиси хоннинг надим маслаҳатчиси рамзидаги моҳияти, холос.

Ана шундай «Қотилликка ундаш операцияси»да Леди Макбет ва Улфатнинг яқинлик томонлари яққол кўринади.

Банконинг ўлдирилганлигини Макбет зиёфатдан чиқиб айтилади. У базмга қайтиб киргач, ўзининг ўриндигида Банконинг арвоҳини кўра бошлайди. Мулозимлар Макбетни ўтиришга таклиф этадилар. У ўтирмайди. Макбет ўз ўриндигида Банконинг арвоҳини кураверади. У «менга ўрин йўқ-ку» деб даврадагиларни таажжубга қолдиради. Арвоҳ ёлғиз Макбетнинг кўзига кўринади, зиёфатдагилар бундан бохабар. Шу ўринда Макбетнинг табиатан қотил эмаслиғи, унинг заррача бўлса-да виждони борлиғи кўринади. Лекин унинг сўнгги виждонини Леди Макбет ўчирган. Аслида эса, Макбетни бундай аянчли вазиятга ўзи мансуб ижтимоий жамият мафжураси туширган.

«Абулфайзхон»да ҳам худди шунга ўхшаш хоннинг рухий, виждон қийноқлари содир бўлади. Абулфайзхон ўз қотилликларидан безади. Лекин ноҳақ қатлларни тўхтатишга унинг иродаси етмайди, қолаверса, шубҳалари йўл бермайди:

Х О Н (Ёлғуз). Шул тирикликдан-да бездирдилар мени. (Туриб юрадир). Бир душманнинг қони қуримойин яна биттаси чиқиб қоладир. Бу Иброҳим аҳмоқ ҳам мени тишч қўймайтурсондек кўринадир. Қачонгача ўлдираман бунларни! Ортук ҳеч кимнинг менга ишончи қолмади... Бунларнинг ўзи йўлга келиб, менга душманлик қилмоқни

ташласа, нима бўлар! Йўқ... йўқ. Бунларнинг ўзи йўлга келмайдир. Ўлдураман. Ўлдураман. Дунёда битга душманам қолмагонча қон тўкман. Улфатнинг сўзи тўғри. Подшоҳлик қон билан суғорилатурғон бир ёғочдир».

«Макбет»да: (Макбет Банконинг арвохидан кўрқиб, сескашиб) Арвоҳга қарата:

*Эркак зоти қодир ишга қодирман мен ҳам.  
Бошиқа қай бир қисфада кўринма, майли  
Журдония йўлбарсими, ёвуз каркидон,  
Россиядан келган пахмоқ айиқ бўлиб ё -  
Чўчмасдим, қилт этмасди бирор томирим.*

.....  
*Биз бемормиз ўша тирик юрар экан то,  
Фақат унинг қатли билан топуर्मиз даво.*

Макбет учун «журдония йўлбарсими, ёвуз каркидон», ё бўлмаса «Россиядан келган пахмоқ айиқ»ни енгил, виждон азоби ҳокимият учун гумон-шубҳаларни енгилдан кўра минг марта осон. Лекин Макбет учун ўз ичидаги ёв - тахт, шуҳрат ўтини ўчириш қийин. Макбет ўз қилмишларини ўйларкан, кўрқиб, титраб, виждон азобидан эзилади:

**Макбет:**

*Кечалари ваҳим босиб чиққандан кўра,  
Олам аро робитайи зағжир узилиб,  
Чок-чокидан сўкилмасми ҳар икки дунё.  
На кўнглимда кўрқинч-кўрқинч хаёларга ҳад,  
На руҳимда дилхун-дилхун азобларга чек...*

**Лекин Макбет:**

*Жоним, тинчлан, чехранг бир оз равнан айлаким,  
Меҳмонларни шоду хуррам кутишинг лозим»<sup>1</sup>.*

«Абулфайзхон»да:

Х О Н. Улфат, мен бу ишлардан бездим. Бу одамларнинг биттаси ҳам менга тўғри қарамайду. Фарҳод оталиқ ёмошлиқ қилди. Ҳаким иноқнинг қилғон ишларини кўриб турибсан, Иброҳимни одам деб ўйласам, бу ҳам бузуққа ўйнайдир. Қон тўкмакдан-да бездим. Акамни ўлдирдим. Кўп дўстларимни ўлдирдим. Мени бир ота қаби асрагон Фарҳод оталиқни бошини оёқлар остида кўрдим

<sup>1</sup> Ўша ерда, 221 бет.

(Кўзларини тутиб) Уф... кўзларим қонга тўлди. Кечалари ухлай олмайман. Кўзларимни юмгоч, бутун ўлганлар, ўлдирганларим мени айлантуриб олалар, сараланиб ёнимдан ўталар. Мени кўркуталар, менга кузалар!..

У Л Ф А Т. Хоқоним, буларни ўйламангиз. Ўлуқларни эсингиздан чиқарингиз. Ётоққа киргач, Куръондан бир оят ўқуб ётингиз. Булар ҳаммаси ўткундур. Яқинда душманларингизни битирармиз. Ҳозир эмди, болқа ишларимизни кўрайлик.

Диалогдан кўринадики. Абд. «файзхон ўз виждонининг таъйиқига учрайди, руҳий изтироб гирдобига фарқ бўлади. Гуноҳларини эслаб «Уфф...» дея оғир тин оларкан, ўз қилмишларидан эзилади. Хоп жисмонан тирик бўлса-да, маънан ўлимга маҳкумлигини сезади. У ҳар кеч кўзини юмгач, ўзи истамаса ҳам, виждони олдида қайта-қайта таъйиққа маҳкум. Абулфайзхоннинг қатллари оз эмас, 37 йил! (1711-1747).

Юқоридаги қиёслашда нафақат Макбет ва Абулфайзхоннинг руҳий, виждон азоблари, балки Улфат ва Леди Макбетнинг хатти-ҳаракатлари, «Қотиллика ундовчи бурчлари» ҳам бир-бирига монанд.

Макбет ўз қилмишлари олдида азобланиб Леди Макбетга кўнглини очса, у «жоним, тинчлан, чехранг бир оз равшан айлаким. Меҳмонларни шоду хуррам кутишинг лозим» дейди. Абулфайзхон виждон қийноқларидан Улфатга кўнглини бўшатса, у «Хоқоним, буларни ўйламангиз, ўлуқларни эсингиздан чиқарингиз... Булар ҳаммаси ўткундур» деб хонни «осойишталикка» чақиради. Леди Макбет «жоним» деб эркаланиб гапирса, Улфат «хоқоним» дея хонни кўкларга кўтариб гапирди.

Лекин Улфат Леди Макбетга қараганда яна ўн чаидон айёрроқ. У Абулфайзхонни оғир вазиятдан чиқаришга ҳаракат қиларкан, бир лаҳза ҳам «Қотиллика ундовчи» назифасини эсидан чиқармайди: «Булар бариси ўткундур. Яқинда душманларингизни битирамиз».

«Макбет»даги яна бир виждон азоби картинаси «Абулфайзхондаги хоннинг тушдаги қийноқлари билан жуда яқин.

*Макбет ўз ўрнида Банконинг арвоҳини кўргач:  
«Йўқ, беҳуда бари. Мени фош этолмайсан,*



*Қонга ботган сочларингги силайверма кўп!*<sup>1</sup> -  
деб, кўз олдида Банконинг қонли сочларини кўргандай  
бўлади. Макбет кўрқади, сесканади, ваҳимага тушади:  
*«Йўқол! Даф бўл! Қайтиб яна қора ерга кир!  
Қонинг қотган, илгинг ич суякларингда.  
Менга киирик қоқмай боққан кўзларинг-басир»*<sup>2</sup>

Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясида бундай кўрқинчли, мураккаб рухий ҳолат-виждон қийноқлари ва тахт насвасаси каргинаси миллий колорит билан бойитилиб, янада чуқурлаштирилади. Шекспир Макбетнинг бу ҳолатини зиёфат сахнасида гавдалантирса, Фитрат трагедиясида мазкур ҳолат Абулфайзхоннинг тушида содир бўлади. Бу виждон қийноқларини ишонарли чиқиши учун «Хусайний» куйининг чалиниб тугани билан хон туш кўриши эпизоди берилди. Бу куйининг трагедияга олиб кирилиши ҳам рухий ҳолатларни тасвирлашда жуда кўл келган. Чунки Шарқ классик куйларида халқнинг минг йиллик дарди андуҳи, ҳасрат надоматлари тўла мужассам тонган. Абулфайзхоннинг шу лаҳзадаги қийноқлари «Хусайний» куйи билан ҳамоҳангдек.

Абулфайзхон «чоғу секинлаб битгандан сўнг» уйкуга кетаркан туш кўради:

Х О Н (Тушинда). Акам... Нечун келди...  
(бўғдурулғони, арқон бўйнида тақилғони ҳолда чиройлик бир хотиннинг хаёли келар). Йўқол, кет. (Хотин хаёли хонни бўғардек, унга қараб юрар. Хон талваса қилар). Кет.. Кет..! (Бир йигит хаёли Фарҳод оталиқнинг бошини олиб келар. Хонга яқинлашар) Йўқол... келма... (Хаёл чекилар. Ундан сўнг учала хаёл биргалашиб, хонга ҳужум қиларлар. Хон кучли талваса билан қичқирар). Вой... Урма! (Ўз товушидан уйғониб, ирғиб турар. Товушни эшитган Давлат тўқсабо бир шамдончани кўтариб, югуриб кирар)...

... Булар бу дунёда ҳам менга қарши бирлашганга ўхшайлар, мени тинч қўймайлар, чоғи!

Макбет «Қасос-интиқом биз ўзимиз қуйган захар тўла косани ўзимизга тугар» деб ўз қотилликлари туфайли азобларини умрининг охиригача тортишга маҳкум

<sup>1</sup> Ўша ерда, 229-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 232-бет.

этиланлигини ўзи тан олиб, иқрор бўлган бўлса. Абулфайзхон «Бунлар у дунёда ҳам менга қарши биришганга ўхшайлар, мени тиш қўймайлар, чоғи!» деб ўз қилмишларига иқрор бўлаётган.

Демак, Вильям Шекспир драмаларидаги кескин вазият яратиш, қаҳрамонларнинг ички руҳий оламини чуқур очиш, шахслар қалбида кечаётган трагик коллизияни ҳаяжонли тасвирлаш каби хусусиятларни Фитратнинг «Абулфайзхон»ида ҳам кузатиш мумкин.

Фитратнинг «Абулфайзхон»ида трагедияси шунчаки адабий таъсир, воқеа, ҳолат ёки характерларнинг ўхшашлиги доирасида қолмади. Драматург Вильям Шекспир анъаналарини янги бир босқичга кўтарди. Ҳақиқий санъат асарининг қудрати, япювчанлиги ҳам шундаки. Орадан қанча давр ўтмасин, ҳар бир ўқувчи, томошабин, тадқиқотчи унинг янги маъно, туйғу қирраларини, фалсафий моҳиятини оча боради.

## ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАР ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН

### Тарихий ҳужжатдан - трагедияга

Драматург турли тарихий давр, таълимот ва тақдирларни, бир-бири билан боғлайди. Агар китобхон томошабин ё тадқиқотчи асарда тасвирланган воқеалардан хабардор эмас экан, трагедиянинг асл моҳиятини инкишоф этолмайди.

Фитратнинг «Абулфайзхон» тарихий фожеасини тираш тушуномқ учун ҳам драматург англаган ҳақиқатлар, қаранслар ва ўтмиш воқеаларидан хабардор бўлмоқ лозим. Улуғ рус ёзувчиси Константин Паустовский Пётр I даврига оид тарихий-илмий тадқиқотларни синчиклаб ўрганиб чиқиб, ҳеч бири Алексей Толстойнинг романидек ёрқин тасаввур ва маълумот беролмаслигини алоҳида таъкидлаган эди<sup>1</sup>.

Фитрат «Абулфайзхон» трагедиясида ХУШ аср Бухоро хошонидаги социал-сиёсий, ғоявий, психологик конфликтларни кўрсатиш учун жуда кўп одамлар тақдирида

<sup>1</sup> Қараи: «Вопросы литературы» журнали. 1965, 9-сон, 58-бет.

бувз роль ўйнаган аштархонийлар сулоласининг инқирозга юз тутиши ва манғитларнинг зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллашлари воқеаларини тасвирлайди. Чунки бу давр драматург учун ўз ғоясини илгари суришга катта имкониятлар беради. Аштархонийлар замонидagi (1597-1747) тарихий ҳалокатлар, феодал жанжаллар, ноҳақ қатллар, Фитрат «Абулфайзхон»да айтмоқчи, зўрлик кучга асосланган тузумнинг тарихан инқирозини тасвирлаш учун энг муносиб восита.

«Трагедия санъатнинг юксак формаси сифатида шунчаки тузилмайди, - дейди Максимилиан Волошин, - балки бирор-бир натижа билан тугалланади. У қайта ишланган эшик миф асосида вужудга келади. Трагедияни томоша қиладиган томошабин олдиндан унинг қаҳрамонларини номидан билмоғи ва уларда ўз иркининг (мизлатининг) асосий характерини кўрмоғи лозим. У қаҳрамонларнинг ички кураши, тақдирининг фоже ҳолати ва ҳалокати билан таниш бўлмоғи шарт»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, Фитрат ўз трагедиясига тарих чорраҳасидаги шундай кескин бурилишларга бой, шиддатли воқеаларга сабаб бўлган Абулфайзхон, Нодиршоҳ, Раҳим бий даврини тапларкан, Волошин айтмоқчи, феодал истибдоҳ жамияти «тақдирининг фожеали ҳолати ва ҳалокати» ҳақида ўзбек томошабини бир қадар хабардор эди.

Фитрат шунинг учун халқнинг тақдирида муҳим роль ўйнаган, трагедия концепцияси учун хизмат қиладиган воқеаларни танлади. Драматургнинг бош мақсади фожеаларни, аниқроғи, тарихий воқеа, шахслар ҳаётини хронологик тарзда кўрсатиш бўлмагани учун, трагик коллизияга бой, энг характерли воқеаларнигина сюжет учун белгилади ва пухта ўйлаб композиция яратди. Трагедияда композиция яратилиши алоҳида аҳамиятга молик. Чунки композиция драматургнинг фожеалар марказини, унинг ривожини ва хотимасини белгилаш учун энг муҳимдир.

Фитратнинг «Абулфайзхон»и реал воқеалар асосида ёзилган экан, драматург бу тарихий воқеаларни қандай ва қайси манбаларга таяниб яратди?

<sup>1</sup> Волошин М. Лики гворчества. — Л.: Наука, 1989. С.363.

XVIII аср тарих илмига оид кўпгина манбалар бизгача етиб келган. Жумладан, Абулфайзхон, Нодиршоҳ, Раҳим бий, Ҳаким бий, Мир Вафо Карманағий, Ризоқули каби Фитрат трагедиясининг қахрамонлари бўлмиш тарихий шахслар ҳаётига оид ҳужжатлар ҳам бор.

Фитратнинг қайси тарихий манбадан, қандай принцип асосида воқеаларни танлагани масаласини оидинлаштириш учун, аввало шу асарлар ҳақида мухтасар маълумот бермоқ жоиз.

«Абулфайзхон» трагедиясига асос бўлган тарихий манбалардан бири, бизнингча, Мир Вафо Карманағийнинг «Тухфайи хоний» асаридир<sup>1</sup>. Мир Вафо Карманағийнинг ўз «Абулфайзхон»даги қахрамонлардан бири. Фитрат трагедияда қатнашувчи кимсаларни қайд қиларкан, Мир Вафони «Тухфайи хоний» деган Раҳимхон тарихини ёзган киши, Ҳаким бийнинг одами. 50-60 ёшларида» деб таништиради.

«Тухфайи хоний»ни тўлиқ исми Муҳаммад Вафо ибн Муҳаммад Зоҳир Карманағий бўлган шахс Олимбек ибн Ниёзқулибек эшон билан ҳамкорликда ёзган<sup>2</sup>. Бу тарихий асар «Раҳимхон тарихи» деб ҳам юритилади. Унда 1722-1782 йиллар Бухоро ўлкасининг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётига оид жуда қимматли маълумотлар келтирилади. Фитрат Абулфайзхон ҳаётининг сўпигига доир, Раҳимхоннинг тахтни эгаллаш воқеасига оид кўпгина фактларни мазкур асардан олган. Нодиршоҳнинг аввал Қаршига, сўнгра Бухорога тажовуз қилиниш билан боғлиқ воқеалар ҳам батафсил ёритилган, дейиш мумкин.

Иккинчи бир манба, Муҳаммад Юсуф Мушшийнинг «Муқимхон тарихи»<sup>3</sup>дир. Бу китобда аштархонийлар даври Бухоро хонлигининг 1601-1702 йиллар воқеалари, Субхонқулихоннинг вафотигача бўлган давр ҳақида маълумот берилади. Асар кириш ва уч бўлимдан иборат. Биринчи бобда Урта Осиёда шайбонийлар даври сиёсий-иқтисодий ҳаётга оид воқеалар баён қилинса, иккинчи

<sup>1</sup> Ахмедов М.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Ташкент: Фан, 1985. с. 114-126.

<sup>2</sup> Ушаева, 114-бет.

<sup>3</sup> Мухаммад Юсуф Мушши. Муқим-ханская история. Ташкент: Изд.АН УзССР, 1956.

қисмда Бухоро хонларининг Балх, Туркия, Эрон, Ҳиндистон билан муносабатлари, учинчидан, Бухоро хонларининг (аштархонийларнинг) Термиз, Ҳисор билан ўзаро уруш, низолари ёритилади.

Айтиш мумкинки, «Муқимхон тарихи» Фитрат учун, аштархонийларни инқирозга олиб келган асосий сабабни кўрсатувчи «жонли гувоҳ вазифасини ўтаган. Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома»си<sup>1</sup> бевосита Абулфайзхон тарихи билан боғлиқ. Бу Фитратнинг эътиборини тортмаслиги мумкин эмас. Чунки унда Абулфайзхоннинг акаси Убайдуллохоннинг 1703-1711 йилларда Бухородаги ҳукмронлик қилиш воқеалари ўз ифодасини топган. Мир Муҳаммад Амир Бухорий Убайдуллохоннинг туғилишидан, токим умрининг тугашигача (1711,15 март) батафсил ҳикоя қилади. Бу асар XVIII аср Бухоро хонлари, халқи ҳаётини ўрганиш учун қимматлидир. Трагедиядаги Убайдуллохоннинг ўз укаси Абулфайзхон томонидан ўлдирилиб тахтга чиқиш воқеалари «Убайдуллонома»дан олинган.

Диққатни ўзига жалб этадиган тарихий асарлардан яна бири Абдурахмон Тольенинг «Абулфайзхон тарихи»дир<sup>2</sup>. «Абулфайзхон тарихи» маънавий Мир Муҳаммад Амир Бухорий «Убайдуллонома»сининг давомидир. Унда Абулфайзхоннинг Бухоро тахтини эгаллашидан (1711) бошлаб, токим 1924 йилгача бўлган ҳаёти, ўлканинг умумий аҳволи ўз аксини топган. Бу тарих китобчасидан маълум бўладики, Абулфайзхон ҳукмронлик йилларидан ҳақиқатдан ҳам феодал урушлар, низолар ҳаддан ошиб кетган. Бухоро хонлиги билан Самарқанд, Миёнқўл, Қарши, Шаҳрисабз, Термиз ўртасида тез-тез можаролар, қонли тўқнашувлар бўлиб турган.

Аммо Абдурахмон Тольенинг «Абулфайзхон тарихи» Фитрат трагедиясининг номи билан узвий боғлиқ бўлса-да, бу асар драматург учун асосий манба вазифасини ўтамайди.

<sup>1</sup> Мир Муҳаммад Амин Бухори. Убайдулло-наме. Тошкент: Изд.АН УзССР, 1957

<sup>2</sup> Абдурахмин-и Тольеъ. История Абулфайз-хана. Тошкент: Изд. АН УзССР, 1959.

Чунки «Абулфайзхон»да хон даврининг 1735-1747 йиллари кўпроқ олинган.

Иккинчидан, Абдурахмон Толетнинг ўзи Абулфайзхонга яқин киши бўлган<sup>1</sup> ва табиийки, тарихий воқеаларни тасвирлашда бир томонламаликка йўл қўяди. Абулфайзхон замонида Бухоро ўлкаси қанчалик вайронагарчиликка юз тутмасин, Абдурахмон Толет бунинг сабабини фақат бошқалардан, сарой аъёнларининг Абулфайзхонни кўролмасликларидан деб билади. Абулфайзхонни «ҳазрати олийлари», «адолатпарвар хон», «буюк хон», «марҳаматли хон» деб кўкларга кўтариб асоссиз мақтайди<sup>2</sup>.

Асарнинг ёзилиш услуби оғир. Тарихий воқеалар ўта муболага билан баён этилади, гоҳо Абулфайзхон ва унинг яқинларига шеърлар бағишланади. Масалан, тарихда сотқинлиги мунофиқлиги билан маълум ва машҳур Муҳаммад Ҳакимни «ўз даврининг Рустами, тож-тахт ҳимоячиси эди» деб кўкларга кўтаради<sup>3</sup>.

XIII аср тарихчиси Муҳаммад Козимнинг «Нодиршоҳнинг жаҳонгирлик тарихи»<sup>4</sup> ҳам «Абулфайзхон» трагедиясини яратишда Фитрат учун асосий манбалардан бири бўлганлиги, табиий. Нодиршоҳнинг шахсий лашкарнависи бўлган Муҳаммад Козим ўз китобида жаҳонгирнинг Эрон, Кавказорти, Ўрта Осиё, Ҳиндистондаги юришлари, шахсий характери ва халққа, лашкарларига муносабатини атрофлича ёритади.

Лекин унутмаслик лозимки, Муҳаммад Козим ҳам Нодиршоҳга яқин бўлганлиги сабабли тарихий воқеаларни ёритишда бир томонламаликка йўл қўяди. Нодиршоҳнинг боқинчилик юришларини ҳам ошириб мақтайди.

Бу тарихий манбанинг характерли томони шундаки, «Абулфайзхон»да тасвирланган Нодиршоҳнинг Қаршига юриши (1737), Ризоқулининг 20 минг аскар билан қарши

<sup>1</sup> Қаранг: Ахмедов Б.А. Историки-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Ташкент: Фан, С.93-95.

<sup>2</sup> Абдурахман-и Талет. История Абулфейз-хана. Ташкент: Изд.АН УзССР, 1959. С.27-90.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 30-50-бетлар.

<sup>4</sup> Муҳаммад Козим. Нама-йи аламара-йи Нодир. (Мироукратная Падирова китоби). Том 1, изд. Текста и предисловие П.Д.Миклухо-Маклая. М., 1960; Том 1. М., 1965; Том 3. М., 1966.

хужумини яхши ташкил этолмай орқага қайтганлиги, бу чекинишнинг сабаблари (Абулфайзхон ўз шартномачиси бўлмиш Хоразм хони Эбурсини ёрдамга чақиргани) батафсил ҳикоя қилинади.

Трагедиянинг учинчи шарҳасида тасвирланган «Ҳози обод»даги Подиршоҳ ва Абулфайзхон учрашуви ҳам Муҳаммад Козимнинг мазкур асарига таяниб яратилган. (Ишнинг «тарихий воқеалар тасвири» фаслида тарихий факт ва бадиий тўқима қиёсланиш орқали махсус ўрганилади).

Бу каби тарихий манбалар қаторига Аҳмад Донишнинг «Бухоро мангит амирлари тарихи»ни ва ХУШ асрда яратилган адабий асарларни ҳам қўшини мумкин.

Масалан, ХУШ асрда яшган Равнақ Подиршоҳнинг бошқинчилигини нафрат билан тасвирлаб, уни Туркистонда ўша йилларда (1740-50) тарқалган вабо касалига ўхшатган эди:

*Ҳар печа минг қон тўқурсан тиги-бододнинг била,  
Эй, ажал, йўқ сен каби бир қотили жаллод ҳам»<sup>1</sup>.*

Роқим эса:

*Дариго, олам аҳлини сарбасар ноошно кўрдим,*

*Мурувватлиғ не бою, не фақирю, не гядо кўрдим, -*

деб ёзган эди<sup>2</sup>. Адабиёт тарихидан шу нарса ҳам маълумки, Абулфайзхонга атаб шеърлар битганлар ҳам бўлган. «Бу эшон (Муҳаммад Тоҳир эшон Хоразмий - И.Ф.) Эрон шоҳи Подирга Бухоро вилоятининг тақдирини икки қўллаб тошшириб қўйган Абулфайзхонга мадҳиялар тўқиди. Унинг ота-боболарини мақтади, уларни идеаллаштириб кўрсатди... Равнақ Бухоро хонлари Муҳаммад Раҳим мангит (1747-1758), Дониёлбий оталиқ (1758-1785). Амир Шоҳмурод (1785-1800), Хива ҳукмдорлари Муҳаммад Амин иноқ (1770-1791) унинг укаси Фозил Муҳаммадларга атаб қасидалар ёзган»<sup>3</sup>.

Ўзбек классик адабиёти тарихини чуқур билган, Аҳмад Нессавийдан тортиб Маншраб, Турди ижодигача бўлган давр

<sup>1</sup> Абдулмасев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 113-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 113-бет.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 110 (14-бетлар).

ҳақида жуда кўп ишлар ёзган Фитрат учун бу адабий ҳодисалар таниш бўлганлиги, табиий.

Демак, Фитрат «Абулфайзхон» трагедиясини яратганда Муҳаммад Юсуф Мунишийнинг «Муқимхон тарихи», Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома», Абдурахмон Толетининг «Абулфайзхон тарихи», Муҳаммад Қозимнинг «Нодиршоҳнинг жаҳонгирлик китоби», Мир Вафо Карманағийнинг «Тухфайи хоний», Аҳмад Донишнинг «Манғит амирлари тарихи» ва XVIII асрда яратилган бадий асарлардан кенг фойдаланган.

Фитрат тарихий ҳужжатлар асосида ўтмиш ҳақиқатини бадий ҳақиқат даражасига кўтарган. Юқорида саналган тарихий асарлардаги жамики воқеаларни эмас, трагедия концепциясига хос бўлган энг кескин, ҳаяжонли ва ҳалокатлиларинигина асар сюжетига киритган. Табиийки, бундай пайтда тарихий ҳақиқатдан бир қадар чекиниш ҳам бўлади. «Трагедиячи ўз қаҳрамонини маълум тарихий вазиятда кўрсатишни истайди. Тарих унга вазият беради. Агар бу вазиятдаги тарихий қаҳрамон трагедиянинг идеясига мувофиқ келмаса, уни ўзгача ўзгартиришга у тўла ҳуқуқлидир»<sup>1</sup>.

Мисол учун: Фитрат «Абулфайзхон» трагедиясининг учинчи пардасида Нодиршоҳ билан хоннинг учрашувларини тасвирлайди. Асардаги бу учрашув Абулфайзхон ҳукмдорлигининг туғанишидан бир йил олдин (1746) бўлган қилиб кўрсатилади. (Фитрат трагедиянинг эслатмасида «учинчи пардалар билан тўртинчи, бешинчи пардалар орасида бир йил замон ўтадир» деган). Ҳолбуки, мазкур тарихий учрашув Муҳаммад Қозимнинг «Нодиршоҳнинг жаҳонгирлик китоби»да ёзилишича 1740 йилда бўлиб ўтган: «Нодиршоҳ Абулфайзхон билан Бухорога яқин Чорбакр мавзёида учрашди... Бу учрашув Хоразм юриши йўлида бўлган эди (1740)»<sup>2</sup>. Фитрат бу воқеани 1746 йилда бўлгандек тасвирлайди. Чунки драматург учун бу учрашувнинг моҳияти зарур ва трагедиянинг гоյси мазкур шартноманинг оқибати: Абулфайзхонни бутунлай Ҳакимхон қўлида қўғирчоққа айлангани, кескин низолар, феодал

<sup>1</sup> Беллский В.Г. Танланган асарлар. Тошкент: Ўзбекистон, 1955.

<sup>2</sup> Уша ерда, 254а-255а, 263б бараклар.



жанглр тус олиши билан Бухорода трагедия воқеаларнинг кучайиши, қарама-қаршиликларнинг юксак бир чўққига чиқишини талаб қилади.

Тарихий хужжатлардаги фактларнинг Фитрат трагедиясида оз бўлса ҳам ўзгаришга учрани (уларнинг асосий моҳияти сақланиб қолинган), трагик ҳаракатнинг олдиндан аниқ бўлган ҳогимага қараб ҳаракатланиши билан боғлиқ. Чунки трагик коллизиянинг характери воқеалари бир қадар сунъий равишда бўлса ҳам ҳалокатли нуқтага олиб келишни тақозо этади.

Фитрат «Абулфайзхон»да тарихий хужжатлардаги ҳақиқатлардан чекинмайди ва айни замонда ул фактларнинг кули ҳам бўлиб қолмайди. У асарда илгари сурилган зулм салтанатининг инқирози ғоясини исботлаш учун ижодий фантазиясига ҳам эрк беради. Лекин бу «эркинлик» тарихий ҳақиқатни янада бўрттирса бўрттирадики, асло унга қарши бормайди. Трагедиянинг умуминсоний қадрияти, фалсафийлигини таъмин этади.

Фитратнинг трагедияси, Константин Паустовский айтмоқчи, Абулфайзхон даври ҳақида, XVIII аср тарихий-илмий манбаларига қараганда янада ёрқин таассурот қолдиради. Бунинг бош сабаби, драматургнинг тарихий хужжатларнинг синчиклаб ўрганиб, уларни тарихий тараққиёт мезонлари билан ўлчаб, тарих ва тарихий ҳақиқат қонунларига содиқ қолганлигидадир.

## ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАСВИРИ

«Мен шундай хулосага келдим, - деб ёзган эди кўшгина тарихий асарлар муаллифи В.Ян, - авторнинг ижодий тафаккурига, унинг фантазиясига жуда катта эркинлик берилиши лозим; фақат бу тафаккур ва фантазия илмий-тарихий тадқиқотнинг аниқ фактларига маҳкам таянган бўлсин»<sup>1</sup>.

Фитрат «Абулфайзхон» трагедиясини яратишда тарихий хужжат ва ҳақиқатларнинг қайси бирига содиқ қолди? Қайси бир «илмий-тарихий тадқиқот»нинг фактларидан

<sup>1</sup> Қараи: «Вопросы литературы» журнали, 1965, 9-сон, 48-бет.

чекинди? Қайси бирини ўз ижодий концепциясидан келиб чиқиб ўзгартирди?

«Тарихий драматинг ҳар қандай жанрида, - дейди В.Волкенштейн, - биз тарихий ҳақиқатдан (аниқликдан) чекинишни кўрамиз. Тарихан синфий муносабатларни ҳаққоний ёритишга интилган драматург тасодифий, характерли бўлмаган фактларни ташлаб кетади ва шу маънода унинг драмаси тарихий хроника ҳужжатларининг ҳар бир ҳарфига қараганда ҳақиқатга яқиндир»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Фитрат ҳам «Абулфайзхон»да XVIII аср аштархонийлар ва мангитлар ҳаётига оид кўпгина характерли бўлмаган воқеа, фактларни ташлаб кетади. Трагедия учун хос энг кескин, ҳалокатли, катта ижтимоий-сиёсий тўнтаришларга бой воқеаларинигина таялди. Ўзи фожеали саналган бу воқеаларга ижодкорнинг бой фантазияси кўшилиб, аниқ хотимага - давр, юн ёки қаҳрамонни ҳалокатга элтувчи трагик коллизия, изтиробли рухий ҳолатлар, қўрқинчли саҳналар яратилади.

«Йўқсул ўлкасининг тарихидан олинган беш пардали фожев» - «Абулфайзхон» трагедиясининг эслатмасида Фитрат «бундаги воқеаларда биринчи нарда билан иккинчи нарда орасида етти йил, иккинчи, учинчи пардалар билан тўртинчи, бешинчи пардалар орасида бир йил замон ўтгандир. Шунинг учун кимсаларнинг ёшларини ёзганда қирқ-эллик, олтмиш-етмиш деб ўн йиллик очиқлик қолдирилди», деб воқеалар тарихига аниқлик киритади. Трагедиядаги фожеалар Нодиршоҳ ўлими ва Раҳим бийнинг тахтга чиқини (1747)ни ҳисобга олсак, энг кескин воқеалар 1737-1747 йиллар оралиғида кечган дейиш мумкин.

Трагедия Абулфайзхоннинг Бухоро аркидаги қабул маросими билан бошланади. Хоннинг уйи «шоҳона тўшалиб безатилган, ўртада осилгон муҳташам «Чил чироғ»нинг бутун шамлари ёниб турадир... «Улфат хўжа сарой, Мир Вафо ва қози Низом шатранж ўйнайдилар. Уларнинг ўртасида қандайдир ётсирашга ўхшаш, «нимадир» бор. Абулфайзхон «ичкари уйлардан жуда оғир босиб» чиққандан сўнг, Улфатдан шатранж ўйинида «ким вучли!» деб сўрайди.

<sup>1</sup> Волкенштейн В. Драматургия. М.: изд. Советсатель, 1960. С.147-148.

Абулфайзхоннинг трагедия воқеалари бошланишидаги биринчи сўзи «куч» билан бошланади.

Абулфайзхон қози Низомдан Фарҳод оталиқнинг хабарини сўрагач, у:

**Қ О З И Н И З О М**. Бордим, кўрушдим, сўйладим: Сиз хоқонимизнинг энг ишончли қуллари бўласиз. Хоқонимизнинг муборак миждоғларига ёқмайтурган ишлар қилар экансиз. Эрон кўшини Қаршидан қайтгандан сўнгра, сизнинг юриш-туришингиз бошқача бўлган экан, дедим.

**Х О Н**. Эрон кўшунини Қаршидан қайтарган ёлғуз сен эмассен, демадингизми?!

Бу диалогдан маълум бўладики, биринчи парда 1739-40 йил воқеалари билан бошланаётир. Чунки тарихдан Эрон кўшини билан қарши ўртасидаги урушнинг 1740 йилда бўлганлиги маълум. Қози Низом билан Абулфайзхоннинг хаяжонли диалоги давом этаркан, бу воқеалар янада конкретлашиб, ойдинлашиб бораверади:

**Қ О З И Н И З О М**. Оталиқ дейларким, Эрон кўшунини тунроғимиздан биз чиқармадик, ўзи чиқди.

**Х О Н**. Нима... Ўзими чиқди?!

**Қ О З И Н И З О М**. Оталиқ кулингиз шундай дейлар. Эроннинг - дейлар - янги тўп, милтиқлар билан яроқланган кўшуни бизнинг кўшунимизни буза олган бўлса ҳам, ўзбекнинг ботурлигини билгани учун хуркуб тура эди. Бизга ёрдам учун Хива кўшунининг ҳам Бухорогача келганини эшитгач, бутун кўрқди, усталик билан урушни ётқузди-да, қайтиб кетди. Бу ишда меним-да, Ҳаким бей иноқнингда ойрича хизматимиз: Хива кўшуни Бухорога келганча урушни узатиб турмоқ бўлди. Мен Эрон кўшунини қайтардим, деб катталиқ қилмоғоним каби хонимиздан ёшурунгина Нодир шохга элчилар юбориб, хабарлашиб-да турмадим.

Фитратнинг тарихий фактларни жуда пухта ўрганганлиги шундан ҳам маълум бўладики, юқоридаги қози Низом тилидан сўзланган воқеалар ҳақиқатдан ҳам содир бўлган: «Амударёнинг чап қирғоқ бўйларидаги илгариги ўзбек ерларининг кўпчилигини эгаллаб, Ризоқули отасининг (Нодиршоҳнинг - И.Ф.) фармони билан дарё кечиб ўтди ва 12 мишг кишилик отряд билан Қаршига юрди. Қаршида ўтирган Муҳаммад Ҳаким бий эронликларнинг яқинлашиб

келаёттанлигини эшитиб шаҳарга мағит ва бошқа қабилалардан тузилган отрядни олиб кирди ҳамда шаҳар ва унинг атрофидаги барча аҳолини душманни баргараф қилишга сафарбар этди. Ризоқули аҳолидан барча дон запасларини тортиб олиш мақсадида, аввал, Қаршига ёндош турган районларга отряд юборишни буюрди ва шундан кейин шаҳарни қамал қилишга киришди»<sup>1</sup>. Кўринадики, Фитрат трагедияга тарихий ҳақиқатнинг айнан ўзини олиб кираётир. Лекин бу фактнинг ўзини шунчаки хронологик тарзда эмас, ҳаётий зиддиятлар, шахслар қилмиши ва тақдирини кўрсатиш, қози Низом, Улфат, Мир Вафо, Абулфайзхоннинг бир-бирига ўхшамайдиган руҳий ҳолатларни тасвирлаш воситасида. Трагедиядаги тугун худди шу ердан бошланади. Абулфайзхон ўз қўл остидаги лашкарбошилари ўзига бўйсунмасликларини кўргач, ғазабга минади, қутуради. Шу ондаёқ унинг қон қуйилган кўзларига «ўзини ота каби асраган Фарҳод оталиқ» балодек кўринади ва Улфатга «тур жойингдан, тез кет. Ёш дақиқадан кейин Фарҳод оталиқ бошини келтурасан. Қандай истасанг, шундай ишла» деб буюради. Абулфайзхоннинг ҳалокатга бошловчи характерининг қирралари унинг дастлабки сўзлариданоқ намён бўла боради.

Қози Низом томонидан Абулфайзхонга айтилган Фарҳод оталиқнинг «бизга ёрдам учун Хива қўшунининг ҳам Бухорогача келганини эшитгач, (Ризоқули) бутун кўрқди, усталик билан урушни ётқуздида, қайтиб кетди» сўзлари бугун бир юз саҳифа қилиб ёзса бўладиган тарихий реал воқеанинг моҳиятини англатади. Бу воқеа 1740 йилда бўлган эди: «Ризоқули аскарларининг сони Бухоро аскарларига қараганда тўрт марта кам бўлишига қарамай, эронлиларнинг ўт сочар қуроли енгил фольонет артиллериясининг устунлиги туфайли, жанг эронлилар фойдасига ҳал бўлди. Бухоро армияси тартибсиз ҳолда қоча бошлади. Абулфайз билан оталиқ (Муҳаммад Ҳаким - И.Ф.) зўрға Қаршининг ичига кириб бекиниб олдилар. Ризоқули Қаршини қуршаб олиб, унинг деворлари остида қамал

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи. I том, I-китоб. Тошкент: ЎзАФА нашриёти, 1956. 460-461-бетлар.

машиналари - олиб келиб ўрнатди. Лекин ўн беш кунлик камалдан кейин, Бухоро территориясига жуда катта қўшин билан янги душман, яъни бухороликларнинг иттифоқчиси бўлган Хива хони Илбарс келаётгани тўғрисида хабарни эшитиб, Ризоқули Абулфайз билан сул тузишга ва отасининг армиясига бориб қўшилш учун Амударёнинг нариги томонига кетишга шошилди. Абулфайз Муҳаммад Ҳакимни қаршида қолдириб, ўзи пойтахтга қайтиб кетди. Илбарс эса ўзининг иттифоқчиси (Абулфайзхон - И.Ф.) эронлилар билан сулх тузганини эшитиб, Хивага қайтиб кетди»<sup>1</sup>. Савол туғилиши табиий: Фитрат трагедияда нима учун Абулфайзхон ва Ризоқули ўртасидаги сулх воқеасини четлаб ўтди?

Биринчидан, драматург асарни тарихий хронологияга айланиб қолишдек ҳавфдан сақлаб қолган бўлса, иккинчидан, ҳали Абулфайзхон ўз салтанатининг тўла таназулини англаб етгани йўқ эди. Асарнинг бош ғояси зулмга асосланган ҳар қандай тузумнинг тарихий ҳалокатини кўрсатиш бўлгани учун ва бу воқеа феодал жамият тимсолига айланган Абулфайзхон характерини очишда унчалик катта аҳамиятга молик эмас. Шунинг учун Фитрат трагедияга Абулфайзхон ва Нодиршоҳ ўртасидаги сулх саҳнасини олиб кирди? Асар композициясига бу тарихий воқеани шундай теран ўйлаб жойлашгирдики, ҳар бир эпизод ўзидан кейинги кўриниш билан табиий боғланиши учун монелик қилмасин. Айни пайтда, ўзидан кейинги фожеалар ривожини учун замин тайёрлаши зарур ва Абулфайзхон образини эволюциясининг энг характерли қирраларини кўрсатиш керак эди.

Абулфайзхон Фарҳод оталиқнинг ўрнига янги киши сайлаш учун Мир Вафо, қози Низом билан маслаҳатланганда, Мир Вафо томонидан Ҳаким бийнинг номзоди кўрсатилса ҳам, унинг Эрон шоҳига элчилар юборгани тўғрисидаги хабар хонга аён бўлгани сабаб, Иброҳим иноқни оталиқ лавозимига кўтарган эди. Бу, табиийки, Ҳаким бийнинг нафсониятига тегади. Ва бу воқеа конфликтнинг авж олишига сабаб бўлади.

<sup>1</sup> Ўша маъна, 160-161-бетлар.

Мир Вафо Ҳаким бийнинг уйига яширин келгач, қандай қилиб Абулфайзхонни қулатиш масаласи кўрилади. Ҳакимбей шериклари Дониёлбий, Мир Вафо, Тоғайқулибийларга ўз одамини (ўғли - Раҳимхонни) Нодиршоҳнинг фикрини билмоқ учун юборганини айтгач, Дониёлбий «хондан сўрадингизми?» деб сўрайди. Ҳаким бий эса «Хоннинг оталиғи бўла туриб, шунча ишни ўзим қили олмайманми?» дея жавоб беради. Ҳаким бийнинг бу сўзларидан унинг Абулфайзхон давридаги мавқеи жуда баланд эканлиги англашилади. Тарихан, ҳақиқатдан шундай эдимиз?

«Манғит қабиласидан чиққан Муҳаммад Ҳаким бий, - дейилади тарих китобларида, - Абулфайзхондан пойтахтнинг оталиғи унвонини олиб, ҳамма оталиқларнинг бошлиғи ва иродасиз хон (Абулфайзхон - И.Ф.) вақтида ҳукмрон ҳоким бўлиб қолди. Унинг ҳукмронлиғи ўзбек боёнларининг умумий норозилигига сабаб бўлди. Хоннинг обрў-эътибори тамомила тушиб кетди»<sup>1</sup>. Драматург тарихий кечмишнинг шунчаки баёни билан чекланмайди, уни драматизмга бой ишончли сахналарда, Бухоро ўлкасининг тақдири учун кўрқинч ва ҳаяжонга тўла бир тарзда ифодалайди. Фожеаларнинг содир бўлиш сабаб ва оқибатларини атрофлича очиб боради.

Фитрат Мир Вафонинг тилидан «Ари ўзининг ўйин-кулгиси берилган, ичиб ётгон эди» деркан, ашгархонийлар сулоласининг емирилиш сабабларини айш-ишратнинг ҳаддан ортиқлигида кўради. Тарихий ҳақиқат ҳам буни исботлайди «Абулфайз эртадан-кечгача ичкиликбозлик қилар ва ўз саройида бузуклик ишларини авж олдиран эди. Вилоятлар ва айрим туманларнинг ҳокимлари, тепаларидан ҳақиқатдан назорат йўқлигини билиб, ўзларини мустақил тутар эдилар»<sup>2</sup>.

Ана шу назоратсизлик натижасида Бухоро ўлкасида бузгунчилик авж олиб, мамлакат ўз ичидан емирила бошлади. Буни ўз вақтида англаган Нодиршоҳ бу «имкоиятни» қўлдан бой бермади. Фитратнинг драматург

<sup>1</sup> Ўша ерда, 459-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон тарихи. 1 жилд. 1-китоб. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1956. 459-бет.

сифатидаги маҳорати шундаки, у бир сўз ёки жумла, гап воситасида бутун бир, катта тўнтаринларга сабаб бўлган тарихий воқеаларга урғу беради.

Нодиршоҳнинг олдига хуфий кетган Ҳаким бийнинг ўғли Раҳим тўқсабо Эрон шоҳи билан учрашиб, Бухородаги фўжеавий аҳвол ва унинг заиф томонларини бутун тафсилотлари билан айтиб, хурсанд бўлиб қайтади. Бу ҳам тарихий факт: «Шоҳ (Нодиршоҳ кўзда тутилаётир - И.Ғ.) Муҳаммад Раҳимни жуда яхши кутиб олди ва қароргоҳида қолдирди»<sup>1</sup>.

Раҳим тўқсабони Нодиршоҳ олдига бориб, Бухоро ўлкасининг бутун «сирлари»ни айтиб қайтиши саҳнасини Фитрат шунчаки трагедияга олиб кирмаган. Манфаат, шон-шухрат, бойлик йўлида ўз юрти Бухорони Нодирга «тақдим этишга» тайёр Раҳим тўқсабо эртага Абулфайзхон ва унинг 15 яшар ўғли Абдулмўминни ўлдириб ҳокимиятни эгаллайди. Сотқин, налид бир кимса - бутун бир манфитлар сулоласининг бошланишига сабаб бўлади ва юртни бошқаради. Бу воқеанинг ўзи трагедия ичидаги яна бир трагедия!

Абулфайзхон қанчалик пасткан, шубҳачи, қонхўр, қатъиятсиз бўлмасин, Эрон кўшинига қарши курашини учун, ўз душмани бўлса ҳам, Ҳаким бийни бирлашишга чақиради. Абулфайзхоннинг бу ҳаракати ўз тахти, манфаати учун бўлса ҳам, бир қадар прогрессивдир.

Эрон шоҳи билан хуфий боғланиб Ҳаким бийнинг ўз юртини душманга «икки қўллаб тутқазини» ҳам тарихий факт: «Пойтахтга келгандан кейин оталиқ (Ҳаким бий - И.Ғ.) хон ҳузурига боришни ўзи учун хавфли деб билиб, Мир Араб мадрасасига тушди ва мадрасанинг тевааракатрофига қуролли қоровуллар кўйди. Унинг фармони билан барчча бозорлар, кўчалар ва масжидларга юборилган жарчилар, шоҳ армиясининг (Нодирнинг - И.Ғ.) яқинлашиб келиши муносабати билан кимда-ким шахсий ва мулкний хавфсизликка тааллуқли бирон масалани ҳал қилмоқчи бўлса, оталиқ ҳузурига бораверсин, оталиқдан тегиниш жавоб олади, деб жар солиб ҳаммани бу ҳақда огоҳлантирдилар. Халқ Мири Араб мадрасасига ёпирилиб

<sup>1</sup> Ўша ерда, 460-бет.

кела бошлади. Оталиқнинг бу қилган иши уни шаҳар аҳолиси орасида обрўсини оширган бўлса, лекин сарой аҳллари ва зодагонлар оталиқни х о и н л и к д а а й б л а д и л а р»<sup>1</sup>. «Оталиқни хон (Абулфайзхон - И.Ф.) ҳузурига чақириб, кейин умумий куч билан халқни кўзғатиб, бидъатчи шиитларга (эрончиларга) қарши чиқмоқ учун ҳаракат қилиб кўрилди. Лекин Муҳаммад Ҳаким хон олдига бормади. Шундан кейин Абулфайзнинг ўзи оталиқ олдига, Мири Араб мадрасасига борадиган бўлди ва Муҳаммад Ҳаким хон олдига салом бериш учун чиққанда уни ушлаб олиб ўлдиришга қарор қилинди. Лекин оталиқ ўз навқарларига мулозим ва сипоҳийлари билан бирга мадрасага яқинлашиб келаётган хонга қарши ўт очишни буюрди. Абулфайзхон қаттиқ сарҳисима ичида саройга қайтиб кетди, энди унга Нодиршоҳга таслим бўлишдан бопқа ҳеч илож қолмаган эди»<sup>2</sup>.

Фитрат бу тарихий воқеани, трагедиянинг иккинчи пардасида шундай тасвирлайди: (Улфат Абулфайзхондан Ҳаким бийга элчи бўлиб келгач)

Ҳ А К И М Б И Й. Келтирингиз (Улфатни, демоқчи - И.Ф.). (Раҳим тўқсабо югуриб чиқар. Ҳаким бий юриб сўзлар). Яна шунга юборди. Орамизни бузгон одам Улфат бўлгонини била туриб, яна шундай қиладир. Шу ақл билан хон бўлиб турмоқ истайдир. (Раҳим тўқсабо Улфатни келтирар, Улфат салом берар). Нечун келдингиз?!

У Л Ф А Т. Мени хон юбордилар. Буюрдиларким, бориб оталиққа айтишгиз биз муборакнома ёзиб, у кишини ёнимизга чақирдик, келмадилар. Ўзимиз уйларига бориб кўришмак учун чиқдик, одамлари бизни милтиқ билан қарши олдилар. Бунинг сабаби нима? Эрон кўшуни боса кела турибдур, унга қарши нима қилмоқчи бўлсак кенганиб қилармиз. Оталиқ бизга кенгаш берарларми. Йўқми?!

Ҳ А К И М Б И Й. Биз бу ўлканинг яхшилигидан бопқа парса истамаймиз. Нодир шоҳга қарши чиқиб урушмоқ учун кучимиз йўқдир. Хоннинг буйруқлари Аркдан Мирарабгача юрмайдир. Эрон кўшунини билан қандай урушарлар?!

<sup>1</sup> Ўша ерда, 461-462-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 462-бет.



У Л Ф А Т. Бек, сўзингиз тўғри. Кўйингиз, хон келсунлар. Мана шу сўзларингизни ўларига айтингиз!

Ҳ А К И М Б И Й. Хон ҳам келмасунлар. Биз ҳам бормаймиз. Бориб айтинг, меи билан кенгашмоқчи бўлсалар, тўппа-тўғри жўйборга бориб Хўжа Калоннинг уйларига кўнсулар, элнинг катталарини чақурсунлар. Мен ҳам борармен, шунда кенгашармиз.

Диалогдан кўринадики, драматург тарихий фактлардан чекинмай тасвирлаётвр. Аммо бу тасвир оддий баёнчилик, воқеанавислик эмас, юксак драматизмга йўғрилган, Ҳаким бий, Улфат, Раҳим тўқсабо, Подиршоҳ, Абулфайзхонларнинг башараларини турли бадийи приёмлар, қочирқлар, образли ўхшатишлар билан очмоқда. Абулфайзхон данри ва унинг ҳокимиятининг бугунлай ич-ичидан чириганлигини Ҳаким бийнинг бир сўзи томошабин кўз ўнгиде кўзгудек тутеди: «Хоннинг буйруқлари Арқдан Мирарабгача юрмийдир». Демак, Абулфайзхон отигагина, кўтирчоқдек Бухоро тахтида турибди.

Трагедияда Ҳаким бий Улфатга қарата шундай дейди: «... мен билан кенгашмоқчи бўлсалар, тўппа-тўғри Жўйборга бориб Хўжа Калоннинг уйларига кўнсулар, элнинг катталарини чақурсунлар. Мен ҳам борармен, шунда кенгашармиз». Ҳаким бий ва Бухоро ўлкасининг катталари билан Абулфайзхон тарихда, ҳақиқатдан ҳам Жўборда учрашиб, «маслаҳатлашиб» олишгани рост. Аммо Абулфайзхон ва Ҳаким бийнинг Жўйбордаги учрашувлари трагедияга олиб кирилмаган. Ҳаким бий тилидан эслатилади, холос. Бу трагедиянинг камчилиги эмас, аксинча ютуғидир. Чунки Ҳаким бий билан Абулфайзхоннинг муносабатларидан томошабиннинг кўз олдида уларнинг гапланадиган гапларининг ўзи қолмаганлиги аён бўлиб қолган. Яна бу икки душманни бир-бири билан ураштиришга ҳожат йўқ. Иккинчидан, трагедия жанрининг ўзига хосликларидан биттаси, Аристотель айтмоқчи, яхлитлик масаласидир. «Яхлит нарса ибтидоси, ўртаси, интиҳоси бўлган нарсадир»<sup>1</sup>. Агар драматург барча тарихий воқеаларни асарга олиб кираман

<sup>1</sup> Аристотель. Поэтика. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 19-бет.

деса, ҳажман кенгайиш баробарида, композицияни, марказни бир жойга тайин этиш қийинлашади. Ҳалокатли хотимага қараб бораётган фожевий ҳаракатларнинг «бони, ўртаси, «интиҳосини» таъминлаш, табиийки, оғир кечади.

Трагедиянинг учинчи пардасида Нодиршоҳ билан Абулфайзхон, Ҳаким бий, қози Низом, Улфатларнинг сулҳ учун учрашганлари тасвирланган. «Бухорога яқин Ғози обод қишлоғига қўнғон Эрон кўшини орасида Нодир шоҳнинг чодир, дабдабали безанган». Бу учрашув ҳам факт: «Мансабдор сарой аҳллари билан бирга Абулфайзхон шоҳнинг олдига Талли ноч дарвозасидан йўлга чиқди. Унинг кетидан, Намозгоҳ дарвозасидан ўша ёққа қараб навкарлар билан бирга оталиқ ҳам жўнади. Оталиқни аҳолини турли табақаларига мансуб вакиллар кузатиб борар эди. У йўлнинг ярмида хонга етиб олиб унга кўшилди. Шу билан бирга, хоннинг хиёнаткор оталиқ билан учрашуви жами коидатартибларга мувофиқ бир тарзда ўтди. Яъни, оталиқ хон олдида мулозимат билан қўл қовуштириб турди, хон ҳам ўз навбатида оталиққа эътибор ва шафқат билан қаради. Шундан кейин хон билан оталиқ биргалашиб (Нодиршоҳ олдига - И.Ғ.) бордилар»<sup>1</sup>.

Учинчи парда Нодиршоҳ билан ўгли Ризоқули ўртасидаги «юрт босиб олиш қонун-қоидаларига бағишланган» диалог билан бошланади. Бу сахнадо Ризоқулининг кўриниши тасодифий эмас, балки бевосита иккинчи пардадаги воқеаларнинг мантиқий давомидир. Нодиршоҳ Абулфайзхонни ўз душмани бўлишига қарамай, илиқ кутиб олади. Ҳатто ўглига, «сен хонни кўргач, отдан қўниб яёв бор. Қучоқлашиб кўруш, йўлдошларига ҳам ҳурмат кўрсат» деб тайинлади. Нодирнинг ўзи эса Абулфайзхон билан эски қадрдондек, хошнинг ҳурматини жойига қўйиб кўришади. Аслида шундай бўлганмиди? Асардаги бу эпизодни реал тарихий факт билан чоғиштирайлик:

Н О Д И Р Ш О Ҳ. Келсунлар, (Ризоқулихон чиқар, шоҳ тахтдан энар, эшиккача юргоч, Абулфайзхон, Ҳаким бий, Хўжа Калон, Алиқулихон келарлар). Абулфайзхон билан Нодиршоҳ қучоқлашиб кўрушурлар. Нодир шоҳ

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи. I жилдлик. I жилд. Тошкент: ЎзФА, 1956, 462-бет.

Абулфайзхоннинг қўлигидан олиб, тахтга чиқарар. Ўзи ҳам тахтга чиқар, ҳаммалари ўтирарлар. Шоҳ билан хон ҳолаҳвол сўрашиб, жойларидан туриб, б и р - б и р л а р и г а қ у л л у қ - л а б, б о з ў т у р а р л а р.

Н О Д И Р Ш О Х (қўноқларига). Б у х о р о и ш а р и ф и и г у л у г л а р и, х у ш к е л д и н г и з!  
(Ҳаммалари туриб қўлтуқ қилалар).

Тарих китобларида бу воқеа уйидагичча баён этилган: «Абулфайзхон Нодир билан Бухоро яқинида, Зарафшон дарёси бўйида Чор Бакр деган жойда учрашдилар. Нодир Абулфайзхонга илтифот билан муомала қилди, унинг ҳуқуқини таииди. Хон нюҳ ҳузурда 12 кун бўлгандан кейин Бухорога қайтиб келди»<sup>1</sup>.

Кўриладики, ХУШ асрнинг реал воқеаси Фитрат томонидан кўн ўзгаришларга учрамай асарнинг тарихий таанчи бўлиб хизмат қилмоқда. Тарих асарларида Абулфайзхон билан Нодир шоҳнинг учрашган жой Чор Бакр дейилса, трагедияда «Ғози обод» дейилган. Бу учрашув жойини алмаштириш ёки чалкаштириш эмас, аксинча, унга янада аниқлик киритиш мақсадида қилинган. Фитратнинг ўзи бухоролик бўлгани учун вилоятнинг туманларидаги кўнгина қишлоқларни яхши билган. «Чор Бакр» аслида қишлоқнинг номи эмас, Ғози обод қишлоғида жойланган тарихий обида (масжид)нинг номидир.

Нодир шоҳ Абулфайзхон билан сулҳ тузаркан, Бухоро тахтини яна қайтадан хоннинг ўзига «тортиқ» қилади. Нодир шоҳнинг бу фавқулодда ҳаракати мантиққа зиддек туюлади. Бухоро тахтини ўз ўзига олиб беришни истоган шоҳ, қўли баланд кела туриб яна қайтиб Абулфайзхонга ҳокимиятни қолдирсин?! Аслида бу Нодир шоҳнинг ҳийласи эди. Нодир нюҳ Абулфайзхонга Бухоро тахтини «Қайтадан» «инъом» қиларкан, унинг Ҳаким бийга айтган гаплари ва оталиққа берган катта ҳуқуқи хонни кегусида «бир кўғирчоқ каби» бўлиб қолишини кўрсатади. Фитрат бу эпизодни тўқиб чиқараётгани йўқ, асар ғоясидан келиб чиқиб тарихнинг шундай бир нуқтасини тонганки, Абулфайзхон ва Нодиршоҳ

<sup>1</sup> Қаринг: Муҳаммад Қозим. Нама-йи аллалар-йи Надири. («Мирзоқуранишоҳал Надири китоби»). Том 2. -М., 1965. С.262; Ўзбекистон тарихи. 1 жилдлик. 1 китоб. -Тошкент: АН ЎзССР, 1956. 462-463-бетлар.

характерларининг «бутун дунёси» шу воқеада янада чуқурроқ инкишоф этилади.

«Абулфайзхон»даги Нодир шоҳнинг сўзлари билан тарихий манбалардаги фактларни муқояса қилайлик:

**Н О Д И Р Ш О Ҳ...** Менга тортиқ қилганингиз Бухоро тахтини ўзининг эгаси бўлган Абулфайзхонга қайтадан бағишлайман. (Хон билан ҳаммалари туриб қуллуқ қилалар). Ўлканинг бутун ишларини бошқариб турмоқни Ҳаким бий оталиққа топширдим. (Оталиқ туриб қуллуқ қилар). **Б а р ч а н г и з ш у н и н г с ў з и д а н ч и қ м а н г и з.** Мен сизнинг ўлкада тўрт-беш кун тураман.

Тарихий манбада: «Умуман, XVIII асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлиги ғоят қийин ҳолатни бошидан кечирди. Патижада, у Эрон подшоҳи Нодиршоҳ қўл остидаги мамлакатга айланди. **Н о д и р ш о Ҳ** Бухорони бошқаришни ўз одам и бўлган оталиқ **М у Ҳ а м м а д Ҳ а к и м г а т о п ш и р д и**»<sup>1</sup>.

Трагедияда тарихий воқеалар шу қадар лўнда, ихчам ва айни замонда тушунарли қилиб ифодаланганки, Нодир шоҳ тарихини ёзган Муҳаммад Козим мазкур саҳна воқеаларига юзлаб қоғозларни сарфлаган<sup>2</sup>.

Нодир шоҳ ҳокимиятнинг инон-ихтиёрини Ҳаким бий оталиққа топшираркан, Абулфайзхонга жарима сифатида қўшинига «озуқасини тайёрлаб бермак»ни буюради. Бу ҳам ўтмишда бўлган реал воқеа: «Нодир шоҳ оталиққа шох армияси учун нақд пулга 200 минг эшакка ортилган бугдой ва бошқа ем-хашак етказиб беришни топширган эди»<sup>3</sup>.

Драматург тарихий воқеалар гирдобида ўралиб, қолиб кетмайди. Балки ҳар бир тарих ҳақиқатини бадний ҳақиқатга айлантиришга, ҳар бир воқеада катта ижтимоий-сиёсий, ахлоқий хулосалар чиқаришга, қаҳрамонларнинг қалб драматизмлари, ўз-ўзлари ва бир-бирлари ўргасидаги қарама-қаршилиқни, руҳий изтиробларни чизилиши унутмайди. Ҳар бир тарихий фактни ўз фантазияси билан

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи. Академик И.Мўминов таҳрири остида. -Тошкент: Фан, 1974. 128-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 201-280-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 462-бет.

бойигиб унинг жонли, ишонарли, трагик коллизияга бой қилиб тасвирлайди. Воқеалар бир занжирга тизилиб аниқ гоя - мустабид тузумнинг авра-астарини очишга хизмат қилади.

Юқоридаги кузатишлардан келиб чиқиб, Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясини яратишда тарихий факт ва воқеалардан фойдаланишини қуйидагичча тасниф қилиш мумкин:

1. Тарихий ҳужжатларда қандай бўлса, шундайлигича, айнан тасвирланган воқеалар (Ризоқулининг Қаршига юриши, Мир Араб мадрасасидаги Абулфайзхон ва Ҳаким бий навкарларининг тўқнашуви, Раҳим бийнинг Нодирпоя билан хуфиёна учрашуви, Абулфайзхоннинг ўлими ва ҳ.к.).

2. Содир бўлган ўрни, санаси ўзгартирилса да, моҳияти сақланган воқеалар (Фарҳод оталиқнинг ўлими, Иброҳим бийнинг оталиқ этиб сайланиши, Ҳаким бийнинг ҳовлисидаги хуфиёна маслаҳат, Ғози ободдаги Нодир пано билан Абулфайзхоннинг учрашуви, Абдулмўминхоннинг ўлими ва ҳ.к.).

Демак, Фитрат ўтмиш воқеаларининг оддий баёничиси эмас, тарихий ҳақиқатни бадий ҳақиқат меҳварига кўтара олган, XX аср ўзбек адабиётининг йирик драматургидир.

## «АБУЛФАЙЗХОН»НИНГ ОБРАЗЛАР ДУНЁСИ ВА ФАЛСАФИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ

### Тарихий шахслар образи

Тарих математик қонушларга ўхшаш аниқ сана, факт ва рақамлар билан иш кўради. Лекин унинг математик формулалардан фарқи, ҳар бир воқеа-ҳодиса, шахсга махтум бир нуқтаи назардан, мавжуд муҳит ёки жамиятдан, қандай мақсад билан ёндашуви ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Тарих воқеа ва шахсларга баҳо беришда адабиёт билан эгизак, доимо бири иккинчисини тўлдириб, бойитиб, аниқлик киритиб, аини замонда диалектика қонунлари мезонида баҳолаб боради.

Тарих ҳар бир воқеани қисқа, аниқ, лўнда қилиб ифодаласа, адабиёт мазкур ўтмиш воқеаларидан улкан ижтимоий, фалсафий, ахлоқий хулосаларни юксак бадиийликда ифодалайди.

Фитратнинг «Абулфайзхон» тарихий фожеаси ҳам ХУШ аср Бухоро кечмиши фожеаларидан сабоқ чиқариш мақсадида, аниқ тарихий манба ва фактларнинг қайта ишланган, юксак фалсафий, умумбашарий ғояларни ўз ичига олган трагедиядир.

Асар яратилган 20-йиллар ўзбек реалистик адабиёти тарихий шахс образини яратишда бой тажрибага эга эмас эди. Фақатгина классик адабиётда Алишер Навоийнинг Сафди Исқандарий, Хусрав, Фурқатнинг Суворов каби тарихий шахс образлари бор бўлса-да, улар кўпроқ романтик услубда тасвир этилгандир.

Садриддин Айнийнинг «Бухоро жаллодлари», «Бухоро инқилоби тарихи чун материаллар», Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»идаги тарихий шахслар образи эса Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедияси билан деярли бир даврда яратилган.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Фитратнинг «Абулфайзхон»и ўзбек реалистик адабиётида тарихий шахс образи яратишдаги дастлабки, ва аини замонда жиддий қадамдир.

Бугунги ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигида тарихий шахс образини яратиш, уни талқин қилиш ва ўзига хос критерийларини белгилашда анча ишлар амалга оширилган<sup>1</sup>.

Бадий асарда образ яратиш жараёни энг мураккаб ва оғир. Трагедиянинг образлар системаси билан реал шахслар талқинининг боғлиқ бўлиши зарурий шартлардан бири. Асар концепциясига бўйсунishi натижасида тарихий шахс, табиийки ўзгаришларга учрайди. Лекин у реал тарихий воқеалардан гоҳида чекинса-да, ҳаётийликдан узоқ бўлмаслиги керак. Драматург айрим бир фактлардан узоқлансада, ҳаёт қонуниятларидан чекинмайди.

Тарихий шахс фаолияти, характери, биографиясига оид фактлар, ҳар бир қаҳрамон дунёқаранидаги эволюция, психология, фалсафийлик, тарихий-сиёсий томонларнинг қандай бўлиши ва бир-бири билан боғланиб бош гоё учун йўналтириш ижодкордан катта билим ва тажриба, маҳорат талаб қилади. Трагедия воқеалари пардадан пардага, эпизоддан эпизодга ривожланиб борган сари унга мос вазият, сахна, танлаш, олдинги манзараларни қайтармаслик асарнинг мукамал чиқиши учун асосий шартлардан бири.

Фитратнинг трагедияга аштархонийлар сулоласининг сўнгги ва маъғитларнинг бошланиши даврини танлашининг яна бир ўзига хос томони шундаки, 20-йилларда бадий ижодда ҳали ҳеч ким бу тарихга муносабат билдиргани йўқ эди.

Фитрат «Абулфайзхон»да тарихий шахслар галерелси яратди: аштархонийларнинг сўнгги ҳукмдори, бош қаҳрамон Абулфайзхон, Нодиршоҳ, Абулфайзхоннинг оталиғи

<sup>1</sup> Қаран: Нурмухаммедова З. Проблема создания характера исторической личности. Автореф. канд.дисс.филол.н. –Ташкент, 1974; Файзиев Б. Историческая действительность и художественный вымысел в романе Айбека «Шавон». Дисс. на соиск.уч.степ.канд.филол.н. Ташкент: 1968; Муродов Г. Исторический факт и художественный вымысел. Дисс.на соиск.уч.степ.канд.филол.н. Ташкент, 1988; Панченко С.Д. Образ Алишера Шивон в узбекской советской литературе. Автореф.канд.дисс. филол.н. Самарканд, 1964; Архангельская А.К. Проблема конкретной исторической личности в узбекской советской прозе. Дисс.на соиск.уч.ст.канд.филол.н. Ташкент, 1977; Зайниддинова А.Б. Изображение характера и обстоятельств в узбекской историческом романе 70-х годов. Дисс.на соиск.уч.ст.канд.филол.н. Ташкент, 1981 ш бошқалар.

Муҳаммад Ҳаким (асарда Ҳаким бий) манғитлар сулоласининг асосчиси Раҳимхон (асарда Раҳим тўқсабо), Раҳимхон тарихини ёзган муаррих, «Тухфайи хоний» муаллифи Мир Вафо Карманағий, Эрон шоҳининг ўғли Ризоқули шулар жумласидандир.

Фитрат тарихий шахслар ҳаёти, курашининг йилма-йил хронологиясини эмас, умумий аҳамиятта эга, энг муҳим (переломиге) воқеаларни тавлади. Шу воқеалар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, маънавий-руҳий томондан драматургни кўпроқ қизиқтирди.

Драматург «Абулфайзхонда феодал истибдод жамиятининг ғайриинсоний моҳиятини реал воқеалар ва шахслар тақдирида кўрсатди. Абулфайзхон макру ҳийла, қотиллик билан ҳокимиятни ўз акаси Убайдуллодан тортиб олган, иродасиз, қатъиятсиз, Улфат ва Давлатларнинг қўлида «Кўғирчоққа айланган» бир хон; Нодиршоҳ ўта айёр, ўз ишнинг устаси, талбиркор; хоннинг оталиғи Ҳаким бий маккор, ўз мақсади йўлида ҳеч нарсага, ҳатто Ватани аямайдиганлардан; Мир Вафо вазиятга қараб ўзгарувчан, манфаатпараст, Ризоқули отасининг айёрликда «таълимини» олган; Раҳим кўрчи отаси Ҳаким бийдан ҳам ҳийласи баланд, ҳар қандай налимликдан қайтмайдиغانлардан, хуллас, ҳар бир тарихий шахс ўзи бир дунё.

Фитрат бу тарихий шахсларнинг характерини яратишда, воқеалар ичига олиб киришда реал фактлар, манба ва ҳужжатлардаги ҳақиқатларга таянади, ХУШ аср амирлик тартиботи моҳиятидан келиб чиқиб, ҳар бир шахсни индивидуал тасвирлайди.

«Абулфайзхон»даги ҳар бир тарихий шахс образининг умумий ва хусусий, ўзига хос томонларини белгиламак учун, уларни алоҳида-алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Абулфайзхон. Бу тарихий шахсининг трагедиядаги талқинини таҳлил этишдан олдин, унинг ўзи ва даври ҳақида мухтасар маълумотга эга бўлмоқ жоиз. «Кўчманчи ўзбек қабилаларининг бошлиқлари томонидан тахтга ўтказилган аштархонийлар замонида феодал тарқоқлик яна ҳам кучайди... Аштархонийлар ҳам Жўжихон ва Шайбонийхон наслидан бўлиб, Астархон (Аштархон)да ҳукмронлик қилган. Астрахон Россия томонидан олинган



(1554) уларнинг бир қисми Бухорога қочиб келган эди»<sup>1</sup>.

«...Турли исёнлар майдонга чиқди (Шайбонийларнинг сўнги даврида - И.Ф.), вилоятлар айрилди, хонлар ўлдрилиб, сарой ўзгаришлари ясалди. Хонлик шайбонийлар сулоласидан аштархонийлар сулоласига ўтди (1597). Аштархонийлар замонида ўлканинг тинчсизлиги, тартибсизлиги, иқтисодий тушкунлиги кучайди, сарой қашшоқланди, мамлакатда адабиётнинг, умуман нафис санъатининг ўсувига майдон қолмади... Аштархонийларнинг сўнги ҳукмдори бўлган Абулфайзхон замонида Фарғона ҳам айрила бошлади. Ҳукумат Абулфайзхондан манғит сулоласига ўтганда кейин Фарғона ўзбек ҳукумати кучая бошлади. Мана шундай қилиб, ўзбек ўлкаси уч мустақил ва рақиб марказга айрилди»<sup>2</sup>.

«Филипп Ефремовнинг айтишига қараганда, қандайдир хўжа Хивада Беконич-Черкескийнинг ҳарбий отрядидан 100 кишининг ҳаётини сақлаб қолади ва уларни япиринча Бухорога Абулфайзхонга юборади. Абулфайзхон ғоят хурсанд бўлиб, ўз қалъаси(арк)ни қўриқлашни уларга тошширди... Хон шулар сиз (рус сипохийлариси - И.Ф.) ҳеч қаёққа бормас, уларга қаттиқ ишонар эди»<sup>3</sup>.

«Убайдуллохонга қарши фитна уюштирилди. Натижада хон 1711 йилда ўлдирилди, унинг саройи эса талон тарож қилинди. Тахтга Убайдулланинг укаси Абулфайзхон (1711-1747) ўтирди. У тез орада ёқ амирлар қўғирчоқ бўлиб қолди»<sup>4</sup>.

Юқоридаги Абулфайзхон ҳаётига оид манбалар авторига, унинг Пётр I га Хонқули Тўнчибошини 1717

<sup>1</sup> Аҳмедов Б. Ҳофиз Таиш Бухорийнинг «Абдуллонома»га сўз боши. Абдуллонома. 1-жилд. Тошкент: Фаи, 1966, 26-бет.

<sup>2</sup> Фитрат. XVI асрдан сўнги ўзбек адабиётига умумий бир қараш. «Алаш» журнали, 8-сон, 1929, 6-8-бетлар.

<sup>3</sup> Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI Первой половине XIX века. Ташкент: Фаи, 1970. С.240.

<sup>4</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. 1 жилд. 1-китоб. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1956, 458-бет.

йилда элчи қилиб юборганлиги<sup>1</sup>, Пётрдан швед қизларни сўраттирганлиги<sup>2</sup>, Пётр Хонқули Тўнчибонига (у асли рус кишиси бўлиб, ХУП асрнинг охирида асир тушган ва Убайдуллахон саройида хизмат қилган. Абулфайзхон уни янада ишончли киши қилиб олган. Асл номи Андрей Родиков - И.Ф.) «рус армиясининг полковниги» ҳарбий даражасини берганлиги<sup>3</sup>, майда феодал жанжалларнинг кўпайиши, сарой ичидаги фисқу-фужур, бир-бирини ўлдириб амал, ҳокимият талашишлар<sup>4</sup> каби жуда кўп тарихий ҳақиқатлар етди келган.

Бу воқеаларнинг ҳаммасини драматург асарга олиб қираман ва уларга Абулфайзхоннинг муносабатини ёритаман деса, ўз гоъвийиятидан чалғиши, трагедия ҳажман «семириши» натижасида марказни тайинлаш қийинлашарди. Шунинг учун Фитрат тарихий шахс Абулфайзхоннинг образини яратишда, унинг энг трагик воқеаларни келтириб чиқариши билан боғлиқ тарих фактларини танлади.

Тарихий манбаларда фақат воқеалар, қирғинлар, юрт босиб олишларнинг аниқ санаси, дақиқалари ўз аксини тошган. Тўғри, Абулфайзхон ва Нодирпўх, Ҳаким бий ва Мир Вафо, Раҳим бий ва Ризоқулилар характерининг қайсибир бир қирраси мавжуд тарихий ҳужжатларда учрайди, лекин бу уларнинг мукамал характерини белгилай олмайди, унга бир туртки, асос бўлади, холос. Шунинг учун Фитрат бадиий асар спецификасидан келиб чиқиб, ҳар бир тарихий шахс образини яратаркан, унинг ўз асл моҳиятини сақлаб қолган ҳолда уларни тиниклаштиради. Ҳар бир образга юкланган тарихий, ижтимоий, сиёсий, психологик, ахлоқий гоъянинг географик чегарасини ва таъсир доирасини кенгайтиради.

Абулфайзхон тахтни эгаллаш йўлида ўз акаси Убайдуллохонни ўлдиртирган. Унинг қотилликлари трагедия

<sup>1</sup> Содиқов Х. Петербурглик Бухоро элчиси... «Бухоро ҳақиқати» газетаси, 1989, 14 октябрь.

<sup>2</sup> Уша ерда.

<sup>3</sup> Содиқов Х. Петербурглик Бухоро элчиси. «Бухоро ҳақиқати» газетаси, 1989, 14 октябрь.

<sup>4</sup> Қаранг: Абдурахман-и Толей. История Абулфева-хана. Ташкент: Иад.АН УзССР, 1959; Ахмад Дониш. История мангытской династии. Душанбе: Дониш, 1967.

бошланмасдан олдин содир бўлган. Хон бўлгунига қадар Абулфайз кўнгина фитналарга «рахнамолик» қилган. Куч, қатллар билан ҳокимиятни эгаллагач, «Қон тўкиш билан ҳокимиятни бошқариш мумкин» деган ақида унинг «ғоя»сига айланган. У ўзининг надим маслаҳатчиси Улфат томонидан айтилган «нодшоҳлик қон билан суворилган бир ёғочдир. Қон оқиб турмаган ерда бу ёғочнинг қуриб қолиши аниқдир» деган сўзларини ўзига байроқ қилиб олган. Хуллас, феодал жамият системаси ва мафқураси унинг инсоний қиёфасини йўқотиб, бир қонхўр йиртқич ҳолига солади.

Абулфайзхон мустақил фикрлаш қобилиятидан маҳрум. У Улфат ва Давлатдан ўзга ҳеч кимга ишонмади. Бу икки разил шахс хонни «ўз ноғораларига хоҳлаганларича ўйната оладилар». Абулфайзхон кун сайин, лаҳза сайин шубҳанинг қулига айлана боради. Ҳаттоки, қон тўкишлар ҳам унинг жонига тегади, бундай хунрезликлардан безган пайтлари ҳам бўлади: «Бир душманнинг қони қуримайин, яна биттаси чиқиб қоладир. Бу Иброҳим аҳмоқ ҳам мени тинч қўймайтургандек кўринади. Қачонгача ўлдираман буларни...».

Адабиётшунос Э.Каримов тўғри таъкидлаганидек, «Абулфайзхоннинг асоссиз қатллари ундаги қандайдир ҳайвоний шафқатсизлик билан боғлиқ эмас. У ҳатто юмпоқ табиатли, қатъиятсиз, иродасиз киши. Феодал ҳокимиятнинг гайриинсоний моҳияти уни қонхўр ва қаттолга айлантиради»<sup>1</sup>.

Абулфайзхон қози Низомдан Ҳаким бийнинг Нодир шоҳга одам юбориб хоинлик қилганини эшитгач, воқеалар табиатига кўра, хон бу сотқинликнинг тафсилотларини суриштириши керак эди. Йўқ, у яна гапни ўз шубҳалари, шахсий ккелишмовчиликлари устига буриб (Бухоро ўлкасига Эрон кўшинлари ҳамла қилиб турганда-я!) беғуноҳ, ҳақсўзли Фарҳод оталиққа бир нафратини тўкиб солади: «Ул менга дўст бўлса, нега букунгача қизини юбормайди?!» Бир томонда мамлакатнинг тақдири хавф-хатарда, иккинчи томонда Бухоронинг «сардори» ўз айши, манфаати билан банд.

<sup>1</sup> Каримов Э. «Абулфайзхон» тарихий драмаси ҳақида. «Шарқ юлдузи» журнали, 1989. 1 сон. 81-бет.

Абулфайзхон учун тожу тахтни асрашнинг ягона йўли - ўлим. У ҳар қандай келишмовчиликларни, «бутун жанжалларни ўлим битиради» деган ўз эътиқоди билан яшайди. Мана у ёлғиз қолганда қандай ўйлайди:

Х О Н. (Ёлғуз) Шул тирикликдан-да бездирдилар мени. (Туриб юрар)... ортиқ ҳеч кимнинг менга ишончи қолмади... Бунларнинг ўзи йўлга кириб душманлик қилмоқни ташласа, нима бўлур! Йўқ... йўқ. Бунларнинг ўзи йўлга келмайдир. Ўлдураман, ўлдураман. Дунёда битта душманим қолмоғонча, қон тўкаман. Улфатнинг сўзи тўғри. Подшоҳлик қон билан сугорилатургон бир ёғочдир...

Абулфайзхон Бухоро туманларида содир бўлаётган турли кўзғолонларни ўзининг ноодил сиёсатидан эмас, балки эл бошлиқлари бўлган бекларнинг унга садоқатсизликларида кўради. Аммо бу «садоқатсизлик»нинг сабабларини изламайди, аксинча, қатағонга куч беради. Хоннинг ўз сўзлари бу фикрни тасдиқлайди: «Бухорода эл бошлиқлари бўлмагонда, мен тинчгина хонлик сура олар эдим, меним бутун қайуларим шунлардандир». Абулфайзхоннинг мапа шу ғояси, характери воситасидаги ҳадсиз қон тўкишга асосланган қилмиши айнан трагедия учун мос. Чунки Абулфайзхоннинг қилмишлари катта тўнтарилларга, келишмовчиликларга, турли кескин ва шиддатли зиддиятларга сабаб бўлади.

Айтиш мумкинки, Фитрат трагедияда Абулфайзхон образини яратаркан тарихий ҳақиқатга содиқ қолади. У тарих ва тарихий шахснинг ролини тўғри англайди. Абулфайзхон образини юксак социал-психологик умумлашма даражасига кўтаради. Драматург бадий тўқимага эрк бераркан, тарихий фактлардан чекинмайди. Балки бадий тўқималар воситасида тарихий воқеаларнинг ижтимоий, социал сабабларини очади.

Нодир шоҳ. «Абулфайзхон»нинг бош концепцияси - зўравонликка асосланган ҳар қандай тузумнинг инқирозга маҳкумлигини ифодаловчи образлардан бири тарихий шахс - Нодир шоҳдир. Нодир шоҳ ҳақида тарихий манбалар шундай маълумот беради: «Машиҳадда пўстинчининг ўғли бўлган Нодир туркманларнинг афшар қабиласига маисуб бўлиб, ёшлигидан уни ўзига ўғил қилиб олган Абиверд (ҳозирги Туркменистоннинг жаңубида) афшарлари

бошлигининг қизига уйланди. Афшарлар билан курдларга суяниб, Нодир аштархонийлар, хивалилар ва туркманларга қарши муваффақият билан жанг олиб боради. Шоҳ Тахмосин II (1702-1731) Хуросонга келганда, Нодир унинг хузурига келиб, ўз ихтиёрини батамом унга топширади. Кейинги беш йил давомида шоҳ қўшинлари Нодир бошчилигида Тахмосин II нинг Эроннинг шарқи ва жанубидаги барча душманлари устидан ғалаба қозонади. Тахмосин II ўлдирилгандан кейин, 1736 йилда Сафавийларнинг сўнггиси бўлган Аббос III ни (1731-36) Эрон тахтидан қулатиб Нодир тахтга ўтиради<sup>1</sup>. Туркманлардан чиққан Нодир аштархонийлар хонадони билан қариндош бўлиб олди: Абулфайзхоннинг бир қизига хоннинг ўзи, яна бирига жияни уйланди. Бироқ Нодир Бухоро маъмурлари ва аҳолиси билан фақатгина Муҳаммад Ҳаким орқали алоқа қилди, чуқки шоҳ унга тамомила ишонар эди<sup>2</sup>.

Муҳаммад Козимнинг «Нодирнинг жаҳонгирлик китоби»даги шоҳнинг «фазилатлари»дан ташқари, унинг Ўрта Осиё халқи учун қилган кўп ёвузликлари ҳам етиб келган. Шулардан бири, Самарқанддаги Амур Темурнинг қabri Гўри Амирини Нодир шоҳ томонидан тузишга уринилгани воқеасидир. Нодир шоҳ Амур Темур гўри устидаги моҳтоб, қимматбаҳо тошни Эронга олиб кетганлиги тарихий ҳақиқат<sup>3</sup>.

Улуғ шахсларнинг гўрини бузиб, руҳини безовта қилишдан қайтмаган Нодиршоҳнинг Бухоро ўлкасига етказган талофотини тасаввур қилиш қийин эмас.

Фитрат ўз асарига етакчи қахрамонлардан бири сифатида Нодир шоҳни танлайди. У ўта айёр, ўзга юртларни босиш, бойликлар тўплаш ишқи билан яшайди. Нодир шоҳ Абулфайзхоннинг душмани, Ҳаким бий ва Раҳим тўқсабоннинг дўсти.

Нодир ўз душманлари билан қандай муомала қилип, уларни ўз тузоғига илинтириш, ўзга юртлардан «тиллар»

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1956, 460-бет.

<sup>2</sup> Уша срдя, 462-бет.

<sup>3</sup> Березников Е. Амир Темур: Руҳини безовта қилманг. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1990, 5 октябрь.

топишда устаси фараонг. Нодир шоҳнинг ўгли қаршига юриш қилганда, Ризоқули ўз кучининг Абулфайзхон кўшинларидан кўнлигини билса-да, чекинади. Бу чекиниш урушларда катта тажриба орттирган Нодир шоҳнинг маслаҳати билан бўлган эди. Бу воқеани эшитган Хива хони Илбурс, иттифоқчиси Абулфайзхоннинг «Кўли баланд» келганини кўриб, қайтиб кетади.

Қарши жангида Абулфайзхон билан келишмай юрган Ҳаким бий оталиқ Нодиршоҳнинг хизматига кириб, ўгли Раҳим кўрчини унинг хизматига хуфиёна юбориб туради. Раҳим кўрчи Бухоро ўлкасининг бутун воқсалари, сарой ичидаги ўзаро низолар, халқ кўзғолонларининг кучаяётганлиги ва ҳ.к.ларни Нодиршоҳга «ўз вақтида» етказиб туради.

Фитрат Нодиршоҳнинг Бухорога юришларини тасвирлар экан, тарихий фактлардан чекинмайди. Трагедияда тасвирланган Нодиршоҳнинг Бухорога ҳужуми, ҳақиқатан ҳам 1740 йилда бўлган. У Нодиршоҳнинг характерини бадиий воситалар ёрдамида ишонarli чиза бориб, трагедияга мос вазиятлар яратади ва бу фожеабон сахналарга Нодирни «олиб киради». Масалан, Нодиршоҳнинг «юрт талаш дипломатиясини» кўрсатиш эпизодида шоҳнинг бутун характери, эътиқоди намоён бўлади: (Нодир шоҳ душманларини ўз оёғи билан келаятганини Ризоқулидан эшитгач)

Н О Д И Р И Ш О Ҳ. Кўрдингми, ўғлим... ҳар ўлкани урушиб олмоқ сиёсат эмас. Уруш чораларнинг энг сўнгисидир. Бир ўлкани олмоқ учун, энг яхши чора - шу ўлканинг ўзиндан дўстлар топмоқ, шуларни ишлатмақдир. Сен Қаршидаги урушда тўхтамасан эдинг, у вақт Бухорога кўмак учун Хива кўшуни етиб келар эди. Иш қийинлашиб қолар эди. Қаршидан қайтгонингдан бу кунгача биз тиришдик. Ҳаким бийни қўлга олдик. Унинг қўли билан Бухорони Хивадан узокдангирдик. Бухоро бу кун бизники. Эрта Хивани ҳам ёлғузгина ёқалаб, бугунимиз қулай бўлади.

Кўринадики, Нодир шоҳ Абулфайзхонга ўхшаш қатъиятсиз, жаҳлдор эмас, ўз зарарига хондек ноҳақ қатълар ҳам қилмайди. Ўта «мулойим, ширинсухан», босиқ, жиддий ва айни пайтда муғомбир Нодир шоҳ ақлли. Фақат

у ақлини босқинчиликка сарфлайди, ишнинг кўзини биледи. У ўзидаги ана шундай «фазилатларни» ўғлида кўришни истайди. Нодир шоҳ нафақат ўғли, балки кўшини бошлиқларига ҳам бу «хислатлар»ни юкишини хоҳлайди:

Н О Д И Р Ш О Х. (Ризокули билан Алиқулига). Сиз ҳам чиқиб хонни қарни олингиз. Ўғлум, сен хонни кўргач, отдан кўниб яёв бор, қучоқлаб кўруш, йўлдошларига ҳам ҳурмат кўрсат.

Нодир шоҳнинг кичкинагина бир «маслаҳати» орқали драматург, унинг мураккаб психологияси, ички оламини чизаётир.

Нодир шоҳ шунчалар доноки, Ҳаким бий унинг хизматига киргач, оталиқнинг орзу қилган энг улуг мақсади нима эканлигини олдиндан биледи. Мирзо Маҳди Ҳаким бийнинг хизматлари кўн мукофотларга муносиблигини сўзларкан, шоҳ «Бухоро хонлигини ўғлига беришимизни истайдир» дейди. Шоҳ бунга ҳам рози. Лекин ишнинг «Қалтис» бир томони бор:

Н О Д И Р Ш О Х. Биз ҳам бунга қарши эмасмиз, бироқ шу куп буни қилиш тўғри эмас. Эл аро шовқин соладир. Сиз Ҳаким бий билан суйлашингиз. Бухоро хонлигини ўғлига берармиз. Бироқ сўнгароқ бўлсин. Хива масаласини битирганимиздан сўнг бўлсин. Бу кунги энг ярарлик сиёсат, Абулфайзхонни мамнун қилиб қайтармоқдир.

Нодир шоҳ ҳар бир қадамда, дақиқада, «энг ярарлик сиёсат» ахтариб, ўйлаб топади. У ҳар қандай воқеанинг оқибати нима билан тугашигача ўйлайди ва уни англай олади. Абулфайзхон эса шоҳнинг бутунлай тескариси: шошқалоқ, жаҳддор, қатъиятсиз, шубҳачи ва ҳ.к. шахсий. мустақил фикрга эга эмас.

Аслини олганда, Нодир шоҳ образи Абулфайзхондан кўра бир неча марта кўпроқ зўравонликка асосланган тузумнинг моҳиятини очади. Агар Абулфайзхон айш-ишратга берилиб, шубҳалар васвасасида тахт учун қотилликлар қилса, ҳокимиятни анархияга олиб келса, Нодир шоҳ ундан ҳам ҳавфли. У ўз ўлкасидаги мавқеи билан чекланмайди, айш-ишрат, тахтдан қониқмайди. Бировларнинг Вагани, эрки, молини талашни ўзига

«фазилат» санайди. Ўзга юртларни истило қилиш унинг «санъати»га айланган.

Абулфайзхон ва Нодир шоҳ образлари шундай бир кўринмас занжирдек бир-бирига боғлиқки, улар асардаги трагик воқеалар ривожланиб борган сари, бир-бирини тўлдириб боради. Бу икки тарихий шахс образи Фитрат томонидан психологик далиллаш усулида чуқур ўйланиб яратилган.

Нодиршоҳ Бухоро ўлкасини тинч йўл билан олиб, унинг тутуруқсиз амалдорларига илтифотчи шундай ўрнига қўйиб муомала қиладики, ўқувчи ёки томошабиннинг кўз ўнгига энди унинг сирли илтифотлари остидаги ҳақиқатлар ойдинлаша боради. Нодир шоҳ юртни бонқаролмай, Бухорони не кўргуликларга солиб, ўз олдига келган кўпоқлар - Абулфайзхон, Хўжа Калон, Ҳаким бий, Улфатларни «Бухоройи шарифнинг улуғлари, хуш келдишиз» деб кутиб олади. Ўз юртини душман қўлига икки қўллаб топшираётган Бухоронинг «улуғлари» Нодир шоҳга «туриб қуллуқ қилалар». Шоҳнинг кимлигини англаб бораётган томошабин ундан нафрати оша борган сари, Нодир шоҳнинг «илтифотлари» куюқлаша боради. Томошабинни нафрат, ғазаб, трагедияга ҳос бўлган қайғу эгаллай бошлайди. Шу билан Фитрат Абулфайзхон, Улфат, Ҳаким бий, қози Низом, Хўжа Калоиларнинг мазкур кўрқоқлик хатти-ҳаракатларини ижтимоий воқеа даражасига кўтариб, трагик ҳолат яратади. Абулфайзхон ва унинг манфур шерикларининг мақсади битта, у ҳам бўлса, юрт, миллат нима бўлса-бўлсин, мансаб, шон-шухрат, мол-дунё уларни тарк этмасин.

Хуллас, Нодир шоҳ образи «Абулфайзхон»да энг мукаммал чиққан тарихий шахслар сирасига киради.

Ҳаким бий. Асли тўлиқ номи Муҳаммад Ҳаким бўлган бу тарихий шахс Бухоро тақдирида ўзининг сотқинликлари билан ёмон из қолдирганлардан.

Ҳаким бий Нодир шоҳдек айёр, гап остидаги ганши, ҳар бир ишнинг натижасини олдиқдан пухта режалаштириб иш кўргувчи зот. Унинг ўз манфаати, мансаб ва шухрати учун олиб борган «кескин ва жиддий кураши» ўз Ватанини душман - Нодир шоҳ қўлига топшириш ва ўғлини амир қилиб кўтариш билан яқунланади.



Ҳаким бий образи Улфат, Нодир шоҳ, Абулфайзхон каби феодал жамият мафкурасини ўзида тўла мужассам этган. Драматург унинг ўз сўзлари билан ўз ички дунёси, яшаш аъмоли, характерини тасвирлайди:

Ҳ А К И М Б И Й. (Том устидан кўринган минорга қараб). Ўлум миноридир бу! Бунинг кўланкасида яшагонлар ўлимдан қўрқмайдлар. Бу узун «минор» охиратнинг энг қисқа йўли бўлиб қолди. Минор «Чил духтарон», Канахона, Обхона, зиндон... ўлум... буларнинг ҳеч биттасинда мени йўлимдан қайтарорлик куч йўқдир. Ётоқ ўлуми-да, ўлум, зиндон ўлумида, ўлимдир. Икковидан-да, қўрқмом. Абулфайзхоннинг хонлиги Нодир шоҳнинг оёқлари жон бераётканда, ўз улупимизни олмақ керак. Шуни олармиз.

Драматург Ҳаким бийнинг ўз сўзлари билан унинг «филсафаси», характерини очса, иккинчи томондан, Бухородаги анархиянинг аҳволи ва оқибатларини, шу жамиятнинг бевосита аъзоси бўлган (оталиқ!) Ҳаким бий тилидан иқроп қилаётир.

Трагедияда Ҳаким бий ўз мафкур ниятига эришди. Мана, у асарнинг учинчи пардасида, Бухоро атоёнларининг Нодир шоҳ билан сулҳ тузиш эпизодида қандай мулоҳазақор, коса остидаги ним косани пайқаш хусусиятларини намоён этади. (Улфат Нодир шоҳ олдига бош эгиб келган Абулфайзхонни кўкка кўтариб таъриф қилгач):

Ҳ А К И М Б И Й. (Улфат хўжасаройнинг бу сўзларини ёқтирмайтургондан, тез сўзга киришар). Хоқонимизнинг асил ҳам улуг бир хоқон бўлганлари шаҳаншоҳ ҳазратларига белгулидир. Кенг ўлкаларни олиб, бошқармоқ учун дунёга ора-сира онгли, кучли қахрамонлар келадирлар. Биз унларга «Соҳибқирон» деймиз. Бундай қахрамонларнинг йўлларини тутмоқ истаганлар эзилиб қолурлар. Мана бизнинг замонимизда етишган соҳибқирон, сиз шаҳаншоҳ ҳазратларидирсиз. Сиз каби буюк соҳибқиронларнинг олдига дўст бўлиб келмак ҳамда ўзини нундай олийжаноб подшоҳнинг ихтиёрига топширмакдан хонимиз кўшдан-кўп мамнундирлар.

Шу ўринда Ҳаким бий билан Улфат образининг икки қутб эканлиги яққол сезилади. Улфатни Абулфайзхонни қотилликка бошлаш, фисқу фужурни урчитишда айблаيمиз.

Лекин Улфат ўзининг шу номарғуб хислатлари билан ҳам Ҳаким бийнинг олдида бир қадар юксакроқ. Улфат Нодир шохнинг олдида Абулфайзхонни ёқлаб гапириб ўз «садоқатида содик» қолса, шу билан баробар, хонни «ҳеч кимни юртини олмоқчи бўлмайлар» деб мақтаб, Нодир шохга ўз муносабатини билдиради ҳамда «чақиб олади». Улфат Абулфайзхонни ҳимоя қилиб, ўз манфаати йўлида бўлса ҳам, босқинчиликни қоралаётган экан, Ҳаким бий унинг акси.

Ҳаким бий ўз она-кўрин босқинчи Нодир шохга тоншириш билан чекланмай, шохни «соҳибқирон», «буюк», «қахрамон» дея мақтайди. Ор-номуссиялигини, тубан ва манфаатпарастлигини уятсизларча «фахр» билан ошкор этади. Бу трагедиядаги драматизмни янада юксакликка кўтариш учун хизмат қилади.

Адабиётшунос Бегали Қосимов Ҳаким бийни ҳақли равишда Мамуд ялавочга ўхшатган эди: «Муҳаммад Ҳакимхон саройдаги мавқеиға қаноат қилмай, хиёнатга ўтди. Мовароуннахрни қоралаб келаётган Нодир шох хизматига кириб, унинг номидан элчи бўлиб келади. 1216-1217 йилларда Хоразмлик Маҳмуд Яловочнинг ишени қилади»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатдан шундай бўлган эдими? Фитратнинг «Абулфайзхон»и - Ҳаким бий билан тарихий шахс Муҳаммад Ҳакимнинг ўртасида қандай фарқ бор?

Муаммад Ҳаким ҳақида, биз кўришга улгурган, тарихий манбалар деярли бир хил: унинг ниҳоятда шухратпараст, Бухоронинг тақдирида ёвуз роль ўйнаган, юртни Нодир шохга сотган мунофиқ тарада тасвирлайди. Фақатгина «Абулфайзхон тарихи»ни ёзган, хоннинг ўз кишиси бўлган Абдурахмон Толеъгина уни кўкларга кўтариб мақтайди, холос. Лекин Абдурахмон Толеънинг саройга яқин бир муаррихлигини ва унинг асари трагедия қамраб олган 1738-1747-йиллар воқеаларини акс эттирмаганини назарда тутсак, (Абдурахмон Толеънинг асарида Абулфайзхоннинг 1711-24 йиллар ҳастига оид воқеалар баён қилинган) масала ойдинлашади.

<sup>1</sup> Қосимов Б. Инсон воқеалари. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги. 1990, 6 апрель.

Мухаммад Ҳаким 45 ёшида оталиқ лавозимига эришган<sup>1</sup>. «Ўзбекистон тарихи»да ёзилишича, «манғит қабиласидан чиққан Мухаммад Ҳаким бий Абулфайзхондан пойтахтнинг оталиғи унвонини олиб, ҳамма оталиқларнинг бошлиғи ва иродасиз хон (Абулфайзхон - И.Ф.) вақтида ҳукмрон ҳоким бўлиб олди. Унинг ҳукмронлиғи ўзбек боёнларининг умумий порозилиғига сабабчи бўлди. Хоннинг обрў-эътибори тамомила тушиб кетди»<sup>2</sup>.

Тарихий фактлардан хулоса чиқариб шуни айтиш керакки. Фитрат Ҳаким бий образини яратаркан, биринчидан тарих ҳақиқатига содиқ қолди, иккинчидан, оталиқнинг биографиясига оид кўнгина тарихий ҳужжатлардаги фактларни бадий қайта ишлаб, унинг қилмишига мувофиқ характерини яратди. Ҳаким бийни ўз юртини Нодир шохга хиёнаткорона сотишининг социал-ижтимоий сабабларини, ХУШ аср тарихий воқеаларининг мантиғидан келиб чиқиб ҳаққоний, ишончли саҳналар, драматизмга бой манзараларда тасвирланади. Унинг жирканч қиёфаси ва ғояси орқали истибод салтанатининг фожеаларини кўрсата олди.

Раҳим бий. Ҳаким бий оталиқ 1743 йилда вафот этгандан сўнг, Раҳим бий ҳокимиятни ўз қўлига олди. Бухорода Чингиз ёки Ўғизхон авлодидан бўлмаган кишини хон кўтариш мумкин бўлмагани учун, Абулфайзхоннинг ўғли Абдулмуминхонни отига хон кўтариб, жамики ишларни ўзи бошқариб турди. Буига ҳам қаноат қилмай, у кун сайин хон кўтарилиш орзуси билан яшади. Чингиз удумини бузиб, оқсоқол ва дин пешволаридан фотиҳа олиб, ўзини хон кўтарди. Унинг бу гайри ишларига қарши ўз вақтида Абулфайзхон билан ҳам курашган Иброҳим бий оталиқ аччиқ сўзлар айтади. Раҳим бий ҳам худди Абулфайзхон каби куч билан ҳокимиятни эгаллади. Раҳим бий тахтни эгаллагач, қотиллик ва зўравонликни Абулфайзхондан ҳам ўн ҳисса оширди. Лекин Абулфайзхоннинг тахт эгаллаши билан Раҳим бийнинг ҳокимият тенасига келишларида иккинчи бир томон ҳам бор: Агар Абулфайзхон ўз акасини

<sup>1</sup> Абдурахман-и Талей. Истотрия Абулфайз хона. Тошкент: Изд.АН УзССР, 1959. С.67.

<sup>2</sup> Ўзбекистон тарихи. Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1956. 459-бет.

Ўлдиртириб тахтга эришган бўлса, Раҳим бий ҳам қотиллик, ҳам она юртини Эрон подшоеси Подиршоҳга сотиб, унинг носитасида ҳокимиятни қўлга олди. Феодал жамиятнинг мафкурасини очиш учун бу муҳим нуқта.

Драматург ҳам бу «муҳим нуқта»ни янада чуурроқ, ўқ илдилари билан кўрсатиш учун асарга Раҳим бий ва Абулфайзхоннинг ҳибсдаги учрашуви воқеасини олиб киради. Буни икки сулоланинг моҳиятан бир эканини очувчи учрашув, деса бўлади. Абулфайзхон аштархонийлар сулоласининг тимсоли, Раҳим бий пойдевори қатллари билан тикланаётган манғитларнинг рамзи:

Х О Н. Отагиз менга оталиқ эди. Бобонгиз мени тахтга ўтқузуб, оталиқ бўлди. Ўзингизни Эрондан келгач, бот оталиқ қилдим. Бутун ҳукумат ишларини сизга топширдим. Яна Нодир шоҳнинг ўюнларига берилиб, мени қаматдингиз! Нодир шоҳ олдида мен билан сизнинг нима ойирмамиз бор? Бу кун мени туширган экан, эрта сизни ҳам тушурмасми?!

Р А Ҳ И М    Б И Й. Хон ҳазрат! Дунёда ҳар ким ўз кучига арабгина ўрун тутадир. Бу тирикликнинг энг ўтқур буйруғидурким: бунга бўйсунмагонларнинг дунёдин чиқиб кетишлари лозим бўладир. Сиз, Бухорони идора қиларлик куч кўрсата олмадингиз. Давлатимизнинг буюк-буюк теракларини ўз қўлингиз билан йиқита бердингиз, бутун ишни менга эмас, бир «аҳмоқ, муғомбил» бўлгон Улфатга топширдингиз. Тахтдан тушганингизнинг сабаби шулдир...

Драматург изтироб ва ҳаяжонга, кўрқув ва қайғуга тўла саналар, воқеалар гирдобида Раҳим бийнинг асл қиёфаси - манфурлигини оча боради. Унинг-чун куч дунёнинг таянчи. Буни тан олмаганлар «дунёдан чиқиб кетишлари лозим».

Трагедиядаги воқеалар авж олиб, қарама-қаршиликлар келиштириб бўлмас бир нуқта - ҳалокатга қараб ҳаракатланаркан, Раҳим бийнинг ҳам ички дунёси саҳнадан-саҳнага янада ёрқинроқ очилиб боради. Фитрат асарнинг финал воқеалари рўй берадиган саҳнани ремаркада шундай тасвирлайди: «Саҳнанинг тўринда қоронғу бир зиндон. («Чил духтарон» зиндони) Улфат хўжа сарой, Давлат тўқсабо билан яна икки-уч бекнинг ўлуқлари осилгон, ўтқузуб бўғдурулгон, қонга бўялиб ётгон бир ҳолда турадир. Четда

қора мой чироғи тутунлар сочиб, ёнмоқда. Бир оздап кейин Раҳим бий ёлғуз келар...».

Бундай кўрқинчли, ҳаяжонли, қайғули ҳолат Раҳим бийнинг қалбидаги инсоний туйғуларни жунбушга келтиради, у ҳам тахт, шон-шуҳрат ғамидан бир лаҳза халос бўлиб, ўликлар тақдиридан хулоса чиқарар деб томошабин кутади. Лекин Раҳим бий осилган, бўғдирилганларга қараб заррача инсоний қайғурмайди, балки ўликларга ҳам нафратини сочиб, ўзининг ёвуз мақсадларига эришаётганидан ички бир гурур сезади. Ҳолбуки, осиллиқ турган Давлат ва Улфат аслида Раҳим бийнинг эмас, ўз қилмишларининг қурбони бўлдилар. Эрта-индин шу кун Раҳим бийнинг бошига тушмаслигига ким кафолат беради. Йўқ, Раҳим бий бундай инсоний тушунчаларни бу маҳал ҳаёлига ҳам келтирмайди. Чунки у тахтни эгаллаган, куч қўлида. Улфат ва Давлат кучсиз бўлганлари учун, Раҳим бийнинг эътиқодича, осилиб «дунёдан чииб кетишлари» табиий. Мана Раҳим бий «бир оёғини тахтнинг босқичига қўюб, тиззасига таяниб сўйлар»: (ўликларга қараб)

РАҲИМ БИЙ. Йўлимизнинг ози қолди. Манзилга эриша ёздик. Абулфайзхон кетди. Унинг ёқлагонларнинг-да руҳларига фотиҳа ўқиб келдим. Эмди ким қолди? Чумчуқ каби кичкина бир хон! Шундай (қўли билан кўрсатиб) оласан, иккаласини узиб ташлайсан!.. Руҳинг шод бўлғой, отам, сен битирмаган ишни мен битирдим. Йўқ, буларнинг ҳаммаси сен эккан уруқларнинг мевасидир. Сен менга йўл кўрсатмас эдинг, сен Нодир шоҳ билан дўстлашиб, мени унга юбормас эдинг, бу ишлар бўлмас эди. Бўлғонда ҳам, жуда қийинлик билан бўлар эди.

Раҳим бийнинг бу сўзлари драматург айтмоқчи бўлган ғоянинг ўзагидир. Куч ва зўравонлик, босқинчилик ва ҳийла найранг ғалабасини дунёнинг ўзаги, моҳияти, деб англаган Раҳим бий, Абулфайзхон, Нодир шоҳ, Ҳаким бийлар бу очунда адолат, ҳақиқат, эзгу ниятлар борлигини унутганлар. Улар учун инсоннинг эрки, юрти, қадри ярим чақага ҳам арзимамайди. Шунинг учун Раҳим бий отасини руҳини яхши, савоб ишлар билан эмас, айнан ўликлар билан «шод» қилади. Чунки отаси ҳам бу дунёда фақат ўлимгина мақсадларимизни амалга оширишга, тахтни эгаллашга йўл очади, деган ақрда билан яшаган ва ота-ўғил Эрон шоҳи

Нодирга топинган эдилар. Отасидан хиёнатни, ёвузликни мерос қилиб олган Раҳим бий, энди Абулфайзхондан ҳам, отаси Ҳаким бийдан ҳам баттар кутиради. Унинг-чуи Абулфайзхоннинг ўғли Абдулмўмин «чумчуқ каби кичкина бир хон». Қатлларга кўзи қотган кишигина, шунчалар бағри тош, ёвуз бўлиши мумкин.

Демак, Раҳим бий ҳам Абулфайзхон, Нодир шох, Ҳаким бий каби ёвузлик тимсолига айланган. Тарихий зарурат эса, ёвузлик, кучга таянган ҳар қандай системани йўққа чиқаради.

Мир Вафо. «Раҳимхон тарихи»ни ёзган бу муаррихнинг тўлиқ исми Муҳаммад Вафо иби Муҳаммад Зоҳир Карманегий. Мир Муҳаммад Амир Бухорийнинг «Убайдуллонама»сида ёзилишича, Мир Вафо («Абулфайзхон»да шундай) Убайдуллохон замонида (1703-1711) хоннинг китобдори (библиотекачиси) бўлган<sup>1</sup>.

Тарих фанлари доктори, профессор Бўрибой Аҳмедов Мир Вафо Абулфайзхон даврида ҳам шу вазифада ишлаган бўлса керак, деган фикрни айтади<sup>2</sup>.

Мир Вафо «Тухфайи хоний»да манғитлар сулоласига асос солган Муҳаммад Раҳим билан боғлиқ тарихий, хронологик маълумотлар беради. Абулфайзхоннинг почор аҳволи, Аркда ички низоларнинг кучайганлиги ва Раҳимхоннинг Эрон шоҳи Нодир билан ҳамкорлик илиб, алалоқибат, Бухоро тахтини «ғолибларча» эгаллагани хусусидаги фактлар қимматлидир<sup>3</sup>.

Мир Вафонинг ўз шахси ҳақида деярли маълумотлар учрамайди. Фитрат «Абулфайзхон»да уни иккиюзламачи, мунофиқ, қайси томон кучли келса шунга оғадиган қилиб тасвирларкан, бизнингча, драматург қуйидаги мантиқ асосида масалата ёндопган:

- Мир Вафо (Карманегий) «Раҳимхон тарихи» («Тухфайи хоний» ҳам дейилади) китобида Муҳаммад Раҳимни кўкларга кўтариб мақтайди;

---

<sup>1</sup> Мир Муҳаммад Амин Бухори. Убайдуллонаме. Ташкент: АН УзССР, 1957. С.94.

<sup>2</sup> Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Ташкент: Фан, 1985. С.114.

<sup>3</sup> Уша ерда, 114-120-бетлар.

Абулфайзхоннинг қатъиятсиз, ночор аҳволини кўрсатиш баробарида Нодир шоҳнинг босқинчилик юришини ижобий баҳолаб, Муҳаммад Раҳимнинг Эрон шоҳи ҳамкорлигида тахтни эгаллашини «буюк ғалаба» деб билади.

Демак, Мир Вафо (Карманегий) «Тухфайи хоний»да ХУШ аср Раҳимхон, Абулфайзхон тарихи билан боғлиқ масалаларга реал баҳо бермайди. Нодирнинг босқинчилик юришининг моҳиятини очмайди. Шундан келиб чиқиб, Фитрат унинг Бухоронинг сиёсий-иқтисодий, маънавий ташазулга юз тутишига сабаб бўлганлардан бири сифатида билади ва «Абулфайзхон»да Ҳаким бийнинг киписи, мупофиқ бир шахс сифатида талқин этади. Драматургнинг бундай талқинига юқорида талқинлаган сабабларимиз асос бўла олади.

Мир Вафонинг Ҳаким бийнинг киписи эмаслигини исботловчи эпизодларни драматург маҳорат билан тасвирлайди. Қарни урушидан кейин Ҳаким бий Нодир шоҳга одам юбориб, ўзининг шоҳга «садоқатини изҳор қилгач», унинг бу хиёнати Фарҳод оталиқ томонидан аччиқ киноялар билан қози Низом тилидан Абулфайзхонга етказилади. Абулфайзхон Фарҳод оталиқнинг «ниаккоклик қилгани, «тузини унитиб» хоннинг айтганидан чиққани ва қизини хонга тортиқ қилмагани учун уни бошини олдиртираркан, янги оталиқ тайинлан масаласи чиқиб қолади:

**Х О Н.** Энди кимни оталиқ қилишимиз керак, сиз, шуни айтингиз, бошқа гапларни қўя бериңгиз!

**Қ О З И Н И З О М.** Тангри хоқонимизга эсонлик бергай, ўзлари яхши биладилар.

**М И Р В А Ф О.** Ҳазратим, албатта яхшироқ биладилар. Мингитлардан Ҳаким бий иноқ, қалмоқлардан Жиянқули бий, кенагаслардан Иброҳим бий қуллари бор.

**Х О Н.** Жиянқули бўлмайди. Ҳаким бий билан Иброҳим кенагасдан биттасини кўярмиз.

**Қ О З И Н И З О М.** Тўхта, домўлло. (Мир Вафoga қараб - И.Ф.) Меним ёшимда ҳар кун махтаб турғонинг Ҳаким бий иноқ, Нодир шоҳ билан нечун хабарлашадур?!

**М И Р В А Ф О.** Бу сўз тўғри бўлмаса керак...

Юқоридаги эпизоддан Мир Вафонинг мунофиқлиги намоён бўлади. У Ҳаким бийнинг Эрон шоҳи билан алоқаси

борлиги, Бухорога хиёнат қилаётганини билиб туриб, яна хоннинг олдида уни ёқлайди.

Шундай қилиб, Арк ичидаги барча «сир»лар Мир Вафо воситасида «Қалъа деворларини ёриб чиқиб», Ҳаким бий ва Раҳим бийга, улар орқали Бухорога ёғийлик қилиб, талаш учун келаётган Эрон шоҳи Нодирга отказилиб турилади.

Тарихий шаҳс Мир Вафо трагедияда воқеаларни бири-бири билан боғлаш, қахрамонлар ўртасидаги трагик конфликтнинг авж олиши учун бир занжир вазифасини ўташи баробарида, ёвузликка асосланган жамиятнинг башарасини очинида драматургнинг ғоясини ойдинлаштирган образлардан бири.

Иброҳим бий. Трагедияда энг ёрқин чиққан тарихий шахслардан бири. Иброҳим бий аввал Абулфайзхоннинг иноғи<sup>1</sup>, сўнгра оталиғи<sup>2</sup>. Иброҳим бий асарда адолат учун курашчи, исёнкор шаҳс сифатида тасвирланган. Ўзининг тахти, шубҳаю насвасаси билан ғарқ бўлиб халқининг хонавайрон бўлишига, таланиши ва тоғталишига йўл қўйиб берган, айни-ишратта, қотилликка муқкасидан кетган Абулфайзхонга қарши Иброҳим бий курашади.

Фарҳод оталиқнинг боши олингач, унинг ўрнига кимни тайинлаш масаласи кетганда, Мир Вафо аввал Ҳаким бий, қалмоқлардан Жиянқули бий, кенағаслардан Иброҳим бийларни таклиф этади. Хон Ҳаким бийнинг Эрон шоҳи билан алоқаси борлиги, «Жиянқули бўлмайдир» дегач, Иброҳим бийни оталиқ мансабига тайинлайдилар. Иброҳим бий фаҳм фаросатли, журъатли бўлгани учун бундай «улуғ мукофот»ни рад этади. Чунки у Абулфайзхон характерининг ярамасликларини чуқур билади. Шу боис Абулфайзхонни кюзига тик қараб, исёнкорона бир руҳда унинг

---

<sup>1</sup> Иноқ - Бухоро амирлигидаги юқори мансаблардан бири. Амирликнинг 2 та иноғи бўлган: Иноқ калон (улуғ иноқ), иноқ хурд (кичик). Қаранг: Х.Ю.Бекмуҳаммедов. Тарих терминлари изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитғучи, 1978, 73-бет.

<sup>2</sup> Оталиқ - хоннинг бош кенашчиси, олий сарой мансабдорларидан бири. Қаранг: Уша ерда. 14-бет; Профессор Семёнов «оталиқ» сўзини «ота мақомидаги киши, Бухорода энг улуғ ушвои. Амирликнинг охири куиларигача ўз манқенин йўқотмаган» деб изоҳлайди. Қаранг: Муҳаммад Юсуф Муиний. Муқим-ханская история. Тошкент: Изд.АН УзССР, 1956. С.259.



қилмишларини юзига солади: (Хон Иброҳим бийга оталиқ мансабини тортиқ қилгач)

И Б Р О Ҳ И М Б И Й. Ҳазратимга арзим бор.

Х О Н. Айт!

И Б Р О Ҳ И М Б И Й. Оталиқ ўрни жуда катта ўрун, мен уни бажара олмайман.

Х О Н. Нега бажара олмайсан, унинг нимаси бор?!

И Б Р О Ҳ И М Б И Й. Фарҳод оталиқ каби, ўткур бир одамнинг бажара олмагани бир ишни мен қандай бажарарман?!

Х О Н. Нимаси бор, нимани бажара олмайсан?!

И Б Р О Ҳ И М Б И Й. Хоқонимизни рози қилмоқ жуда қийин иш бўлиб қолган.

Х О Н. Нима деганинг бу?!

И Б Р О Ҳ И М Б И Й. Шу Улфат билан Давлатни рози қилмасам, сиз қувонмайсиз, бу иккисини рози қилмоқда мумкин эмасдир.

Х О Н. Девона бўлдингми?!

И Б Р О Ҳ И М Б И Й. Девона эмас, тўғримап, тўғрилиқнинг девоналикдан ёмонроқ натижалар берганини биламан. Яна тўғрилиқдан айрила олмайман, хоқоним. Шу икки одам бўлмағонда, сиз Фарҳод оталиқни йўқ қилмоқ фикрига тушмас эдингиз.

Х О Н (қизгин). Сўзни узатма, қабул эт! (қози Низом билан Раҳим кўрчи кўзлари билан уни қабул этарга тиришарлар).

И Б Р О Ҳ И М Б И Й. Буйруғингизни қайтармоқ қўлимдан келмайди, қабул этаман. Бироқ бир кун менинг ҳам ўлимимига ҳукм чиқарарсиз, хоқоним!

Бу диалог Иброҳим бийнинг ўз давридаги фожеаларнинг сабабини англаганлиги, қўрқмаслигини кўрсатса, Абулфайзхонни бировнинг одил фикрини ҳатто тинглашни истамай, яна жаҳл, шубҳага берилиши, Улфат ва Давлатлар қўлида қўғирчоққа айланганини ёрқин кўрсатади.

«Абулфайзхон тарихи»ни ёзган Абдурахмон Толоъ 1721-22 йиллар воқеаларини баён қилар экан, Иброҳим бий билан Абулфайзхон ўртасида келиштириб бўлмайдиган карама-қаршиликлар пайдо бўлганлигини ёзиб, шундай дейди: «Хуфта» намози яқинлашганда олий ҳазрат

(Абулфайзхон - И.Ф.) томонидан шаҳардан чиқариб юбрилган Иброҳим оталиқ ва Хўжақули девонбеги шаҳар анъаналарига ва урф-одатларига риоя қилмай, рухсатсиз шаҳарга қайтдилар... Иброҳим оталиқ Регистон майдонига келиб саройга яқинлашгач «дарвозани очинглар, мен олий ҳазратга хизмат юзасидан келдим (арз қилмоқчиман, демоқчи - И.Ф.). Давлат ишлари тўғрисида у билан маслаҳатлашмоқчиман» деди. Ақлли дарвозабон «Бу сарой (Арк - И.Ф.) яхши фазилатли, обрўли кишиларнинг юраги сингари қаттиқ беркитилган, ҳеч кимга ўз сирларини ошкор қилмайдир. Дарвозанинг калити Абулфайзхоннинг чўнтақларида», деб уни қайтарди. Оталиқ норозилик билдиради, лекин тўпчибони ўз сўзидан қайтмай, дарвозани очмади. Бир исёнкор киши Иброҳим оталиққа дарвоза олдида ўтин қалаб ёқишни маслаҳат берди...»<sup>1</sup>

Абдурахмон Толев Иброҳим бий оталиқ ҳақида ёза туриб, бир жойда уни «сахийликда тенгсиз эди»<sup>2</sup> дейди ва Фарҳод оталиқнинг қасоси учун Аvez тўқсабо ва қоғлон ошиқ оға боши билан бирлашиб 1722-23-йилларда Абулфайзхонга қарши бир печа бор юриш қилганини айтади: «Улар (Аваз тўқсабо ва қоғлон эшик оға боши - И.Ф.) Иброҳимга шундай дедилар: «Биз Фарҳод бий қони учун ўч олмоқчи бўлиб юрган даврда хон хизматкорлари ўзларидан кетаяптилар. Бу ишда сен ҳам биз билан бирга бўлишинг ккерак». У (Иброҳим бий оталиқ - И.Ф.) ўз болаларининг қони, акаси ва қариндошлари учун ўч олишни ният қилиб уларга кўшилди ва улар Самарқандга келдилар (Шаҳрисабдан - И.Ф.) Абдулкарим ҳам уларга кўшилди»<sup>3</sup>.

Кўринадики, Абулфайзхон ва Иброҳим бий оталиқ ўртасида ҳақиқатан ҳам ихтилофлар бўлган. Улар бир неча марта тўқнашганлар. Шунинг учун Фитрат «Абулфайзхон» трагедиясида Иброҳим бийни адолат курашчиси, халқнинг тарафдори қилиб кўрсатишга ҳуқуқли эди.

Асарда Абулфайзхон Иброҳим бийни зиндонбанд қилади. У зиндонда, захда бир неча йил ётгач, кўздан қолиб

<sup>1</sup> Абдурахман-и Толев. История Абулфайз-хана. Ташкент: Изд.АН УзССР, 1959. С.45.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 42-бет.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 68-бет.

кўи қийноқларга дучор этилади. Лекин унинг иродасини на Абулфайзхоннинг йиртқичларча таҳқири, на зиндон бука олади. Иброҳим бий оталиқ, ўзи айтмоқчи, «тўғрилиқнинг деноналиқдан ёмонроқ натижалар берганини» билса ҳам, ҳақиқаттўйлигидан қайтмайди.

Раҳим бий Абулфайзхонни ўлдириб, унинг ўрнига 15 яшар ўғли Абдулмўминхонни отигагина хон кўтаргач, ўзи эртаю кеч тахт ишқида ёнади. Чингизхон ва Ўғизхон акюдидан бўлмаган кишини Бухорога хон кўтармаслик удуми борлиги Раҳим бийнинг Абдулмўминни тезда ўлдириб ўрнини эгаллашига халақит берар эди. Раҳим бий элнинг улугларини ўз олдига чақириб, улардан фотиҳа олиб, хонлик удумини бузиб бўлса-да, тахтни эгаллашчун халқ тарафдори, кўркмас шахс, элнинг меҳрини қозонган Иброҳим бийнинг мавқеян ва обрўйидан фойдаланмоқчи бўлади. Лекин зиндон азоблари эътиқодидан қайтаролмаган Иброҳим бий Раҳим бийнинг бу таклифини рад этади. У хонга ялиниш, уни адолатсизларча қўллаш, иккиюзламачилик қилишдан кўра яна зиндонни афзал кўради. Мана, Иброҳим бийнинг букилмас иродасини драматург қандай тасвирлайди:

**Р А Ҳ И М      Б И Й.** Оталиқ амак, мени қутламайсизми?

**И Б Р О Ҳ И М      Б И Й.** Сизни нега қутлай эканман жияним?

**Р А Ҳ И М      Б И Й.** Дushmanингизни ўлдурдим (Ўтурар).

**И Б Р О Ҳ И М      Б И Й.** Сиз ўлдирмаганда, ўзи ўлмасми эди?

**Р А Ҳ И М      Б И Й.** Шундай экан, сиз нега унга ёғиқиб шунча урушдингиз?

**И Б Р О Ҳ И М      Б И Й.** У элга ёмолик қилди. Юртни талади, ҳукумат ишларига қарамадню Кеча-кундаз чоғир ичиб ётди. Мен унинг шул ишларига қарши бўлуб урушдим.

**Р А Ҳ И М      Б И Й.** Мен нима қилдим?!

**И Б Р О Ҳ И М      Б И Й.** Сиз бу ишларни ўзингиз учун қиласиз-ку, чоғи!

**Р А Ҳ И М      Б И Й.** Қайдан билдингиз?!

**И Б Р О Ҳ И М      Б И Й.** Раҳматли отангизнинг Нодир нуҳ этагига ёнишқонини билар эдим. Сиз ҳам шоҳга

бордингиз. Унинг қўшунини келтурдингиз. Абулфайзхонни ўлдиргандан сўнгра, бутун иини ўз қўлингизга олиб турибсиз.

**Р А Ҳ И М Б И Й**. Абдумўмин тўрани хон кўтарганимиздан хабарингиз йўқми, амак?

**И Б Р О Ҳ И М Б И Й**. Абдумўмин тўра ўн беш яшар бир бола. Уни хон кўтардингиз нима, кўтармадингиз нима!

**Р А Ҳ И М Б И Й**. Сиз бўлгонда нима қилар эдингиз?!

**И Б Р О Ҳ И М Б И Й**. Мен бўлгонда. Абулфайзхонни туширгач, қурилтой чақирар эдим. Янги хон билан унинг оталиғини эл бошлиқларининг кенгашлари билан белгилар эдим.

Раҳим бий Иброҳим бийга қапчалик «юмшоқ», «хурматини ўз жойига қўйиб» муомала қилмасин, оталиқни эътиқодидан қайтара олмайди:

**Р А Ҳ И М Б И Й**. Мана эл бошлиқларидан биттаси сиз. Элингиз кенагас; Бухоронинг тубчак, буюк бир эли. Келингиз, бундай маъносиз сўзларни қўйингиз, биргалашиб, кенгашиб ишлайлик. Абдумўминхошни ҳукуматини бириктирайлик.

**И Б Р О Ҳ И М Б И Й**. Мен жуда яхши биламан, сиз шу кун-эрта Абдумўминни ҳам отасининг орқасига юбориб, тахтини оларсиз. Жияним, мен Абулфайзхон билан урушдим, чунки ул ҳақсизлик қилгон эди. Сиз бу кун ундан ортиқ ҳақсизлик қила турибсиз. Кўзим бўлса эди, эртадан бошлаб, сиз билан ҳам урушар эдим. Нима қилайким, кўзим йўқ. Хай, сиз-ку, Бухоро тахтини оларсиз. Абдумўминни ўлдирарсиз, бироқ шуни билиб қўйингизким: бу тахт сизнинг болаларингизга юкмағусидир.

Иброҳим бийнинг бу **и с ё н к о р** монологи зўравонлик, феодал, айғоқчиликка асосланган тузумнинг ниқобини йиртиб, авра-асгарини титади ва трагедияда драматург айтмоқчи бўлган ғояни яна бир бадийий юксакликка кўтаради.

Раҳим бийнинг ўзини хон таклифига Иброҳим бий кўнмагач, Охун, қози Низом ва Дониёл бийга ўхшаш иккиюзламачи, манфаатпараст, асли хурофотга ботиб ўзларини «дин ҳомийлари» деб юргувчилар унга «оқ фотиҳа» берадилар. Уларнинг бу мунофиқликларининг тувоҳи бўлиб

турган Иброҳим бий бутун ғазабини уларга тўкиб соларкан. шундай дейди:

**И Б Р О Ҳ И М Б И Й.** Раҳматли Ражабхон билан бирлашиб, Абулфайзхонга қарши урушгонимизда, шундай кенгашган эдикким: Бухорога бориб кирсак, бутун муллоларни бир мадрасага солиб ўт қўямиз-да, ҳаммасини ёндирамиз. Элимизни бузиб, расво қилгон шунлар. Бунлар, динингизни тuzатамиз, деб дунёни мурдор қилдилар.

Иброҳим бийни бу ўтли, ҳасрат ва надомат; ғазаб тўла сўзларидан қози Низом гўё «ҳақоратланган» бўлиб «нима қилдик биз?!» деб яна бир бор уятсизланар экан, оталиқ унинг баппарасини кўзгуда аке этгандек очади:

**И Б Р О Ҳ И М Б И Й.** Туна кун Абулфайзхонни «сояйи худо» деб оёқларини ўпмагон эдингизми? Абулфайзхон хотунлар билан ичишиб ётгон бир кечанинг эртасин-да, унинг олдига келиб, «Бу кеча тушимда пайғамбарни кўрдим, сизни сўраб юбордилар» деб, чопон кийганингизни унутдингизми?! Туно кун сизга чопон берган сояйи худонинг ўлимига бир кун фатво берасиз, ҳеч ўёлмайсизми? Тушингизда Абулфайзхонни сўрагон пайғамбар, яна бир йўла тушингизга кириб, уни сўрасалар, нима дейсиз? Бушлар оз эмиш каби Чингизхоннинг ёсоғини ҳам йўқ қилмоқчи бўласизми?

**Д О Н И Ё Л Б И Й.** Оталиқ ака, шариатнинг ҳукми шу экан-да.

**И Б Р О Ҳ И М Б И Й.** Мен шариат-мариатни билмайман. Ишингизни тўғриламоқчи бўлсангиз, қурултой чакрасиз. Бунларни сўзи ярим чақага арзимайдир.

Иброҳим бийнинг сўзлари бутун истибдод жамиятига қаратилган, исёнкорлик руҳига тўла айбномадек янграйди. Иброҳим бийнинг Раҳим бий, Абулфайзхон, Нодир шох, Ҳаким бий, қози Низом, Дониёл бий, Охунларга қарата айтганларини бугунги замон нуқтаи назаридан эмас, ўз даври - ХУШ аср кишисининг сўзлари деб тушунсак ҳам, исёнкорлик ва ёвузликка таянган салтанатни фож этиш руҳи кучаяди, камаймайди.

Тарихий шахслар образининг таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидагича хулосага келдик:

Фитрат «Абулфайзхон»даги тарихий шахслар характерини яратишда реал фактлар ва мўтабар манбаларга таянган;

- Тасвирланган воқеа ва шахслар ҳаракати ишонарли, шубҳа уйғотмайди;

- Мавжуд тарихий материаллар хронологиялигича қолиб кетмай, бадий қайга ишланган;

- Тарихий воқеа, шахслар талини фалсафий теранлик билан умумлаштирилиб, трагедиянинг бош ғоясига биришади.

- Тарихий шахслар психологияси атрофлича, чуқур кўрсатилган, хатти-ҳаракат, ҳолатлар ишонарли, ҳаяжонли, қайғули.

- Тарихий шахслар образи бадий характер даражасига ўсиб чиққан.

## БАДИЙ ТЎҚИМА ОБРАЗЛАР

Фитрат «Абулфайзхон»ни яратар экан, трагедия жанрига мос тарихий воқеалар, шахслар ташлади. Аммо бу воқеа ва тарихий шахслар ҳаёти, курашини бир-бири билан боғлаб турувчи, асардаги аниқ трагик хотимага томон ҳаракатланувчи конфликтнинг ўсиб, юксак бир ҳалокат ёқасига боришини табиий, мантиқан тўғри ва ишонарли вазиятда кўрсатиш учун драматург ижодий фантазиясини ишга солади.

Маншур немис маърифатпарвари Г.Э.Лессинг ижодкорнинг бу ҳуқуқи ҳақида шундай деган эди: «Санъаткор учун фақат характерларгина муқаддасдир, энг кўп кучни шунга бериши, уларни энг ёрқин картиналарда тасвирлаб бериши лозим. Санъаткорнинг ўзи томонидан кўпиши мумкин бўлган (тарихий воқеаларга - И.Г.) нарса фақат мана шу бўлади»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, Фитрат тарихий асарларга санъаткорнинг ўзи кўпиши мумкин бўлган бадий тўқима образлар яратишдан маҳорат билан фойдаланди.

«Абулфайзхон» трагедиясида Улфат, Давлат, Йўлдош, Эргаш, Қурбонул каби тўқима образлар яратилган. Бу тўқима образларнинг ҳар бири аниқ бир мақсадни

<sup>1</sup> Лессинг Г.Э. Гамбургская драматургия. М.-Л.: Изд. Академии, 1936. С.92.

ифодалаш, воқеаларни боғлаш, драматик коллизияни кучайтириш, тарихий шахслар характерининг муҳим қирраларини очиш, давр, муҳит ҳақидаги тушунчаларни ойдинлаштириш пиятида асарга олиб кирилади.

Абулфайзхоннинг надим маслаҳатчиси Улфат ва Давлатларнинг номи, ХУШ асрда яратилган тарихий манбаларда учрайди. Табиийки, бу тўқима образ тарихдаги реал шахс Улфат ва Давлат эмасмикан, деган ҳақли савол туғилади.

Тарихий фактлар шунини кўрсатадики, Фитратнинг «Абулфайзхон»идаги Улфат ва Давлат тарихдаги реал шахс эмас, ўша давр, ижтимоий тузум моҳиятини очиш учун ижодкор томонидан олиб киришган тўқима образдир.

«Икки хўжага (Хўжа Ниҳол ва Хўжа Давлат - И.Ф.), - деб ёзади «Абулфайзхон тарихи» муаллифи Абдурахмон Толеъ, - Маккага ҳажга боришга руҳсат берилди. Уларнинг орқасидан хўжа Жавшан махфий жосус юбориб, уларни ўлдирлишни буюрди. Соф дин ҳомийси бўлган икки хўжа Қоракўлда ўлдирилди... Уларнинг жасадини Абу Хафс (Қабири Бухорий и И.Ф.) мазорида дафн этилди»<sup>1</sup>.

«Ўз даврининг машҳур кишиси бўлган хўжа Давлат тасаввуф йўлига кирди...»<sup>2</sup>.

ХУШ асрда яратилган тарихий манбадаги фактлардан кўришадикки, «Абулфайзхон тарихи»да тилга олинаётган хўжа Давлат соф дин ҳомийси, «тасаввуф йўлига кирган» ориф бир шахс бўлган. Фитрат асаридаги Давлат тўқсабо хоннинг яқин хизматчиларидан, Улфат каби Абулфайзхонни ёмонликларга бошловчи бир манфур киши. Демак, Фитратнинг Давлат образи соф бадий тўқима, дейишимизга асос бор.

Абдурахмон Толеъ «Абулфайзхон тарихи»да Улфат деган шахс ҳақида гапириб, уни «улур хўжа», «инсофли хўжа» деб таърифлайди<sup>3</sup>. Фитратнинг «Абулфайзхон»идаги Улфат эса энг ёвуз, қотилликларга хонни ундовчи, айёр бир тарзда кўрсатилган. Айтиш мумкинки, Улфат образи асарга

<sup>1</sup> Абдурахман-и Толеъ. История Абулфайз-хана. Тошкент: АН ЎзССР, 1956. С.36.

<sup>2</sup> Ўша ерда, 36-бет.

<sup>3</sup> Ўша ерда, 70-76-бетлар.

Абулфайзхоннинг бутун оламини ёрқинроқ, психологик далиллар асосида кўрсатиш учун олиб кирилган соф тўқимадир.

«Абулфайзхон» тарихий фожеасидаги қози Низом, Мир Вафо, ва Улфатларнинг шатранж ўйнаб турган эпизодлари, хоннинг Фарход оталиқнинг бошни олдиргандан сўнгги оталиқ бошини «томоша» қилиб ёввойиларча кулиши ва руҳий изтироблари, «Хусайний» куйининг чалиниб хоннинг уйкуга кетиши ва туш кўриши, Ҳаким бийнинг Бухор минорига қараб айтганлари, Эргаш ва Йўлдошнинг қаландар кийимини кийиб (Ҳаким бий одами сифатида) Арkning ички сирларини ўрганиб қайтишлари, Нодир шоҳ билан ўглининг диалоги, Қурбоғулнинг ҳибсдаги Абулфайзхонга қараб ўйлаганлари, Абулфайзхон болаларини қучоқлаб турганда «Бебокча» куйининг чалиниши каби эпизодлар бадий тўқима воситасида яратилган. Бу бадий тўқималар фақат давр руҳини бериш, воқеаларнинг ривожини таъминлаш учунгина эмас, айрим бир психологик моментлар яратин, ҳаёт ҳақиқатини теранроқ кўрсатишга ёрдам беради. Воқеа ва характерларнинг моҳиятини чуқур очади.

Ҳар бир бадий тўқима образ, эпизод, манзара трагедиянинг поэтик талаблари асосида киритилган. Тарихий шахсларнинг ички дунёси, мафкураси бу образлар ёрдамида бош ғояга бирикадилар.

Масалан, Улфат тўқима образи. У Абулфайзхоннинг надим маслаҳатчиси, мунофиқ, хуллас, ёвузлик тимсоли. Абулфайзхоннинг ички дунёси ва хон образида кўзда тутилган истибод жамияти мафкураси, фалсафасини ишончли, психологик асослаб кўрсатиш учун Улфатнинг трагедия композициясига киритилиши катта ютуқдир.

Абулфайзхон туғма қотил эмас. У ўз қилмишларидан: қотилликлари, ноҳақ зулм-зўрликларидан ғоҳида эзилади, пушаймон қилади. Аммо орадан бир-икки дақиқа ўтмай хон яна аслига - қотиллиги ва қатағончилигига қайтади. Улфат тўқима образи Абулфайзхонни ана шундай аҳволга туширган феодализм жамияти муҳити эканлигини далилловчи ҳамдир.

Улфат Абулфайзхоннинг иродасиз, журъатсиз, ўта шубҳачилигидан фойдаланиб, ўзининг ҳар бир ҳаракати билан хонни қотилликка қатъий ундайди. Масалан, хон



Фарҳод оталиқдан «чин сўзлари» учун норози бўлиб, жаҳл отига мишиб турганда, Улфат олов устига мой сепгандек уни яна шав беради:

**Х О Н** (Қози Низомнинг сўзини кесиб). Бас... еган тузлари кўр этсин уни... Кимни тунроқдан кўтариб, курсига чиқарсак, тезгина бошимизга чиқмоқчи бўладир.

**У Л Ф А Т**. Хоқони олам! Унларни яна тунроққа қайтармоқ сизнинг қўлингиздадир.

Улфат ўта муғомбир, айёр, у шунинг учун Абулфайзхонни эгаллаб турган мартабасини пеш қилиб, гўё дунё «Қўлингиздадир» дегандек, қотилликка ундайди. Улфат Абулфайзхон характериинг шундай заиф жойларини топиб, нишонга олдики, ўзининг қон талаб қилувчи «ўқ»лари хатосиз «нишон»га тегади. Мана, хон Улфатнинг юқоридаги сўзларидан кейин қандай тез «реакция» беради:

**Х О Н**. Ўхшайки, бунларнинг ўлими қўлимиздадир. Йўқса оз замонда бизни эшак қилиб минмак истайлар!

**У Л Ф А Т**. Хоқонимизга маълумдурким, подшоҳлик қон билан суғорилатурғон бир ёғочдир. Қон оқиб турмаган ерда бу ёғочнинг қуруб қолиши аниқдир.

**Х О Н** (Улфатга) Тур жойингдан, тез кет. Беш дақиқадан кейин Фарҳод оталиқ бошини келтурасан. Қандай истасанг, шундай ишла. (Улфат қуллуқлаб чиқар) Мен тинчгина турайин деб акамни ўлдирдим. Эмди бир-икки бузукбош чиқиб, меним тинчлигимни бузмоқ истайдир! Қўяман сизни!

Улфатнинг сўзлари хонни энди тамоман йиртқичга айлантирган. Уни бу йўлдан ҳеч ким қайтара олмайди. Буни хоннинг ўзи «тинчгина турой деб акамни ўлдирдим» дейиши билан бир қадар англамоқда. Абулфайзхон айтмоқчи, ҳали бу Фарҳод оталиқми, «мени тинчимни» бузадиган, ўз акамни аямаганман, «Қўяман сизни!».

Абулфайзхонни бир оз бўлса-да жаҳлидан тушармикан, деган мақсадда қози Низом шундай «эҳтиёткор» сўзлар айтади:

**Қ О З И Н И З О М**. Хоқони олам! Оталиқ эски бир қўлингиздир. Кичкинагина бир эркалик қилғони учун уни ўлдирмоқ нечун бўлар экан?

Х О Н (қозининг сўзини эшитмагандек бир оз ўйлонгандан кейин) Фарҳод оталиқни эски бир қулимми дедингиз?!

Қ О З И Н И З О М. Ҳазратим каромат қилдилар.

Х О Н. Фарҳод оталиқ «Хитой қишқоқ»нинг бошлиғидир, билмайсизми?

Қ О З И Н И З О М. Ҳазратим яхши биладилар.

Х О Н. Эл бошлиғи бўлгон бекларим менга қул бўлмайлар, ушлар ўз элларига таяниб туташ менга ёмонлик қилмоқчи бўлалар.

Қ О З И Н И З О М. Т а в б а қ и л д и м!

Агар қози Низом «тавба» қилмасдан яна бир-икки оғиз хонга тўғри сўз қотганда ўзини ҳам Фарҳод оталиқ жойида кўриши мумкин эди. Чунки Улфатнинг қотилликка бошловчи, «илҳомлангирувчи» «унларни яна тунроққа қайтармоқ сизнинг кўлингиздадир» дейиши, Абулфайзхонни тамоман ўлим юҳосига аллаачонлар айлангириб бўлганди.

Улфат образининг яна бир ўзига хос томони шундаки, у Абулфайзхонни энг оғир вазиятда ҳам ташлаб кетмайди. Улфатнинг трагедия аввалида Абулфайзхонга қилган тилғоламачилиги ва хушомадини кўрган томошабин, хондан бирор таъмаси бўлса керак, ё мансаб, ё бойлик, хуллас, нимадир манфаатдорлик бор, деб ўйлайди. Тўғри, Улфатнинг хонга яқинлиги унга жуда кўп имкониятлар яратади. У моддий тўқ, дегани-деган. Аммо Улфат булар билан ҳам қониқмайди. У бир дам бўлса-да ўз «вазифаси» қотилликка бошлашни унутмайди.

Абулфайзхон тахтдан ағдарилгач, Раҳим бий уни Аркнинг ичида қамаб кўяди. Хон кўп руҳий изтироблар чекиб, болалари ва хотинининг тинчини ўйлаб кўн эзилади. Бир маҳал қамоқнинг «бир пучмоғиндан деворнинг тешилгани сезиладир. Кесак, туироқлар тўкила берар... Девор қаттароқ очилгач, узун соқолли бир киши» Улфат пайдо бўлади. Хон ҳайрон. Ўз жонини хавф остига қўйиб, (Абулфайзхон тахтдан тушган бўлса ҳам!) Улфат хонга «Қулингизман, хоқоним!» дея унга садоқатини яна бир бор исботлайди. Улфатнинг «Қулингизман» дейишидан кўринадики, у қотиллик тимсолига айланган Абулфайзхон мафқурасининг ҳақиқий қули!

Улфат Абулфайзхонни қочиниға ундайди, хон болаларини ўйлаб кўнмайди, у яна хонни қистайверади. Хон кўнмайди. Улфат ҳарчанд қилмасин Абулфайзхонни кўндиролмайди. Шу маҳал жаллодлар етиб келиб хонни тилка-пора қилгандан сўнг, Улфат яширинга жойидан чиқиб келиб, Абулфайзхоннинг киссасидан муҳрини оларкан «қораксиз хон, қочмади, ўлди» дейди. Улфатнинг мақсади фақат муҳр бўлганиди, у бундан хурсанд бўлган, ё бўлмаса Абулфайзхонни ўзи ўлдириб (хон ҳибеда ёлғиз эди) бунга эришарди. Йўқ, Улфат ўз «хоқони» - зўравонлик тузумининг хони Абулфайзхонга содиқ. У ўлдирилгандан сўнггина, муҳрини олади.

Давлат тўқима образи ҳам худди Улфатдек характерга эга. Лекин Давлат трагедияда кўп кўзга ташланмайди. Биринчи нардада Абулфайзхон ўз сўзи билан Давлатни Улфатдан қолишмаслигини, ўзига содиқликларини кўкак кўтариб мақтаркан, шундай дейди:

Х О Н. Бухорода эл бошлиқлари бўлмағонда, мен тинчгина хонлик сура олар эдим. Меним бутун қайғуларим шунлардандир. Оғам сотиб олган Улфат билан Давлат, кўрингиз-чи, мен чизгон чизикдан чиқадиларми?!

Ёки:

Х О Н. Мана шул Давлат билан Улфат каби ўнта одамим бўлса эди. Бутун Бухорони тинчгина сақлар эдим: ишнинг йўлларини билалар, теран тушиналар. Ёмонлик, ёғиликни эса сира ўйламоёйлар.

Улфат ва Давлат тўқима образлари «Абулфайзхон»га юкланган ижтимоий, фалсафий ғояни янада чуқурроқ англашилишида катта роль ўйнайдилар. Чунки Улфат ва Давлат Абулфайзхонни «теран тушиналар». Хоннинг «чизган чизигидан» чиқмайдилар. Трагедия воқеа-фожасаларининг авж бир нуқтага кўтарилишидан, Абулфайзхон ўз қилмишлари боис боши берк йўл - ўлим ҳолатига келиб қолгач, ёрқинроқ англашиладики, нафақат Улфат ва Давлат, балки хоннинг ўзи уларнинг «чизигидан чиқмагани» учун ҳалокатга маҳкум этилади.

Қози Низом ва Дониёл бий, Хўжа Калон ва Охун, қаландар Пўлдон ва Эргаш, Тоғойқул бек каби тўқима образлар ҳам асарнинг бош концепциясининг қучли, тушунарли чигишида катта аҳамиятга молик.

Ҳаким бий оталиқнинг одамлари бўлмиш Йўлдош ва Эргаш образлари Абулфайзхон саройининг ахволи, ички келишмовчиликлари ва ҳалокат ёқасига келиб қолганлигини яна ёрқинроқ ифода этадилар. Шунинг баробарида Ҳаким бийнинг жосуси бўлиб, оталиқнинг Эрон кўшинини Бухорога тезроқ кириб келиши учун «тинмай» саъй-ҳаракат қилувчи мунофиқ ҳамдирлар.

Ҳаким бийнинг уйида унинг яқинлари тўнланишиб, ўртадан Абулфайзхонни кўтариш масаласи кўриляётганда «икки қаландар товуши гелар Ҳаммалари тинглайлар. Қаландар товушлари»:

*Дунё, дунё, сен дунё-е,  
Кимга вафо қиларсан, эй!  
Дунё, дунё, сен дунё-е,  
Дунё, сен тез юрарсан!  
Дунё, дунё...*

Қаландарларнинг бу тизмаларни ўқиши тасодифан эмас. Драматург қаландарлар тилида бу дунёнинг ўткинчилиги, мол-давлат, мансаб-мартаба ҳеч кимга абадий насиб қилмаслигини таъкидлаб, «кимга вафо қиларсан, эй!» деркан, Ҳаким бий ва унинг ҳамтовоқларини оддийгина ҳаёт мантигини тушунмасликларидан киноя аралаш қулади. Қаландарлар кейинги мисраларни айтаркан, уларнинг шеъри айнан Ҳаким бий тоифасидаги кимсаларга қаратилгани аниқ бўлади:

*Элини каён сурарсан!  
Дунё, дунё...  
Кўн тез юрма, бир оз тур!  
Дунё, дунё...  
Йўлингни бир қараб кўр!  
Дунё, дунё...*

Мана, драматургнинг санъаткорона Ҳаким бий, Абулфайзхон, Нодир шоҳ, Раҳим бий, Мир Вафо каби шуҳрат, мансаб, тахт учун ўз элини қурбон қилиб бўлса-да, эришишга жазм этганларга, зўравонларга муносабати.

Қаландар «Элини каён сурарсан!» деркан, Ҳаким бийларнинг халқни боши берк кўчага, ҳалокат томонга сураётганига ишора қилаёттир. Бу шеърнинг Ҳаким бийнинг жосуслари Эргаш ва Йўлдош томонидан айтилиши -

масаланинг ташиқ томони. Улар қаландарларгагина хос бу тизимларни ўзларининг жосуслик мақсадларидан келиб чиқиб «шунчаки ёдлаган»лар. Айни пайтда Эргаш ва Йўлдошларнинг «Қаландарона» шеърлари, биринчи навбатда, ўзларига ҳам тегишли.

Фитрат «Дунё... Дунё...» деб беҳудага ўн икки марта такрорлаётгани йўқ. Бу такрор Ҳаким бийларга қаратилган айбномадек янграйди. Гуё, «эй тахт учун элни қонга, юртни душман оёқ остига итараётганлар, «Йўлингга бир қараб кўр!» у томони ҳалокат!» дегандек.

Трагедиядаги ғоянинг чуқур очилишига «хизмат» қилган Қурбонгул тўқима образидир. Қурбонгул Абулфайзхоннинг оддий хизматкори. Абулфазхон Раҳим бий томонидан қамалгач, Қурбонгулнинг хонга «арслоним» дейишидан билса бўладики, унинг хондан ёши катта. Қурбонгул хонлиқнинг «юраги» бўлиши Арк ичининг кўп йиллик «тарихи»дан хабардор. Қурбонгул Абулфайзхонни 1711 йилда ўз акасини ўлдиртириб тахтни эгаллашидан бошлаб, Раҳимхон томонидан қамаб қўйилганигача бўлган 36 йиллик хоннинг қилмишларидан хабардор, унга гувоҳ. Шунинг учун Абулфайзхонни қамалганини кўргач ичида феодал истибдод жамиятининг бу кирдикорларидан нафратланади:

Қ У Р Б О Н Г У Л (Ёлғуз). Ухлайдир...  
(Абулфайзхонга қараб - И.Ғ.) шўрим қурсин, дунёнинг қора чизикларини ўкумоқ учунми келдим мен! Худонинг сояси, деб подшоҳларнинг уйига сиғиндим. Буида кўрганларимни ҳеч кўз кўрмасин. Меним шунча йиғлашларимга қарамай, шул хон акасини ўлдурди. Унинг тахтига чиқди. Кармана бегини бола-чақалари билан тутиб, келтириб қамади. Сўнгра битта-битта ҳаммасини бўғдуриб, қудуққа ташлатди. Бу кун эса ўзини Раҳим бий қамаб қўйибдир. Эрта, албитта ўлдирар. Бунинг жойида ўзи «сояйи худо» бўлур. Бир-икки йилдан кейин яна биттаси чиқар. Уни ҳам сағанага жўнатиб «сояйи худоник»ни ўзи олар. Бизда бу қора кунларнинг қайғуси қоладир...

Қурбонгулнинг бу монологу Абулфайзхон салтанати ва у мансуб сулоланинг қилмишларини авра-астаригача оғиб ташлайди. Нафақат Абулфайзхоннинг, балки манғитлар сулоласининг бошловчиси Раҳим бий ва ундан кейин келгувчи яна бир «сояйи худо»ларнинг қилмиши ҳам

Абулфайзхондан ортга ортадики, асло камаймайди. Бу зўравонлик ва жосусликка асосланган тузумнинг «темир қонуши»дир.

«Абулфайзхон»даги тўқима образларнинг ҳар бири конкрет тарихий шахс ёки тарихий воқеанинг моҳиятини чуқурлаштириш ва ёритиш, фалсафий-ижтимоий томонларини инкишоф этишида муҳим роль ўйнайди. Улфат ва Давлат Абулфайзхон характерининг, ўз қилмишларининг қурбони бўлишини кўрсатади, Дониёл бий, қози Низом, Йўлдош ва Эргаш қаламдар ҳаким бий образининг фалсафий моҳиятини тараққийтиради. Ҳусайнхон ва Аҳмадхон Подир шоҳ характерининг барча қирраларини очишда хизмат қилса, Қурбонгул бутун трагедиядаги фоживавий воқеаларнинг «ўқ» илдизини топиб, очиб бергандек бўлади.

Фитрат ҳар бир тўқима образга, тарихий шахслар каби, аниқ фалсафий, ижтимоий, ахлоқий юк юклайди. Шулардан келиб чиқиб, «Абулфайзхон»даги тўқима образлар ҳақида қуйидагича хулосага келамиз:

- Ҳар бир тўқима образ ўзининг ижтимоий, ахлоқий, фалсафий моҳиятига эга;

- Улар тарихий воқеалар моҳияти ва шахсларнинг характерини янада чуқур очиб, руҳий дунёсини кўрсатиш учун лўла вазифасини ўтайди;

- Тўқима образларнинг ҳаракати ишонarli, шубҳа уйғотмайди.

- Ҳар бир тўқима образ, тарихий шахслар каби ўзича мустақил, бир-бирини такрорламайдиган ҳаракат қилсаларда, асарнинг бош концепциясига бирлашадилар.

## РАМЗИЙ ОБРАЗЛАР

Рамз - бирор фикр, ғоя, ҳодиса ёхуд предметни бошқа шунга ўхшаш воқеа-ҳодиса, предмет орқали тасвирлаш демак. Рамз ёхуд рамзий образлар фикрнинг, тасвирнинг таъсирчанлиги ва фалсафийлигини оширади, китобхон ёки томоншарини фикрлашга ундайди.

Рамзий образларнинг яна бир ўзига хос аҳамияти, кичик шакл орқали катта мазмунни ифодалаш имкониятига эгалигидир.

«Абулфайзхон» трагедиясининг финалида Раҳим бий билан Хаёл (Сиёвушнинг руҳи) рамзий образининг ҳаяжонли ва кўрқинчли диалоги берилади. Ҳуқуқчи ёки томошабин бу манзарани кўриши билан бсихтиёр асарнинг Шарқ ва ғарб адабийи анъаналари руҳида ёзилганини кўнглидан кечира бошлайди.

Трагедияда Хаёл реал шахслар билан тўшадан-тўғри мулоқотга кираркан, аввалида, ҳар қандай кишига ғайриоддий туюлиши, табиий.

Раҳим бий билан Хаёлнинг исёнкорона мунозарасини тушуномқ учун Шарқ ва ғарбнинг узок тарихга эга диний, адабий, фалсафий тажрибаларидан хабардор бўлиш керак.

Тўғри биз Шарқ адабийи анъаналарида кўпроқ Шайтон, Пари, Ҳин, Дев, Ялмоғиз кампир каби образларни кўраимиз. Ғарб адабиётида кўпроқ Иблис (Масалан, И.Гётенинг «Фауст»ида, М.Булгаковнинг «Уста ва Маргарита»сида Сехргар Воланд каби). Лекин бу шартли, рамзий образларнинг кўпчилиги (Паридан бошқа) кўп ҳолларда ёвузлик тимсоли бўлиб келади.

Шарқ халқлари адабий меросини теран билган, Ғарб адабиётидан бохабар Абдурауф Фитрат учун бу адабий анъаналар бегона эмас эди. Шунинг учун Фитрат «Абулфайзхон» тарихий фожеасига Хаёл рамзий образини олиб кирди.

Трагедияга Хаёл рамзий (тўқима) образини киритилишига адабиётшунослар икки хил муносабатда бўлдилар: А.Алиев, Э.Каримов, Б.Қосимов, Ж.Камол Хаёл рамзий образини «Абулфайзхон»даги ролини ижобий баҳоласалар, Ҳамид Олимжон, салбий муносабат билдиради.

«Сиёвуш образи, - деб ёзади Э.Каримов, - пьесанинг гоаявий йўналишини тушунишда катта роль ўйнайди ва асарнинг бадиийлигига, фалсафийлигига янада куч-қувват қўнади. Психологик тасвирни чуқурлаштиради.

Абулфайзхонга қарши исён кўтарган ва у билан бутун умр курашган Иброҳим бий оталиқ образи Сиёвуш образига мазмун-моҳияти билан яқин»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов Э. «Абулфайзхон» тарихий драмаси ҳақида. «Шарқ ва ғарб», 1989, 1-сон, 82-бет.

Жамол Камол Хаёлнинг асардаги энг ёрқин чиққан рамзий образ эканлигини таъкидлаб, ёзади: «Сиёвуш (Хаёл демоқчи - И.Ф.) эндигина соҳиби тахт бўлган манғит ҳукмдори устидан тарих ҳукмини ўқийди. Унинг муҳокамалари катта умумлашма даражасига кўтарилиб, уларда тож-тахт, якка шахс ҳукмронлигига суянувчи амирлик тартиботининг бутун қабоҳати очиб ташланади»<sup>1</sup>.

Адабиётшунос Б.Қосимов ва А.Алиевлар ҳам Хаёл образини энг муваффақиятли чиққан, асарнинг бош ғоясини очишда муҳим роль ўйнашини қайд этадилар<sup>2</sup>.

Ҳамид Олимжон Хаёл образини бутунлай оёғини осмондан қилиб талқин этади: «...Хонликка қарши курашнинг чин, ҳақиқий маъносини ташиган бир куч Фитрат қаламида учрамайди. У бундай қахрамонни хаёлот дунёсидан ахтаради ва асарининг охирида хонликнинг салбий томонларини танқид қилувчи бир хаёл пайдо бўлади.

Эҳтимол, ўқувчилар, Фитрат Хаёл образини берип билан шу эзилган деҳқонлар оммасининг вакилини кўзда тутгандир, деб ўйларлар. У ҳолда бизнинг олдимизга яна бир мунча саволлар келиб тушади. Фитратнинг бу қахрамонини Хаёл сифатида киргизишга мажбур қилган сабаб нима?»<sup>3</sup>.

Аввало, Фитрат ХҮШ аср қонли воқеалари, ғожеаларига умуминсоний муносабатлар мантиғидан келиб чиқиб Хаёл рамзий образи орқали баҳо беради. Воқеликка ўз муносабатини билдираркан, зулмга асосланган ҳар қандай ҳокимиятнинг таназулга юз тутиши тарихан муқаррар эканлигини исботлаб, Афросиёб манғитларгача, аниқроғи, Раҳим бийгача бўлган мустабидликнинг ярамасликларини фош қилади.

«Абулфайзхон»нинг бош концепцияси ва фалсафасини томошабинни олдига ойнадек намойиш қиладиган образларнинг энг кучлиси ҳам Хаёл, дейиш мумкин.

---

<sup>1</sup> Жамол Камол. «Абулфайзхон» - тўнғич тарихий драми. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги. 1989, 14 апрель.

<sup>2</sup> Қаранг: Қосимов Б. Инсон ғожеалари. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990, 6 апрель; Алиев А. Адабий мерос ва замонавийлик. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 84-90-бетлар.

<sup>3</sup> Олимжон Ҳ. Мукаммал асарлар тўплами. 10 томлик. 6-том. Тошкент: Фан, 1982, 233-бет.



Хаёл трагедияда шундай вазиятда пайдо бўлади: Абулфайзхоннинг 15 ёшли ўғли Абдумўмин Раҳим бий томонидан захарланган, бир неча дақиқадан сўнг Раҳим бий расмий тарзда тахтни эгаллаши аниқ. Раҳим бий Абулфайзхонни ўлдиргани камлик қилганидек, Иброҳим бий айтмоқчи, «ҳали бир бола» бўлган Абдумўминхонни ҳам қотилига айланди. Ҳали қўлларининг қони қуримай Раҳим бий янги сулолага асос солиб (!) ҳокимиятни эгаллайди. Пойдевори қон, қотиллик, фисқу фужур билан тикланаётган манғитлар одамизодга, аниқроғи, Бухоро халқига қандай эзгуликлар қилиши мумкин? Мана, драматург айтмоқчи бўлган ғоянинг бир учи!

Фитрат Раҳим бийни бутун ички дунёсини очиб кўрсатиш учун энг кўрқинчли ва қайғули вазият яратади ва психологик далиллаш воситасида янги хоннинг характеришни чизиб беради. Раҳимбийнинг ҳар бир ҳаракатидан характерининг муҳим бир қирраси очилади.

Абдумўминхон жон талвасасида. Ҳали кўп нарсага ақли етмаган бола ўлими олдидан ҳам мустабидларнинг асл қиёфасини тўлиқ идрок қилолмайди. У ўзини захарланга жузъат этган Раҳим бийдек ёвзудан нажот кутади:

А Б Д У МЎ М И Н Х О Н (Икки қўли билан кўкрагини тутиб, буруладир). Вой ёндим. (Ялинар) Бек бобожон, бу нима эди? Ёндим.

Р А Ҳ И М Б И Й. Жим турингиз, ҳеч нарса қилмайдир.

Абдумўминхоннинг инсоний изгириблари олдида Раҳим бий жонсиз бир ҳайкал. У ўз инсоний қиёфасини йўқотиб ҳатто ваҳший ҳайвон қилмайдиган ёвзулик қилмоқда. Жон бераётган бола эса, ҳамон унинг шафқатига муҳтож. У шафқат эмас, тахтни, отаси Ҳаким бий учуп олган қасослари ва етмаган орзуларига етажаги билан фарқ. Бола эса унинг инсонийлиги бир дақиқа бўлса-да ёдига тушар, ҳеч бўлмаса мендек гўдакнинг даҳшатли ўлими олдида ранги оқариб юрагида нимадир уйғонар деб кутади. Раҳим бий шу он инсон зотига мансублигини унутган. Шунинг учун Абдумўминхонга «Жим турингиз, ҳеч нарса қилмайди» деб айтади.

Бу драматизмга бой ҳолат давом этаркан Абдумўминхон сўнги нафаси қолгандагина Раҳим бийнинг ҳақиқий

башарасини танийди. Шунгача ундан нимадир кутади. Лекин ўша «нимадир» - инсонга хос шафқатни кўрмагач бор овози билан «Жаллод» деркан, бу 15 ёшли боланинг бутун зулм ва зўравонлик дунёсига қарата айтган ягона ҳукмдек янграйди:

А Б Д У М Ў М И Н Х О Н (Чидай олмай). Вой ёндим... Бир оз сув берингиз! (Абдумўминхоннинг кўзлари олайиб, юзи бузила бошлар). Ёндим. Бир оз сув берингиз! (қусмоқ қистаганда, тахтдан юмаланиб, тубанга тушар. Раҳим бийнинг сингирлари бузилар, кучли бир виждон азобига учраган каби, деворга таяниб, кўзларини Абдумўминга тикиб қотиб қолар. Қусиб, толпиниб, қийналиб ётган Абдумўминхон бирдан бошини кўтарар) Ж А Л Л О Д! (Раҳим бий с е с к а н а р) Мени ҳам ўлдирдингми?! (Яна йиқилиб толнина-толнина жон берар. Кўк гумбурлар, қаттиқ бир ел эсиб, шамларни ўчирар. Шу тобда тахтнинг бир четиндан, йигирма ёшар эронли бир афт - бир хаёл чиқар. Сочи орқага қайтарилиб, бўйни тўғрисида кесилган, боши яланг, эгнида кафан, оғир юриб Раҳим бийнинг қаршисига бориб турар. Раҳим бий жуда кўркүб, қаттиқ титрар).

«Абулфайзхон»даги сўнги бу эпизодни трагедиянинг ядроси дейиш мумкин. Абдумўминхоннинг фожеали ўлими олдидаги бу монолог Фитратнинг ўзига хос психологик таҳлил устаси эканлигини яна бир бор кўрсатади. Абдумўминхоннинг монологигадаги ҳар бир сўз, жумла яхлит бир трагик картина: аввал «Вой ёндим...» бир оз сув берингиз!» деса, шу дақиқанинг ўзида «кўзлари олайиб, юзи бузила бошлар». Бу фожеавий ҳолатни тасаввур қилишнинг ўзи азоб. Ҳолбуки, Раҳимбий уни «тамошо қилгандек» кузатиб туради. Яна Абдумўминхон «Ёндим. Бир оз сув берингиз!» деб такрорлайди. Бу шунчаки такрор эмас. фожеавий ҳолатнинг нақадар даҳшатини очувчи ҳайқирикдир. Абдумўминхон қусмоқ бўлиб, тахтдан қулаб тушади. Даҳшат устига яна даҳшат... Изтироб, қайғу.

Абдумўминхон бир сўзни айтиш учун бор кучини тўнлаб «Жаллод» деркан, шундан кейингина Раҳимбий илк сесканади. Балки одамлиги ёдига тушади. Абдумўминхоннинг ўлими воқеасидан кўркиб Раҳимбийдан олдин сесканган томошабин, Раҳимбийнинг сесканганини

кўргач, бирдан эътиборини унга қаратади. Раҳимбий «ескангач» орадан икки дақиқа ўтмай «кўк гумбуллар». Бу ҳам етмагайдек «Қаттиқ бир ел эсиб шамларни ўтирар». Бу даҳшатли воқеалар қолиплан усулидек бир-бирининг ичидан ўсиб чиқиб, бир-бирини тўлдириб умумий ғоя томон табиий ҳаракатланиб бораверади.

Шарқ анъана, урф-одатларидан хабардор томошабин шамнинг бирданига ўчишига беъэтибор қарамайди. Чунки элимизда шам - ҳаёт, умр рамзи. Табобатда соғлиқ, тириклик рамзи!

Шу боис шарқда томошабин ё китобхон шамол эсиб шамларнинг ўсишидан янги маъно қирраларини калф этишга киришади. Шам билан боғлиқ рамзийликни ҳали тунуниб, охиригача етмасдан «шу тобда тахтнинг бир четиндан, йнгирма яшар бир афт - ҳаёл чиқар. Сочни орқага қайтарилиб, бўйни тўғрисида кесилган, боши яланг, эгишда қафан, оғир юриб Раҳим бийнинг қарнисига бориб турар».

Шу ўринда шам, ёруғлик билан боғлиқ трагедиянинг фалсафий ғояларини ўзида мужассам қилган ички, кўринмас бир зашжирнинг «учи ва охири» тозилгандек бўлади. Трагедиянинг қандай бошланиб, хотимада қандай тугаши трагик конфликтнинг ўзига хос характерида биттаси. Масалан, буюк инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг «Ҳамлет»ида воқеалар ярим тунда бошланиб, тун ярмидан оққандаги воқеалар билан тугайди. Бунда ўзига хос шекспирона маҳорат, услуб, фалсафа ва шартлилик кўзга ташланади.

Фитратнинг мазкур трагедияси ҳам ана шундай сирлиликка эга. «Абулфайзхон»даги воқеалар «чил чироғ»нинг бутун шамлари ёниб турган, ташқарида чолғунинг овози эшитилиб тинаётган бир лаҳзада бошланади. Трагедия охирида Абдумўминхон ўлдирилгач, «Қаттиқ бир ел эсиб, шамларни ўтирар». Трагедиянинг бошида ёниб турган «муҳташам» шам (ёруғлик, элимизча эзгулик!) конфликт ҳалокатга етаглагач, асар охирида ўчади. Бундай «сирли», бир қарашда оддий туюлган рамзийлик, ёруғлик ва қоронғулик ҳақидаги фалсафий қарашларга туташади. Драматург айтмоқчи, бошда эзгулик оз бўлса-да, куёш олдидан «бир шам»дек кўринган бўлса, хонларнинг тахт талаши, ҳақ-ҳисобсиз қон тўкини,

адолатсизлиги, қотилликлар, босқинчилик, юртни хонавайрон қилиш, халқнинг сўнги шам мисолидаги ёруғ кунларига хотима. Бу шам оддий сўнмайди. «Кўк гумбурлаб», «Йигирма яшарли эронли афғ-Хаёл» (Сиёвушнинг руҳи) бекорга айнан Раҳимбийнинг олдига бориб тўхтамади. Бунинг ҳам ўзига хос фалсафий талқини бор: Убайдуллохонни ўз акаси Абулфайзхон томонидан ўлдиртирилишидан бошланган қирғинлар, неча қотилликлар оша Раҳимбийга «етиб келди». Бундан кейинги зулм-зўравонлик, қатл, қонхўрлик, оғ: тўқуликнинг авж олиши ёки интиҳо толиши Раҳимбийга боғлиқ. Лекин унинг кимлиги томошабинга аниқ: У қўлини Абдумўминхоннинг қонига богириб, сўнг тахтга чиқди!

Абдумўминхоннинг ўлими ва Раҳим бийнинг ҳокимиятни эгаллаши билан Сиёвуш руҳи - Хаёлнинг тасодифан пайдо бўлишида қандай боғлиқлик бор? Сиёвушнинг ўзи ким?

Сиёвуш Эрон шоҳи Кайковуснинг ўғли. Буюк Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги етакчи қаҳрамонлардан бири. «Шоҳнома»да тасвирланишича, Сиёвушни ўтай онаси Судоба севиб қолади. Судобанинг севгисини Сиёвуш рад қилгач, ўтай она уни ўзи билан бадном қилиб, шоҳга хийнаткорликда айблайди. Сиёвуш ўзининг ноқлигини исботлаш учун, ўз даврининг удумига кўра, от миниб ўтга киради ва ундан соғ чиқади. Шундан сўнг орият устига Туронга Афросиёбнинг олдига келади. Афросиёб унинг ақли, зеҳни, тadbиркор ва покдомонлигини кўриб қизини тўй қилиб Сиёвушга беради. Аммо чархи кажрафторнинг турли ўйинлари, игволарига учиб Афросиёб ўз куёвини беғуноҳ қатл эттиради.

Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асарида ёзилишича, «Юсуф алайҳиссаломдан сўнгра анингдек жамил йигит йўқ эрди... Ва ани Рустам асраб, тарбият топиб эрди». Алалоқибат, Сиёвушнинг беғуноҳ ўлими Эрон ва Туронда ҳисобсиз қон тўкилишига сабаб бўлди. «Рустам Сиёвуш қонин тилади. Туронга черик тортиб, ниҳоятсиз қатл қилди. Ва Афросиёб андин қочди ва Рустам Эронни бузондек Туронни бузиб, ёниб келди».

Демак, ёнлайин, беғуноҳ нобуд бўлган Абдумўминнинг жасади усимда Сиёвушнинг пайдо бўлиши тасодифан эмас

экан. 15 ёшли Абдумўмин ва 20 ёшли Сиёвуш ҳаёт чечаклари очилмай бевақт сўнган, икки бир-бирига Ухшаш тақдир эгаларидир. Шунинг учун Сиёвуш руҳи - Хаёлнинг жасад устида пайдо бўлиши ва Раҳим хонга қарата «кўп минг йиллик» ғазабини исёнкорона тўкиб сочишида мағтиқий, фалсафий боғлиқлик бор.

Мана, Раҳимбий билан Хаёл (Сиёвуш руҳи):

**РАҲИМБИЙ.** (Бўғуқ). Бу ким?.. Ким бу? (Хаёл қўли билан имлагач, парда очилиб, ўлуклар турғон бояғи зиндон кўринур).

**ХАЁЛ.** (Оғир товуш билан бир форсча назм ўқур)

*Сурати адли Хисривон ни аст.* (Зиндонни кўрсатур)

(Шоҳларнинг «адолати» шундайдир)

*Зулм дар олами ғараз дин аст.*

Ўз манфаати-чун зулм-диндайдир)

*Ожизонро диҳанд ғутга би хун.*

(Ўликларни кўрсатур)

(Ожизларни қонга берайдилар)

*То шавад хилвати ҳавас гулгуи.*

(Ўзлари хилватга гуллайдилар)

*Адл ни раиғ тухми раъфат қошт.*

(Адолат саодат тухмин экан)

*В-ой агар зулм тег мебар дошт.*

(Зулм тиглар ила жонларни тикар)

Хаёл тилидан айтилаётган Мирза Абдулқодир Бедилнинг тизимлари тасодифан танланмаган.

Маълумки, Шарқ классикларининг мероси ўзининг пурмаънолиги, ботиний ва зоҳирий маъно ифодалашу билан жозибалидир. Айниқса, «маънилари отаси» Мирзо Бедилнинг шеърлари классиклар ичида ҳам ўзининг сирли маъно ва фалсафаси билан юксак бир ўринда туради.

Трагедияда Хаёл рамзий образи тилидан айтилаётган мазкур мисралар, асар ғояси ва фалсафасининг географик чегарасини янада кенгайтиради, чуқурлаштиради.

Хаёл Раҳимбийга қарата зиндонни кўрсатиб «Шоҳларнинг адолати зулмдир», шоҳларнинг ўз манфаатлари учун «зулм - диндайдир», деркан, бутун инсониятни зулм ва зўрлик, шафқатсизлик ва эрксизлик ўчоғи - истибод тузумдан огоҳ этаётир.

Раҳимбий Хаёлнинг бирдан пайдо бўлиб, бундай яччиқ хақиқатга йўғрилган сўзларини эшитгаркан, талвасига тушади. Бу фақат кўркуйдан эмас. Унинг рагида занг босган инсоний тўғулари бир лаҳза кўз очгандек бўлади. Бу билан драматург катта ижтимоий ғояни илгари суради: Раҳим бий ҳам ондан бир махлуқ, қотиб бўлиб туғилгани йўқ. Уни мавжуд муҳит, ижтимоий-сиёсий вазият ана шундай фожией аҳволга солган.

Ўзида умумбашарий ғояларни мужассам эттирган Хаёл, «хонлиқнинг салбий томонлари» таъқиқ қилувчигина (Ҳ.Олимжон) эмас, бутун амирлик тартиботи, қолаверса, жамики зулм ва зўрлик-ла пойдевори тикланган ва тикланиётган жамиятларнинг авра-астарини титиб отаргувчи, исёнкор руҳли, зўравонликка қарши муроасиз курашувчи улғу, қудратли кучдир:

**РАҲИМ БИЙ.** Ким бу?...

**ХАЁЛ.** (тахтта қараб) Эй қора куч, эй қуриб кеттур тахт! Ҳеч гуноҳи бўлмаган болалардан, тоғ каби йигитлардан милёнчалари сен учун қурбон бўлуб кетарлар. Инсонлар томонидан яратилгон мингларча таширининг - энг бузуқбоши, энг шуми! Эй, қоп-қора саодат сенсан. Остингда қолгонларни эзгуси бир фалокат юки бўлғонинг каби, устинга чиққонларнинг борлиқларини ёндиргувчи бир олов тенасидирсан!

**РАҲИМ БИЙ.** Ким бу?! (кўрқа-кўрқа икки одим илгари босиб, бир нарса сўрамоқчи бўлар. Хаёл сўйлагач, яна кўркуб, кейинга айтар).

**ХАЁЛ.** Сен фазилатлик билимларнинг қўл, қанотларини узуб ташладинг. Инжу тизгувчи адибларнинг қаламларини ўчоқ сунурғусига айлантурдинг. Ота пичоғи билан болаларни бўғизладинг. Бола ханжари билан оталарни йиқитдинг. Дўстларин бўғуштирдинг, ўртоқларин уруштирдинг, даланинг эркини, шаҳарнинг тинчини, эрларнинг ғайратини, хотунларнинг исматини талатдинг. Отамдан қочиб, ўзига сийғиғоним ҳолда уёлмайн бошимни кесдирган Афросиёбингдан мана шу кимсасиз болани оғулаб, йиқитқон Раҳим хонингача мингларча йиртқич хонларни сен яратдинг, сен яшатдинг. Эй, инсоннинг душман ташириси, ачонгача бу онгсизлар тўдасини ўзинга - ҳам тошидуруб, ҳам қурбон қиларсан?! Эй, бойқушлар қафаси, бундай дев

интихолик ҳайвонларнинг қўли билан қачонгача дунёларни бир-бирига уруб турасан?! Тинчлик сақламоқ баҳонаси билан милёнларча инсон кўмасини чуқурдан-чуқурга юмалатмоғининг замони ханузгача битмадими?!

Хаёлнинг исёнкор монологи жаллод замон - истибодда қарата айтилаётган лаънат ва надомат, қаҳр ва ғазаб, жирканишдангина иборат эмас. Балки Хаёл рамзий образи бу истибод, зулм ва зўрлик, қотилликлардан қутилиш йўлини ҳам кўрсатаётир: «Инсонлик дунёси эсини бир жойга тўплаб, ўз ишига ўзи эга бўлг онча, сен ҳам, сенинг кабиларнинг ҳам ихтиёрингиздадир. Истаганингизча ҳукм сура оларсиз.

Шулардан келиб чиқиб, Хаёл (Сиёвуш руҳи) рамзий образи ҳақида қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

- Хаёл рамзий образи ўзига юкланган ғоявий, фалсафий вийғни тўла оқлайди. Уни трагедия бош ғоясининг ядроси, дейиш мумкин;

- Хаёл образи орқали истибод жамиятининг моҳияти очилиши баробарида, зулм, қотиллик қилгувчилар Абулфайзхон, Нодир шоҳ, Ҳаким бий, айниқса, Раҳим бийларнинг руҳий олами, психологияси чуқур тасвирланади;

- Хаёлнинг сўзлари ўз даври моҳиятини тўғри акс эттиради.

- Унинг пайдо бўлиши, ҳаракатлари ишонарли, ҳаяжонли.

- Хаёл ўзича мустақил, трагедиянинг бошқа қаҳрамонларига ўхшамайди. Драматург бу образни жуда юксак бадиий чўққига кўтара олган.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ . . . . .	3
<b>БИРИНЧИ БЎЛИМ</b>	
Фитратшунослик . . . . .	8
Хорижий фитратшуносликка бир назар . . . . .	71
<b>ИККИНЧИ БЎЛИМ</b>	
Арслон. Тарих бағридаги мусибат . . . . .	81
Айни йигит ёшида хазон . . . . .	84
Кексаликми, жоҳиллик? . . . . .	89
Шахссизлик фожеаси . . . . .	94
Босқинчилик – разолат. Эрк қайғуси. . . . .	109
«Бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилавер» . . . . .	100
Эркинликнинг қонли йўли . . . . .	117
Эрк ихтилолчилари. Ҳинд мавзуи - қадимий . . . . .	120
Нуриддиннинг муножоти . . . . .	127
«Қоп-қоронғи кечанинг-да тонги бордир» . . . . .	131
Сўз - сийрат, сўз - қиёфа . . . . .	136
«Сиёсий ишларнинг қоронғи ерлари...» . . . . .	144
Хурофот - бош фожиа . . . . .	149
Ғаройиб «рўзалар» . . . . .	150
Ғожиалар занжири . . . . .	157
Уч нуқта - ҳолат-характер . . . . .	158
Миллий психологик қиёфа . . . . .	160
Фитрат драмаларининг тили хусусида . . . . .	173
Фитрат драмаларининг сахнага кўйилиш саналари . . . . .	183
Фитрат ва шарқ мусиқаси. «Шашмақом» хайратлари . . . . .	184
Шарқ мусиқаси . . . . .	187
«Рок» ҳиндча «мақом» демакдир». . . . .	188
«Най уни бир дилкаш наво». . . . .	189
Турк мусиқаси . . . . .	190
«Тўққиз кўк» нима? . . . . .	193
«Турк» отли бир куй ҳам бор эмиш...» . . . . .	194
Улуғбек – мусиқа олими . . . . .	195
Чигатоё мусиқасининг олтин даври . . . . .	197
«Ғари наво»ми «Ғари навой»? . . . . .	199
Кавкабий ва эрон шоҳи таҳмосиб . . . . .	200
Мусиқамизнинг комил қадршуноси . . . . .	201



## УЧИНЧИ БЎЛИМ

Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясининг яратишдаги маҳорати. . . . .	202
Трагедиягача бўлган ўзбек драматургиясига бир назар	
Асарнинг яратилиш тарихи ва тақдири . . . . .	208
«Абулфайзхон»нинг ўрганилиш тарихи . . . . .	214
«Абулфайзхон» - трагедия . . . . .	220
Шекспир ва Фитрат . . . . .	226
Тарихий воқеалар ва бадий талқин. Тарихий ҳужжатдан — трагедияга . . . . .	236
Тарихий воқеаларнинг бадий тасвири . . . . .	243
«Абулфайзхон»нинг образлар дунёси ва фалсафий концепцияси. Тарихий шахслар образи . . . . .	256
Бадий тўқима образлар . . . . .	280
Рамзий образлар . . . . .	288

**Монография Бухоро давлат уиверситетининг илмий-техник кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.**

**Муҳаррир: М.Содиқова**

**Нашриёт рақами: М-24 Босишга рухсат этилди 12.04.05. Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> Офсет босма. Офсет қоғоз. Ҳисоб-нашриёт Т. 15 шартли босма т. 20,2. 43-буюртма. 1000 нусхада. Келишилган нархда.**

**ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, академик Я.Ғуломов кўчаси, 70.**

**Босмахона манзили: Фан ва технологиялар марказининг босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171-уй.**